



ISSN 2181-9599

DoiJournal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

№2 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

Джурасва Нилуфар Далибаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Ўтмишга назар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal Look to the past
Международный редакционный совет журнала Взгляд в прошлое

1. **Кебалдзе Мадонна** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
2. **Бурдиашвили Майя** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
3. **Кожакеева Ляззат Темирбековна** - тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республикаси.
4. **Сағдуллаев Анатолий Сағдуллаевич** - тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети
5. **Бобожонова Дилором Бобожоновна** - тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
6. **Зияева Доно Хамидовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
7. **Аширов Адҳам Азимбоевич** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
8. **Агзамова Гулчехра Азизовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
9. **Халикова Раҳбар Эргашевна** - тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети
10. **Ишанходжаева Замира Раимовна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
11. **Кобзева Ольга Петровна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
12. **Одилов Аброр Анварович** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
13. **Ерметов Аваз Абдуллаевич** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
14. **Сайнова Камола Давляталиевна** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
15. **Джоробекова Айнура Ғшимбековна** - тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси.

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА

1. Холиқова Раҳбархон Эргашевна XIX АСР БУХОРО АМИРИЛИГИДАГИ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ.....	4
2. Комилов Ойбек Камилович ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XX асрнинг 50-80-йиллари мисолида).....	11
3. Ўлжаева Шоҳистахон Мамажоновна АМИР ТЕМУР ВА ХОРАЗМ.....	18
4. Абдуҳалимов Абдурахмон Абдуўмиров ИСТИҚДОЛ ЙИЛЛАРИДА ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН.....	22
5. Азаматова Гулмира Байирбековна МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИННИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	30
6. Арифханов Бахтиёр Анварович 1918-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ - ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ.....	37
7. Аскарлов Мирзохид Махаммаджон ўғли ЎЗБЕКЛАР ДИНИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР АСОСИДА).....	46
8. Аҳмедов Жасурбек Зокиржонович ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	52
9. Асатова Гульсара Рашидовна ИСТОРИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ, СПОРТА И ОЛИМПЕЙСКОГО ДВИЖЕНИЯ В ФОНДАХ ЦЕНТРАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АРХИВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	57
10. Бабаджанова Нодира Абдулаевна МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК - ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ.....	66
11. Даламирзаева Гулчехра Абдунабиевна ЎЗБЕКИСТОНДА "ҚАЙТА ҚУРИШ" ДАВРИДА КООПЕРАТИВЛАР ФАОЛИЯТИ.....	71
12. Ёлоров Зоиржон Шакарбеович ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	77
13. Ziyayev Farhod Sobirovich TURKIY XALQLARNING KELIB CHIQISHI, TARQALISHI VA HOZIRGI ZAMON.....	83
14. Ziyayeva Dilorom Solixovna TEMUR TUZUKLARI VA HOZIRGI ZAMON.....	89
15. Инатов Мурот Ниятович XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЧИЗГИЛАР.....	95
16. Кариева Нигора Анваровна XIX ИККИНЧИ ЯРМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА П.П.СЕМЁНОВ- ТЯНШАНСКИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
17. Каримов Нодир Рахмонкулович ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА "ҲАКИМИЯ".....	111
18. Мирзалиев Зоҳиджон Райималиевич АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ.....	122
19. Раҳимжанова Нигора Қудратиллаевна ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ СОҲАЛАРИ РИВОЖИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	126
20. Расулова Дурдона Бахроновна XIX - XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ФРАНЦУЗ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ.....	131
21. Саипова Камола Давляталиевна ДИНАМИКА ФОРМИРОВАНИЯ МНОГОНАЦИОНАЛЬНОСТИ В ПОСЛЕДНЕЕ ДЕСЯТИЛТИЕ СОВЕТСКОГО ГОСПОДСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ.....	139
22. Қудратов Олди Бозорович МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	145
23. Холназарова Лағофат Самиевна XX АСРНИНГ БОШИДА БУХОРОДА МАВЖУД БЎЛГАН ШАХСИЙ КУТУБХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИ.....	150
24. Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич СОВЕТ ИТТИФОҚИ "ТУРҒУНЛИК" ВА "ҚАЙТА ҚУРИШ" ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	155
25. Холов Воҳид Юсупович ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА МИНТАҚА ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАНБАЛАР АСОСИДА).....	163
26. Эмирмуров Суҳробжон Турсатович МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	168
27. Юсуфов Иzzат Султонович ХОРАЗМДА V-XII АСРЛАРДА АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	172
28. Ширинова Фотима Носировна IX-XII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА УЙҒОНИШ ДАВРИ, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	176

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Холиқова Раҳбархон Эргашевна,
Тошкент давлат техника университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири
тарих фанлари доктори, профессор

ХІХ АСР БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX асрда Бухоро амирлигида меъморчилик ва қурилиш ишида қандай анъаналар мавжуд бўлганлиги у ерда қурилган Ситораи Моҳиҳосса, Арк, Чор минор, қурилишида қўлланилган услублар, безаклар тарихи ҳақида сўз боради. Бу давр меъморчилиги ҳақида рус талқиқотчилари, маҳаллий муаллифлар томонидан билдирилган фикрлар таҳлил қилинади. Шунингдек ўша давр талқиқотчилари Бухоро шаҳри кўчалари, масжид ва мадрасалари ҳақида ҳам маълумот берадилар.

Калит сўзлар: меъморчилик, иншоот, минора, арк, қалъа деворлари, мадраса, карвонсарой, мажмуа, сарой, қароргоҳ, гузар, дарвоза, даҳлиз, хонақоҳ, айвон.

Халикова Раҳбар Эргашевна,
Ташкентский государственный технический университет
заведующая кафедры "Истории Узбекистан"
доктор исторических наук, профессор

ТРАДИЦИИ АРХИТЕКТУРЫ В XIX ВЕКЕ В БУХАРЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о традициях архитектуры и строительства в Бухарском эмирате в XIX веке, построениях Ситораи Мохиҳасса, Арк, Чор Минор стиль используемый в строительстве, история декорации. Об архитектуре этой эпохи анализируется мнения русских исследователей и местных авторов. В то же время исследователи также предоставляют информацию об улицах, мечетях и медресе в Бухаре.

Ключевые слова: архитектура, здание, башня, дуга, стены замка, медресе, караван-сарай, комплекс, дворец, лагерь, гузар, ворота, прихожая, столовая, терраса

Xalikova Raxbarxon,
Tashkent State Technical University
Head of the Department "History of Uzbekistan"
Doctor of Historical Sciences, Professor

TRADITIONAL ARCHITECTURE OF THE XIX CENTURY OF BUKHARA

ANNOTATION

The article represents traditions of architecture and construction in Bukhara Emirate during XIX century, as well as the history of embroideries and technics of construction of Sitorai Mokhihossa, Ark and Chor Minor. Russian researchers analyze the local authors opinions about those times architecture. And also researchers of that period gave the information about the streets, mosques and medreses.

Key words: architecture, building tower ark, walls of the castle residence, guzar, gate lodge, veranda.

Бухоро меъморчилиги ва қурилиш иши қадимий тарихга эга. Биз ўрганаётган давр ҳақида кўплаб олимлар ҳам ўз изланишларини олиб борганлар. Булар, Э.Эверсман [1], Н.Хаников [2], П.П.Шубинский [3], И.И.Умняков [4], В.В.Бартольд [5], О.А.Сухарева [6], Е.К.Мейендорф [7], М.И.Ремпель [8], Г.А.Пугаченкова [9], П.Савельев [10], маҳаллий тарихчилардан, Муҳаммад Али Балжувоний [11], А.М.Мухамеджонов [12] ва бошқалар.

Бухоро XIX асрдаги ва XX аср бошларидаги меъморий анъаналарга мурожаат этар эканмиз бу ҳудудда алоҳида меъморий анъана мавжуд бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Бухоро меъморчилик мактаби анъана бўлиб қолган уй-жой меъморчилигининг ёрқин намуналарини ўзида мужассам этган.

Бухоро шаҳрининг анъанавий халқ меъморчилигини тавсифлар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, унда турар жой кварталларини тартиб билан қуриш режалаштирилмаган. Уй-жойлар бетартиб равишда қурилган. Аммо кварталлар қурилишини кузатар эканмиз, турар -жойлар ҳудудида сув ҳавзалари (ҳовузлар) борлиги одатда уларнинг атрофида гузарда истиқомат қилувчилар учун масжидлар қурилишига эътибор берилганлигини илғаб олиш қийин эмас. Ўрта Осиё шаҳарлари халқ турар жойларининг таниқли талқиқотчиси В.Веронина турар жой қиёфаси бир қатор ижтимоий, тарихий, этник, табиий иқлим омиллари билан боғлиқ эканлигини қайд этган. "Турар жойнинг алоҳидалиги, кўчадан унинг ажратилганлиги, кўчалар ораси араваларнинг эни ва қўлами ҳажмида йўл қолдирилганини аниқлади. Ўрта аср феодал тузуми шароитларидан келиб чиқиб турар жойларни ёпиқ деворлар билан яқунлашнинг ҳам ўз сабаблари бор эди. Масалан, баъзи ҳолларда ўзига тўқ шахслар ўз бойлигига босқинчиларнинг даҳл қилишларидан ҳимояланишга мажбур бўлганлар. Кечки пайт аҳолининг хавфсизлиги етарли таъминланмаган; ёзнинг юқори даражадаги иссиқлигига қарамай, шаҳарнинг ночор санитар ҳолати, турар жойларнинг кўчадан ажратиб ва қўлай микроиклим яратиш, тозаликни таъминлаш ва ҳақозоларга мажбур бўлинган [13].

Алоҳида меҳмонхоналарни эса фақат бадавлат, таъминланган оилаларгина барпо этганлар. Аҳолининг камбағал қатламларида бундай хоналар бўлмаган. Кўпгина оилаларнинг турар-жойлари тарҳи, улар аъзоларининг сони билан боғлиқ бўлган усти ёпиқ ҳовлида айвон иншоот), хўжалик хоналари, молхона (оғилхона), хожатхона ва ҳовлини ўзига қамраб олган. Бухорода асосан, одатда икки ёки уч қаватли уйлар қурилган. Бу ҳолат шаҳар аҳолисининг зич жойлашганлиги билан изоҳланган.

Е.Мейендорф уйлар қурилишининг қуйидаги хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини кашф этади: "кулрангроқ рангдаги лойсувоқ деворлар", "қийшиқ-қингир, ифлос ва бир амаллаб ўтказилган кўчалар, дерзасиз уйлар, тор кўчалар. Бу ҳолатни XX аср бошида яшаб ижод этган татар маърифатпарвар адиби ва жамоат арбоби Бурхон Шараф ҳам "Бухоро мактублари" хотира қайдларида тўхталиб ўтади: Бухоронинг кўчалари тор, нотекис, тош ётқизилмаган, ёруғ тушмайди, уйлари лойдан, деразалари бинонинг ички ҳовли қисмида" [14]. Буларнинг барчаси миллий меъморчиликнинг султ ривожланганлигидан дарак беради.

Маҳобатли иншоотлардан Мейендорфни хон саройи - "арк", Мири араб минораси, масжиди, мадрасаси, қарвонсаройи ўзига жалб этган[15]. Бироқ Мейендорф мазкур қурилишларнинг тарихи хусусида батафсил маълумотлар бермайди. Муаллиф Бухоро бозорларини жуда ёрқин рангларда баён қилади [16].

Муҳаммад Али Болжувоний "Тарихи Нофей (Фойдали тарих)" асарида "Бу шаҳарда 196 та маҳалла, 299 та беш вақт номоз ўқиладиган масжид мавжуд", деб Бухоро шаҳри атрофини девор ва қалъалар ўраб туриши ва унда 11 та дарвоза ўрнатилганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Бу дарвозалар қуйидагича номланган:

1. Қарши дарвозаси уни Кавола дарвозаси ҳам дейдилар;
2. Бобои Порадуз дарвозаси;
3. Намозгоҳ дарвозаси Силоҳона (кўрхона) дарвозаси ҳам дейилур;
4. Шайх Жалол дарвозаси;
5. Қоракўл дарвозаси;
6. Тиргарон дарвозаси;
7. Талопоч дарвозаси;
8. Ўғлон дарвозаси;
9. Ҳазрати Имом дарвозаси;
10. Самарқанд дарвозаси;
11. Мозори Баҳовуддин дарвозаси [17].

Бухоро дарвозалари ҳақида И.В.Виткевич ҳам ўз асарида маълумот берган [18].

Бухорода 300 га яқин масжидлаш мавжуд эди. Бухородаги масжидлар ҳолати Виткевичнинг фикрича, уларнинг кўплари бизларнинг уйларимиздан ҳам хароб ҳолда бўлиб, беўхшов, лой чапланган, гумбазли қоронгу, минора ўрнида айримларида унча катта ва баланд бўлмаган мезона бўлиб, муаззин ўзининг азонларини масжиднинг зинасида айтарди. Кўпгина масжидлар унча катта бўлмай уларга 100 нари борса 150 киши сиған [19]. "Бу билдаи фохирада авлиё ва тақводорлар кўпдир. Карийиб 400 та мадрасаси, бир қанча қабристонлари ва қорихоналари мавжуд" [20].

Аммо адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, Бухоро шаҳридаги масжидлар юзаки қараганда, бир типда кўринса-да, бу турдаги иншоотларнинг бир талай турли-туман тархлаштирилган ва ҳажмий-фазовий ечимга эга бўлганлари ҳам мавжуд эди. Гузар масжидлари айтилган улар улкан дид ва яратувчанлик қобилиятга эга бўлган халқ усталари томонидан бунёд этилган эди.

Дастлаб XVIII аср бошида Бухоро Регистонининг ғарб томонида Арк (хон ўрдаси ва қароргоҳи) қаршисида Болои - Ҳовуз масжиди (1712й) қурилган [21].

Айтиб ўтилган Болои - Ҳовуз масжидидан ташқари XVIII асрда Бухорода яна Домла Турсунжон мадрасаси (1796-1797), Халифа Худойдод иншооти мажмуаси (1777 йил) бир вақтда қурилиши бошланган иккита Раҳмонқул ва Элназар элчи мадрасалари ҳам шу (1794-1795) даврга мансуб [22].

XVIII асрда Бухородан 30 км масофада сўфий аёллари хонақоси Қиз-биби меъморий мажмуаси қурилган.

Бухородаги қадимий тарихга эга бўлган яна бир кўркем иншоот бу Ситораи Моҳиҳоссадир. Ситораи Моҳиҳосса саройи шаҳарнинг шимолий қисмида қурилган бўлиб, унинг эски қисми Амир Насрулло ва Амир Музаффар даврида бунёд этилган. Ситораи Моҳиҳосса саройининг янги бинолари Амир Абдулаҳатхон даврида қурилган. Саройнинг қадимги биносини уста Хўжа Ҳофиз, уста Насруллабой, уста Останакул ва бошқа халқ усталари қурган [23].



Бу бинонинг безашда халқ усталари ўйма ганчкорликда ва деворларга суръат солишда ажойиб маҳорат намуналарини кўрсатганлар. Ганчга заргарликка хос нозик санъаткорлик билан ишланган нақшлар ва шу нақшларнинг кўринишига мос қилиб жуда усталик билан ораларига ўрнатилган катта-катта ойналар бинога қандайдир салобат бағишлайди [24].

Ситораи Моҳиҳосса янги биноларини қурилишини Мирзо Устамехдин, инженерлик ишларини Маргулис олиб борган. Ситораи Моҳиҳосса архитектура кўриниши бадий безакларини амалга оширишда халқ усталарининг меҳнатига тан бермай иложи йўқ. Сарой биносининг қурилишига дастлаб уста Абдурахим Ҳаётов, кейинчалик уста Шири Муродов жалб қилинган [25]. "Оқ сарой" уста Шири Муродов ижодининг намунасидир. У билан бирга ганчкорлардан уста Хўжакул, уста Хўжақурбон фаолият олиб борган. Ёғоч ўймакорлиги ишини саройда Қора Чубин, Абдуғафур амалга оширган. "Оқ сарой" ва айвон 1912-1914 йиллар ораллиғида қуриб битирилган.

Ситораи Моҳиҳосса янги қурилган биносига рус подшоси амалдорларини қабул қилишган бўлса эски биносиде маҳаллий бойлар ва тadbиркорларни қабул қилинган [26].

1807 йилда Бухорода шаҳарнинг Мозористон дарвозаси қисмида, бадавлат



туркман Халиф Ниёзкул маблагига ноодатий бўлган Халиф Ниёзкул мадрасаси қурилган. Мазкур мадраса "Чор Минор" (Тўрт минора) номи билан ҳам машҳур. Мадраса ўз ичига икки томонлама бир қаватли хужралардан иборат ҳовли, устунли айвони бўлган, ёзги масжид тошлар билан сайқаланган ҳовузни ўз ичига қамраб олган. Мадраса ўзига хос бетакрор кириш қисми- тўрт равоқли гумбаз бурчакларидан мовий

гумбазчалари бўлган тўрт минора қад кўтарган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос нақшлар билан зийнатланган бўлиб бу алоҳида қиёфа акс этади.

Уч минора ёрдамчи хоналар вазифасини ўтаган. Тўртинчи минорада иккинчи қаватга, яъни кутубхонага олиб чикувчи зина қурилган. Ўтиборлиси шуки, Чор-Минор мадрасасининг ҳар бир тўрт минораси турлича шакл ўзгача безаги билан ажралиб туради. Маҳаллий аҳолининг иноят қилишларича, агар диққат-этибор билан кузатилса, ҳар бир миноранинг зийнатида ҳоч, ярим ой, буддавий гилдирак рамзларини учратиш мумкин. Усталар ҳар бир минорада тўрт асосий динни биттадан тасвирлашга интилганлар деб ҳисоблашади [27].

Г.А.Пугаченкова Чор Минор мадрасасини комплекс иншоот деб атайди, қайсики масжиднинг кубсимон массиви, тагига ғиштлар тўшалган ўйма ёғоч устунлари бўлган икки томонламали айвон, бир қаватли хужралар кириш қисми билан яқунланадиган иншоот тизмаси ҳовли юзаси бўйлаб ястанган.

Ҳовлида бир талай дарахтлар орасида асосий кириш қисмининг ўқидан четроқда катта сув ҳавзаси тошлар билан терилган зинасимон ҳовуз жойлашган" [28].

Бухоро меъморчилик мактаби архитектура ўймакорлик, ганчга ва ёғочга нақш ишлашнинг ўзига хос яхлит бир услубини илгари сурди.

Халқ усталари бир суръатда бўрттирма нақшларни бир-биридан ажратиш усулини ўзгартириш йўли биланоқ, бу суръатга тамомила бошқа тус бердилар. Уларнинг ижодида асрлардан бўён ишланиб, мукаммаллашиб келаётган ўймакорлик турларидан - пардоз ҳаммадан ҳам изчиллик билан акс эттирилган. Ўймакорлик турларини хилларга бўлишда фоннинг характери, рельефнинг кўндаланг кесими, зинадорлиги ва кўп хиллиги асос қилиб олинади [29].

Бу давр оммавий меъморчилиги ўрганиш учун И.Виткевичнинг маълумотлари катта аҳамият касб этади. Масалан турар жойлар хусусида, уйлар тагида омборлар ва ошхоналар қурилганлиги хабарини беради. Унинг ёзишча бухороликларнинг турар жойлари учун гавжум ҳовлилар, тор эшиклар, текис томлар, деразасиз кўчага чиқувчи, ёпиқ деворлар характерлидир. Бухороликларнинг тўрт девор ичидаги турмуш тарзи хусусида қуйидаги маълумот гувоҳлик беради: "Ҳовлига ҳам, уйга ҳам кишини киритмайдилар, эшиклар доимо берк бўлади; агар кимдир эшикни тақиллатса уй эгаси ташқарига чиқади, айниқса мусофир киши бўлса меҳмонни алоҳида - меҳмонхонада қабул қилади, бироқ ҳаммада ҳам бундай имконият мавжуд эмас. У бевосита дарвоза олдида жойлашган бўлиб, алоҳида девор билан ўралган [30].

Шаҳарнинг ўртасида Афросиёб қурдирган бир қалъа бор. Ҳозир уни Арки Олий дейдилар[31]. Бухоронинг энг таниқли архитектура бўлган қароргоҳ (Арк) - улкан фортификацион ер иншооти ҳисобланади. У 16-20 метр баланд қилиб уюлган тепа устида жойлашган[32]. Қароргоҳда: ҳокимлар саройи, сарой маҳкама арбоблари ва лашкарбошилар саройи ҳунармандлар устaxonалари, хазина, қурол-аслаҳа хона, қариндош-уруғлар ва сарой аёнлари хоналари, кийим-кечак, гиламлар, қурол-яроғ, сарой бойликлари хоналари жойлашган. Регистон майдони узра қад кўтарган Бухоро Арки, ҳукмронликнинг даҳлсизлиги ва улугворлигининг рамзи ҳисобланади.



Бухоро Арки тарҳда тўғри конфигурацияга эга бўлган, махсус баландликка жойлашган, алоҳида мустаҳкамланган иншоотдир, майдони тахминан 4,2 гектарни ташкил этади. У: бири Шаҳристонга, бошқаси рободга олиб чиқувчи икки дарвозага эга бўлган[33]. Араблар истилосига қадар Аркда шаҳар ҳокимлари-бухорхудотлар яшади. Сомонийлар даврида (IX-X асрлар) Арк қайтадан қурилди, ҳамда девор ва мезаналар билан мустаҳкамланди. (Шимолий-ғарбий томондаги мезананинг ўрни ҳозиргача сақланган).

Қорахонийлар сулоласи даврида (XI аср) ва мўғуллар босқинчилиги вақтида (XIII аср) Арк бир неча марта вайрон қилинди. Арк XVI асрда Шайбонийлар сулоласи даврида ҳозирги қиёфасига кирди [34].

П.Савельев Арк ҳақида XIX асрнинг 30-йилларида қуйидагиларни ёзади: Бухородаги энг ажойиб бино бу арк, қароргоҳ ёки хон саройидир. У деярли шаҳар марказида бўлиб, кесик конус шаклидаги баландлиги 200 фут бўлган тепаликда жойлашган ва 60 фут баландликда бўлган тишсимон девор билан ўралган.

Қайсики, у фақат бир дарвозага эга бўлиб, гиштдан қурилган, ён томонларида тепаликнинг асосидан юқорига кўтарилиб борувчи миноралари бўлган. Қадимий равоқли узун даҳлиз тепаликнинг юқори қисмига олиб боради: у ерда хон, унинг фарзандлари, харами, бош вазири яъни қушбеги истиқомат қиладиган хоналар бир масжид, бир қанча зарурий хоналар бўлиб, у ерда ҳибс қилинганлар ва кўриқчилар ва отлар сақланадиган хоналар бўлган. Буларнинг барчаси бог билан ўралган. Хуфтон номозидан кейин, сарой қоровуллари икки баробар кўпайтирилган ва дарвоза беркитилган [35].

Аркнинг аксарият кўп бинолари манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида қурилган. Қароргоҳнинг тантанавор кириш қисми икки минора билан қуришб олинган. Миноранинг юқори қисмида яхши сақланиб қолган хоналар ва шаҳар қоровули учун терассалар галарейлар билан боғланган. Асосий дарвозага пандус (қия йўлак) орқали кўтарилган, қайсики усти ёпиқ узун даҳлиз орқали жомё масжидига олиб борган. Даҳлиз ёни бўйлаб, сув (обхона), кўм (реғхона) ва маҳбуслар учун камералар (қамоқхона-зиндон) жойлаштирилган.

Фарб томонда: подшо тахти "кўриниш-хона" (XVII асрда қурилган), жума масжиди (XVIII аср), амирнинг бош вазири, "қушбеги-боло" (XIX-XX аср), кутлов ҳовлиси "саломхона" (XIX-XX аср) ва отхона, "саис -ҳож" (XIX-XX аср) жойлашган.

Жанубий қисмда: Хонақо масжиди (XIX аср) ва амир ҳаммомининг қолдиқлари (XIX аср) сақланиб қолган.

Шимолий қисмда-Баттол - Фози хонақаси (XVIII аср) ва "Чилдухтарон" (40 қиз) масжиди; мазкур масжид амир Насрулло фармонида биноан қатл этилган қирқ қиз хотирасига (XVIII асрда) қурилган.

Бугунги кунга келиб, ўтмиш меъморлари яратган ва барчани ҳайратга солиб келаётган ёдгорликлар билан танишиш, уларга алоқадор тарихий манбаларни кунт билан ўрганиш кун тартибидagi муҳим масалалардан биридир. Зеро, маланий меросни чуқур эгаллаш, ундаги ижобий жиҳатларни узвий ривожлантириш келажак авлод маънавий тақомили учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Eversmann Eduard. Reise von Orenburg nach Bukhara.- Berlin, 1823
2. Хаников Н. Описание Бухарского ханства. -СПб, 1892.
3. Шубинский П.П. Очерки Бухары. --СПб, 1892.
4. К вопросу об исторической топографии Бухары// Сборник Туркестанского восточного института в честь Э.Шмитда. -Ташкент, 1923.
5. Бартольд В.В. Место домусульманского культа в Бухаре и ее окрестностях. Соч. в 9-и томах. Том II, ч.2.-Москва: Наука, 1964, -С.471-481; Он же, Бухара. Ее памятники и их судьба. Соч.том IV.-Москва: Наука, 1965. -С.280-281.
6. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. -Ташкент: Фан, 1958 ; Она же, квартальная община позднефеодального города Бухары.-Москва: Наука, 1976; Ее же, Очерки по истории среднеазиатских городов // История и культура народов Средней Азии.- Москва: Наука, 1976. -С. 132-148
7. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга а Бухару. -М., 1975. -С.100-101.

8. Ремпель Л.И. Далекое и Близкое. Бухарские записи. -Ташкент. 1982.
9. Пугаченкова Г.А. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. -М., 1965.
10. Савельев П. Бухара 1835 году. С присоединением известий обо всех европейских путешественниках, посещавших этот город до 835 7ода включительно. -Спб., 1836.
11. Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (фойдали тарих). -Т.: Академия, 2001.
12. Мухамеджанов А.Р. Историко-топографический план Ахмада Дониша. // Общественная наука в Узбекистане. -Ташкент, 1965, №5.
13. Веронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана //http://wwwbuhara.ru/uz/compsitia/ 356 htm
14. Бурхон Шараф. Бухоро мактублари. Татар тилидан Шермурод Субҳон таржимаси. -Т.:Turon-ZaminZiyo, 2014. -Б.20.
15. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга а Бухару. -М., 1975. -С.100-101.
16. Ўша жойда. -С.101.
17. Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (фойдали тарих). -Т.: Академия, 2001. -Б.10.
18. Записки о Бухарском ханстве: (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). -М.:Наука. Гл.ред. восточной лит. 1983.-С.98.
19. Ўша жойда. С.103.
20. Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (фойдали тарих). -Т.: Академия, 2001. -Б.10.
21. История народов Узбекистана. Т.2. -Тошкент, 1947. -С.133.
22. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. -М., 1965. С.375.
23. Ремпель Л.И. Далекое и Близкое. Бухарские записи. -Ташкент. 1982. -С.151.
24. ЎзССР тарихи. -Т., 1971. -Б.470.
25. История Бухары с древнейших времен до наших дней. -Т.:Фан, 1976. -С.190.
26. Ремпель Л.И. Далекое и Близкое. Бухарские записи. -Ташкент. 1982. -С.152.
27. Пугаченкова Г.А. Чор Минор //http:// vseмирnaya-istoriya. ru/istoricheskie-pamyatniki /92-istoricheskibukhari/677-chor-minor. html.
28. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. -М., 1965. С.376.
29. ЎзССР тарихи. -Т., 1971. -Б.471.
30. Записки о Бухарском ханстве: (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). -М.:Наука. Гл.ред. восточной лит. 1983.-С.104.
31. Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (фойдали тарих). -Т.: Академия, 2001. -Б.16.
32. Бухоро қисқача справочник. -Т.: ЎзССР Давлат нашриёти, 1959. -Б.32. www.ziyo.uz.com kutubxonasi.
33. Ремпель Л.И. Далекое и Близкое. Бухарские записи. -Ташкент. 1982. -С.104.
34. Бухоро қисқача справочник. -Т.: ЎзССР Давлат нашриёти, 1959. -Б.32. www.ziyo.uz.com kutubxonasi.
35. Савельев П. Бухара 1835 году. С присоединением известий обо всех европейских путешественниках, посещавших этот город до 835 7ода включительно. -Спб., 1836. -С.8.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Комилов Ойбек Камилович,
Андижон давлат университети Фуқаролик жамияти назарияси
кафедраси профессори в.б, тарих фанлари доктори

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУГОРИШ ИНШООТЛАРИНИНГ
БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XX асрнинг 50-80-йиллари мисолида)**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 50-80-йилларида Ўзбекистонда марказнинг пахтачиликни янада ривожлантиришга доир олиб борган чора-тадбирлари, ана шу мақсадларда йирик сугориш каналлари ва насос станцияларининг барпо этилиши оқибатида республикада пахта яккахоқимлиги сиёсатининг кучайиб борганлиги архив манбалари ва тарихшунослик материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ирригация, сугориш канали, насос станцияси, дюкер, коллектор, дренаж, совет хукумати, марказ, пахта яккахоқимлиги.

Комилов Ойбек Камилович,
доктор исторических наук, и.о.профессор
Андижанский государственный университет

**ИЗ ИСТОРИИ СТРОИТЕЛЬСТВА ИРРИГАЦИОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В
УЗБЕКИСТАНЕ (На примере 50-80-х годов XX века)**

АННОТАЦИЯ

В статье на основе архивных источников и историографического материала проанализирована политика центра по дальнейшему укреплению монокультуры хлопка в Узбекистане, что подтверждается в предпринимаемых мерах по строительству крупных оросительных каналов и насосных станции в республике в 50-80-х гг. XX века.

Ключевые слова: ирригация, оросительный канал, насосная станция, дюкер, коллектор, дренаж, советское правительство, центр, хлопковая монокультура.

Komilov Oybek,
Professor Andijan State University
Doctor of Historical Sciences

**FROM THE HISTORY OF THE BUILDING IRRIGATION CONSTRUCTIONS IN
UZBEKISTAN (As an example 50-80 years of XX century)**

№ 2/2019

In the article it is analyzed the policy of the centre of the further strengthening mono cultural clap in Uzbekistan that in undertaken measures on building of large irrigation canals and pumping stations in republic on the bases of archival sources and a historiographical materials in 50-80 XX century.

Key words: irrigation, irrigation canal, pumping station, siphon, collector, drainage, Soviet government, centre, cotton monopoly.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз тарихини ҳолисона ва илмий тарзда тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ўтмиш тарихига муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бир қатор тарихий мавзулар сирасида, тарихан шақлланиб келган ирригация тизими ҳамда суғорма деҳқончилик маданияти тарихини назарий-концептуал ёндашув асосида ҳаққоний ўрганишга алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишларида "суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш" [1, Б.34] каби муҳим вазифалар белгиланган. Шунингдек, Президент Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компаниялар ва бошқа идоралар, барча бўғиндаги ҳокимликларга [2, Б.41-43] қўйилган республикадаги экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, тармоққа илгор агротехнологияларни жорий этиш каби стратегик масалаларни қўллаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Пахтачиликни тараққий эттириш суғориш билан узвий боғлиқ бўлиб, шу мақсадда, XX асрнинг 50-йилларидан республикада кўплаб йирик каналлар ва насос станциялари барпо этилди. Бу ирригация иншоотлари орқали сув чиқмайдиган пахта майдонлари суғорилди. Бунинг натижасида марказнинг пахта яккахокимлиги сиёсати кучайиб борди, унга республикадаги суғориш иншоотлари тўла бўйсундирилди. 1952 йил 12 июлда собиқ СССР Пахтачилик вазирлиги "Сталин номли Катта Фарғона каналининг техникасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги буйруқни эълон қилди [3, В.39]. Унда Сталин номли Катта Фарғона каналининг техник ҳолатини яхшилаш ва Фарғона водийсида суғоришни ривожлантириш учун унинг сув ресурсларидан кенг фойдаланиш, ЎзССР Сув хўжалиги вазири ва Сталин номли Ката Фарғона канали эксплуатация бошқармаси бошлиғига уч ой муддат ичда маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда бошқарма штатларини комплекслаштириш, бошқарма ва гидротехник участкаларни юқори малакали ишчи-ходимлар билан таъминлаш, 1953 йилда Катта Фарғона канали участкаси Қуйганёр тўғонидан Асака дюкеригача* тозалаш вазифалари юклатилди. Кўриниб турибдики, совет ҳукуматининг ушбу тадбирлардан кўзлаган ягона мақсади республикада пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган эди. Бу эса пахта яккахокимлиги деб аталган мустамлакачилик сиёсатининг мазмун-моҳиятига тўла мос келарди.

ЎзССР Министрлар Совети 1954 йил 21 августда "Боёвут магистрал каналдан Ташкент вилояти Ховос туманида машина билан суғоришни ривожлантириш тўғрисида"ги қарорни қабул қилди [4, В.212]. Қарорда Ховос тумани колхоз ва

совет ташкилотларининг бу туманнинг бўш ерларини Боёвут канали яқинида, 59-разъезд ёнида Фарҳод ГЭСидан электр энергияси билан таъминланувчи насос станцияси қуриш орқали машина билан сугоришни ташкиллаштириш таклифи маъқулланди. Бундан ташқари, Ховос тумани колхозларининг сугориладиган ерлари майдони 8,4 минг га ҳажмида белгиланди, шу жумладан биринчи босқичда 3,6 минг гектар ерни сугориш учун сувни 8,5 метр баландликка кўтариш мажбурияти юклатилди. Қарор матнидан маълум бўлишича, совет маъмурлари сув чиқмайдиган ер майдонларида ҳам пахта етиштиришни мўлжаллаб, уларни сугоришда насос станцияларидан фойдаланди. Бу эса совет директив органларининг маҳаллий аҳоли миллий бойликларини марказга ташиб кетиш ва талаш сиёсати асосида амалга оширилди.

Совет ҳокимияти пахтачиликни ривожлантириш ва марказни пахта хомашёси билан таъминлаш учун кўплаб йирик сугориш каналлари қуришга алоҳида эътибор берди. Жумладан, ЎзССР Министрлар Совети 1954 йил 30 октябрда "Эски Ангор канали қурилиши чора-тадбирлари тўғрисида" ги қабул қилди [5, В.77]. Унда, ЎзССР Министрлар Совети Сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекгидрострой" трестига қурилиш ишларини кучайтириш ҳамда Эски Ангор каналидан сув ўтказишни ҳисоб-китоби билан 1955 йилнинг 1 майига қадар Қашқадарё дарёсигача секундига 15 кубометр ҳажмида сарфлаш вазифалари топширилди. Шу билан бирга "Ўзбекгидрострой" трестига канал бўйича 125 дан 183 км гача ярим кесимли жойдаги ишларни бажаришга рухсат бериш ҳамда Оғалиқ сой, Улус сой, Катта сой тўғонларини ошириш, Эски Ангор каналига сув ўтказилгандан сўнг кўтармага яна сув ўтказиш мажбурияти юклатилди.

ЎзССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК 1955 йил 18 июнда қабул қилган "Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги органларининг ишини яхшилаш тўғрисида"ги қароридан республикадаги мавжуд каналлар фаолияти хусусида қуйидагича фикрлар баён қилинган: "Кўп каналларда сув тақсимлайдиган муҳандислик узеллар йўқ. Колхозлардаги 17000 сув қулоқларидан фақат 5000 таси сув ўлчайдиган регуляторлар билан ускуналанган, колхоз доирасидаги сугориш шохобчалари ва зовурлар бундай асбоблар билан мутлақо ускуналмаган"[6, В.127]. ЎзССР Министрлар Совети томонидан шу йил августда "Боёвут канали (колхоз сектори) ни доимий фойдаланишга қабул қилиш ва уни ишга тушириш тўғрисида" қарор қабул қилинди. ЎзССР Министрлар Совети колхоз секторидagi 9287 га янги ерларни сугориш учун Боёвут каналини доимий фойдаланишга қабул қилиш бўйича 1954 йил 15 ноябрдаги комиссия ақтини тасдиқлаш, ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига 1954 йил 15 ноябрдаги Боёвут каналини доимий фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия ақтининг таклифига асосан 722 минг рубль ҳажмидаги қурилиш бош сметасига мувофиқ равишда 1955-1956 йилларда ишларнинг бажарилмай қолганларини яқунлашга қарор қилди [7, В.170]:

Бу даврда кўплаб сув иншоотлари капитал таъмирдан чиқарилиб сув захиралари билан таъминланди. Хусусан, Майлисой сув тизими (участка бошлиғи Кирюшин) жамоаси кўплаб ирригация иншоотларини капитал таъмирдан чиқарди. Сув "Қўй қулоқ" сугориш каналидан оқа бошлади. Бу канал Пахтаобод ва Избоскан туманлари колхозларининг, шунингдек, 8-пахтачилик совхозининг далаларини сув билан таъминлади [8. С.3].

Мустабид совет ҳукумати галдаги диққат эътиборини пахта етиштириш учун қулай иқлим ва шароитга эга бўлган Фаргона водийсига қаратди. Худди шу

мақсадда 1955-1959 йилларда Фарғона водийсида 10 минг гектар ерга сув берадиган 9 та насос станцияси қурилди, бу эса суғоришда катта насослардан фойдаланиш устидаги дастлабки тажриба эди [9, Б.75]. Республикада коллектор-дренаж тармоғининг узунлиги 37 минг км га етди. Сувнинг филтрланиб нобуд бўлишини камайтириш мақсадида (1959-1965 йй.) етти йил мобайнида республиканинг кам сувли туманларида 545 км каналга бетон қопланди [10]. 1956-1958 йилларда "Главголодностепстрой" ташкilotи суғориш соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширди. С.М.Киров магистрал канали реконструкция қилинди, Боёвут ерларини суғориш ишлари давом эттирилди, Жанубий Мирзачўл канали қурилиши бошланди (биринчи навбатдаги сув сарфи секундига 129 кубометр-лойиҳа бўйича тўлиқ сув сарфи 300 кубометр), машина ёрдамида суғоришга ("Фарҳод" совхоз) ва Жанубий Мирзачўлнинг канал бўйидаги ерларининг биринчи навбати ўзлаштиришга тайёрланди [11, В.183]. 1957 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон районида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олишни янада кўпайтириш мақсадида Шимолий Фарғона каналига собиқ "Пахталикқўл" совхозига 325 га ерларни суғориш учун секундига 300 л сув харажатли икки ўтказгичли "Пахталикқўл" насос станцияси барпо этилди [12, В.2]. Бундай тадбирлар асосан марказни пахта хомашёси билан мунтазам таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Андижон вилоят ижроия кўмитаси 1958 йил 17 январидан "Тешиктош гидроузели қурилиши тўғрисида" ги қарорни қабул қилди [13, В.53]. Унга кўра, вилоят ижроия комитетининг қайд этишича, 1958 йилнинг 1 январидан ҳолат бўйича Тешиктош гидроузели қурилиши ишлари паст даражада олиб борилганлиги, мазкур қурилишнинг умумий смета қиймати 12,8 миллион сўмни ташкил қилгани ҳолда, ундан иш бошланган даврдан буён 6,1 миллион сўм ҳажмида ёки 47,6 % га бажарилганлиги қайд этилди. 1960 йилнинг охирида Жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбати ишга туширилди, унда 232 км ёпиқ тақсимлаш тармоғи, 185 км новли суғориш тармоғи, 115 км ёпиқ коллектор ва қувур қурилди [14, С.66]. Бу иншоотларнинг барпо этилиши пахтачиликни ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Бироқ, у маҳаллий аҳоли ҳаётида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Советлар пахтачилик соҳасини жадаллаштиришни кўзлаб республикада суғориш иншоотлари янада кўпроқ барпо этишни давом эттирди. Қурилиш ишларига давлат бюджетидан катта ҳажмда маблағ ажратилди. 1962 йил 6 июлда Ўзбекистон КП МҚнинг бюроси "Аму-Қорақўл машина канали қурилишини комплекс равишда тугаллаш тўғрисида" ги масалани кўриб чиқди [15, Б.52]. Унда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигига қарашли "Узглавводстрой"нинг қурувчилар жамоаси ҳамда ЎзССР Қурилиш вазирлиги, "Средазстранстрой" ва ЎзССР Автомобиль йўллари вазирлиги қурувчилари иштирокида канал қурилишини муддатидан илгари тугаллаш вазифасининг долзарблиги таъкидлаб ўтилди. Ўтироф жоизки, Ўзбекистондаги биринчи йирик насос станциялари - Олот ва Қорақўл Зарафшон суғориш тизими орқа қисмида 40 минг га суғориш учун 1962-1963 йилларда Аму-Қорақўл машина каналида барпо этилди [16, В.252].

Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг 1964 йил 30 ноябрдаги "Аму-Бухоро машина канали қурилишини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қилган қарорига мувофиқ шу йилнинг 15 декабрида ЎзССР Автомобиль транспорти ва шоссе йўллари вазирлиги буйруқ чиқарди [17, В.122]. Унга кўра, Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг қароридан кўриб чиқилган

объектлар бўйича қурилиш ишларини тугатиш, 1964 йилнинг 25 декабригача Қуйимозор сув омборидан секундига 30 кубометр ҳажмида (шўрни кетказиш учун) сув бериш, ундан 20 кубометри насос ёрдамида ҳамда 10 кубометри сув оқизиб сугориш орқали амалга оширилишини таъминлаш белгиланди.

1960-1980 йилларда ирригациянинг ривожланиши баъзи бир туманларда насослар ўрнатиш билан боғлиқ бўлган. Марказий Осиёда асосан кўплаб насослар тизимининг жорий қилиниши даврида электр энергияси унинг иқтисодий қийматидан анчагина пастроқ баҳоланган [18]. 1963 йилда Фарғона вилоятининг 201 минг га майдони Катта Фарғона каналидан сугорилди. Бу кўрсаткичдан 61,2 минг гектари Марказий Фарғона ерлари сугорилишини ташкил қилди [19, В.145]. 1965 йилда республиканинг сугориш тизимида 2090 нафар С-245 маркали насослардан фойдаланилган [20, В.80]. Бу давр ирригация тизимида энг кўп насослардан фойдаланиш Самарқанд (400 та) ва Бухоро (391 та) вилоятларига тўғри келди.

ЎзССР Қишлоқ қурилиши вазирлиги томонидан 1966 йилнинг 5 июлида "Марказий Фарғона канали қурилиши тўғрисида"ги буйруқ чиқарилди [21, В.1]. Унда ЎзССР Министрлар Советининг 1966 йил 8 июндаги фармойишига асосан "Узгипроводхоз" институти томонидан Марказий Фарғона канали объектлари бўйича йиллик ишчи чизмаларни топшириш ва "Узгавводстрой" қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилар билан график бўйича келишилган муддатда, титул бўйича тўлиқ равишда қурилиш - монтаж ишларига маблағ ажратиш, ҳамда бундан 1966 йил учун 18,2 млн рубль, ундан 8,7 млн рублини 1 сентябргача ўтказиш белгиланди.

ЎзССР КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Совети 1966 йилнинг 16 сентябрда "Марказий Фарғона каналини қуриш тўғрисида"ги қарорни қабул қилди [22]. Мазкур қарорда, асосан, водийнинг марказий қисмини сув билан барқарор таъминлаш мақсади кўзда тутилди. Айнан Фарғона водийси магистрал каналлари тизими бошқармаси таркибига кирувчи ушбу каналларнинг кўрсаткичлари, яъни Катта Фарғона магистрал канали - 215,08 км. ни, Катта Андижон магистрал канали - 111,9 км. ни, Жанубий Фарғона магистрал канали- 188,71 км. ни ташкил қилди. Жанубий Фарғона магистрал канали бошқармаси тасарруфига ҳаммаси бўлиб 188,71 км узунликдаги каналлар кирган [23].

ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда ЎзССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1966 йил 26 декабрда "Кўкорол совхозида Тошкент каналининг иккинчи навбати бўйича сугоришни ривожлантириш объекти бўйича янги сугориладиган ерларни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида"ги буйруқ чиқарилди. Унга кўра, юқоридаги икки вазирликнинг 1966 йил 29 июндаги буйруғига қўшимча равишда ҳамда шу йил 29 июндаги давлат комиссиясининг актига мувофиқ Тошкент вилояти Бўка тумани "Кўкорол" совхозининг 1363 га янги сугориладиган ерлари фойдаланишга киритилди. Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг 1970 йил 17 февралдаги "Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати қурилиши тўғрисида"ги [24, В.167] қароридан, биринчи навбатда, Аму-Қорақўл канали ва Аму-Бухоро канали биринчи навбатининг қурилиши учун Амударё ва кичик Зарафшон воҳасидан сувларнинг олиб ўтилиши биринчи галда Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида сугориладиган ерларнинг сув билан таъминланишини сезиларли даражада ортирганлиги таъкидлаб ўтилди.

1971 йили Фарғона водийсида машиналар ёрдамида сугориш (сувни кўтариш) йўли билан 69,7 минг гектардан зиёдроқ майдонга сув чиқариб берилди [25, Б.60]. Тўққизинчи беш йиллик бошларида насос станциялари умумий сони 176

нафарга, агрегатлар сони эса 1400 тага етди. Насос станцияларининг иш унумдорлиги жами 1042,7 м³ / сек га тенг, машина билан сугориладиган ерлар майдони 1967 йилдаги 77,6 минг га билан қиёсланганда, 265 минг га етди. 1971 йилда насос станциялари умумий сони 277 нафарга, 1975 йилда эса улар сони 546 тага ортди [26, Б.29]. Сугоришда насос станцияларидан фойдаланиш пахтачилик соҳасини янада ривожлантирди. Бирок, уларнинг барпо этилиши пахта яккахокимлигини аввалги даврларга қараганда анча кучайтириб юборди.

Ўнинчи беш йилликда (1975-1980 йй.) Фаргона вилоятининг Киров, Бағдод, Тошлоқ ва бошқа районларида ҳар секундда жами 152 кубометр сув чиқарадиган 40 дан зиёд насос станциялари, минераллашган сувларни чиқариш телемеханизациялаштирилган 1062 та вертикал дренаж ишлади. Сугориш манбаларидан сув чиқариш 1971 йилдаги 641,9 млн кубометрдан 1980 йилда 1405,1 млн кубометрга кўпайтирилди [27, Б.57].

1975-1978 йиллари ҳозирги "Гулистон", Бобур номли, Ю.Шодмонов номли хўжаликлар бағридан ўтган ҳамда Андижон каналидан сув олувчи машина-насос канали ишга туширилдики [28, Б.6], бу ўз навбатида Бўз туманида сув муаммосини ҳал қилишга бир қадар имкон яратди. Бироқ туманда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин қисқарди. Бунинг натижасида пахта ҳукмрон асосий экинга айланиб қолди.

1977 йилда ЎзССРдаги 3 млн. га сугориладиган ерлардан 1 млн. га яқини насос станцияларини қўллаш билан сугорилди. Республика қишлоқ хўжалигида мелиорация учун ишловчи зарур ҳар хил турдаги насосларнинг умумий сони 30 мингга кўпайди. 1977 йилда насосларда 3 млрд м³ сув етказилди, электр энергиядан фойдаланиш эса соатига 3 млрд квт дан оширилди [14, Б.249]. Сув хўжалиги қорхоналарида насос ёрдамида сув ўтказиш 1980 йилга нисбатан 5,3 млрд метр куб ёки тахминан 1,32 марта кўпайди. Бу даврда насос билан сув ҳайдаш таннархи 0,4 тийин арзонлашди [29]. "Наманган-1" насос станциясини қуришда техник жиловкорларидан А.Орипов, Б.Ражаббоев, Т.Олимжонов, И.Ашуров, Х.Ғаниев қабилар алоҳида меҳнат жасоратини кўрсатиб ишладилар. Секундига 40 кубометр сувни 80 метр юқорига кўтариб берадиган бу йирик иншоотни барпо этиш учун 4 млн рубль маблағ сарфланди [30, Б.113]. 1981 хўжалик йилида Наманган вилоятидаги "Самарқанд" узумчилик совхозига туман совети ижроия комитетининг шу йил 14 июлидаги қарори асосида 630 л сув берилган, бу умумий экинларнинг сув билан таъминлашни 65 % ини ташкил этди. Бундан ташқари, "Қуқумбой" насос станцияси жуда кўп бузилиб, бу ердаги ишларга салбий таъсир кўрсатиши натижасида 100 гектар пахта, 90 гектар макка, 10 гектар қизилча, 16 гектар боғ қуриб, унга сарфланган харажатлар қопланмади [31, В.61].

Сурхондарё вилоятида насослар ёрдамида сугориш қувватини ошириш учун 1983-1985 йилларда "Чершали", "Боботоғ", "Дозора", "Айбарак", "Малик" насос станциялари қурилиб ишга туширилди. Биргина "Боботоғ" насос станциясининг ишга туширилиши натижасида қўшимча 1 минг гектар янги ерни ўзлаштиришга эришилди [32]. Алоҳида таъкидлаш муҳимки, мазкур ўзлаштирилган ҳудудларнинг аксарият қисмини пахта экин майдонлари эгаллади. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтилган советларнинг пахта яккахокимлиги амалиёти билан узвий боелиқ эди. 1990 йилга келиб сугориладиган ернинг учдан бир қисми ёки уч гектардан бир гектаридан насослар орқали сугориш амалга оширилди, уларнинг сони икки мингтадан ошди ва ҳар йили қарийб 50 км³ сувни насослар етказиб берди, 2,5 баравар сув магистрал каналлар орқали юқорига кўтарилиб оқизилди. Хусусан, бир ярим миллиондан

ортиқ ер ёки сугориладиган майдонларнинг 30 % и насослар орқали сугорилди [33, С.48]. Совет ҳукумати тадқиқ этилган даврда мустамлакачилик асосига қурилган пахта яккахокимлиги сиёсатини изчил тарзда давом эттириб борди. Шу асосда республикада бир қанча гидроиншоотлар барпо этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ХХ асрнинг 50-80-йилларида кўплаб каналлар ва насос станцияларининг барпо этилиши, совет ҳукуматининг пахта яккахокимлиги сиёсати асосида амалга оширилди. Совет даврида барпо этилган бу йирик сугориш иншоотлари пахтачилик соҳасини янада ривожлантиришга, ҳосилдорлигини орттиришга туртки бериши билан бирга республикада пахта яккахокимлигини аввалги даврларга нисбатан янада кучайтирди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - №6 (766) - 70-модда. - Тошкент: Адават, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 602-фонд, 1-рўйхат, 56-иш.
4. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 5619-иш.
5. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 5599-иш.
6. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1022-фонд, 2-рўйхат, 182-иш.
7. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 6116-иш.
8. Никифоров И. Ирригаторы готовятся к поливам // Сталинское знамя. 4 апреля 1956 г.
9. Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). Биринчи китоб. Бош муҳаррир: М.Ф.Ваҳобов.-Тошкент: Ўзбекистон, 1969.
10. Ирригация и мелиорация-путь к высоким и устойчивым урожаями // Правда Востока, 22 июня 1966 г.
11. Эгамбердиев Р., Раззоқов А. Ўзбекистонда кўриқ ерларни сугориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Тошкент: Фан, 1984.
12. АВДА, 608-фонд, 1-рўйхат, 1632-иш.
13. АВДА, 619-фонд, 1-рўйхат, 101-иш.
14. Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964).-Тошкент: Фан, 1991.
15. Ирригация Узбекистана. Т. IV. Технический прогресс в ирригации.-Ташкент: Фан, 1981.
16. ЎзР МДА, Р.2770-фонд, 1-рўйхат, 2-иш.
17. <http://www.world/bank.org/eco/ environment/> Ирригация в Центральной Азии
18. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 78-иш.
19. ЎзР МДА, Р.2676-фонд, 1-рўйхат, 1010-иш.
20. ЎзР МДА, Р.2700-фонд, 1-рўйхат, 18-иш.
21. Правда Востока, 16 сентября 1966 г.
22. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик идоратининг архиви материалларидан.
23. ЎзР МДА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 2157-иш.
24. ЎзР МДА, Р.2700-фонд, 1-рўйхат, 742-иш.
25. Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1974.
26. Минводхоз УзССР в девятой пятилетке.-Т., 1976.
27. Ғафуров А. Фарғона мелиораторларининг вазибалари //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1981.-№10.
28. Ҳамзаев Т. Гавҳарлар оқиди ариқларида // Istiqlol sadosi, 2001йил 2-16 январь.
29. Зоткин В. Қўшқанот // Совет Ўзбекистони, 1986 йил 10 январь.
30. Қосимов Й. Наманган воҳасининг сугорилиш тарихидан.-Тошкент: Фан, 1988.
31. Наманган вилоят давлат архиви, 275-фонд, 1-рўйхат, 3620-иш.
32. Луначарский В. Совершенствовать машинное орошение // Сельская правда, 26 июня 1986 г.
33. Сельское хозяйство Узбекистана // Ташкент, 1992.-№10-11.

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР**

Ўлжаева Шохистахон Мамажоновна,
Тарих фанлари доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислари институти профессори

АМИР ТЕМУР ВА ХОРАЗМ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Амир Темурнинг Хоразм билан ўзаро алоқлари ёритилган. Муаллиф XIV аср охири - XV асрлардаги халқаро вазиятни тадқиқ этган. Шунингдек, мақолада Амир Темурнинг Хоразмга ҳарбий юришининг сабаблари илмий тарзда очиб берилган.

Калиг сўзлар: Амир Темур, Моварауннахр, Хоразм, ҳарбий юришлар.

Улжаева Шохистахон Мамаджановна,
профессор, доктор исторических наук

АМИРА ТЕМУРА И ХАРЕЗМ

АННОТАЦИЯ

На этой статье рассматривается взаимоотношение Амира Темура с Хорезмом. Автор исследовала международную ситуацию в конце XIV - XV вв. На работе раскрыты причины походов Амира Темура в Хорезм.

Ключевые слова: Амир Темур, Мавераннахр, Хорезм, военные походы

Uljaeva Shaxista,
professor, doctor of Historical Sciences

AMIR TEMUR AND HAREZM

ANNOTATION

This article discusses Amir Temur's relationship with Harezm. The author investigated the international situation in the late 14th and early 15th centuries. At this work are revealed the reasons for Amir Temur's campaigns to Harezm.

Key words: Amir Temur, Maverannahr, Harezm, military campaigns

Амир Темурнинг Хоразм билан олиб борган дипломатик муносабатлари Алоҳида тадқиқот йўналишини ташкил этади.

У бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ янги сулола вакили сифатида халқаро сиёсат майдонига кириб келганди. Унинг мўғул зулмига зарба бериши унга янгича муаммоларни туғдирди. Айниқса унинг қудратининг кундан-кунга оламга таралиши Хоразм, Олтин Ўрда, Мўғулистон, Эрон, Миср, Сурия ва Ироқ каби ўз даврининг кучли давлатлари томонидан қатъий душманлик кайфиятида қарши

олинди. Улар Амир Темурдан чўчишар ва уни ҳар қандай йўл билан синдиришга ҳаракат қилардилар. Уни заифлаштириш ва синдириш мақсадида бу давлатларнинг раҳбарлари ўзаро махфий элчиликлар юборишган.

Бундай шароитда Амир Темур учун ўз мақсадларини амалга оширишга эришиш мушкул масала бўлиб, бу давлатларнинг ҳар қайсиси билан алоҳида сиёсат йўналишларини белгилаш талаб этилар эди.

Ана шундай давлатлардан бири Фарбий Хоразм эди. Бу давлат Амир Темур давлатининг ён қўшниси бўлиб, келажакда у билан сиёсий ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли мавжуд эди.

Амир Темур 1370 йилда ўтказилган курултойдан кейин Чигатоу улуси ҳудудларини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва бу йўлда ўз эътиборини Хоразмга қаратади. Унинг энг муҳим мақсадларидан бири ўз давлатининг шимолий чегараларининг хавфсизлигини таъмин этмоқчи ва бу масалани Хоразм Сўфийлари билан ҳал қилмоқчи эди[1]. Амир Темур биринчи марта Хоразмга юриш қилганда у ерда Ҳусайн Сўфий ҳукмронлик қиларди. Амир Темурнинг дастлабки юришидаёқ Ҳусайн Сўфий сулҳ тилаб омонлик сўраганди, аммо Амир Темурга ҳасади бўлган амир Кайхусрав Хутталоний Ҳусайн Сўфий ҳузурига бир кишини юбориб, ундан ярашмасликни, ташқарига чиқса ўзи ҳам унга келиб қўшилиши хабарини етказди. Унга ишониб жанг олиб боришга қарор қилган Ҳусайн Сўфий жангда енгилди. Амир Темур Кайхусрав Хутталоний кўшини билан Сўфийларга ёрдам бера олмайди. Амир Темур Кайхусрав Хутталонийнинг бу ишидан воқиф бўлади ва уни Амир Ҳусайн аскарлари қўлига топширади. Кайхусрав Хутталоний улар томонидан ўлдирилади.

Амир Темур Кайхусрав Хутталонийга тегишли бўлган Хутталон ҳокимлигини Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка беради.

Натижада Ҳусайн Сўфий урушда енгилди, пушаймон бўлиб вафот этади. Унинг ўрнига ўтирган укаси Юсуф Сўфий ўз элчилари орқали айттириб Амир Темур билан сулҳ тузади. Амир Темур элчиларга Сўфийларнинг қизи гўзал Севинбекани ўғли Жаҳонгир Мирзо учун сўратади. У кейинчалик Амир Темур саройида Хонзода Бегим номи билан машҳур бўлади. Элчилар бу таклифни айтганларида Юсуф Сўфий унга рози бўлади ва сеп-сарполари тайёр бўлса тўй бошлашни айтади. Амир Темур иккинчи марта Хоразмга юриш қилиш арафасида ҳам Кайхусрав Хутталонийнинг ўғли Муҳаммад, Хизр Ясовурийнинг ўғли Исҳоқ ва Амир Темур ишонган амири Маҳмудшоҳ Бухорий учаласи тил бириктириб Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфий олдига бориб, Амир Темурнинг сўзига кирмасликка ташвиқ этганлар. Юсуф Сўфий уларнинг гапига кириб муҳолифатчилик қилган ва Амир Темурнинг ерларига юриш қилиб Кат ва унинг атрофларини вайрон қилганди.

Юсуф Сўфийнинг 1372-1373 йиллардаги талончилик юриши туфайли Амир Темур Фарбий Хоразмга иккинчи марта юриш қилади. Сўфийларнинг қўп илтижо ва совға-саломларидан сўнг Амир Темур уларни кечиради[2]. Юсуф Сўфий ўз ишидин пушаймон бўлиб, омонлик тилади ва Севинбекани юборишини айтади. Бу гапдан кейин Амир Темур Самарқандга қайтиб тўйга тайёргарликни бошлайди. Амир Темур 1374 йилнинг март ойида Севинбека (она томондан Ўзбекхоннинг авлоди-Ш.Ў.)ни олиб келишга Ёдгор Барлос, Довудбек ва Ўлжойтубекни подшоҳона совғалар билан Хоразмга юборади. Хоразмда ва Самарқандда шоҳона тўйлар берилди ва икки хонадон куда-андачилик иплари билан абадий боғланади.

Шундай бўлса ҳам Хоразм Сўфийлари ва Амир Темур ўртасида низолар давом этиб, Соҳбиқирон бу ерга беш марта юриш қилишгача етиб борган.

Кейинги низолар давомида пайтларда ҳам Сўфийлар Амир Темурга душманлик муносабатида бўлиб, у билан ҳатто музокаралар олиб боришни истамас, қулай фурсат келганида Темур давлатига тез-тез босқинлар уюштириб турар эди[3]. Воқеалар жараёнида Амир Темурга душманлар сони кундан-кунга ўсиб, унинг географик ҳудудлари кенгайиб борганини кўриш мумкин.

Хоразм Сўфийлари бир неча бор мухолифатчилик қилган бўлсалар ҳам, Амир Темур улар билан дипломатик йўл билан бу алоқаларни яхшилашга интилади. Бироқ Сўфийлар Амир Темурнинг Ўрусхонга қарши юришга кетганидан ва Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, унинг ерларига босқин ясади. Низомиддин Шомийнинг келтиришича, Соҳибқирон Жаловатийни элчиликка Юсуф Сўфий қошига юборди ва "Қариндош бўлгондин мухолифат қилмоқ яна не жиҳаттин турур?" деб сўради. Аммо бунга жавобан Юсуф Сўфий элчини тутуб беркитти. Соҳибқирон унинг бу беандиша ҳаракатидан жаҳли чиқиб яхшилиқча хат ёзади. Хатда "Подшолардин раво эрмаским элчини банд қилгай, анинг учунким, аларда гуноҳ бўлмас. Агар сенинг сўзунг бўлса сенинг била турур, элчи била не ишинг? Боргон элчини йибаргил ва мундоқ қилмағилким, пушаймон бўлгунг турур"[4], - дея огоҳлантирган.

Аммо бу сафар ҳам Юсуф Сўфий элчини бандга солди. Бу албатта унинг томонидан содир этилган қўпол хато эди. Шу тариқа Сўфийлар ва Амир Темур давлати ўртасида низолар чуқурлашиб боради. Низомиддин Шомий бу ҳақда қуйидаги сатрларни ёзиб қолдирган: "Соҳибқирон лутф ва ҳайрихоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: "Элчига ўлим ва бандилик йўқдур. Элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нараса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор",- деб ёзди[5].

Мактубдаги огоҳлантиришларга қарамасдан Сўфийлар ишни пайсалга солаётган эди. Шу тариқа Амир Темурнинг Хоразмга юриш қилишига асосли сабаблар кучайиб боради.

Халқаро майдонда Амир Темурга қарши кучларнинг бирлашувида Хоразм ташкилотчилик ролини ўйнаётган бўлиб, бу ҳолат Амир Темур давлатига катта хавф тугдирар эди.

Юсуф Сўфий Соҳибқиронга қарши Оқ Ўрда билан ҳам махфий алоқалар олиб борар, Амир Темур эса бу ишлардан бохабар эди[6]. Шунингдек, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон билан Мўғулистон ҳокими Қамариддинларнинг ҳамфикрликлари ҳам Амир Темурнинг эътиборида бўлади.

Юсуф Сўфий билан низолар кескинлашаётганда "Термиз тарафдан Амир Соҳибқирон ҳузурига янги пишган қовун келтирдилар. У "Юсуф Сўфий гарчи ўринсиз мен билан мухолифат қилган бўлса ҳамки, аммо орамизда қариндошлик бор бўлгани учун биринчи қовунни усиз ейишга лойиқ эмасдур" деб қовунни бир олтин табоққа қўйиб, Юсуф Сўфийга юборди. Юсуф Сўфий бунинг эвазига таъзим ва ҳурмат мақомида туриб узр сўраши ва неча ҳисса қилиб тўхфа ва совғалар юбориши лозим эди. У эса ўша "қовунларни сувга ташлашни буюрди ва олтин табоқни дарвозабонларга бахшийда қилди"[7].

Шу туфайли Амир Темур 1375 йилда Хоразмга учинчи марта юриш бошлайди ва ички мураккаб жараёнлар туфайли бу юриш вақтли тўхтатилади. Амир Темурнинг Тўхтамишга ёрдам бериш мақсадида Оқ Ўрдага юриши вақтида Сўфийлар яна Бухорога юриш бошлайдилар. Бундан хабар топган Амир Темур 1379 йилда Хоразмга навбатдаги юришни бошлайди. Юсуф Сўфий орага кўп

нуфузли одамларни солиб, яна минг бор кечирим сўраб, унинг хузурига элчи юборади. Амир Темур бу сафар ҳам Юсуф Сўфийни афв этди. Шу билан бутун Хоразм устидан Темур ҳукмронлиги тан олинди. Битимга мувофиқ, Юсуф Сўфий Фарбий Хоразм устидаги ҳуқуқларидан маҳрум бўлди.

Юсуф Сўфий 1380 йилда ўлдирилгандан кейин Амир Темур бу сулолани Хоразм тахтида қолдирган. Сулаймон Сўфий Амир Темурга қарши кайфиятда бўлган ва Тўхтамишхон ҳокимиятини тан олиб унинг номи билан тангалар зарб этган.

Сўфийлар Амир Темурнинг кундан-кунга кучайиб бораётганини англасаларда, 1386-1388 йилларда Эронга қарши олиб борган уч йиллик уруши пайтида унинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, яна Амир Темур давлати ерларига боққинчилик юришларини уюштиради.

Бу даврда ҳалқаро майдонда вазият мураккаб тус олади. 1387 йили Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб Тўхтамиш ҳам Темур давлати ҳудудига бостириб киради. Бир томондан Мўғулистон амири Анқа Тўра Фарғонага ҳужум қилади, Хутталонда эса Султон Маҳмуд Темурга қарши исён кўтаради. Аслида буларнинг ҳаммаси ўзaro махфий келишилган ҳолатда Мовароуннаҳрда давомли боққинларни уюштираётган эди.

У 1387 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва Мўғулистон хони Қамариддинларнинг бирлашган кўшинлари билан Мовароуннаҳрда уюштирилган юришида иштирок этган.

Узоқ йиллар давомида рақибга катта имкониятлар яратган Амир Темур 1388 йилда газабланиб Хоразмга бешинчи марта юриш қилади ва уни мағлуб этади[8].

Амир Темурнинг Чигатой улуси ерларига эгаллик қилишга талабгор эканлигини инобатга олсак, унинг Фарбий Хоразм билан юзма-юз келиши аниқ масала бўлиб, Сўфийларнинг Амир Темурнинг куч ва имкониятларини тўғри баҳолай олмаганлиги уларнинг сиёсий саҳнадан барвақт тушиб кетишига сабаб бўлган. Хоразмда содир этилган горат Сўфийлар сулоласи вакилларининг калтабин сиёсати натижаси эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 39-40.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.109.
3. Фасих Ахмад ибн Джалялиддин Муҳаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс., комментарии и указатели Д. Ю. Юсуповой. - Ташкент: Фан, 1980.- С. 97 ; Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм ... - Б. 39.
4. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков.- Тошкент: Шарқ, 1997. - Б.85 - 86.
5. Ўша муаллиф ... - Б. 113-114.
6. Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... -С. 96, 97.
7. Ўша китоб. - Б. 110.
8. Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... - С. 112.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович,
Андижон давлат тиббиёт институти Ёшлар билан ишлаш,
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-4>

ANNOTATION

Мақолада истиқлол йилларида водий вилоятларининг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида соғлиқни сақлаш муассасалари, уларнинг бунёд этилиши, моддий-техник, лаборатория жиҳозлари ҳамда тиббий асбоб ускуналар билан таъминланиши баён қилинган. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги даволаш муассасаларининг мутахассис кадрлар билан таъминланиши, уларнинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги фаолияти ёритилган. Шунингдек, Фаргона водийсидаги чекка туманлардаги даволаш муассасалари, қишлоқ врачлик ва фельдшер-акушерлик пунктларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар архив материаллари ва керакли манбалар орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фаргона водийси, қишлоқ, соғлиқни сақлаш, тиббиёт муассасалари, поликлиника ва амбулатория, қишлоқ врачлик пунктлари, лаборатория жиҳозлари, тиббий асбоб-ускуналар.

Абдухалимов Абдурахман Абдумуминович,
Андижанский государственный медицинский институт,
заведующий отделом духовности и просвещения и по работе с
молодежью

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ ВИЛОЯТОВ ДОЛИНЫ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье упоминаются медицинские учреждения в отдаленных районах и селах долинных регионов, их строительство, логистика, лабораторное оборудование и медицинское оборудование в годы независимости. Специалисты в области здравоохранения обеспечиваются персоналом, их медицинскими услугами. Кроме того, существующие проблемы в медицинских учреждениях Ферганской долины, сельских врачебных и акушерско-акушерских пунктах и их работа были проанализированы с помощью архивных материалов и необходимых отзывов.

Ключевые слова: Ферганская долина, село, здравоохранение, медицинские учреждения, поликлиники, сельские врачебные пункты, лабораторное оборудование, медицинское оборудование.

Abdulkhalimov Abdurakhman,
Andijan State Medical Institute Work with youth,
the head of the spirituality and enlightenment department

HISTORY OF PUBLIC HEALTH PROTECTION IN VALLEY REGIONS IN INSPECTION ANNOTATION

АННОТАЦИЯ

The article mentions health care facilities in remote areas and villages of the valley regions, their construction, logistics, laboratory equipment and medical equipment during independence years. Specialists in the field of health care are provided with personnel, their medical services. Also, the existing problems in the health care facilities in Fergana valley, rural medical and obstetrics-and-obstetrics stations, and their work have been analyzed through archival materials and necessary feedbacks.

Key words: Fergana valley, rural, health care, medical institutions, outpatient clinics, rural medical stations, laboratory equipment, medical equipment.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда ҳорижий етакчи экспертлар ва сиёсатчилар томонидан халқ равнақи, мамлакат тараққиёти йўлидаги муҳим дастур сифатида эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантириш йўлидаги янги қадамлар белгилаб берилган бўлиб, унда яқин келажакда ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида туб ислохотларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" деб номланган тўртинчи йўналишида тиббий соҳага эътибор қаратилиб, "аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматда фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ердан кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чоратadbирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш" каби муҳим вазифалар белгилаб берилган [1].

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар натижасида бугун инсон соғлиғи, унинг қадр-қиммати янада ортиб бормоқда. Шу ўринда тарихимизга назар ташласак, мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий соҳада, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги бир қатор муаммолар ва қийинчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни архив материаллари асосида таҳлил қилишимиз мумкин.

Водий вилоятларида истиқлол нафаси эсган илк даврлардан бошлаб бозор иқтисодиёти муносабати билан юзага келган қийинчиликларга қарамай салмоқли ишлар олиб борилган. Жумладан, Фарғона вилояти Кува ва Риштон туманларида

поликлиника, Тошлоқ туманида 60 ўринли шифохона, Қиргули ва Боғдод туманларида тиш даволаш поликлиникалари қурилиб, даволаш муассасалари моддий техника базасини мустаҳкамланган [2, Б.27].

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бу муассасаларни моддий техника базасини яхшилаш йўлида ўтган 1,5 йил мобайнида 260 ўрин жойга эга бўлган 3-та замонавий шифохона (Тошлоқ туманида 100 ўринли, Фарғона туманида 60 ўринли, Кува туманида 100 ўринли). Бир сменада 1500 нафар бемор қабулига мўлжалланган 17 та поликлиника ва амбулаториялар битказилиб фойдаланишга тоширилди.

Қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларини мутахассислар билан таъминланишини талаб даражасига етказиш учун 1992 йилда вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ихтиёрига жўнатилган 366 нафар врачдан 257 нафарига (70 фоиз) ишлаш учун қишлоқ жойларидаги даволаш-профилактика муассасаларига йўлланма берилди. Бундан ташқари 135 та қишлоқ врачлик амбулаторияларининг бош врачлари лавозимлари қисқартирилиб, улар бевосита даволаш ишига қайтарилди. Натижада қишлоқ аҳолисининг врачлар билан таъминланиши 10 фоизга яхшиланди [3, Б.20].

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан бюджетдаги танқисликни қоплаш учун шифохоналар тузилишини қайтадан кўриб чиқиб, 716 та ўрин-жойларни ихтисослаштирди. 2011 та ўрн-жойга эга бўлган кундузги шифохоналар ташкил қилинди. Ишламаётган ўрин жойлар хисобидан 522 та ўрин жой қисқартирилди. Бунинг натижасида 60 миллион сўмдан кўпроқ маблағ иқтисод қилиниб, бюджетдаги танқисликни қоплаш учун ишлатилди [4, Б.23].

1992 йилда ана шу даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 40 миллион 200 минг сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари 9 миллион 250 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускунлари сотиб олинди.

Мазкур даврда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида кўплаб амалий натижаларга эришилган бўлсада, баъзи жойларда бу борадаги маъсулиятсизлик натижасида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бунга фуқаролар томонидан билдирилган кўплаб эътирозлар мисол бўла олади.

Жумладан, 1992 йилда Фарғона вилояти Сўх туманидаги кардиология санаторийси, Тошлоқ туманидаги тўғриқхона, Фарғона шаҳридаги болалар шифохонаси ва бошқа зарурий объектларнинг қурилиши ўз вақтида ниҳоясига етказилмаган [3, Б.27].

1993 йил якунларига кўра кейинги 1,5 йил ичида Олтиариқ туманида бирорта ҳам қишлоқ врачлик амбулаторияси ёки фельдшер-акушерлик пункти қурилмаган. Учкўприк туманида 3 йилдан буён замонавий юқумли касалликлар шифохонаси қурилиши ҳал бўлмаётганлигини кўрсатиб ўтиш керак [4, 20.Б].

Бу даврдаги қийин иқтисодий шароитга қарамай Андижон вилоятида даволаш муассасаларининг капитал қурилишига ҳам катта эътибор берилди. Жумладан, 1994 йил учун капитал қурилишга 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилган. Йил давомида Қўрғонтепа туманида 600 қатновли поликлиника, Пахтаобод туманида 150 ўринга мўлжалланган туман касалхонаси, Хонобод шаҳрида 60 ўринли шифохона, 150 қатновли поликлиника, Избоскан туманида 150 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси ва туман санитария эпидемиология станцияси биноси қурилиши давом этган [4, Б.57].

1995 йил ҳолатига Андижон вилоятидаги мавжуд 2537 та фельдшерлик-акушерлик пунктларидан 64 таси лойиҳа асосида қурилган бўлиб қолганлари

мослаштирилган биноларда жойлашган. Тиббий асбоб-анжомлар билан 65 фоизи таъминланган, ammo эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги туфайли 50 фоизи ишлатилган, холос [6, Б.8].

Фаргона вилоятида даволаш профилактика муассасаларининг моддий техника базасини яхшилаш мақсадида кейинги 3 йилда 815 ўрин-жойга эга бўлган замонавий шифохоналар, 324 беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлган амбулатория ва поликлиникалар, 2 санитария-эпидемиологик станциялари, ҳамда 160 ўринли гўдаклар ва болалар уйи фойдаланишга топширилди.

Тошлоқ туманида 60 ўринли участка шифохонаси, Бешарик туманида 120 ўринли оналар-болалар санаторияси, Фаргона шаҳрида вилоят тугруқхонаси қошида 6 ўринли реанимация бўлими, 40 креслолик вилоят болалар стоматология поликлиникаси, 200 ўринли вилоят болалар шифохонаси очилди. Ушбу муассасаларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан ўз вақтида жиҳозлаш мақсадида айирбошлаш учун олинаётган саноат ҳом-ашёлари ва тиббиёт пахтаси ҳисобига Мустақил ҳамдўстлик давлатларининг тиббиёт ускуналари заводларидан стоматологик, физиотерапевтик, рентген-диагностик, нафас аппаратлари каби замонавий 388 турдаги 1 миллиард 336 минг сўм-купонли ҳамда 316000 долларлик ҳорижий тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди [5, Б.27].

1995 йил Андижон вилояти Избоскан туманида санитария-эпидемиология станцияси биноси, Кўргонтёпа туманида 600 қатновга мўлжалланган марказий поликлиника, Марҳамат туманидаги профлактория бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятдаги мавжуд 133 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ёки 65,5 фоизи лойиҳа асосида қурилиб шарт-шароитлар яратилган, шулардан 92 таси ёки 68,5 фоизи тоза ичимлик суви, 32 таси ёки 24 фоизи телефон аппаратлари билан таъминланган [6. Б.7,8].

1996 йилда амбулатория-поликлиника муассасалардаги кундузги шифохоналар сони 167 тага етиб, (1994-йил 155 та) улардаги ўринлар сони 1243 тага (1994-йил 1157 та) ёки, 86 та шифо ўринга кўпайган. Уларда 32156 нафар беморлар, шу жумладан 12557 нафар болалар даволанди. Стационардаги кундузги ўринлар сони 1285 тага етиб, (1994- йил 1227 та) бу ўринларда 18360 нафар беморлар даволандилар.

Бу даврда ёқилги ва транспорт воситалари етишмовчилигига қарамасдан тез тиббий ёрдам хизмати бир меъёрда хизмат қилиб келди. 1995-йил давомида тез тиббий ёрдамга келган қақирувлвр сони 481903 та бўлиб, 552164 нафар шахсларга биринчи ёрдам кўрсатилган [7, Б.28].

1996 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамаси 182 - сонли "2000-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий структурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорни ишлаб чиқди.

Бу қарор қишлоқдаги тиббий муассасалар тузилишини қайта кўриб чиқиш йўллари аниқ белгилаб берди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги шу қарор асосида қишлоқ жойларда фаолият кўрсатадиган янги тиббий муассаса-қишлоқ врачлик пункти лойиҳасини ишлаб чиқди. Қишлоқ врачлик пункти тиббий муассаса бўлиб, 20 хонадан иборат Шулардан функционал диагностика хонаси, муолажа хонаси, физиотерапия бўлими, болалар ва оналар бўлими, аптека, кундузги шифохона, эмлаш хонаси, лаборатория ва бошқа ёрдамчи хоналар мавжуддир. Албатта қишлоқларда шундай

тиббий муассасанинг ташкилланиши қишлоқ фуқароларининг ўз вақтида саломатлигини текширтириш, профилактика ишларини ўтказиш ҳамда бирламчи малакали ҳақимлик тиббий ёрдамни олиш учун имкон яратди. Бундан ташқари бу муассасада аптеканинг борлиги беморларни қишлоқ врачлик пунктдан чиқмасдан дори сотиб олиш имконини беради.

1996 йил 31 майда вилоят ҳокимининг 122 - қарори билан 1996 йилда қурилиши керак бўлган 4 та қишлоқ врачлик пунктини қурилиш жойларни (Оҳунбобоев тумани "Намуна" жамоа хўжалигида, Сўҳ тумани Сариканда қишлоғида, Фурқат тумани Навбаҳор қишлоғида Ёзевон тумани Навоий номли жамоа хўжалигида) ҳамда врачлик пунктига айлантирилиши керак бўлган 13 та бирламчи тиббий муассасалар Олтиариқ, Бувайда, Фарғона, Бешариқ, Тошлоқ, Боғдод, Ўзбекистон туманларида 7 та СВА ни Бешариқ, Қува, Учқўприк, Дангара, Риштон туманларида ҳамда Қувасой шаҳрида 6 та ФАП ни қишлоқ врачлик пунктига айлантирилди.

1996 йил якунига кўра Фарғона вилояти қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам даражаси, шаҳар фуқаролари олаётган тиббий ёрдам даражасида бўлмаган. Бунинг асосий сабаблари биринчидан қишлоқ аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи бирламчи тиббий ёрдамни фельдшер акушерлик пунктларида ўрта тиббиёт ҳодими томонидан олганлиги, иккинчидан қишлоқдаги бирламчи тиббий муассасаларнинг 56 фоиздан ортиғи мослаштирилган биноларда жойлаштирилганлигида бўлган. Шунингдек, фельдшер акушерлик пунктларининг 50 фоизида телефон алоқаси, 37 фоизида мўзлатгич бўлмаган, 55 фоизи эса водопровод ичимлик суви билан таъминланмаган [8, Б.7,8].

Вилоятда 1997 йили янгидан қурилиши зарур бўлган 9 та қишлоқ ҳақимлик пунктини фақатгина 1 таси қурилган. Бирламчи тиббий муассаса бўлмиш 7 та фельдшер-акушерлик пунктларидан қишлоқ ҳақимлик пунктлари ташкиллаш қониқарсиз аҳволда бўлган.

Вазирлар Маҳкамасининг 182 қарори асосида Фарғона вилоятида 1996-2000 йиллар давомида жами бўлиб қишлоқ аҳолисига 60 та тиббий муассасалар қурилиши режалаштирилган. 20 та бирламчи тиббий муассаса (ФАП ва қишлоқ ҳақимлик амбулатория)лари ўрнида ва 40 та янгитдан врачлик пунктларини қурилиши, шулар жумласидандир [9, Б.7,8].

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 1999 йил давомида 70 та шифохона, 287 мустақил амбулатория-поликлиника муассасалари, 4 туғруқ уйи, 83 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 124 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатган [10, Б.24].

1997 йилда Андижон вилоятида мавжуд 18 минг ўринли 98 та тиббиёт-профилактика муассасалари аҳолига хизмат қилган. Янги шифохоналарни қуриш, фойдаланилаётганларини таъмирлаш эвазига уларнинг хизмат кўрсатиш қобилияти оширилган. Мазкур даврда ҳар 10 минг аҳоли хисобига 79,8 ўрин тўғри келган. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати эса ҳар 10 минг аҳоли хисобига бир сменада 149,8 та қатновдан иборат бўлган [11, Б.29].

Бу тиббий муассасаларда 6233 та врач, 21891 та ўрта тиббий ҳодимлар аҳолига малакали хизмат қилганлар. Ҳар 10000 аҳолини врачлар билан таъминланиши 28,5 фоиз ўрта тиббиёт ҳодимлари билан таъминланиши эса 100 фоизни ташкил этган.

2000 йил 1 январь ҳолатига Наманган вилояти аҳолиси 1930200 кишини ташкил этиб, (1998 йилда эса 1895500 киши эди) ўтган йилга нисбатан 34700 кишига ёки 1,8 фоизга кўпайган. Вилоят асосан қишлоқ хужалигига мослашган бўлиб, аҳолининг асосий қисми 1200000 киши ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларида яшаган. Вилоят аҳолисига 11064 ўринга эга бўлган 111 та шифохона (улардан 10 та шаҳар, 16 вилоят, 11 марказий туман шифохоналари, 3 та туман шифохоналари, 11 та юқумли касалликлар шифохоналари, 9 та силга қарши кўраш диспансерлари, 6 та тери-таносил касалликлари диспансерлари ва бошқалар) хизмат кўрсатган [12, Б.33].

Вилоятда 2002 йил 1 январь ҳолатига 1991900 нафар аҳоли (2000 йилда 1959200) истиқомат қилган. Умумий аҳолининг 999100 (50,2 фоиз) нафарини эркаклар, 992800 (49,8 фоиз) нафарини аёллар (2000 йилда эркаклар 980800 нафар ёки 50,1 фоиз, аёллар 978400 нафар ёки 49,9 фоиз) ташкил қилиб, жами аёлларнинг 461662 (23,2 фоиз) нафари репродуктив ёшдаги аёллар ҳисобланган.

14 ёшгача бўлган болалар 748800 нафар (37,6 фоиз) шундан 1 ёшгача бўлган болалар 40180 нафарини ташкил этган [13, Б.49].

Вилоят аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш 21 та вилоят, 12 та шаҳар, 11 та туман марказий шифохоналари, 3 та туман шифохоналари, 33 та қишлоқ ҳудудий шифохоналари шунингдек уларнинг таркибидаги амбулаториялар билан, 120 та ҚВП, 3 та шаҳар врачлик пунктлари, 27 та қишлоқ врачлик амбулаториялари томонидан ва 3 та туғруқхона, 9 та силга қарши кўраш диспансерлари, 7 та тери-таносил касалликлари диспансери, 12 та стоматология поликлиникаси, вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг 10 та туманлардаги бўлимлари, 2 та тиббий тез ёрдам станциялари ва унинг 14 та туман бўлимлари, 14 та Давлат санитария эпидемиология нazorати ҳамда 13 та саломатлик марказлари, 14 та дезинфекция станциялари, 1 та махсус болалар уйи 3 та махсус болалар боғчаси, 175 та фельдшер-акушерлик пунктлари каби муассасалар томонидан амалга оширилган.

Поликлиникаларга қатнов 2000 йилга нисбатан (16 миллион 047 минг) 2001 йилда (17 миллион 348 минг) 1 миллион 300 минг 800 тага кўпайган бўлсада, Мингбулоқ туманида 23 мингга (626,0 - 603,0), Косонсой туманида 17,5 мингга (1056,1 - 1038,6), Поп туманида 3,0 мингга (1213,7 - 1210,7) камайган, аҳолининг амбулатория-поликлиникаларга 1 нафар кишига қатнови кўрсаткичи 8,7 дан 8,9 га ортган. Бу кўрсаткич Мингбулоқ ва Уйчи туманларида 6,9, Наманган туманида 6,4, Норин туманида 7,1, Турақўрғон туманида 7,2 ни ташкил этиб вилоят кўрсаткичидан паст бўлган.

157 та амбулатория-поликлиника муассасаларида 1607 ўринли кундузги шифохоналар ташкил этилган бўлиб, уларда 64489 нафар бемор шифо топган (2000 йил 152 муассаса, 1475 ўринда, 66225 бемор). Ўринлар бандлиги 321,1 кунга тўғри келган бўлса, беморларни ўртача ўринда бўлиши 8,0 кунга тўғри келган (2000 йилда 396,5 - 8,8). 310 та амбулатория - поликлиника муассасаларида ташкил этилган уйдаги шифохоналарда 87900 бемор шифо топган (2000 йилда 307 та муассаса 134700 бемор) [14. Б.50,52].

2010-2015 йилларда мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш йўналишидаги асосий кўрсаткичларни қйидаги жадвалда кўришимиз мумкин [16, С.96].

**Соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари республика миқёсда
(йил охирига)**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Барча муассасалардаги шифокорлар сони:						
<i>минг</i>	79,9	81,7	81,3	81,7	82,0	83,4
<i>10 000 аҳолига</i>	27,4	27,7	27,1	26,8	26,4	26,4
Барча муассасалардаги аёл шифокорлар сони:						
<i>минг</i>	41,2	43,2	42,7	42,9	42,7	43,1
<i>шифокорлар умумий сонига нисбатан физик ҳисобида</i>	51,6	52,9	52,5	52,5	52,1	51,6
Ўрта тиббиёт ходимлари сони:						
<i>минг киши</i>	310,2	319,7	324,6	327,4	332,4	336,4
<i>10 000 аҳолига</i>	106,5	108,2	108,2	107,4	107,2	106,5
	1158					
Шифохона муассасалари сони:		1181	1225	1128	1058	1071
Шифохонадаги ўринлар сони:						
<i>минг бирлик</i>	139,6	139,8	138,3	134,0	130,9	129,7
<i>10 000 аҳолига</i>	47,9	47,3	46,1	43,9	42,2	41,1
Амбулатория-поликлиника муассасалари сони	5993	6354	6389	6421	6054	6220
Амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати, бир смнада катновлар сони, <i>минг</i>	422,5	423,7	424,3	418,5	406,7	407,0
	213	211	208	200	182	154
Диспансерлар сони						
Акушерлик-гинекология ҳоналари сони	2857	3041	3066	2766	2823	2752
Ҳомиладор ва туғадиган аёллар учун ўринлар сони:						
<i>минг</i>	19,9	19,7	19,3	18,7	18,1	17,6
<i>10 000 аёлга (15-49 ёш)</i>	24,0	23,4	22,7	21,8	20,9	20,2
Болалар поликлиникалари (бўлимлар) сони	2341	2402	2418	2315	2104	1997

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда, жумладан водий вилоятларида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий ишлар олиб борилди. Янгидан-янги замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, моддий-техник, лаборатор жиҳозлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Чекка қишлоқлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам олий тоифали мутахассис врачларнинг фойдалияти йўлга қўйилди. Бир неча юз минглаб қишлоқ аҳолиси шу ернинг ўзида дардига шифо топдилар. Албатта, бу даврда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар ҳам юзага келди. Бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни ҳамда тиббиётга янгилликларни кенгроқ жалб қилишни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
2. Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин-ФВДА), 1220-жамгарма, 1-рўйхат, 5-ийгма жилд.
3. ФВДА, 1220-жамгарма, 1-рўйхат, 60-ийгма жилд.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилояти бўлими (бундан кейин-ЎзРПАА АВБ), 4141-жамгарма, 4-рўйхат, 27-ийгма жилд.
5. ФВДА, 1220-жамгарма, 2-рўйхат, 6-ийгма жилд.
6. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамгарма, 6-рўйхат, 29-ийгма жилд.
7. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамгарма, 8-рўйхат, 34-ийгма жилд.
8. ФВДА, 1220-жамгарма, 2-рўйхат, 161-ийгма жилд.
9. ФВДА, 1220-жамгарма, 3-рўйхат, 6-ийгма жилд.
10. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамгарма, 15-рўйхат, 178-ийгма жилд.
11. ЎзРПАА АВБ, 4141-жамгарма, 11-рўйхат, 34-ийгма жилд.
12. Наманган вилояти давлат архиви (бундан кейин-НВДА), 908-жамгарма, 1-рўйхат, 336-ийгма жилд.
13. НВДА, 908-жамгарма, 1-рўйхат, 460-ийгма жилд.
14. НВДА, 908-жамгарма, 1-рўйхат, 460-ийгма жилд.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Азаматова Гулмира Байирбековна,
Жиззах политехника институти Ўзбекистон тарихи ва
ижтимоий фанлар кафедраси ассистенти

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда аҳоли миграцияси ва ривожланиш босқичлари, миграция жараёнларининг бугунги кундаги динамикаси ва миграция сальдоси ёритилган. Шунингдек, республикамизда ички миграция жараёнлари таҳлил қилиниб, уни ҳуқуқий тақомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистонда миграция, миграция оқими, мигрант, аҳоли миграцияси, ички миграция, ташқи миграция, ноқонуний миграция, пул ўтказмалари, аҳоли ўсиши, миграция жараёнлари, ташкилий миграция, мигрантлар жинси.

Азаматова Гулмира Байирбековна,
Ассистент кафедраси тарихи ва общественных
наук Ўзбекистана, ЖизПИ

РАЗВИТИЯ МИГРАЦИИ НАСЕЛЕНИЯ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы миграции населения и этапы его развития в Узбекистане, динамика процессов миграции сегодняшнего дня и миграционный баланс. Также были проанализированы в республике и даны рекомендации по поводу его юридического улучшения.

Ключевые слова: Миграция в Узбекистане, миграционное направление, мигрант, миграция населения, внутренняя миграция, внешняя миграция, незаконная миграция, денежные переводы, рост населения, процессы миграции, организационная миграция, пол мигрантов.

Azamatova Gulmira,
Assitant of History and Social Sciences
of Uzbekistan, JizPI

DEVELOPMENT OF POPULATION MIGRATION IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

The article describes stages of migration and development in Uzbekistan, current trends in migration processes and migration balance. As well as analysis of internal migration processes in the country and recommendations on its legal perfection.

Key words: Migration in Uzbekistan, migration flow, migrant, population migration, internal migration, unlawful migration, money remittances, population growth, migration processes, organizational migration, migrant sex.

Бугунги глобаллашув жараёнида миграция масаласи тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Инсониятнинг бутун тараққиёти давомида миграцион жараёнлар жаҳоннинг демографик манзараси шаклланишида ўз таъсирини кўрсатиб келган. Дунё аҳолисининг маълум бир қисми, ҳар хил таъсирлар натижасида иш ва яшаш жойини алмаштириб туради. Бу омил миграция деб аталиб, у бир пайтнинг ўзида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний ва экологик характерга эга. Миграция (лот. *Migratio*- кўчман, жойимни ўзгартираман) - аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини англатади[1]. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, миграция жараёни муайян вақтларда кучайиб- пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса сиёсий таъсирини ўтказди.

XXI асрда жамиятнинг энг катта бойлиги - "инсон", деб эътироф этилган бўлиб, унинг ривожланиш мақсади ҳам фуқароларнинг яшаш жойини, ҳаёт тарзини эркин танлашини таъминлашдан иборат бўлиб бормоқда. Жамият ҳаётида кейинги йилларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кўпгина амалий ва назарий муаммоларни, шу жумладан, аҳоли миграцияси ривожланишини илмий асосда ўрганишнинг нақадар муҳим ва долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ер юзидаги ҳар 35 кишидан биттаси халқаро мигрантдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотида кўра, 2000 йилда жаҳон бўйича 174.8 миллион расмий мигрантлар рўйхатга олинган [2]. 2014 йилда бу кўрсаткич 214 миллион (жаҳон аҳолисининг 3,1%) ни ташкил этган. Улардан 48 % аёллар [3]. 2017 йилда халқаро мигрантлар сони эса, 244 миллионга етди. БМТ статистикасига кўра, ҳозирда дунё бўйлаб 260 миллионга яқин мигрантлар бор, ижтимоий жараён ҳисобланган миграциядаги ўсиш 2000 йилга нисбатан 49 фоизга ортган. Ва аҳолининг табиий ўсиши 23 фоизни ташкил этди. Натижада, миграциянинг дунё аҳолиси сонидаги улуши 2.8 фоиздан 3.4 фоизгача ошди. Чунки миграция жараёнларининг кўлами ўсиш тенденциясига эга бўлиб, унга тобора кўпроқ кишилар жалб этилмоқда. Бунинг асосий негизи аҳолининг оммавий миграцияси жаҳон ҳамжамятининг XX аср иккинчи ярмидаги ҳаётининг энг характерли ҳолатига айланди. Ҳозирги глобаллашаётган замонда аҳоли миграцияси жараёнлари муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли миграцияси - аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиши. Аҳоли миграцияси аҳолининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, унга кишиларни мураккаб ижтимоий жараён сифатида қаралади. Аҳоли миграцияси аҳолини жойлашиши, ерни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ирқлар, тиллар ва халқларнинг пайдо бўлиши ва аралашиб кетиш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ўзгаришлар бевосита меҳнат ресурсларини ҳудудий қайта тақсимлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради, бунга эса миграция ёрдамида эришилади. Йўналишига кўра

ташқи аҳоли миграцияси ва ички аҳоли миграцияси фарқланади. Ташқи аҳоли миграцияси мамлакатдан чиқиб кетиш (муҳожирилик), ички аҳоли миграцияси эса мамлакат доирасида, вилоят ва туманлараро яшаш жойининг ўзгариши [4]. Миграцияда иштирок этувчи кишилар эса мигрантлар дейилади. Маълум вақт давомида ҳудудга кўчиб келган ва кўчиб кетган кишилар сони ўртасидаги фарқ миграция сальдоси дейилади.

Халқаро майдонда миграция масаласи асосий эътибор қаратилаётган муаммолардан биридир. Бугунжаҳон Миграция Пактида мигрантлар иқтисодийни ривожлантириш воситаси сифатида эмас, балки инсон сифатида қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилиши ҳамда хавфсизлиги таъминланишига эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланган. Аммо, миграция жараёнларининг жадаллашувидан кўпинча ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам манфаатдор бўлади. Чунки миграция воситасида кескин ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар бирмунча юмшатиlsa, мигрантлар томонидан ўз оилаларига юборадиган пул жўнатмалари эса миллий иқтисодийни ривожлантиришга қўшимча омил бўлади. Статистика маълумотларига кўра, мигрантлар томонидан 2018 йилга келиб жўнатилган маблағлар миқдори 600 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган ва бу пулнинг 450 миллиард доллари ривожланаётган давлатларга жўнатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бунда инсон омили мавзуси, нафақат, иқтисодий, балки ижтимоий - сиёсий жиҳатдан ҳам ўта муҳимлигини таъкидлаш жоиз. Мигрантлар ва миграция иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш баробарида ҳаётнинг ижтимоий ва маданий соҳаларига ҳам таъсир кўрсатади. Бугун одамлар миграция туфайли ҳар хил миллат вакиллари, турли тилларда сўзлашадиган кишилар, ранг-баранг урф-одат, динларга ва яшаш тарзига эга кишилар билан кутилмаган мулоқотга киришмоқда. XXI аср бошларида, сайёрамизда 175 миллион аҳоли тугилган жойларидан бошқа юртларга кўчиб яшар экан. Бу жами дунё аҳолисининг 3 % ташкил қилади.[5].

Юқорида келтирилган маълумотларга асосан қайд этиш жоизки, тўхтовсиз равишда ўсиб бераётган аҳоли миграцияси миллий, ҳудудий, минтақавий ва глобал хусусиятларга эга жараён бўлганлиги учун Ўзбекистонда миграция жараёни қандай кечмоқда ва бунинг ортидан қандай ўзгаришлар юз беради? Аҳолининг миграцион жараёнлардаги иштирокини ўрганиш, республикада юз бераётган миграцияни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан бозор муносабатларининг истиқболдаги ривожланиш йўли қилиб белгиланиши аҳоли миграцияси жараёнларида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқарди. Илгари аҳоли кўчиб юришини келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидаги кетма-кетликда: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик сабаблар кўринишида бўлган бўлса, 1991 йилдан кейин бу сабабларнинг юзга чиқиши йиллар ўтиши билан ўзгариб борди. Маълумки, собиқ иттифоқ парчаланиши арафасида Ўзбекистонда яшаётган кўпгина миллатларнинг тарихий ватанларига қайтиб кўчиб кетиши жараёни кучая бошлаган эди. Йиллар давомида ички миграция жараёнлари билан чекланган Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида этник миграция жараёнлари ривожланди. Бунда асосан ўз Ватанига қайтиш иштиёқида бўлган (руслар 45-48 %, татарлар 16-17 %, украинлар 5-6 %, еврейлар 5-9 %, немислар 2-3 %) этник гуруҳларнинг эмиграцияси кузатилди[6]. Юқори миграцион жадаллик бутун республика бўйича 1991-1994 йиллар давомида юз бериб турди. Шунингдек,

бу даврда Ўзбекистонга кўчиб келувчилар ҳам, кўчиб кетувчилар ҳам кўп бўлган. 1991-1994 йиллар давомида мамлакатимизда ҳар йили 600 минг киши атрофида ўз яшаш жойини ўзгартириб турганлар.

1-жадвал.

**Ўзбекистонда аҳоли миграциясидаги ўзгаришлар
(1991-2018 йиллар)**

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси		
	Кўчиб келганлар	Кўчиб кетганлар	Миграция сальдоси
1991	371054	401285	-30231
1992	349374	424086	-74712
1993	302440	356470	-54030
1994	221747	360661	-138914
1995	167829	256800	-88971
2000	145880	212472	-66592
2001	151842	229603	-77761
2002	152795	236127	-83332
2003	139695	232707	-93012
2004	147398	243490	-96092
2005	144778	246386	-101608
2006	144038	209227	-65189
2007	151172	214310	-63138
2008	149732	195836	-46104
2009	138077	187710	-49633
2010	139775	183858	-44083
2011	136565	184149	-47584
2012	169701	210653	-40952
2013	155084	189650	-34566
2014	145354	183916	-38562
2015	139280	168579	-29299
2016	141548	167796	-26248
2017	157149	175748	-18599
2018 (январь-сентябрь)	121, 700	134, 000	-12300

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

№ 2/2019

Ўзбекистонда аҳоли миграцияси ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йиллардаги ўзгаришлар (1-жадвал), 2008 йилдан бошлаб кўчиб юривчилар сони (кўчиб келувчилар сони ҳам, кўчиб кетувчилар сони ҳам) йилдан йилга камайиб борди. 2013 йилда 2012 йилга нисбатан кўчиб кетувчилар сони 21,0 минг кишига, кўчиб келувчилар сони эса 14,7 минг кишига камайган. Миграция салдосида ҳам ўзгаришлар юз бериб, 2005 йилдаги 101,6 минг киши салдодан, 2013 йилда-33,8 минг киши сальдогача қисқарган[7]. Аҳолининг маълум бир ҳудудга кўчиб келиши ёки кўчиб кетиши жойлардаги аҳоли сонининг ўсиш динамикасига, аҳолини иш билан таъминлаш даражасига ўз таъсирини ўтказди. Шу билан биргаликда, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари аҳоли миграция кўрсаткичларини белгилаб берувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугун дунё миграциясида иштирок этаётганларнинг сони кескин ошиб бораётгани кузатар эканмиз, жумладан, мамлакатимизда 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларларида Ўзбекистондан чет элга чиққан фуқаролар сони 10, 8 миллион кишини ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси кўчмаси маълумотларига кўра, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 баробарга кўп. Ҳамюртларимиз асосан (53, 4 фоиз ҳолатда) қўшни Қозоғистонга сафар қилишган. Ундан кейинги ўринларда Қирғизистон (22,2 фоиз), Тожикистон (11,6 фоиз) ва Россия (8,2 фоиз) га бормоқда. 10,8 миллионнинг атига 1,3 фоизи Туркияга, 0,6 фоизи Жанубий Кореяга, 0,3 фоизи эса БАА га йўл олган.

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликларига аҳоли миграциясининг ошиши сабабининг асосий омиллари ушбу мамлакатларда меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг юқорилиги, нисбатан юқори маош олиш имкониятининг мавжудлиги, айниқса, тарихий омиллар таъсири ва барқарор давлатлараро алоқаларнинг йўлга қўйилгани, қолаверса, халқлари орасида руҳан яқинлик кўникмаларининг мавжудлиги, тил муаммосининг йўқлиги ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, юртимиз фуқароларининг чет элларда ишлашга хоҳиши ҳам катта аҳамиятга эгаки, республика аҳолисининг Россия ва Қозоғистонга ноқонуний миграцияси юзага келгани бунинг исботи деса бўлади.

Шу билан бир қаторда, баъзан миграцияда туризм, курортга бориш, зиёрат каби моқсимон қатновчилар ҳолати ҳам кузатилади. Ўзбекистондан ташқарига чиққанларнинг 6,1 миллион нафари (ёки 56,6 фоизи) қариндошларини кўриш учун, "ишлаб келайлик" деб чиқиб кетганлар 3,3 миллион нафарни (ёки 31,2 фоиз), "биз ҳам туристга ўхшаб саёҳат қилиб келайлик" деганлар эса 307 минг нафарни (ёки 2,8 фоиз) ни ташкил этган[8].

Аҳоли миграцияси ҳамма вақт барча давлатларда зарурий, обектив жараён бўлган. Бу жараённинг бошқарилиши жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарор ривожланишига таъсир кўрсатган. Яқин келажакда мигрантлар сонининг ошиши кузатилад экан, ижтимоий жараён кўлами кенгайишига ишсизлик, моддий ҳаёт тарзини яхшилашига ҳамда республикага келиб тушадиган валюта тушумларининг ўзига хос манбаи бўлиб қолиши ва ушбу маблағ ҳисобига янги иш жойлари барпо этишида фойдаланиш имконияти яратилади.

Юқоридегилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистоннинг аҳоли миграциясининг ўсишида унинг демографик кўрсаткичлари - аҳолининг юқори суръатларда ўсиши, ишчи кучи ресурсларининг умумий сонидан нафақат эркаклар балки, аёллар улушининг

юқорилиги бир томондан, уларнинг меҳнатсеварлиги, маълумоти даражаси юқорилиги бошқа томондан ажралиб туради. Иқтисодий глобаллашув кучайиб бораётган бугунги кунда инсон ресурслари ҳаракатининг шакл ва йўналишлари, бошқача айтганда, миграция оқими тобора жадал тус олмоқда. Албатта, кимдир замонавий билим эгаллаш, даволаниш учун хорижга йўл олади. Бошқа биров эса турмуш шароитини яхшилаш мақсадида мусофирчиликда юриб бўлса ҳам, сердаромад ишнинг бошини тутишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон халқаро меҳнат бозорининг тўлақонли аъзоси сифатида миграция жараёнидан четда қолгани йўқ. Фуқароларимизнинг хорижда ишлаш, муайян касб ва ихтисослик бўйича чет эл тажрибаларини ўрганиш ҳуқуқи кафолатланган. Бугунги кунда аҳоли меҳнат миграцияси дунё иқтисодий ҳаётининг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланди. Буни нафақат, иқтисодчилар айтиши пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Ташкилот вакиллари таъкидлашча, жаҳон иқтисодиёти борган сари меҳнаткаш-мигрантлар заҳматига узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Миграция тараққиётга элтади, анги имкониятлар эшигини очади. Меҳнат ресурсларидан турли йўналишларда оқилона фойдаланиш жойларда иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг яхшиланишида муҳим ўрин тутаети. Юртимизда фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самардорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 5052-сонли фармони[9]. ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги "Ўзбекистон республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-3839 сонли қарори[10]. ҳам ушбу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда аҳолининг ташқи меҳнат миграциясини ташкил этиш тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги аҳоли ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Аҳоли миграцияси юртимиз иқтисодиётига, айтиши пайтда улар ишлаётган мамлакатлар тараққиётига қўшаётган ҳиссаси катта. Ўз навбатида, чет мамлакатларда меҳнат қилаётган юрtdошларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга устувор аҳамият қаратилаети. Ҳозирги кунда аҳоли ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаол иштирокида ушбу соҳадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда ташқи меҳнат миграциясининг самарали тизимини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. 2018 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлди. Шунингдек, парламентимиз томонидан яқинда "Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида" ги қонун қабул қилинди. Аҳоли миграциясини масалаларини тартибга солиш, соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, чет элларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш, чет элга кетишдан олдин юрtdошларимизнинг касбий маҳоратини ошириш имкониятини яратишга

қаратилган бундай имкониятларнинг яратилиши, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, ташқи меҳнат миграциясининг самарали қонуний тизимини йўлга қўйишга замин туғдиради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. ru.wiktionary.org/wiki/Миграция].
2. International Migration Report 2002. New York: United Nations Population Division, Department of Economic and Social Affairs, 2002. P. 1.]
3. Глобальная миграция (откуда, кто и куда мигрирует). rosinvest.com/ acolumn / blog/jkh/557.html].
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2000 йил. 874-875 бет.
5. Гулчеҳра Муродалиева. "Biznes Daily". Глобал миграция: тўкин ҳаёт ва даромад илинжида. 20.07.2018 йил. |
6. Maksakova L., Mamadalieva Kh. Uzbekistan: modern demographic trends// Demoscope Weekly. No.617-618.3-6 of November. M.: 2014.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил статистик ахборотномаси. - Тошкент, 2018. - 179-б.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил статистик ахборотномаси. - Тошкент, 2018. - 183-б.
Ўзбекистонда ҳар бир миллат ва элат вакилининг ўз миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаши, ривожлантириши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистоннинг миллий сиёсати - миллатчилик, ирқчилик, бошқа миллат вакиллариини камситиш ёки ассимиляция, яъни бир миллат таркибига бошқа миллатни синдириб юборишдан иборат ғайриинсоний ҳам ғайримиллий сиёсат кўринишларини мутлақо инкор этган ҳолда, аксинча, умумбашарий инсон ҳуқуқларини эътироф этишга асосланади. Шунинг учун ҳам, юртбошимиз раҳнамолигида юритилаётган оқилона миллий сиёсат натижасида турли миллат ва элат вакиллари ўз миллий маданиятларини ривожлантириш асносида ўзлари билан бирга истиқомат қилаётган бошқа миллатлар маданияти ва санъатининг ривожига ҳам улкан ижобий таъсир ўтказмоқдалар. Албатта, бу борада 1992

йилда ташкил этилган Республика байналмилал маданият марказининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган 100 дан ортиқ миллий - маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатмоқда[4]. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

- дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ҳамжамиятлари, шу жумладан чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни самарали мувофиқлаштириш;

- давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

- мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- хорижий мамлакатларда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш;

- миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш ва бевосита қатнашиш шулар жумласидандир.

Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликка хизмат қилиб келаётган бундай тузилманинг қўшни давлатларнинг бирортасида мавжуд эмаслиги ҳам республикаимизда бу масалага қай даражада муносабатда бўлинаётганлигидан далолатдир.

Статистик маълумотларга кўра, республикаимизнинг қатор олий таълим муассасаларида қардош тилларда факультетлар ва бўлимлар, курслар, мактаблар фаолият кўрсатмоқда. 35 миллатга мансуб профессор-ўқитувчилар олийгоҳларда талаба-ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Олий таълим муассасаларида 53 миллатга мансуб талабалар таҳсил олмоқда. Уларнинг талабалар умумий таркибидаги улуши 21,2 фоизга тенг бўлиб, бир қатор олийгоҳларда бошқа миллат вакилларининг салмоғи бундан ҳам юқори, яъни 32-45 фоизни ташкил этади. Шунингдек, театр ҳамда бошқа шакллардаги бадиий-ижодий уюшмалар фаолиятида ҳам 20 яқин турли миллат ва элат вакиллари ўз ижодий имкониятларини намойиш этаётгани, миллий-маданий қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлида хизмат қилаётгани;

- оммавий ахборот воситалари фаолиятида нашр этилаётган газеталарнинг 70,4 фоизи ўзбек, қолган 29,6 фоизи бошқа миллий ёки аралаш тилларда, журналларнинг 45,5 фоизи ҳам миллий ва аралаш тилларда чоп этилаётгани;

- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва хусусий студиялар ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, қирғиз, қozoқ, тожик, рус, корейс, татар, уйгур ва бошқа тилларда кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилаётгани ана оқилона миллий сиёсатнинг реал кўриниши, амалий ифодасидир [5].

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда бир мақсад йўлида яшаб, меҳнат қилиб келаётган барча миллат ва элат вакиллариининг нафақат умумий шиори, балки мақсад ва муддаосини ҳам ўзида ифода этган "Ўзбекистон-умумий уйимиз" деган даъват - тараққиёт ҳамда фаровонлик омили бўлган тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилаверсин. Ана шу тинчлик ва осойишталикдан иборат бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, шу мусоффо осмонни сақлаш ва бу борадаги амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни виждонан, сидқидилдан бажариш шу азиз Ватанда яшаётган хар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -Б.9.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида // №Ф-484914.02. 2017// Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2017 й. ПФ-5046-сон "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // lex.uz
5. Энг катта бойлигимиз - тинчлик ва барқарорликни асрайлик. -Тошкент: Академия, 2006. -Б 22-24.

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР**

Дадамирзаева Гулчехра Абдунабиевна,
Наманган давлат университети
Тарих кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА "ҚАЙТА ҚУРИШ" ДАВРИДА КООПЕРАТИВЛАР ФАОЛИЯТИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада қайта қуриш йилларида Ўзбекистонда кооперативлар фаолияти ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: кооперация, ишлаб чиқариш, матлубот, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати тармоқлари, маиший хизмат, савдо, боғдорчилик-полизчилик соҳаси, иқтисодий ислоҳотлар, қайта қуриш.

Дадамирзаева Гулчехра Абдунабиевна,
Преподаватель кафедры "История"
Наманганского государственного университета

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КООПЕРАТИВОВ В ПЕРИОД "ПЕРЕСТРОЙКИ" В
УЗБЕКИСТАНЕ**

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы сведения о деятельности кооперативов в годы перестройки в Узбекистане.

Ключевые слова: Кооперативы, производство, сельское хозяйство, пищевая промышленность, потребительские услуги, торговля, садоводство, экономическая реформа, перестройка.

Dadamirzaeva Gulchekhira
Namangan State university
Teacher of history department

**COOPERATIVE ACTIVITY IN UZBEKISTAN DURING RECONSTRUCTION
PERIOD**

ANNOTATION

The article analyses data on cooperatives activities in Uzbekistan over the years of its rebuilding.

Key words: cooperatives, manufacturing, agriculture, food industry, consumer services, trade, horticulture, economic reform, reconstruction.

Кооператив ҳаракат жамият ривожланишининг капиталистик босқичида вужудга келган бўлиб, XVIII аср охирида Европада фабрика- завод ишлаб чиқаришининг шаклланиши бу соҳада ижобий бурилиши ясаб берди. Англия-матлубот кооперациясининг, Франция-ишлаб чиқариш, Германия- қишлоқ хўжалиги, савдо, таъминот, кредит кооперациясининг ватанига айланган[1].

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ҳам кооперациянинг турли шакллари фаолият кўрсатган. Лекин уларнинг баъзилари маъмурий-буйруқбозлик тузumi шароитида фаолияти тугатилди ва фақат матлубот ва қишлоқ хўжалиги кооперациялари партия-давлат аппарати таъсирида ўз фаолиятини давом эттирди. Ҳар бир масалага синфий нуқтаи-назардан ёндашиш, партиянинг якка ҳукмронлиги, хўжалик юритиш механизмларининг иқтисодий қонунлар эмас, балки давлат режалари ва назоратида бўлиши кооператив ҳаракатнинг кенг тарқалиши ва ривожланишига тўсқинлик қилди.

1985 йилга келиб Ўзбекистонда бир ярим мингдан ортиқ йирик ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш бирилашмалари, комбинатлар ва корхоналар бор эди. Бу даврга келиб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1940 йилдагига нисбатан 20 баравардан зиёдроқ ошди. Фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган, айниқса пахтачилик тармоқларига мўлжалланган тармоқлар ривожлантирилди.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб уларнинг умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи деярли 75 фоизга етди. Булар асосан енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари суръатлари ва салмоғини қисқартириш ҳисобига содир бўлди, бу тармоқлардаги ишлаб чиқариш белгиланган режа марраларига етиш у ёқда турсин, балки амалда турғунликка учради. Шундай бир вазиятда мамлакат раҳбарияти мавжуд вазиятдан чиқиш мақсадида иқтисодий ислохотлар бошлади. Хўжалик юритишининг кооперация шакли тўғрисидаги янгича қараш ва фикрлар вужудга кела бошлади.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб кооперацияларга бўлган муносабат ўзгара бошлади. И. Н. Буздолов, В. М. Кузнецов, К.И Вахитов ишларида кооперациянинг қайта тикланиши, кооператив фаолиятни ташкилий-хўжалик жиҳатдан қайта қурилиши, меҳнат кооперациясининг имкониятлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, кооперация ва кооператив ҳаракатнинг моҳияти ва уларни вужудга келишини ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, матлубот кооперациясининг ривожланишининг тарихий босқичлари ва янгиланаётган совет жамиятидаги ўрни ва роли масалаларига эътибор қаратилган[2].

Ширкат (кооператив) хўжалигининг тарихий тажрибаси, ҳамда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кооперативларнинг имкониятлари ва фаолиятдан кўриниб турибдики, кооператив- бозор муносабатларининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кооперативи эса, ҳамкорлик ва жамоавий кўринишидаги аъзоликка асосланган тижорат ташкилотидир. Ишлаб чиқариш кооперативлари Европа ишчилари томонидан XIX асрнинг ўрталарида тузила бошлаган.

Ўзбекистонда эса дастлабки бундай ташкилотлар (артель) XX асрнинг 20-йилларида фаолият кўрсата бошлади. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири эса меҳнаткашлар оммасини социализмга босқичма-босқич жалб этиш савдо кооперациясининг оддий шаклидан кооперациянинг мураккаброқ шакли, яъни ишлаб чиқариш кооперациялари орқали амалга оширилиши лозим эди.

Кооператив ҳаракат эса бундан 150 йил муқаддам турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тузумдаги ва турли мафкура ва диний қарашга эга бўлган давлатларда кенг тарқала бошлади. 1895 йилда дунёнинг турли мамлакатларидаги миллий кооператив уюшмалари Халқаро кооператив альянсига бирлашдилар. Ҳозирги кунда халқаро кооператив альянс дунёнинг 87 давлатининг 677 минг та кооперативини ўзида жамлаган йирик халқаро ташкилотдир[3].

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида кооперативларнинг иқтисодиётдаги улушини кўрадиган бўлсак, Буюк Британияда - 14 фоиз, Германияда - 8 фоиз, Финляндияда - 40 фоиз, Францияда - 32 фоиз, Швецияда - 50 фоиз, Италияда - 13 фоиз, Швейцарияда - 18 фоиз, Россияда - 16 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари Нидерландияда шампиньон ва гулларнинг 75 фоиз, Японияда эса гуруч ва балиқнинг асосий қисми кооператив ишлаб чиқариши соҳасига тўғри келади. Дания, Финляндия, Нидерландия, Франция, Швеция кооператорлари мамлакат бозорининг 45-50 фоиз озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берадилар[4].

Совет ҳокимияти иқтисодий сиёсатида кооператив ва кооперациялар масаласида хилма-хил фикрлар мавжуд бўлган. Бизга маълумки, 80-йиллар ўрталарига келиб СССРда танглик ҳолати кучайди ва жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олди.

Мустабид тузум шароитида давлат мулки монополияси ва бошқарувда маъмурий тақсимлаш тизими ҳукмронлиги тобора кучайиб борди, нагжида ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, ялпи ички маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги шиддат билан пасайиб кетди. Ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат самаралари ва шу кабилардан бегоналашуви янада ортиб борди[5].

Боши берк мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини қийинчилик билан излаш бошланди. Ниҳоят, 1985 йилнинг баҳорида КПСС МҚнинг апрель пленуми совет жамиятини тубдан қайта қуриш, унинг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди. "Қайта қуриш" совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи, унда яшовчи миллатлар ва халқлар манфаатлари тақозо этадиган ҳаётий зарурат сифатида таърифланди[6].

СССРда ҳам 80 - йиллар ўрталарига келиб, кооператив соҳасида ислохотлар ўтказишга уринишлар бўлди. Жумладан, 1986 йил 25 февралдан 6 мартгача бўлиб ўтган КПСС XXVII съездида кооперациянинг социалистик ишлаб чиқаришдаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилди. " Биз кооператив мулки масаласида ҳам тўла-тўқис аниқлик бўлишига тарафдормиз,-деб таъкидланди М. С. Горбачёв қилган маърузасида - Бу мулк социалистик ишлаб чиқаришда одамларнинг эҳтиёжларини яхшироқ қондиришда ўз имкониятларини ҳали тўла-тўқис ишга солиб бўлгани йўқ. ..Зотан, кооператив ташкилотлар ҳамда корхоналар ташкил қилиш ва ривожлантиришга эҳтиёж бўлган жойларда уларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш лозим. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашда, уй-жой, боғдорчилик-полизчилик соҳасида, маиший хизмат ва савдода кенг тарқалиши лозим[7].

Юқоридаги ҳолат совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган 20-йиллар бошларида "ҳарбий коммунизм" сиёсатининг барбод бўлиши ва янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилишининг шарт-шароитларини эсга олиш ўринлидир.

1920 йил 1 ноябрь ҳолатига яъни майда ишлаб чиқариш давлат ихтиёрига олинганга қадар ВСНХ[8] ҳисобида 1,3 млн ишчиси бўлган 6900 дан ортиқ корхона мавжуд эди. Давлат таъминотида бўлган бундай улкан ишлаб чиқариш аппаратида

хизмат кўрсатиш ва 35 млн фуқарони эҳтиёжларини қондириш учун, на ёқилги, на хом ашё ва озиқ-овқат етарли эмас эди. 1921 йил июль ойида партиянинг X конференцияси қарори билан бутун куч ва маблағни йирик ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва ривожлантиришга жалб этиш мақсадида, халқ хўжалиги губерния советларига майда ишлаб чиқариш корхоналарини кооператив ташкилотларига ва хусусий шахсларга бериш ҳуқуқи берилди[9].

XX асрнинг 80-йилларда СССРда юзага келган иқтисодий вазият шароитида ҳам кооперативларни қайта тиклаш ва улар ёрдамида бозорни истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашни назарда тутилди.

Партиянинг XXVII съезидан сўнг мамлакатда кооператив ҳаракат кенг қулоқ ёза бошлади. 1990 йил 1 январга қадар 200 минг кооператив мавжуд бўлиб, уларда қарийб 5 млн киши меҳнат қилди. Улар 40 млрд сўмликдан ортиқ турли - туман маҳсулотлар ишлаб чиқардилар ва хизмат кўрсатдилар. Айни пайтда давлат давлат кооперацияни ривожлантиришга бир тийин ҳам маблағ ажратмади[10].

Бундан ташқари мамлакатда кооперативларини қайта тикланиши бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки қадами бўлди. Давлат мулкнинг монополияси ҳукмрон бўлган шароитда, марказдан туриб бошқариш ва режалаштириш тизимига кооперативлар фаолияти ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. 1986-1987 йиллардан бошлаб ҳукумат қарори билан халқ хўжалигининг бир қатор соҳалари бўйича янги кооперативлар фаолият кўрсата бошлади. Бу ўринда кооператив секторда фаолият турлари, фуқароларнинг иштироки ва истеъмолчилар тоифаси бўйича меъёр ва чекловлар белгилаб қўйилди. Айни бу ҳолат эса кооперативларнинг халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига кенг тарқалишига тўсқинлик қилди.

Кооператив сектор ривожланишига меҳнатга яроқли аҳолининг асосий бандлигини таъминлаш ҳақидаги кўрсатма ҳам тўсқинлик қилди. Иқтисодиётнинг бу тармоғига асосан уй бекалари, ногиронлар, талаба ва ўқувчиларни жалб қилиш белгилаб қўйилди. "Меҳнатга яроқдилар" эса бу ерда асосий иш жойидан бўш вақтларида меҳнат қилишлари мумкин эди. Тўғри, ижроқўмларга ўз худудларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, кооператив секторда ишга яроқли аҳолини асосий ўринда ишлаш ҳиссасини белгилаш имкони берилди. Москва ва Москва вилояти учун 20 фоиз бўлса, Ўзбекистон учун бу кўрсаткич 40 фоиз қилиб белгиланди[11]. Шунга қарамай кооператив сафлари аззолар билан тўлиб борди. СССР Молия министрлигининг маълумотларига қараганда, 1988 йилда кооператив секторида меҳнатга яроқли қатлам салмоғи 75 фоизни ташкил этди[12]. Белгиланган фоиз кўрсаткичи ҳам 80-йиллар ўрталарида келиб Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг қай ҳолатда эканлигини кўрсатади.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистонни демографик хусусиятларини яъни аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш жараёнига эътибор берилмади. Натижада йилдан-йилга банд бўлмаган аҳоли салмоғи ошиб бораётган эди.

Ўзбекистонда 1991 йил 1 январь ҳолатига 9779 та кооператив 268511 кишини бирлаштирган бўлса, шулардан 61684 таси ўриндошлик асосида фаолият кўрсатган[13].

Бундан ташқари ўриндошлик асосида фаолият юритган ходимлар кооперативларда асосий иш ўрнига нисбатан 2-3 баробар кўпроқ иш ҳақи олди.

Бу ўринда ишчи кучи масаласида кооперативларга қўйилган чекловдан мақсад давлат ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи кучи мувозанатни сақлаб қолиш эканлиги билан

изоҳланди. Кооперативларни халқ ҳўжалигининг барча тармоқ ва йўналишларида фаолият олиб бориш мумкинлиги ва зарурати бўлган ҳолда бунга йўл қўйилмади. Соҳадаги қонунчиликни камчиликлари ва тор доирада эканлиги кооператив секторнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Кооперативларни иқтисодий ҳолатини мувозанатини таъминлаш мақсадида уларни корхона, муассаса ва ташкилотлар қошида ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Моҳиятан олиб қараганда кооперация тўғрисидаги қонун иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми бўлиб, янги ҳўжалик юритиш механизмларини шакллантириши лозим эди. Бу ўринда кооператив ҳаракатнинг ривожланиши унинг ички ва ташқи бозорга осон мослашиши, маҳсулотни талаб ва эҳтиёжга мос равишда унча катта бўлмаган миқдорда ишлаб чиқариш каби имкониятлари билан изоҳлаш мумкин.

1987 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда 213 та кооператив фаолият кўрсатган бўлса, 1989 йил 1 январда уларнинг сони 317 тага етди. Уларда ишловчиларнинг сони мос равишда 2.9 мингдан 70.4 минггага кўпайди. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси кооперативлари умумий кооперативларнинг 45,8 фоизини ташкил қилди. Бу даврда ишлаб чиқарувчи кооперативлар сони 139 тадан 216 тага кўпайди. Кооперативлар айниқса Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида муваффақият билан ривожланди[14]. Бир қатор вилоятларда эса кооперативлар секинлик билан ривожланди. Масалан, 1988 йилда Бухорода 88 та, Сирдарёда 32 та, Сурхондарёда 46 та кооператив мавжуд бўлган[15].

Кооперативлар фаолиятни кенг тарқалишига ва бир маромда ривожланишига мавжуд маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг бюрократик бошқарув аппарати тўсқинлик қилди. Бунда ҳатто кооператив аъзоларининг ўзи ҳам кооперативнинг асл моҳияти ва фаолият юритиш механизмлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас эдилар.

СССР давлат Банкининг 1987 йилдаги 974-сонли кўрсатмаси жиддий ғовлардан бири бўлди. Бу кўрсатмада ссудани фақатгина қайта қуриш ва кенгайтириш учун берилиши қатъий белгилаб қўйилди. Қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун эса бино ва иншоотларни етишмаслиги уни янгидан қуришни тақозо қиларди[16]. Бу каби ҳолатлар эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш масаласида ва аҳоли бандлигини таъминлаш даражасига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Кооперация ёрдамида бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар бу ўринда самарали ва пухта ўйланган одилona йўл ҳисобланади. Чунки қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кооперациянинг жорий қилиниши мамлакатнинг бой имкониятларидан фойдаланиш билан бирга аҳолининг маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Энг асосийси кўшимча меҳнат ресурсларини жараёнга жалб қилиб аҳоли бандлиги ва унинг даромадлари ошишини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ҳақида сўз юритганда, Ўзбекистон матлубот кооперацияси-йирик ижтимоий-ҳўжалик ташкилоти бўлиб, собиқ Иттифок даврида унинг аъзолари сони мамлакат бўйича 60 млн, Ўзбекистон бўйича эса 126 минг пайчини бирлаштирган. Унинг савдо, тайёрлов, ишлаб чиқариш фаолиятига миллионлаб қишлоқ аҳолисининг турмуши ва меҳнати боғлиқ[17].

Матлубот кооперацияси йирик ҳўжалик ташкилоти бўлишига қарамай, совет давлатининг маъмурий - бўйруқбозлик тизимининг тўлиқ таъсирида эди. Қатъий белгиланган режалар, кўрсатмалар шулар жумласидандир. Матлубот кооперациясида ҳам кооперация тўғрисида қонун қабул қилингандан сўнг бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

1988 йилга келиб ЎзССР матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш корхоналарида 552,7 млн сўмлик турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. Кооператив ишлаб чиқариши корхоналари сони 1980 йилда 252 та бўлган бўлса, 1988 йилда 490 тани ташкил қилди. Бундан ташқари 3130 та корхона нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарди[18].

Кооперативлар орасида ишловчиларнинг сони кўплиги жиҳатидан қурилиш кооперативлари (40 фоиз) ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кооперативлари (18 фоиз) энг катта салмоққа эга бўлди. Республика кооперативларида сотилган маҳсулот ҳажмининг ярмидан кўпроғи уларнинг улушига тўғри келди.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб кооперативлар фаолиятига ижобий ва салбий ёндашувлар янада кучайди. Халқни кундалик истеъмоладан маҳсулотлари билан таъминлаш ва сифатли хизмат кўрсатиш фаолиятни ташкил қилиб фаолият олиб бораётган кооперативлар билан бир қаторда "қандайдир майкани олиб, унга бирон-бир гул солиб, юқори нархларда сотаётган"[19] кооперативлар фаолиятини суриштириб кўриш лозимлиги кун тартибига кўйилди ва уларнинг бутун турмушини тартибга солиш масалаларини маҳаллий ҳокимиятларга беришга қарор қилинди.

Бу масалада Ўзбекистон ҳам четда эътибордан четда қолмади. 1989 йилда "Ўзбекистон ССР ҳудудида кооператив ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятининг айрим турларини таъқиқлаш тўғрисидаги" қарорга мувофиқ мавжуд кооперативларнинг учдан бир қисми ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу жараён совет ҳокимиятининг пухта ўйланмаган ва қабул қилинган қонунлардаги ноаниқ бандларнинг натижаси эди. Натижада кооператив давлат корхонасининг режа ва топшириқларини бажаришга кўмаклашадиган ўзига хос пудратчи вазифасини ўтайдиган бўлиб қолди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Кочарова З.Р. Особенности развития сельскохозяйственной кооперации в 20-30-е годы: На материалах Краснодарского и Ставропольского краев. автореферат дисс. канд. ист.наук. - Владикавказ, 2000. - С.7.
2. Буздалов И.Н. Возрождение кооперации. - М.,1990. Кузнецов В.М. Новые формы кооперации в СССР. - М., 1990. Вахитов К.И. Потребительская кооперация СССР. - М., 1991.
3. Акимбекова Г. Развитие сельскохозяйственной кооперации в странах с развитой рыночной экономикой. www.farmers.kz
4. Егоров В. Мировой опыт развития кооперации в сельском хозяйстве. [https:// cyberleninka.ru](https://cyberleninka.ru)
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /тузувчилар Жўраев М. ва бошқ. - Т.: Шарқ, 2000. - Б. 624.
6. Ўша жойда. - Б. 627.
7. www.gib.ru Горбачёв М.С. Политический доклад центрального комитета КПСС XXVII съезд КП СССР . Избранные речи и статьи. - М.: Политиздат, 1987.
8. ВСНХ - Халқ ҳўжалиги Олий совети.
9. Дьяченко В.П. История финансов СССР (1917-1950 гг). - М., 1978. - С.77.
10. Минбаев Б. Кооперация: ўтмишда ва ҳозир. - Т.: Ўзбекистон, 1991. - Б.57.
11. Иванова Е.А., Шашнов С.А. Кооперативный уклад в экономике. - М.: Финансы и статистика, 1991. - С.7.
12. Ўша жойда. - С.9.
13. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистический ежегодник. - Т., 1991. - С.157.
14. Искандаров С. Основные тенденции развития кооперативов: теория, практика, проблемы // Общественные науки Узбекистана. 1989. №2. - С.13.
15. Ўша жойда. - Б.14.
16. Ўша жойда. - Б.15.
17. Каримов И., Сироджев Н. Повышение роли потребкооперации в реализации продовольственной программы // Общественные науки Узбекистана.1989. №6. - С.14.
18. Ўша жойда. - Б.15.
19. Минбаев Б. Кооперация: ўтмишда ва ҳозир. - Т. : Ўзбекистон, 1991. - Б.71.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-12>

АННОТАЦИЯ

Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мамлакатимизда уч босқичли ўзига хос миллий тизим яратилди. Мазкур тизим ёшларни жисмонан етук бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирилган янги тизим ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириши билан халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон Республикаси нуфузини янада оширишига хизмат қилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия ва спорт, Соғлом авлод, Оммавий спорт, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада", мактаб, коллеж, академик лицей, олий таълим муассасалари. Жисмоний маданият, соғлом турмуш тарзи, давлат, мустақиллик.

Ядгоров Заиржон Шакарбаевич,

Старший преподаватель кафедры истории и общественных наук Узбекистана, ЖизПИ

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ СПОРТА И ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРА В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В годы независимости была создана трёхэтапная своеобразная национальная система в области спорта. Данная система играет важное значение в формировании физически развитой молодежи. Новая система, направленная от массовости к высоким спортивным достижениям, способствует формированию здорового образа жизни среди молодых учащихся, а также повышению престижа Республики Узбекистан в международной спортивной арене.

Ключевые слова: Физическое воспитание и спорт, здоровое поколение, массовый спорт, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада", школа, колледж, академический лицей, высшие учебные заведения, физическая культура, здоровый образ жизни, государство, независимость.

Yodgorov Zairjon,

Senior Lecturer at the Department of History of Uzbekistan and Social Sciences

THE HISTORY OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

№ 2/2019

During the years of independence in the field of physical culture and sports, three-level national system has been created in our country. This system plays an important role in the physical development of young people. The new system, aimed at achieving high sport achievements, is intended to increase the prestige of the republic of Uzbekistan at international sports arenas by shaping a healthy lifestyle among students.

Key words: Physical culture and sport, healthy generation, mass sport, "Umid nihollari", - "Barkamol avlod", - "Universiada", school, college, academic lyceum, higher education institutions, physical culture, healthy lifestyle, country, independence.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида ўз мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни деб белгиланди ва бу кун байрам куни сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик, эркин фикр юритиш, адолат ва тенг ҳуқуқлилик юртдошларимизга янги бахт-саодат келтирди. Бунда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати ҳам ўзининг ҳақли равишдаги миллий мақомига эга бўлди.

Республиканинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий салоҳиятида жисмоний тарбия ва спорт ҳам ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу борадаги ғамхўрлиги олқишга сазовордир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мустақилликка эришиш ва унинг истиқболида аҳоли саломатлигининг ўта қимматлилигини ва унга эга бўлиш йўлларини катта кўтаринкилик билан изҳор қилиб берган, яъни: "Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустақам саломатлик тилашган. Сиҳат-саломат бўлишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак. Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полковлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзбекистон халқаро спорт ҳамжамиятида дадиллик билан ўзини кўрсатмоқда. Биз Тошкентда ёшлик ва саломатликнинг, тинчликнинг абадий ва улуг тимсоли бўлган Олимпия ўйинларини ўтказишга тайёرمиз. Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида синдириш керак. Шуниси муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар [1]., - деб ҳақли равишда айтган.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши унинг шонли тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилиши билан бирга унинг бугунги қиёфасини янада бойитди. Ривожланган мамлакатларнинг юртимизни мустақил давлат сифатида тан олиши жаҳон миқёсида унинг обрў-эътиборини янада оширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 9-сессиясида 1992 йил 14-январда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғриси" да қонун [2]. қабул қилинди. Мамлакат қатор қийинчиликлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий зиддиятларни

енгиб бораётган бир пайтда, бош ислохотчи вазифасини зиммасига олган давлатнинг жисмоний тарбия ва спортга эътибор бериши камдан-кам мамлакатларда юз беради. Бу қонуннинг қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спортни оммавий равишда ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Бу қонун барча аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишларига кенг шарт-шароитлар яратиб беришни кафолатлайди. Бу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинди. [3].

1992 йилнинг 21 январида Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси ташкил этилди ва 1993 йил сентябрь ойида ўтказилган Халқаро Олимпия Қўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон Республикаси ушбу нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбек спортчилари Олимпия ўйинларида мустақил жамоа сифатида иштирок этишлари учун имкониятлар эшиги очилди.

Ўзлигини таниган, англаган халқ энг, аввало, эътиборни ёшлар тарбияси ва уларнинг камоли йўлига қаратади. Чунки қонида гайрат, шижоат нафаси уфуриб турган, матонат ва жасорат балқиб турган ёшлар ўша мамлакатнинг истиқболли тақдирини белгилайди. 1993 йилда Биринчи Президентимизнинг "Соғлом авлод учун орденини таъсис этиш тўғрисида" ги Фармони[4]. ана шу ҳақиқат учун кўйилган залворли қадам бўлди.

1999 йил 27 май Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида" қарор[5]. қабул қилди. Бу қарорнинг қабул қилиниши барча давлат идоралари ҳамда нодавлат ва жамоат ташкилотлари олдига катта масъулият юклади. Шу асосда республикамиз аҳолисининг деярли ҳаммасига яъни: ишлаб чиқариш, савдо, тижорат, тарбия, ўқув муассасалари соҳаларида жисмоний тарбия ва спортни жадал ривожлантириш кенг йўлга кўйилди.

2000 йилнинг Ўзбекистон Республикасида "Соғлом авлод йили" деб номланиши ана шу мақсадлар йўлида яна бир қадам бўлди. Бу мақсадларга қаратилган ислохотлар уч босқичли спорт тизимида ўз аксини топди. Илк бор 2000 йил гуллар шаҳри Наманганда Ўзбекистон олий ўқув юртлири талаба ёшларининг "Универсиада" спорт мусобақалари бошланди. Гўзаллик, шижоат, камолот, нафосат, жасорат ва маҳорат беллашувлари. Бу байрам ана шундай номга муносибдир. Мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, олий ўқув юрти талабалари иштирок этадиган "Универсиада" мусобақаларининг ўтказилиши анъанага айланди. Ушбу мусобақалар соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш, спортнинг оммавийлигини ошириш, олимпиада ҳаракатини юксалтириш каби гоаяларни ўз ичига қамраб олган. Бугунги кунда спорт дунёдаги энг оммабоп соҳалардан бирига айланиб қолди.

Мамлакат миқёсида жисмоний тарбия ва спортни оммавий тарзда ривожлантириш юртимизга тегишли бўлган ҳар бир ислохотда ўз аксини топган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқиб, ёш авлодни жисмонан, маънан соғлом қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга меҳр

уйғотишнинг муҳим омили сифатида болалар спорти ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2002 йил 24 октябрь куни "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида" ги Президент Фармони[6]. имзо чекилди. Бу жамғарманинг асосий мақсади жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир. Мазкур жамғарма орқали, аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни кўзлаган. Ҳар бир вилоят ва туманда иш бошлаган бўлимлар ўз фаолиятларини жадал йўлга қўйдилар. Замонавий спорт иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлаш, жойларга малакали мураббийлар ва спорт жиҳозлари етказиб бериш, қўйингки болалар спорти ривожига нимаики дахлдор бўлса, бу уларнинг бевосита вазифаси қилиб белгиланди.

2003 йил 4 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори[7]. қабул қилинди. Мустақил Ўзбекистоннинг жисмоний маданият ва спортини янада ривожлантиришга асос бўлувчи энг муҳим тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу қарорга биноан 2004 йилнинг 1 январидан "Спорт" телерадиоканали иш бошлади. Телеканал юртимизда спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, диёримизда ташкил этилаётган нуфузли мусобақаларни ёритишни ўз зиммасига олган. Албатта, ўтган давр ичида бу ўзини оқлади. Бу телерадиоканали орқали шахматчимиз Рустам Қосимжоновнинг оламшумул ғалабаси дунё телевидениеси тарихида биринчилардан бўлиб тўғридан тўғри эфирга узатилди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари бошчилигида кенг қулоқ ёйиб бораётган жисмоний тарбия ва спорт, хусусан болалар спорти борасидаги эзгу ишлари ҳам тўлақонли ёритиб борилмоқда.

Мустақиллик ўзбек спортини дунёга танитди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортнинг равнақ топиши Биринчи Президент Ислоҳ Абдуганиевич Каримов фаолияти билан бевосита боғлиқ. Зеро, Биринчи Президент "Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилик машҳур қила олмайди". Бизнинг бу халқаро турнирдан кўзлаган мақсаду муддаомиз - Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги катта салоҳиятини юзага чиқариш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар борлигини кўрсатиш. Спорт-ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт турлари ҳам ривож топаёпти. Биз ёзги ва қишки Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё биринчиликлари, чемпионатларида энг юксак ғалабаларга эришган юртдошларимиз билан ҳақиқи равишда фахрланамиз.

Спорт - тинчлик элчисидир. Бизнинг мақсадимиз ҳам тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш. "Соғлом танда - соғ ақл", дейдилар. Бизнинг яна бир мақсадимиз- ҳар томонлама камол топган, етук соғлом авлодни тарбиялашдир. Шу туфайли мустақил давлатимизнинг биринчи ордени ҳам "Соғлом авлод учун" деб аталди. Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур этиб бўлмайди[8]. деб таъкидлаган эдилар. Ўзбекистон Республикасида

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун Биринчи Президент Ислом Абдуганиевич Каримов сайъи-ҳаракатлари билан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Биринчидан - Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Иккинчидан - Жисмоний тарбия ва спорт соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, миллий генафондни соғломлаштириш воситасига, миллионлаб ватандошларимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирилди.

Учинчидан - жаҳон ҳамжамиятида ҳам спорт соҳасида ўз овозимизга эга бўлдик. Дунё Ўзбекистон Республикаси халқининг жисмоний имкониятлари, салоҳияти, иқтидори беқийс эканлигини эътироф этди.

Тўртинчидан - спорт-дини, миллати, ирқи, жинси ва ёшидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларини жипслаштирувчи, яқдил қилувчи омилга, жамиятда фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни, ички барқарорлиқни мустақамловчи қудратли кучга айланди.

Бешинчидан - миллий ўйинларни ва спорт турларини тиклашга, маънавий ҳаётни янгилашнинг, миллий ўзликни англаш жараёнларининг ажралмас қисми сифатида жиддий эътибор берилди.

Олтинчидан - ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида тан олинди.

Еттинчидан - шунини қувонч билан таъкидлаш керакки, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида чиқарилган қатор ҳужжатлар мазкур соҳанинг тараққий этишига асос яратди.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, аввало, фарзандларини соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг жисмонан етук бўлиши тўғрисида қайғуради. Юртимизда миллий ўйинларни ривожлантириш ва уни кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар ҳам шулар жумласидандир. Энг аввало, муҳтарам йўлбошчимизнинг мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги маҳсус фармонлари шундай эзгу ишларга асос бўлди ва унинг бош омилига айланди. "Бизнинг тараққиётимиз- деб, таъкидлаган эди Биринчи Президент И.Каримов,- соғлом авлод тарбиясига таянади, уни ривожлантиришга қаратилган". Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган ютуқларини сарҳисоб этиш билан унинг ички ва ташқи салоҳиятига баҳо берса бўлади. Мустақил ўзбек заминининг ҳар бир соҳада қўлга киритган муваффақиятлари замирида Ватанимизнинг турли сарҳадларида истиқомат қилаётган инсонларнинг меҳнатлари, фидоийлиги, бой ва юксак интеллектуал билими, жисмоний қобилиятлари мужассамдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришган муваффақиятлари оламшумул аҳамият касб этади. Бугун Ўзбекистон Республикаси ёшлари жаҳон спорт майдонига чиқиб, энг баланд мартабали турли олимпиада, жаҳон чемпионати ва осий чемпионатларида, кескин курашларда тенгсиз ғалабага эришиб, улуг аجدодларимизга муносиб ворислар эканини қайта-қайта намоён этаётган экан, бу-ўз вақтида уларга кўрсатилган ғамхўрликнинг, ёш авлод истиқболи йўлида амалга оширилган беқийс эзгу ишларнинг ёрқин самарасидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон. 1992. - Б. 69-70.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" қонуни. -Тошкент, 1992 йил, 14 январь, № 3, 160-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" қонуни. -Тошкент, 2000 йил, 26 май, № 76-II-сон янги таҳрири.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасининг "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 3-сон, 150-модда) Тошкент ш., 1993 йил 4 март, ПФ-575-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 20-сон, 160-модда; 2003 й., 15-16-сон, 123-модда; 2004 й., 3-сон, 31-модда, 20-сон, 236-модда, 34-35-сон, 394-модда; 2005 й., 22-сон, 159-модда, 27-сон, 2013 й., 37-сон, 485-модда) Тошкент ш., 2002 йил 31 октябрь, 374-сон
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 21-сон, 205-модда; 2006 й., 11-сон, 83-модда) Тошкент ш., 2003 йил 4 ноябрь, 484-сон
8. Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. -Б. 250-251.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Ziyayev Farhod Sobirovich,
Toshkent Moliya instituti dotsenti

TURKIY XALQLARNING KELIB CHIQISHI, TARQALISHI VA HOZIRGI ZAMON



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-13>

АННОТАЦИЯ

Maqolada o'zbek xalqining etnologiyasi, etnik tarixini o'rganishga, ushbu xalqlarning etnik shaklanishi, uzoq davrlar davomida, murakkab tarixiy shart-sharoitlar va omillar ta'sirida sodir bo'lganligiga e'tibor qaratilgan.

Tayanch so'z va iboralar: Urug', qabila, elat, xalq tushunchalari, saklar, massagetlar, xorazmiylar, qorluqlar, barloslar, mang'itlar, qiyotlar, minglar. "O'zbek" etnonomi.

Зияев Фарход Собирович,
доцент Ташкентского финансового института

ЭТНОГЕНЕЗ ТУРЕЦКОЕ НАРОДНОЕ НАСЕЛЕНИЕ, РАСПРОСТРАНЕНИЕ И СОВРЕМЕННОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В статье основное влияние уделено на изучение этногенеза, этнической истории узбекского народа, в частности на этническое формирование этого народа важное влияние оказали сложные и исторические условия и факторы имевшие место в регионе.

Ключевые слова: род, племя, этнос, народ, саки, массагеты, хорезмийцы, карлоки, барлосы, мангиты, минги, киятцы, этноним узбек.

Ziyayev Farhod,
Associate Professor of the Tashkent Financial Institute

ETHNOGENESIS TURKISH NATIONAL POPULATION, DISTRIBUTION AND MODERNITY

ANNOTATION

In this article main attention are zoomed in etnic proces of uzbek nation. Also, in paper are described etnogenez process.

Key words: clan, tribe, ethnos, people, Sakas, Massagets, Khorezmians, Carloks, Barlosi, Mangites, Mingy, Kyattsi, ethnonym Uzbek.

Millat arabcha soʻz boʻlib, odatda, xalq maʼnosini anglatadi. Adabiyotlarda millat-bu kishilarning yagona tilda soʻzlashishi, yaxlit hududda istiqomat qilishi, mushtarak iqtisodiy hayot kechirishi, umumiy madaniyat va ruhiyatga ega boʻlishi asosida uzoq vaqt davomida shakllangan barqaror birligi, deb taʼriflanadi.

Etnogenez elat, millatning kelib chiqish mazmunini anglatadi.

Etnik tarix maʼlum bir hududda yashovchi u yoki bu xalqning ajdodlaridan boshlanib, elat shakllanishini, uning taraqqiy etish bosqichlarini va elatning yemirilishi yoki rivojlanib, millat darajasiga yetishish davrini oʻz ichiga oladi. Shakllanayotgan yangi etnosga maʼlum hududda yashagan tub xalqlar yoki etnik guruhlardan tashqari, boshqa hududlardan kelgan etnik, antropologik va madaniy jihatdan bir xilda boʻlmagan etnoslarning yoki etnik guruhlarining aralashib, qorishib ketishidan ham elat vujudga kelishi mumkin. Dunyoda mavjud boʻlgan xalqlarning barchasi turli etnik guruhlarining qoʻshilishidan vujudga kelgan. Ammo yangi kelgan etnik guruhlar tub xalqlarning "qoni"ni yoki genetikasini jiddiy oʻzgartiraolmaganlar. Uzoq davr davomida tub joy aholisiga qorishib, singib ketganlar.

Yer yuzida yashayotgan barchaxalqlar toʻsatdan yoki tasodifan paydo boʻlgan emas. Bir guruh xalqlar oʻzlarining etnik nomlarini asrlar osha saqlab kelishgan, boshqalari esa, oʻzga bir elatlar tarkibida hayot kechirishgan. Baʼzi etnik qatlamlar ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy munosabat tufayli hamdaayrim etnik guruhlarining nufuzi taʼsirida boshqa qavmlarga singib ketgan.

Turkistonning tarixi ham qadimiy boʻlib, turk soʻzi etnik nom tarzida uzoq zamonlar osha maʼlum boʻlgan. Lekin yozma manbalarda milodiy sananing V-VI asrlariga qadar qayd etilmagan. Turk nomi tarixiy yozma manbalarda paydo boʻlmasdan ilgari turk xalqlari skif, xunlar nomi bilan yuritilgan.

Keyingi yillarda Oʻzbekistondaolib borilgan arxeologik qazishlar, kuzatish va tadqiqotlar natijasida miloddan avvalgi II-I asrlar, milodning V asrlarida istiqomat qilgan elatlarning hayoti va ilk madaniyati haqida qimmatli maʼlumotlar toʻplandi. Bunga koʻra OʻrtaOsiyodaodamlar tosh davridan boshlab yashab kelgan ekanlar. Antropolog olim T.Xoʻjaev qariyb 20 yil mobaynida OʻrtaOsiyoning turli hududlaridan topilgan 500 ga yaqin antropologik material asosida hozirgi oʻzbek va tojiklargaxos antropologik tip miloddan avvalgi birinchi ming yillikning oxirlari va milodning boshlarida Sayxun (Sirdaryo) ning oʻrta va quyi oqimlarida shakllanib, keyinchalik milodning II-III asrlarida Fargʻona bilan Xorazm vohalariga, Zarafshon vodiysiga koʻchib oʻtganligini isbot qildi. Qadimgi Eron, Hindiston, Yunon, Rim vaXitoy manbalarining guvohlik berishicha, oʻzbeklarning kelib chiqishi tarixda saklar, massagetlar va toxarlar (Xitoy manbalarida Yue-chje) nomi bilan mashhur boʻlgan. Ular qadim zamonlarda OʻrtaOsiyo hamda uning tevarak-atrofida koʻchib yurgan xalqlarga, Soʻgʻd, Xorazm, Baqtriya, Parkona (Fargʻona) va Shosh (Toshkent) ning qadimiy xalqlariga borib taqaladi. Oʻsha vaqtda ular yashab turgan hudud nomi bilan sugʻdiyalar, xorazmiylar, baqtriyaliklar, parkonaliklar va shoshliklar deb atalib, tarixda qolgan.

Bular haqidagi maʼlumotlar qadimgi Eron manbalarida, Mugʻ qalʼasi (Tojikiston) dan topilgan soʻgʻdiy tildagi hujjatlarda, shuningdek, Qayumars, Siyovush, Afrosiyob haqidagi afsonalarda; Toʻmaris, Shiroq kabi qissalarda koʻplab uchraydi.

Miloddan avvalgi birinchi ming yillikda Markaziy va OʻrtaOsiyo, Sibir hamda shimoliy va gʻarbiy Xitoy yerlarida bir qanchaxalqlar yashagan. Bu elatlarning bir qismi turkiyzabon boʻlganligi tarixiy manbalardan maʼlum. Issiqkoʻl yaqinidagi miloddan avvalgi IV-III asrlarda oʻtgan sak qabilaoqsoqolining qabridan qadimgi yozuv namunalari topilgan. U

oromiy alifbosi asosida bitilgan bo'lib, hozir ma'lum bo'lgan eng qadimgi "turkiy yozuv" deb tan olinmoqda. Turkiy yozuv Xorazm, So'g'd, Baqtr yozuvlari qatorida O'rtaOsiyoning shimoli sharqiy viloyatlarida shu tili aholi yozuvi sifatida mavjud bo'lgan. Demak, O'rtaOsiyoning shimoli sharqiy viloyatlarida turkiy qabila va elatlar yashagan, ularning tub aholisi bo'lmish turkiy qabilalar juda erta o'z yozuviga ega bo'lganlar.

Ming yil avval Mahmud Koshg'ariy "Devonu lug'atit turk" nomli mashhur asarida quyidagi ma'lumotlarni keltiradi, "Iskandar Zulqarnayn Turonni bosib olayotgan paytda turklar uzun, uchi cho'ziq bo'rk kiyib, ot chopayotib, orqa tomondagi dushmanga mahorat bilan yoydan o'q otadi" deb ta'riflagan. Xuddi shunday ta'rifi skiflar davriga oid arxeologik qazishmalariga bag'ishlangan kitobida S.Rudenko ham takrorlaydi.

Demak, qadimda Sirdaryoning o'rta va quyi sohillardagi to'ltoygacha bo'lgan hududda ko'chib yurgan qabilalar turklarning ajdodlari bo'lgan. Turkiy tillar turkumi dunyodagi keng zaminga tarqalgan va ular ko'p sonli tillardan biri sanaladi. Tadqiqotchi filolog olimlarning dalolat berishlaricha, hozirgi zamonda turkiyzabon xalqlarning soni 200 mln.dan ham ko'proq ekan. Tarixan ular umumiy turkiy nomga, tomirga va tilga ega bo'lib, o'zlarining davlatini shakllantirib, shu davlatga birlashib hayot kechirganlar, ilm-fan va madaniyat sohaslarini rivojlantirib kelganlar. Bunga yuqorida keltirilgan qadimiy yozma yodgorliklarimiz ham guvohlik berib turibdi. Ana shunday yozma manbalar asosida va taraqqiyot mobaynida umumiy turkiy til, alohida turkiy xalqlar va davlat tillari yuzaga kelgan.

Masalan: miloddan avvalgi IV asr oxirida sak-massaget qabilalarining biri guruhi makedoniyalik Iskandar ta'qibi natijasida Sharqiy Turkistonga borib joylashganlar. Keyingi davrlarda qadimgi Farg'onaga ko'chib kelganlar. Massagetlarning yoki toxarlarning bir qismi qadimgi Baqtriyaga borib, Kushonlar davlatini barpo qildilar. Bu davlatning dastlabki podshohlari o'z nomidan tanga zarb etganlarida turk so'zlarini ishlatganlar. Kushon davlatining asosiy etnik qatlami Sharqiy Eron tillarida so'zlashuvchi qadimgi Baqtriya aholisi bo'lsa-da, ammo sulolaasoschilari - Kushonlar turkiy qavm edilar. Kushonlar va eftalitlar davriga oid ellin-baqtriya xatida beshinchi asrda turkiy tilda bitilgan jumalalar saqlanib qolgan. V-VI asrlarga kelib, Turk hoqonligi davlati usulida boshqarish kuchayib boradi. "O'rxun-Enasoy" yodgorliklari umumiy turkiy yozma manbalar sifatida jahonga mashhur bo'ldi. Professor N.Rahmonovning "Turk hoqonligi" kitobi qadimgi yozuvlar haqida ishonarli ma'lumot beradi.

Uzoq o'tmishda o'zbek xalqining etnik tarkibini mahalliy xalqlar, shuningdek ma'lum sabablarga ko'ra O'rtaOsiyoning shimoli sharqidan kelgan turkiy xalqlar tashkil etganlar. Tarixan skif, xunlar nomi bilan yashagan xalqlar milodning VI asri o'rtalarida, o'tgan bir yarim ming yillik davr mobaynida turklar nomi bilan mashhur bo'ldi. N.Rahmonov xitoy manbalariga tayangan holda "turk" so'zi avvaliga birorta qabila nomini anglatmay, turkiyzabon elat va qabilalarning birlashmasini anglatgan, degan xulosaga keladi. Shu jumladan, o'zbeklarning ajdodlari ham shu guruhga mansub ekanligini ta'kidlaydi. Otashparastlarning muqaddas kitobi "Avesto" daahmoniyalar va sostoniyalar asoratiga tushib qolgan mamlakatlar vaxalqlar, shular qatori Turkiston zamini xalqlari haqida ma'lumotlar bor. Bu xalqlar orasida tur (xura) deb atalgan xalq ham tilgaolinadi. Shu munosabat bilan aytish mumkinki, Amudaryo bilan Sirdaryo oralig'ida, Xorazm va Farg'onada, shuningdek mazkur o'lkalar bilan tutash yerlarda istiqomat qilgan xalqlar Sharq manbalarida umumiy - "turk" nomi bilan, ular istiqomat qilgan yerlar esa "Turon" yoki "Turkiston zamin" deb atalib kelingan. Abulqosim Firdavsiyning "Shohnoma" sida ham "Eron" va "Turon" atamallari ko'p bor tilgaolinadi, har ikkala

mamlakat o'rtasidagi munosabatlar haqida ma'lumotlar keltiriladi. Tarixchi olim A.Muhammadjonov ham topilgan so'g'd hujjatlarigaasoslangan holda VII asrdayoq bu o'lkaning Turkiston deb atalganini qayd qilgan, xullas, Arab xalifaligi istilosigacha Shosh, Farg'ona, Zarafshon vodiylari, Qashqadaryo va Surxondaryo vohalari, Xorazm, hatto Amudaryoning so'l qirg'og'i aholisining kattagina qismi turklashib, Movarounnahr va Xorazmning ijtimoiy va madaniy hayotida muhim mavqeni egallab oldi.

X asr oxiri va XI asr boshlarida O'rta Osiyoda Qoraxoniylar davlati tashkil topdi. Movarounnahrqa Oltoy, Yettisuv, Sharqiy Turkistondan ko'chib kelgan bir talay qabilalar: turgashlar, to'xsilar, qarluqlar, chigillar, o'g'uzlar, arg'in va boshqa turkiy qabilalar o'lkaning turk tillarida so'zlashuvchi aholisi tarkibini etnik jihatdan boyitdi. Bu davrga kelib turkiy etnik qatlamning ustunligi bir qadar ta'minlandi. Shunday qilib, Qoraxoniylar davrida o'zbek xalqi shakllanib, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jihatdan rivojlandi. Eski o'zbek tiligaasos bo'lmish qarluq-chigil lahjasi rivoj topdi va yozmaadabiyot darajasiga ko'tarildi. Bu lahja o'zbek xalqining umumiy tili bo'lib qoldi. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilik", Mahmud Koshg'ariyning "Devonu lug'atit turk", Xoja Ahmad Yassaviyning "Hikmatlar" asarlari mana shu davrning ajoyib mahsulidir.

XIII asr boshlarida, aniqrog'i, 1219-yili Movarounnahrqa Chingizxon katta qo'shin bilan bostirib kirdi. Bu qo'shin tarkibida mo'g'ullar bilan bir qatorda turklar va turklashgan mo'g'ullar ham bor edi. Qarluqlar, jaloyirlar, totorlar, markitlar, qurlovutlar, burgutlar, qo'ng'irotlar, barloslar, so'lduslar, boyovutlar shular jumlasidandir. Bu qabilalar, shak-shubhasiz, o'zbek xalqining etnik tarkibini yanada boyitdi. Lekin o'sha zamonlarda, XV asrga qadar, bu qabilalar o'zbek nomini olmagan edilar. Ular turk deb yoki o'z qabilasining nomi bilan atalganlar.

Sharafiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma"sida O'rta Osiyo va u bilan qo'shni mamlakatlarda XIV-XV asrning I yarmida istiqomat qilgan 44 ta turkiy qabila va urug'larining nomlari qayd etilgan. Bular orasida Sirdaryo va Amudaryo oralig'idagi o'lkalarga XIII asrda Chingizxon va XVI asr boshida Muhammad Shayboniyxon boshchiligida ko'chib kelib, o'troqlashib ketgan qabila va urug'lar orasida uchramaydigan o'ndan ortiq qabilalar - mang'itlar, qang'lar, lochinlar, qatag'onlar, beshyuzlilar, qozoqlar va boshqalar bor. Bu qabilalar, shak - shubhasiz, mazkur yurtlarda qadimdan istiqomat qilib kelgan turkiyzabon qabilalardir. XVI asr boshida Dashti qipchoqdan ikki daryo oralig'idagi yerlarga (Movarounnahrqa) ko'chib kelgan turk-mo'g'ul qabilalari mahalliy turkiyzabon xalqdan son jihatdan oz edi. Ularning umumiy soni 24-26 qabiladan oshmagan. Buni Hofizi Tanish Buxoriyning "Sharafnomayi shahiy" asari ham tasdiqlaydi. XVI asrga kelib esa bu qabilalarning soni yanaoshgan. Shuningdek, mashhur turkshunos olim Zaki Validiy XVI-XVII asrlarda tuzilgan "Nasibnoma"gaasoslanib o'zbeklarda 92 qabilaviy urug' bor, degan fikrni bildirdi. Bu ko'rsatilgan qabilalarning 33 tasi mo'g'ul qabilasidir, shuningdek xitoy, arab va boshqa qabilalar ham uchraydi. Lekin ularning katta qismi turkiyzabon qabilalar bo'lib, XX asrning boshlarida shulardan 45 tasi zikr etilgan. Hozirgi o'zbek xalqi shu qabilalarning chatishmalari asosida shakllangan.

Yuqorida qayd etib o'tilgan qabilalar XIV asrning 80 - 90- yillaridan boshlab Sirdaryo bilan Amudaryo oralig'idagi yerlarga ko'chib kela boshladilar. 1500- yili esa ular Muhammad Shayboniyxon boshchiligida Movarounnahrni, 1504-1506- yillari Xuroson bilan Xorazmni zabt etdilar. Shu vaqtdan boshlab Movarounnahrning turkiyzabon xalqi o'zbek nomini oldi. "O'zbek" etnonimining Movarounnahrda g'olib kelishigaasoslanib, o'zbek xalqining kelib chiqishini XV-XVI asrlargaolib kelib bog'lab bo'lmaydi. Odatda, xalqning tarixi uning nomidan ilgari yuradi. O'zbeklarning ajdodlari

tarixda sezilarli iz qoldirdilar. Ular Somoniylar (819-1005), Qoraxoniylar (994-1212), Chig'atoy ulusi (1227-1370), Temur va Temuriylar davlati (1370-1506) ning ijtimoiy - siyosiy hayotida katta rol o'ynadilar. O'zbeklar XVI asrning boshlarida Shayboniylar davlatiga asos soldilar (1500-1601). Ashtarxoniylar (1601-1757) va Mang'itlar davlatini ham asosan ular boshqardilar. Qo'qon (1709-1876) va Xiva (1512-1920) xonliklari ham o'zbeklarning davlati edi. O'zbeklar o'z tarixi davomida o'zlariga hamsoya bo'lgan va ko'p vaqtlar bir davlat tarkibiga kirgan tojiklar, qozoqlar, qirg'izlar va turkmanlar, Eron va Afg'oniston xalqlari bilan yaqindan iqtisodiy va madaniy hamkorlikda bo'ldilar, ulardan nimalarnidir o'rgandilar, ularga nimalarnidir o'rgatdilar. Shu bir davlat XVIII asrga kelib uchtaxonlikka bo'linib ketdi. Bo'linish natijasida va boshqa ichki hamda tashqi omillar sababli XIX asrning 60-yillarida podshoh Rusiyasiga mustamlaka bo'lib qoldi. Turkistonning taqdiri 1886- yili tuzilgan "Turkiston o'lkasini boshqarish to'g'risida Nizom" deb atalgan maxsus hujjat bilan belgilandi.

Mukammal ma'naviyat milliy o'zlikni anglashdan boshlanadi. Milliy o'zlikni anglashning mohiyati esa shaxsning o'zi mansub bo'lgan millatning tarixi, jahon tafakkur xazinasiga qo'shgan hissasini tugal tasavvur etish va bulardan iftixor qilaolish, o'zi tug'ilib o'sgan, millatdoshlarining yagona Vatani bo'lgan hududiga va shu yurtdagi barcha madaniyat va qadriyatlarga daxldorlikdan huzur, g'urur, faxr his etishdir. Shuningdek, milliy manfaat va ehtiyojlarni idrok etishi hamda ular uchun xizmat qilishni o'zining burchi, deb bilishi kerak. Milliy o'zlikni anglash qorin qayg'usi bilan emas, balki qadr qayg'usi bilan yashamoq demakdir. O'z millatini, ajdodlarining kimligini biladigan, milliy g'ururi butun odam boshqa qavmlarga ham ehtirom ko'rsataoladi. "Xalqimiz tarixida insoniy kamoloti va ijtimoiy faoliyati bilan dovrug' qozongan, millatimiz faxri bo'lmish ulug' zotlar benihoya ko'p", -deydi Prezidentimiz I.A.Karimov o'zining Temuriylar tarixi davlat muzeyining ochilishi marosimida so'zlagan nutqida.

Bizning ajdodlarimiz o'tmishdagi tarixiy davrlarda qanday nom bilan atalganliklari va qanday til yoki tillarda so'zlashganliklaridan qat'iy nazar, endi o'sha ajdodlarimiz asosida, ular yashagan hududlarda hozirgi o'zbek millati shakllandi va biz endilikda o'zimizni o'zbek deb angladik. Shuning uchun o'sha ajdodlarimiz orasidan chiqqan buyuk siymolar hozirgi kunda ham biz o'zbeklarning faxrimizdir. Shulardan islom tarixida eng mashhur oltita muhaddisidan uchtasi turkistonlikdir. Bular imom Islom Buxoriy, shayx Abu Muhammad al-Koshiy va Sayid Hakim Termiziydirlar. Ismoil Buxoriyning "Sahih"i Qur'ondan keyin ikkinchi muqaddas kitob hisoblanadi. Bizda islom tarixida so'nmas iz qoldirgan Abdurahmon ad-Doramiy, Yusuf Termiziy, Shayx Kaffoli Shoshiy, Ahmad Yassaviy, Bahovuddin Naqshbandiy, Xoja Ubaydulloh va boshqa yirik siymolar ham borligi bilan faxrlanamiz. Ajdodlarimiz nafaqat diniy ilmlarda, balki dunyoviy ilmlarda ham boshqalarga nisbatan bir necha asr oldinni ko'raoladigan bo'lganlar. Bunday olimlarning peshvosi Muhammad ibn Musoal-Xorazmiydir. Bu zot algebra fanining poydevorini qurib, uning nomini ham berdi. Al-Xorazmiyning zamondoshi Ahmad al-Farg'oniy yozgan "Astronomiya asoslari" degan asar yevropaliklarga bir necha asr davomida asosiy qo'llanma bo'lib xizmat qildi. XX asr boshida nemis tarixchisi X.Zutyer IX-X asrlarda Bag'dod akademiyasida ishlagan 500 olimning ro'yxatini tuzgan. Shu olimlarning qariyb uchdan ikkisi Movarounnahr vaxurosonliklar ekan. Movarounnahrliklarning ham aksariyati Xorazm, Farg'ona, Shoshdan ekan. Al-Forobiy, Beruniy, Ibn Sinolar bizning diyorda tug'ilib, o'z vatanida yondirilgan ilm chiroqlarini boshqa yurtlarga, boshqaxalqlarga olib bordilar.

Amir Temur hukmronligi va uning avlodlari davrida ilm-fan va madaniyatning barcha sohalari rivojlandi, yurtimiz dong'i jahonga keng yoyildi. Bungaalloma Ulug'bekning butun dunyoga mashhur bo'lib ketganligini eslatib o'tish kifoyadir. Ayniqsa, uning "To'rt ulus tarixi", "Ziji jadidi Ko'ragoniy" asarlari g'oyat qimmatlidir. Mashhur olim o'z atrofiga necha o'nlab olimlarni yig'ib, o'z davrining ilm-fan akademiyasini yaratgan edi. Uning kutubxonasi ham dunyodagi eng boy kutubxonalardan biri bo'lgan. Ana shu va so'nggi davrda yashab, ilm-fan yo'lida jon fido qilgan mashhur olimlar: Abdurahmon Jomiy, Ali Qushchi, Fazlulloh Abullaysi, Qozizoda Rumiyy va boshqaolimu adiblarning ta'rifu tavsifi dunyoga mashhurdir. Nasrimiz pirlari bo'lgan Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, muxtasar qilib aytganda, nomlari jild kitoblarga sig'magan samarqandiyalar, buxoriylar, termiziylar, farg'oniylar va turkistoniylar avlodlarimiz. Bugun biz shuncha buyuk zotlarni bergan diyorumiz bilan haqli ravishda faxrlanishimiz kerak.

Bilim tufayli inson o'zini taniydi, o'zini tanigan inson nafaqat o'z taqdiri, shu bilan birga millat va mamlakat taqdiri egasi bo'ladi, o'zini tanigan inson nafaqat o'z ahvolidan, hatto millat va davlat ahvolidan ham ogoh bo'ladi. AbdullaAvloniy "Ma'rifat-bu shijoatdir" deganida, eng avvalo, mana shu ishonchni nazarda tutgan edi.

Hozirgi zamonda har bir o'g'il - qiz ilm-ma'rifatli, diyonatli, yuksak axloqlik bo'lishlari bilan birgalikda xorijiy tillarni, zamonaviy texnika va texnologiyalarni puxta o'zlashtirishlari lozim. Yoshlarimiz, ayniqsa, ilmu toliblarimiz qadriyatlar bilan bir qatorda koinot siru asrorigacha bo'lgan dunyoviy bilimlarni teran va puxta o'rganishlari zarur. Texnikaviy bilim, murakkab texnologiyani egallash qobiliyati ma'naviy barkamollik bilan, mustaqil tafakkur bilan birga borishi kerak. "Aqliy zakovat va ruhiy, ma'naviy salohiyat ma'rifatli insonning ikki qanotidir", - deb ta'kidlaydi prezidentimiz I.A.Karimov.

Hozirgi davrga kelib turkiy elatlar Turkiyada, Ozarbayjonda, O'rtaOsiyo respublikalarida, shuningdek Afg'onistonda, Xitoyning Sinsizyan o'lkasida, Rossiya hududlarida istiqomat qilib keladi. Ularning umumiy soni 220 millionga yaqindir. Demak, turkiyzabon aholi yer yuzining kattagina qismida yashab kelmoqda. Uzoq davom etgan tarixiy jarayonlar natijasida turli-tuman turkiy qavm va qabilalar millat darajasigacha ko'tarilib, jamiyatda o'z o'rniga, mavqeiga egadirlar.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Ziyayeva Dilorom Solixovna,
Muhammad al-Xorazmiy nomidagi
Toshkent axborot texnologiyalari universiteti katta o'qituvchisi

TEMUR TUZUKLARI VA HOZIRGI ZAMON



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-14>

АННОТАЦИЯ

Ushbu maqolada Amir Temur vatanimiz tarixida o'zbek davlatchilik taraqqiyotida beqiyos xizmat ko'rsatgan shaxs ekanligi, u asos slogan saltanat eng yirik va qudratli davlat bo'lganligi, shu o'rinda u o'z vorislariga nafaqat qudratli davlatni, shuningdek, saltanat qurish va davlatni boshqarish qonun - qoidalari bayyon etilgan mashhur tuzuklarni qoldiraganligi haqida fikrlar bayyon etilgan.

Tayanch so'z va iboralar: Movaraunnahr, Xuroson, tuzuklar, siyosiy tarqoqlik, xarbiy san'at, davlat boshqaruvi, adolat, haqiqat, moliya va soliq siyosati, shariyat, mulkiy munosabatlar.

Зияева Дилором Салиховна,
старший преподаватель
Ташкентский университет информационных
технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий

УЛОЖЕНИЕ ТЕМУРА И СОВРЕМЕННОСТЬ

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается роль А.Темура в истории Узбекистана его вклад в развитии узбекский государстве в издании великой империи. Вместе с этим в статье рассматривается "Уложение" А.Темура, где он изложил иринции управления государством, сохраняются своё значения и в ностаящее время.

Ключевые слова: военное искусства, государственное управление, справедливость, истина, политическая раздробленность, Хурасан, Моверуннахр, финансовая нологовая политика, онашения сробственности шариат.

Ziyayeva Dilorom,
Senior Lecturer Tashkent University of Information
technology named after Muhammad al-Khwarizmi

CODE OF TEMUR AND MODERNITY

ANNOTATION

In this article are decribed the role of Amir Temur in estabishment the powerful state in the Central Asia region, gave his hairs not only tich and powerful state, but also a great book named "Temur tuzuks"

Key words: military art, state administration, justice, truth, political fragmentation, Khurasan, Moverunnakh, financial tax policy, relations between sharia.

№ 2/2019

Tarixni chuqurroq o'rganar ekanmiz, ijtimoiy hayotda tartib bo'lmog'i zarurligini tushunamiz. Bu tartibdan davlat faoliyati birmuncha barqaror va umumiy xususiyatga ega bo'lgan qonunlar asosida tashkil etilishi lozimligini ko'ramiz.

Ana shunday qoidalar uzoq yillar davomida paydo bo'ladi, borgan sari ular takomillashib boradi. Masalan, Bobil podshosining qoidalar to'plami bo'lmish "Xammuroppi qoidalari" (m.av. XVIII asr), Sulaymon podshohning odamlarni murosaqa keltirishga qaratilgan tadbirlari (Solomonova reshenie) (m.av. X asr), mashhur Avesto kitobidagi urf-odat va an'analar tartiboti, Yunonistondagi Salon demokratiyasi (m.av. V asr) injil, tavrot qoidalari, islom shariatlari, Nizomulmulkning "Siyosatnoma"si, Kiev Rusida XI-XII asrda paydo bo'lgan Ya.Mudriyning "Rus haqiqati", Chingizxonning "Yaso"si yuqorida aytilgan fikrimizning dalilidir.

Amir Temur hayotlik davridayoq uning harbiy san'ati va davlat boshqarish uslubiga bag'ishlangan maxsus asar yaratilib, u "Temur tuzuklari" nomi ostida shuhrat topdi. "Tuzuk" so'zi asli eski turkiycha "tutsa□" so'zidir. Buni hozirgi tushunchaga ag'darsak, tartib, intizom, nizom ma'nolarini bildiradi. Demak, tuzuk - bu qonun- qoida, nizom. Temur tuzuklari bu sohibqironning kodeksi, ya'ni qonun -qoidalar to'plami, majmuasidir. Temur tuzuklari ikki qism, 56 banddan iborat tarixiy va huquqiy asar hisoblanadi. Bu asardan ko'plab sharh hukmdorlari o'zlarining faoliyatlarida davomida foydalangan va unga yuqori baho berganlar. Jumladan, Shohjahon (1628-1657), Qo'qon xoni Muhammad Alixon (1621-1842), Buxoro amiri Abdulahadxon (1885-1910) "Tuzuk" dan parchalar ko'chirtirib, ulardan o'z faoliyatlarida foydalanganlar.

Temur tuzuklari eski o'zbek tilida yozilgan bo'lib, 1610-yilda fors tiliga tarjima qilindi va dunyoga "Tuzuki Temuriy" (Temur tuzuklari) nomi bilan tarqaldi. Bizga uning fors tilidagi nusxasi va fors tilidan o'zbek tiliga tarjimasining uch nusxasi yetib kelgan. Eng to'liq nusxasi "Malfuzoti Temuriy" deb nomlangan va u Rossiyaning Sank-Peterburg shahridagi Saltikov - Shchedrin nomli kutubxonasida saqlanmoqda. Ushbu nusxa Toshkentda 2000- yili chop etildi.

Temur tuzuklari 1783- yili fransuz, 1785-1791-yillarda hind, 1863- yili fors, 1787-yili urdu, 1894,1934 -yili rus va 1857- yillarda turkiy tilda chop etildi. Temur tuzuklari hozirgi o'zbek tilida 1967-yili "Guliston" jurnalida va 1991- yil G'ofir G'ulom nashriyotida bosilib chiqdi. Sohibqiron tuzuklari 1996-yili Toshkentda o'zbek, ingliz va fransuz tillarida qayta nashr etildi.

"Tuzuklar"ning birinchi qismida Amir Temurning yetti yoshidan to vafotiga qadar (1342-1405 -yil 18-fevral) kechgan hayoti va ijtimoiy-siyosiy faoliyati, uning Movarounnahrda Markaziy hokimiyatni qo'lga kiritishi, ijtimoiy tarqoqlikka barham berishi va markazlashgan davlat tuzishi, qo'shni yurt va mamlakatlarni, masalan, Eron va Afg'onistonni o'z tasarrufiga kiritishi, Oltin O'rda xoni To'xtamishxon ustidan g'alabasi, buyuk jahongirning Ozarbayjon, Turkiya va Hindistonga qilgan harbiy yurishlari ixcham tarzda bayon etilgan.

Ikkinchi qismi Sohibqironning nomidan aytilgan va uning toju taxt vorislariga atalgan o'ziga xos vasiyat va pandu-nasihatlaridan iboratdir. Unda davlatni idora qilishda kimga tayanish, toju-taxt egalarning burchi va vazifalari, vazir va qo'shin boshliqlarining burchi va vazifalari, amirlar va boshqa mansabdorlarning toju -taxt oldida ko'rsatgan alohida xizmatlarini taqdirlash tartibi va hokazolar haqida gap boradi.

Temur farzandlariga murojaat qilib aytadiki, "Men saltanat qurish, davlat tutish bobida o'zim qo'llagan ishlarni bir necha tuzukka bog'ladim va saltanatni boshqarish haqida qo'llanma yozib qoldirdim. Toki farzandlarim, avlodim va zurriyotimdan bo'lganlarning har biri unga muvofiq ish yuritsin".

Temurning muhim xislatlaridan biri shu ediki, u doimo esli-hushli kishilar bilan maslahatlashar, ularning fikrini inobatga olib mustaqil bir xulosaga kelar edi. U o'z atrofiga turli toifadagi maslahatgo'ylarni tez-tez to'plardi, ayrimlari bilan yakkama - yakkam fikrlashar edi, pirlarining maslahatlariga ehtirom bilan qarardi.

Temur davlatni idora qilishda xalqning barcha tabaqalariga tayanish lozimligini alohida ta'kidlaydi. Tuzuklarda ko'rsatilganidek, bu toifalar quyidagilar:

1. Saidlar, ulamo- shayxlar va fozililar.
2. Ehtiyotkor, qat'iyatli arboblilar, keyinini o'ylab, oldinni ko'rib ish yurituvchi kexsa va tajribali kishilar.
3. Duogo'y odamlar.
4. Amirlar, sarhang va sipohsolar (harbiy rahbarlar)
5. Sipoh va raiyat, ya'ni askar va oddiy xalq.
6. Saltanat ishlari va uning sir-asrorini bilgan, kengash qilishga loyiq va ishonchli kishilar.
7. Vazirlar, sarkotib va devon xizmatchilari.
8. Hokimlar, tabiblar, munajjimlar va muhandislar.
9. Hadis bilimdonlari-qissaxonlar, tarixshunoslar va oriflar.
10. Mashoyiq va so'fiylar.
11. Kasbu- hunar egalari.
12. Musofirlar, sayyoh va savdogarlar.

Keltirilgan mulohazalar dalolat beradiki, Sohibqiron barchani barobar ko'rgan, turli toifadagi kishilar bilan maslahatlashishga tabiiy ehtiyoj sezgan.

Temur Movarounnahrda hokimiyatni o'z qo'liga olgach, uning dastlabki tadbirlaridan biri rejali ravishda qurultoylar o'tkazish bo'lgan. O'sha davrning tarixchisi Sharofiddin Ali Yazdiy "Zafarnoma" asarida Temur tomonidan Qarshida, Qorabog'da, Samarqandda, Balxda va boshqa joylarda o'tkazilgan qurultoylar haqida ma'lumot beradi. Bu anjumanlarda barcha shahzodalar, ma'muriy rahbarlar, harbiy boshliqlar va zodagonlar ishtirok etar edi.

Amir Temur ta'kidlaydiki, "o'z qudratimni saqlash uchun men bir qo'limga beg'arazlik shamini va ikkinchi qo'limga beg'arazlik shamini olib, bu ikki sham bilan butun umr bo'yi o'z yo'limni yoritib yurdim. Men o'zimga adolatli va rahmdil to'rt vazirni tanladim. Ulardan ikkisi Mahmud Shaxxob Xurosoniy va Nasriddin Mahmud al-Aromiy erdi. Bu ikki vazirimga doimo meni kuzatib turishlarini va agar men adolatsizlik qiladurgan bo'lsam, darxol meni to'xtatishlarini, kimningdir yolg'on so'zlariga ishonsam yoki begona kimsaning mulkiga xiyonat qiladigan bo'lsam, darhol meni ogohlantirishlarini ta'kidlab qo'ydim".

"Temur tuzuklari"da davlatni idora qilishga oid 12 qoida bayon etiladi. Bu qoidalar quyidagilardan iborat:

1. Islom dini va shariat qoidalariga, qonunlariga rioya qilish, uni qo'llab - quvvatlash.
2. Davlatning, mamlakatning ustunlarini tashkil qilgan turli tabaqalar, toifalar bilan bamaslahat ish ko'rish.
3. Maslahat, tadbirkorlik bilan ish ko'rish .
4. Davlat ishlari boshqarishda qonunlarga bo'ysunish.
5. Amirlar va sipohiylar bilan yaxshi munosabatda bo'lish.
6. Turk, tojik, arabu- ajamning turli toifalariga milliy munosabatda bo'lish.
7. Barcha qarindosh - urug' bilan yaxshi munosabatda bo'lish (martabasidan qat'iy nazar).
8. Sipohiylarni hurmat qilish.

9. Raiyat (oddiy xalq) ahvolidan doimo ogoh bo'lish

10. Turk, tojik, arabu ajamning turli toifalarga milliy munosabatda bo'lish.

11. Barcha qarindosh urug' bilan yaxshi munosabatda bo'lish martabasidan qat'i nazar.

12. Siyohiy larni hurmat qilish.

Amir Temur zamonasining buyuk saltanatini barpo qilgan bo'lsa-da, ammo u o'zini bu davlatning "qonuniy xoni" deb umrbod e'lon qilmadi. Chunki u nasl-nasabi jihatidan chingiziylar sulolasiga mansub emas edi. Shuning uchun ham chingiziylar tomonidan belgilangan an'anaga ko'ra dastlab Suyurg'atmishni (1270-1388), so'ngra uning vafotidan keyin Sulton Mahmudni (1388-1402) rasmiy xon qilib ko'tardi. Amalda markazlashgan hokimiyatni Amir Temurning o'zi boshqarar, viloyatlardagi hokimiyatni o'g'illari, nabiralari va yaqin amirlari orqali idora qilardi.

Amir Temur davrida davlatning Markaziy ma'muriyati boshida devonbegi, uning yonida Arkbegi hamda to'rt vazir turadi.

1- vazir yer soliqlari, chegara bojini undirish hamda mirshablik ishlarini bajargan.

2- vazir askarlar maoshi, oziq-ovqat ta'minotlari bilan shug'ullangan.

3- vazir harbiylar, ularning lavozimu-mansablarga tayinlanishi va meros ishlariga qaragan.

4- vazir saroy xarajatlarini boshqargan.

Movarounnahrda tashqari o'z tasarrufidagi barcha viloyat va mamlakatlarni Amir Temur to'rt ulusga bo'ldi va to'rt o'g'liga taqsimlab berdi.

Temur tuzuklarida davlat tuzilishining asosiy bo'g'inlari, ularning vazifalari, vazirlar faoliyati, turli xil ijtimoiy guruhlar, tabaqalarga munosabat, qo'shin tuzilishi, moliya va soliq siyosati, mulkiy munosabatlar hamda shu singari dolzarb masalalar, ularni hal etish yo'llari aniq-ravshan ifodalangan. Shuningdek, tuzuklarda har bir masalani, voqea, hodisalarni taxlil etishda xolis yo'l bilan yondashish, fuqaro ahliga jabr qilmaslik, yurtga xiyonat qilmaslik, dinu- diyonatga, qonun ustuvorligiga qat'iy amal qilish, adolat va haqiqat mezonlari bilan faoliyat yuritish lozimligini qayta-qayta ta'kidlab o'tilgan. Amir Temur qanchalik qattiqqo'l, shijoatkor hukmdor bo'lmasin va o'zi mansub bo'lgan hukmron tabaqa manfaatlarini ko'zlamasin, biroq u hamisha adolat, haqiqat yo'lini mahkam tutib, qonunchilik tomonlariga qat'iy rioya qilgan holda siyosat yurgizishga, el, ulus manfaatlarini himoya qilishga harakat qilgan.

Temur tuzuklarida o'ta muhim mulohaza mavjud. Agar podshoh zolim bo'lib, vazir odil bo'lsa, podshohning jabr zulmini to'xtatish chora-tadbirini ko'radi. Lekin vazir zolim bo'lsa, saltanat ishlari tez muddatda inqirozga uchraydi.

Amir Temur mansabdorlarni odillik, xolislik bilan to'g'ri tanlashga e'tibor bergan. Uning fikricha, vazir to'rt sifatga:

1) asllik va toza nasllilik;

2) aql-farosatlilik;

3) siyohu- raiyat ahvolidan xabardorlik;

4) sabr chidamlilik va tinchliksevarlik sifatlariga ega bo'lishi zarur.

Tuzuklarda quyidagi satrlarni o'qiyimiz: "Kamolatga erishgan vazir ulkan davlat muammolarini tartibga keltirib, mulkiy va moliyaviy ishlarni to'g'rilik bilan, asli-nasli tozaligini ko'rsatib ajoyib tarzda bajaradi. Dushmanlik va jabr-zulm qilmaydi. Xoh siyohdan, xoh raiyatdan bo'lsin, har kimning nomini yaxshi so'zlar bilan tilga oladi. Birovdan yomonlik axtarmaydi, aytsalar eshitmaydi. Qaysi vazir g'iybat gaplarni aytsa, uydirma gaplarga quloq solsa, jabr-zulm qilsa, o'ziga yoqmagan kishilarni yo'qotish payiga tushsa, uni vazirlikdan tushirish lozim".

Temur oddiy dehqonlarning qiyinchiliklarini to'la tasavvur qilar edi. Masalan tuzuklarda shunday fikrlar mavjud: Hosil pishib yetilmasdan oldin raiyatdan soliq olinmasin. Hosil yetilgach, uch bo'lib olinsin. Soliqlarni qonun asosida va yaxshi so'z bilan olsinlar; kaltak, arqon ishlatib ishni urish-surishgacha olib bormasinlar, ularni bandi etib, zanjir bilan kishanlamasinlar.

Sohibqiron xalqning iqtisodiy ahvolini ko'tarish va shu orqali qishloq xo'jaligini rivojlantirishga katta ahamiyat beradi. Bu xususda qo'riq va tashlandiq yerlarni o'zlashtirish haqida qilingan mana shu uqtirish ham e'tiborga molikdir: "Xarob bo'lib yotgan yerni obod qilsa, birinchi yili undan hech narsa olmasliklari, ikkinchi yili raiyat o'z roziligi bilan berganini olsinlar, uchinchi yili esa qonun-qoidaga muvafiq xiroj yig'sinlar".

Temur tuzuklarida raiyat va savdo karvonlarini muhofaza qilishga qaratilgan tadbirlar ham bor. Amr qilinadiki, yo'larga kuzatuvchi va soqchilar qo'ysinlar, yo'l ustida har manzilga rabotlar qursinlar, soqchilar yo'llarni qo'riqlab, savdogarlarni, musofirlarni kuzatib, mol-mulki va boshqa narsalarini manzildan-manzilga yetkazishga yordam bersinlar.

Temur jamiyatdagi turli ko'ngilsiz ishlarni yomon ko'rgan va xalqning xavfsizligiga tahdid qiladiganlar, uning qadr - qimmatini tushiradigan salbiy narsalar - ichkilikbozlik, bezorilik, o'g'rilik va zino ishlarni qilishga qarshi kurashgan. Tuzuklarda shunday deyiladi: "O'g'rilar xususida buyurdimki, ular qayerda bo'lmasin, qo'lga olinsin va qonun qoida bo'yicha jazolansin. Kimki birovning molini zo'rlik bilan tortib olsa, mazlumning molini zolimdan qaytarib olib egasiga topshirsinlar. Agar kimda-kim tish sindirsa, ko'zini ko'r qilsa, quloq va burunni kessa, sharob ichsa, zino ishlar qilsa, devondagi shariat qozisi yoki oxdos qozisi (urfu-odat bo'yicha sud qiluvchi)ga olib borib topshirsinlar". Gadoylik bilan kun kechirish ham jamiyatning va millatning obro'sini to'kadigan, qadr-qimmatini tushiradigan salbiy ijtimoiy hodisa. Temur: ularni mehnatga jalb qilish zarur, bordiyu mehnatga ko'nikmasa, avvalgi odatini tashlamasa, ular yurtidan chiqarib yuborilsin, deb aytadi.

Amir Temur buyuk sarkardalikdan tashqari davlat arbobi bo'lgan. U jamiyat taraqqiyoti mazmunini, uning ob'ektiv qonunlarini va qonunlarni harakatga solish mexanizmini yaxshi anglagan yurtboshi ham edi. Shu bois ham Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining shahzoda Xumoyunga qilgan vasiyatnomasida o'g'luga "Podshohlik ishlarini puxta qilish uchun hazrat Amir Temur Sohibqironning ishlarini doimo ko'z oldingizda tuting", - deydi.

Amir Temur shaxsiy hayotida ham, tuzuklarida ham uch zabardast va mo'tabar asosga: diyonat, adolat va qattiqqo'llik bilan amalga oshirilgan siyosatga tayangan. Uning "Kuch-adolatdadir" degan shiori hozirgi mustaqil O'zbekiston siyosatida ham o'z aksini topmoqda. Davlatni idora qilishda Amir Temur tuzuklari, uning hayoti va siyosati ko'p jihatdan o'rnak va andoza bo'lmoqda. I.A.Karimov "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" asarida "Amir Temur tuzuklarini o'qisam, xuddi bugungi zamonning katta-katta muammolariga javob topgandek bo'laman", -degan edi.

1996-yil Amir Temur yili bo'ldi. YUNESKO tavsiyasi bilan o'tkazilgan Sohibqironning 660 yilligiga bag'ishlangan xalqaro va mintaqaviy anjumanlarda, tadbirlarda ham tuzuklarining bugungi kundagi muhim ahamiyati qayta-qayta ta'kidlandi.

1998-yil iyunda tarixchi olimlar bilan bo'lib o'tgan uchrashuvda Islom Karimov Temur tuzuklari mazmunini tahlil etib: "Bu asar davlat, saltanat, jamiyat boshqaruviga oid mumtoz asar", - deb yuksak baho berdi.

Shunday qilib, davlatni oqilona va odilona boshqarish san`ati bayon etilgan Amir Temurning bu asari bugungi kunda ham yuksak mazmuni, dolzarbligi va mohiyatini yo`qotgan emas, aksincha, u bizga ko`p jihatdan mezon bo`lmoqda.

Yurtboshimiz I.A.Karimov "Bizning tariximizda Amir Temurday ulug' siymo bor ekan, uning qoldirgan merosi, pandu-o'g'itlari bugungi hayotimizga hamohang ekan, oldimizda turgan bugungi muammolarni yechishda bizga qo'l kelayotgan ekan, biz bu merosni o'rganmasdan, ta`riflamasdan, targ'ibot qilmasdan haqqimiz yo`q", - deydi.

Demak Amir Temur tuzuklari, uning boy hayotiy tajribasi bugungi avlodlar uchun katta qadriyat, buyuk meros va shu bois u xalqimizga beqiyos safarbarlik ruhini baxsh etmoqda, yangi yutuqlarga ilhomlantirmoqda.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Инатов Мурот Ниятович,
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
тарих фанлари номзоди

XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЧИЗГИЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-15>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўтган асрнинг 20-йилларида республикаимизнинг иқтисодиёти, унинг ривожланиш даражаси, унинг ҳолати, ўзига хос жиҳатлари, мавжуд муаммолари масалалари ёритилган. Бундан ташқари, мақолада республика саноатининг ҳолати, унинг тармоқлари, хунармандчилик ишлаб чиқариши, унинг устун даражада ривожланганлиги, қишлоқ хўжалиги ва унинг марказга қарамлик ҳолатлари, унинг кучайиши, пахтачилик, унга марказ томонидан эътиборнинг кучайтирилиши, галла етиштириш, галла майдонларининг қисқариб бориши ва унинг натижасида марказга қарамлик, савдо, айниқса хусусий савдонинг ҳолати масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: косиб - хунармандчилик, ночор, ҳосилдорлик, омоч, мардикор, ижарачи, пенз саноати.

Инатов Мурат Ниятович,
Кандидат исторический наук,
Ташкентский государственный технический
университета имени И.Каримова

ПОРТРЕТЫ НА ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА В 20-Х ГОДАХ 20-ГО ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Данном статье рассматривается состояние экономики республики 20-годы XX столетие, степен ее и состояние, в том числе особенности своего рода развитие. Кроме этого в статье рассматривается промышленность республик изучаемого периода, ее состояние, направление, ремесленное производства ее состояние и ведущий роль промышленности республики, сельское хозяйство, ее состояние, усиление зависимости центру, хлопководства, уделение особое внимание ее развитию республике, состояние зерноводство, уменьшение орашаемое зерноводства, возникновение зерновое зависимости республики. Кроме этого в статье рассматривается вопросы торговли, в том числе частной торговли ее состояние.

Ключевые слова: ремесленный - ремесленный, бедняк, чернорабочий, арендатор, цианистая индустрия.

Inatov Murat,
The named of Islam Karimov Tashkent State Technical University
Candidate of Historical Science,

PORTRAITS ON THE ECONOMY OF UZBEKISTAN IN THE 20S OF THE 20TH CENTURY

№ 2/2019

ANNOTATION

In this section, the economy of the Republic, its level of development, its status, peculiarities and problems exist in the 20s of the last century. In addition, the article highlights the state of the republic's industry, its sectors, craftsmanship, its superior development, agriculture and dependence on the center, its strengthening, cotton-growing, its focus on the center, wheat production, reduction of grain fields, as well as issues of trade in particular, of private trade.

Key words: handicraftsman - craftsmanship, poverty, fertility, plough, labourer, tenant, censorship industry.

Россияда содир этилган 1917 йил октябрь давлат тўнтариши ва унинг оқибатида амалга оширилган ўзгаришлар Туркистон ўлкаси иқтисодиётини яна ҳам ночор ҳолатга келтирди. Мамлакатда амалга оширилган янги иқтисодий сиёсат ўлка иқтисодиётида қисман силжишлар рўй беришига олиб келган бўлсада, аммо XX аср 20-йиллари иккинчи ярмидан ЯИСдан секин - аста чекиниш йўли тугила бошлади. Натижада Ўзбекистон иқтисодиётида марказга қарамлик, иқтисодиётни бир томонлама ривожланиши кузатила бошлади. Бу даврда республика иқтисодиётида агарар соҳа устун бўлиб қолаверди. Республикада деҳқончилик техникаси, ерга ишлов беришнинг усул ва йўллари, умуман, Ўзбекистонда деҳқончилик маданияти, яъни ишлаб чиқариш бу даврда деярли ибтидоий характерда бўлиб, деҳқончилик хўжаликларнинг кўпчилиги, гарчи бу даврда маълум даражада замонавий техник ускуналар: плуглар, йиғим машиналари, тракторлар кириб келиши кучайган бўлса-да, асосан деярли минг йиллар аввалгидек қолаверди. Асосий меҳнат қуроллари омов ва кетмондан иборат бўлиб, улар бутун Ўрта Осиёда кенг тарқалган қишлоқ хўжалик меҳнат қуроллари саналар эди. Одатда, узун бўйинтуруққа бир жуфт ҳўкиз, от ёки туя, баъзан бир омовча туя ва от қўшилар эди.

Ерга ишлов бериш техник воситаларининг эскирганлиги туфайли деҳқонлар ҳосилдорликни ошириш учун ерни бир неча мартага қайта ҳайдашар, бу эса машаққатли меҳнат талаб қилар эди. Қандай экин бўлишидан қатъий назар маданий экин экиладиган ер майдонлари 4 мартадан кам ҳайдалмаган, баъзи экинлар: пахта, жўхори, кузги буғдой майдонлари ҳатто 10-15 мартагача қайта ҳайдалган. Деҳқонлар гарчи ибтидоий усулдаги қуроллари билан бўлса-да, ер майдонларини узунасига ва кўндалангига ҳайдаб, ерни ёввойи ўтлардан, ҳосил бўлган йирик кесаклардан тозалашган.

Ўзбекистонда юзага келган аграр муносабатлар ва унинг мураккаблиги қишлоқ хўжалигида узоқ давом этган эволюцион жараённинг натижаси эди. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллари ўзлаштирилган ерларда хўжалик шарт-шароитларига мослашди, аини пайтда бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ кучли ижтимоий муносабатлар ҳам уларнинг ривожига таъсир кўрсатди. Октябрь тўнтаришидан сўнг совет ҳукуматининг иқтисодий сиёсатидаги қинғирликлар ана шундай таъсирлардан эди. Ғалла монополияси озик-овқат разверсткаси, бозорларнинг ёпилиши, хусусий савдонинг чекланиши ва х.к.

Сугориладиган ер майдонларининг камлиги, шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг кўп меҳнат талаб қилиши нафақат мардикорчилик, балки ижарачилик - ёлланма меҳнатнинг турли-туман шакллари кенг тарқалишига сабаб бўлди. Республикада ёлланма меҳнатнинг энг кенг тарқалган шакли, "чоракорлик" эди. Чоракорликда, одатда, камбағал-деҳқон бегона хўжаликдан ер, уруғлик,

ишлаб чиқариш қуролларини олиб, ўзи мустақил хўжаликни юритган ва ер эгасига ҳосилнинг маълум бир улушини бериш билан ҳисоб-китоб қилган. Бу улуш ҳосилнинг 1/4 қисмини ташкил этган.

Пахтачиликни ривожлантириш зарурияти ва пахтанинг товар хусусиятининг ошиб бориши деҳқонларда пулга бўлган эҳтиёжни кучайтириб юборди. Бу эҳтиёж уларни судхўрлар чангалига тушиб қолишига олиб келди. Деҳқонни қарзлар билан чирмаб ташлаган судхўр оқибатда унинг ерини арзимас баҳога тортиб олиб, кейин эса уни қиммат баҳоларда сотар эди. Ер савдоси бўйича чайқовчилик авжига чиқди. Йирик ер майдонлари эгалари тез кўпайди. Улар ерни асосан ижарага бериш орқали ундан тушадиган фойдага эгалик қилишарди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Республикада ер-сув ислоҳатлари ўтказилгунига қадар даврда йирик ер эгалигининг бир қисми нисбатан тугатилди. Бу даврда ер-сув ислоҳотининг бошланиши ердан фойдаланишда жиддий ўзгаришларга олиб келди.

Ўтказилган ер-сув ислоҳотини ўтказишдан иқтисодий сабаблардан ташқари бир қатор сиёсий мақсадлар ҳам кўзланган эди. Улардан бирига миллий-ҳудудий чегараланишини ўтказиш ва шаклланиш вақтидаёқ замин яратилган эди. Синфий кураш муаммосининг фаоллашуви ва мулкдорларнинг тазйиқи, жамиятнинг иқтисодий мустақил қатламларининг кучайишидан ташвишга тушган большевиклар партияси миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказиш заруратини асослай туриб, Ўрта Осиёда миллий белгиларга кўра чегараланиш ўтказиш совет ҳокимиятини мустақамлашнинг бирдан-бир йўлидир деб очиқ баён қилдилар, яъни "Ўзбек камбағали ўзбек бойи билан, туркман камбағали туркман, қирғизники қирғиз билан курашса, у пайтда бизда синфий кураш оловини миллий мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўчириб бўлмайди" деб ҳисобладилар[1, 3-5 варақ].

Бошланиши ЎзССР МИКи ва ХКСнинг 1925 йил 2 декабрдаги "Ер ва сувни миллийлаштириш ҳақида" ҳамда "Ер-сув ислоҳоти ҳақида"ги декретлари[2,4 декабрь.] билан эълон қилинган, шунингдек ерга чексиз эгаликка асос солган қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, синфий курашни бартараф этиш ҳамда ер-сув ислоҳотига қаратилган эди.

Ушбу даврда мулкчилик кўринишларининг турли-туманлиги ва совет ҳукумати томонидан ўтказилаётган янги иқтисодий сиёсат - ЯИС кучли зиддиятларни вужудга келтирди. Моҳияти ва тамойилларига кўра бу сиёсат якка тартибда ишлаб чиқаришни фаоллаштириш, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорларнинг шахсий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ер ва сув бўйича ҳар қандай олди-сотдини таъқиқлаш, меҳнатни ташкил қилиш, ерни тақсимлашни чеклади, хўжалик тадбирларини: ишчи чорвани ижарага бериш, қўшнилардан пул суммалари ва инвентарларни қарзга олиш ва ҳ.з. ларни амалга оширишда тадбиркорларни ташаббусдан маҳрум қилди.

Ер-сув ислоҳотини ўтказишдан келиб чиққан вазиятнинг кўп қирраллиги энг янги тарихшуносликда ҳам қайд этилган. Жумладан, Ш.Ф.Ғойибназаров шундай деб ёзади: Яқин-яқин пайтларгача ижтимоий фанда бундай тадбир аҳолининг энг қашшоқ ва кам таъминланган қатламларининг устивор манфаатларини амалга ошириш сиёсати деб бир ёқлама қараб келинган. Бироқ бунда очиқдан-очиқ зиддият пайдо бўлган: расмий сиёсат жамиятнинг ижтимоий фарқланиши ўсишини назарда тутиб, гуё бозор муносабатларининг ўсишини рағбатлантирган. Аммо давлат томонидан тартибга солиш воситаси билан камбағал қатламларни,

хўжалик муносабатларида энг қолоқларини ўртгача даражага кўтариш ўрнига совет ҳокимияти камбағалларни бойларнинг мулкини такрор-такрор тақсимлашга сафарбар қилган. Иқтисодий ҳаёт ҳокимиятнинг объектив тараққиёт қонунларини рад қилувчи тадбирлари билан доимо қалқиб турган. Бу эса ижтимоий муносабатларда ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмас эди"[3, С. 19].

XX аср 20-йилларига келиб Ўзбекистоннинг фабрика- завод саноати жуда заиф ривожланган эди. Бу заифликни характерлайдиган асосий белгилари: саноатнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан ёрдамчилиги, заиф ташкилий, капитал қурилиши, техник жараёнларнинг қоқлиги, қатор тармоқлардаги жиҳозларнинг ўта соддалиги, жуда кўп корхоналарнинг кичиклигида эди. Ўзбек ценз муассасаларининг кўпчилигида ишчилар сони бир неча ўн кишини, камдан-кам ҳолларда бир неча юзни ташкил қилар эди. Ишчилар сони бўйича Ўзбекистонда энг йирик ҳисобланган Фарғона пиллачилик фабрикасида жами 500 - 600 ишчи бор эди. Республикадаги ценз саноатидаги барча ишчилар миқдори 15 726 кишидан иборат бўлган.

Ўзбекистон саноатининг айрим тармоқлари, уларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти қиймати, ишчилар сони, қуввати тўғрисида қуйидаги жадвал аниқ тасаввур беради.

Жадвал 1.

Ўзбекистон ценз саноати бош тармоқларининг % ҳисобида умумий ценз саноатига нисбатан қийсий ҳажми (1927 йил маълумотлари) [4,с.176-177, 197-203]

Соҳа тармоғи	Маҳсулот қиймати	Ишчилар сони	Қуввати
Пахта тозалаш	67,6	30,4	36,1
Ёғ ишлаб чиқариш	10,0	14,1	19,4
Дон янчиш	6,1	3,4	5,6
Виночилик, ароқ и/ч	3,7	3,0	1,9
Ипакни ишлаш	1,1	8,3	0,5
Пиво-асал и/ч	1,3	2,2	1,4
Ширинликлар	1,2	2,1	0,6
Электростанциялар	1,0	2,5	21,3
Босмаҳоналар	1,0	8,3	0,4
Тоғ-кон саноати(нефть, кўмир, тоғ муми)	0,8	3,5	0,5
Бошқалар	4,4	15,8	7,7
Жами:	100,0	100,0	100,0

Шундай қилиб, маҳсулот қиймати бўйича 77,6% ни, ишчилар сони бўйича 44,5 % ни, двигателлар қуввати бўйича 55,5 % ни ташкил этувчи пахтачилик (пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш билан бирга) саноатининг етакчи ролдан ташқари, тўқимачилик саноатининг деярли йўқлиги ва металлургия саноатининг иқтисодийдаги арзимас ўрни равшан кўриниб турибди. Қолбуки, айнан шу тармоқлар саноати ривожланган ҳар бир мамлакатда асосийлардан бўлиб, биз тадқиқ қилаётган даврда жаҳон саноати тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди.

Тоғ - кон саноати ҳам жуда заиф бўлган. Умуман олганда бутун Ўзбекистон саноатини иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, асосий гуруҳ бўлиб

қишлоқ хўжалиги хом-ашёларига дастлабки ишлов бериш билан банд бўлган соҳа. Иккинчиси, бевосита шаҳар эҳтиёжларини қондиришга мўлжаллаган ва шаҳар ҳаёти ривожланиши билан пайдо бўлган: тегирмон, пиво-асал пишириш, озиқ-овқат саноати, шунингдек, асосан четдан келтирилган хом-ашё ҳисобига ишлаган электростанциялардир.

Ўта заиф бўлган саноат ишлаб чиқариши ўзининг маҳсулотлари билан қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини қондира олган эмас. Бу саноат шаҳар аҳолисининг ҳам тўла таъминлай олмаган. Халқ истеъмол моллари аксарият ҳолларда иттифоқнинг бошқа саноат марказларидан келтирилган ёки косиб-хунармандчилик санаотида ишлаб чиқарилган.

Жадвал 2.

Ўзбекистон ценз саноати динамикаси:

Йиллар	Ишчилар сони	Ялпи маҳсулотнинг (млн. сўм миқдорда) қиймати	Пахта тозалаш саноати маҳсулотлари қиймати
1926-27	14260	179,8	121,7
1927-28	15726	239,8	165,6
1928-29	19199	331,3	218,7

Келтирилган маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, саноатни тиклаш бевосита қишлоқ хўжалигининг ривожини билан боғлиқ бўлган. Ялпи маҳсулот ва ишчилар сонининг кўпайиши ҳам саноатнинг ўсишидан дарак беради. Вайронагарчилик йилларидан кейин Ўзбекистон ценз саноати тезда ўзини тиклаб олди ва урушгача бўлган даражадан ошиб кетди.

Ўзбекистон Иттифоқдош республика сифатида мавжуд бўлган вақтда ташкил топган 12 та пахта тозалаш заводидан фақатгина 2 таси Тошкент округида, 5 таси пахтачиликнинг тарихий маркази бўлган Фарғонада, қолган 5 таси Бухоро, Қашқадарё, Хоразм округларида барпо этилди.

Уруш йилларигача Ўзбекистон территориясида ишлаб турган 19 та ёғ ишлаб чиқариш заводидан 1926 йилда фақатгина 6 таси фаолият кўрсатар, аммо улар анча йирик ва яхши жиҳозланган эди. Уларда 2050 киши ишларди. Бу заводлар: Бухоро, Қўқон, Наманган, Андижон, Тошкент, Янги Урганч шаҳарларида, фақатгина биттаси Андижон округида жойлашганди. Ёғ ишлаб чиқариш заводининг энг йириги Қўқон шаҳрида эди. Энг саноатлашган округлар: Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд ҳисобланарди. Бу 4 округ агар пахта тозалаш саноатини истисно қилсак, ценз саноати маҳсулотлари умумий қийматининг 81,9 %, маҳсулотларнинг 93,4 %ни етказиб беради.

Иқтисодчи олимларнинг эътирофига кўра, Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий йўналиши аввалгидек қишлоқ хўжалиги бўлиб қолди, унинг саноати шу замида ривожланди. Ўрганилаётган даврда Ўзбекистонни саноатлаштириш йўналишида, яъни унинг саноатини оддийгина тиклаш эмас, балки тубдан қайта қуриш соҳасида ката ишлар қилинди. Қайта қуриш тадбирларига, аввало пахтачилик саноатини такомиллаштириш муассасаларини географик жиҳатдан тўғри жойлаштиришга эътибор кучайтирилди. Самарқанд, Бухоро, Марғилондаги пиллакашлик фабрикалари асосида ўзбек пиллачилик саноати шаклланди, Ўзбекистоннинг сув омилларидан фойдаланиш йўлида илк қадам бўлган Бўз сув электростанцияси қурилди.

Гарчи ўрганилаётган даврда косиб - ҳунармандчилик аста-секин ўзининг салмоғини пасайтириб борса-да, умуман олганда у ҳам ривожланди ва Ўзбекистон саноати ялпи маҳсулоти умумий қийматининг 35,5 % ини етказиб берди. Айни пайтда бу тармоқда банд кишилар ценз саноатидагидан кўра 7 барабар кўп эди.

Асосан қишлоқ хўжалиги хом-ашёларига дастлабки ишлов бериш билан банд бўлган фабрика- завод саноатининг акси ўлароқ Ўзбекистон косибчилиги саноатининг деярли барча тармоқларида кенг истеъмол маълумот тийёрлашга эътибор қаратилган эди: қайта ишланган хом-ашё ва ишлаб чиқариш қуроллари биргаликда маҳсулот қийматининг 1/4 ни берарди.

1926-1927 йилларда барча маҳсулотнинг 56% қийматини берган ҳунармандчилик саноатининг асосий тармоқлари: дон янчиш, нонвойлик, ёғ ишлаб чиқариш, совун тийёрлаш, қандолатчилик саноати, маҳаллий ширинликлар ишлаб чиқиш, виночилик, кийимлар тийёрлаш ва ҳ.з. лардан иборат эди.

Маҳсулот қиймати бўйича ҳунармандчилик саноатининг учинчи гуруҳини пахтага ишлов бериш тармоғи ташкил этарди. Бу соҳа унда банд бўлган кишиларнинг сонига кўра аввалги икки гуруҳдан ўтиб кетар, унда 34 мингдан зиёд киши банд эди, ҳолбуки кийим-кечак ва совун тийёрлаш гуруҳида 30 минг, озиқ-овқат ва ширинликлар тийёрлаш гуруҳида 20 мингга яқин киши ишларди.

Пахтага касбкорлик йўли билан ишлов бериш Ўзбекистонда пахтага қайта ишлов бериш фабрика-завод саноатининг ночорлиги туфайли анча ривожланган эди. Пахтага ишлов бериш ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларига мувофиқ: ип газлама, тўқимачилик, йигирилган ип, ҳамда газламаларни бўйаш соҳаларига бўлинган. Бундан ташқари оз бўлсада ҳунармандчилик усули билан дока ҳам ишлаб чиқилган. Ип йигирув тармоқлари қишлоқларда, газлама тўқиш ва газламани бўйаш саноати корхоналари шаҳарларда жойлашган. Ўрганилаётган даврда теричилик саноати, ипакка ишлов бериш, металлни қайта ишлаш саноати (қишлоқ хўжалиги инвентарлари: омор, кетмон, ўроқ ва ҳ.з. тийёрлаш), ёғочга ишлов бериш (дурадгорлик) ва бошқа тармоқларнинг аҳамияти анча пасайган. Бу даврда арвалар тийёрлаш, ганжкорлик ишлари, гишт ишлаб чиқариш, заргарлик ва жунни қайта ишлаш анча ривожланди.

Яхлит олганда, 1926 - 1927 йилларда Ўзбекистонда 130 мингдан зиёд косиб-ҳунармандлар бўлиб уларнинг асосий қисми шаҳарларда яшашган. Уй ҳунармандчилигида банд бўлганларнинг кўпчилиги, уларнинг моддий аҳволини ўрганиш ҳам катта қизиқиш уйғотади. Косиб - ҳунармандларнинг даромадлари ҳақидаги маълумотлар турлича. Масалан, туз қазиб чиқарувчининг 4-4,25 сўмдан иборат даромади билан бир қаторда шундай ишлаб чиқариш соҳалари бор эдики, унда ҳунарманднинг даромади фабрика ишчисининг ўртача ойлигидан баланд ва 100 сўмга етарди. Бундай тармоқлар жумласига: материалларга ишлов бериш, совун ишлаб чиқариш ва ипакка ишлов беришнинг баъзи соҳалари киради.

Туз қазиб олувчиларнинг даромади яшаш минимумини таъминлай олмаганлиги туфайли улар бу соҳадан ташқари қишлоқ хўжалиги билан шугулланишган, туз ишлаб чиқариш ёрдамчи ҳунар сифатидагина мавжуд бўлган. Ўша давр иқтисодчиларининг эътирофига кўра, ишлаб чиқаришнинг бир қатор тармоқлари, аҳолига тирикчилик ўтказиш имконини берган, халос.

Ўзбекистонда техника экинларининг ривожига асосланган қишлоқ хўжалигининг юксак маҳсулдорлиги ўзбек деҳқонини савдо хизматларидан кенг фойдаланишга мажбур қилган. У ўзи етиштирган маҳсулотларнинг катта қисмидан

бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. Пахта ҳам, ипак ҳам, узум ҳам унинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондира олмаган. Деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотларининг ўз зарурий эҳтиёжларидан ортиқча қисмини сотиб, сўнг ўзига керакли озиқ-овқат маҳсулотлари: галла, гўшт ва тайёр фабрика маҳсулотларини сотиб олишга мажбур бўлган. Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жами маҳсулотларнинг 50% дан ортиғи товар оборотидан ўтган. Шу фактнинг ўзиёқ ўша пайт савдо қанчалик ривожланганини аниқлашга ёрдам беради.

Иттифоқнинг бошқа республикалари, аввало РСФСР билан товар оборотининг кенгайиши, на фақат Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг характери, балки саноатининг ўзига хослиги билан ҳам ифодаланади. Республиканинг техник хом-ашёлари: пахта, тери, ипак, жун ва ҳ.з. ларга маҳаллий саноат корхоналарида биринчи ишлов берилгач, улар тайёр маҳсулотларга айланиши учун Иттифоқнинг саноат марказлари ёки чет элларга сотилиши зарур эди. Шу сабабли Ўзбекистондан анча миқдордаги маҳсулотни олиб кетиш имконияти пайдо бўлди.

Иккинчи томондан, республика аҳолисининг тайёр маҳсулотлар: шакар, чой, металл буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари (нон, гўшт)га бўлган эҳтиёжларини ўз саноати ва қишлоқ хўжалиги билан қондира олмагани туфайли бу маҳсулотларни бошқа Республикалардан олиб келиш зарурияти туғилди[5].

Ўзбекистонга товарлар келтириш ва бу ерлардан товарларни олиб кетиш асосан халқ хўжалигининг жамоалашган сектори: давлат савдоси ва кооперациялар томонидан олиб борилди. Хусусий мулкчиликнинг улуши жуда кам эди. Аммо бошқа товарлардан фарқли равишда гўшт Ўзбекистонга, асосан, хусусий ишлаб чиқарувчилар томонидан келтирилар эди. Чорва Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа чегарадош мамлакатлардан ҳайдаб келинарди.

Аҳамиятига кўра Ўзбекистонга галла - бугдой келтириш энг юқори ўринда туради[6, 1926, 162-б.].

Жадвал 3.

Йиллар	Келтирилган галла (минг пуд)
1913	21475
1924 - 25	8600
1925 - 26	15509
1926 - 27	21047
1927 - 28	23126

Жадвалдан кўриниб турибдики, республикага галла асосан ташқаридан олиб келинган. Галла олиб келиш йилдан-йилга ўсиб борган. Республика ўзининг галла мустақиллигини йўқотди. Асосий куч пахтачиликни ривожлантиришга қаратилди.

Четдан етарлича галла келтирмай туриб, пахтачиликни ривожлантириш мумкин эмас эди, чунки галла етишмаслиги тезда унинг баҳосини ошириб юборар, бу эса пахтага нисбатан баҳонинг барқарорлигида деҳқон учун пахтачиликни даромадсиз соҳага айлантириб қўярди.

Ўзбекистоннинг ички савдоси ҳам ташқи товар обороти каби баъзи жиҳатлар билан белгиланарди, яъни олиб кетиш учун хом-ашё тайёрланар ва келтирилган саноат маҳсулотлари ҳамда галла тақсимланарди. Бу икки ҳолатга ташқи товар обороти билан боғлиқ бўлмаган яна икки жиҳат, яъни □ унармандчилик косибчилик саноати маҳсулотлари савдоси ва деҳқончилик ички обороти кўшиларди.

Ташқи савдо товар обороти билан боғлиқ бўлган хом-ашё тайёрлаш ва саноат маҳсулотлари ҳамда галлани тарқатиш тўлалигича жамоат сектори таассаруфиди бўлиб, табиийки, у ташқи оборот жиҳатидан жамоа секторининг таъсири аҳамиятсиз бўлган хунармандчилик маҳсулотлари ёки чорва савдосига нисбатан давлат бошқарувиға жуда тез бўйсунарди. Хунармандчилик ва чорвачиликда ташқи маҳсулот обороти жиҳатдан умумлашган тармоқ фаолияти доимо сезиларсиз аҳамиятга эға эди.

Ниҳоят аҳолининг азалдан савдоға мойиллик одатлари хусусий мулкчиликда ўзининг аввалги мавқеининг маълум бир қисмини сақлаб туришға имкон берар эди.

Агар хом-ашёнинг асосий турлари: пахта, қоракўл, пилла, мўйна ва ҳ.з. ларни тайёрлаш, саноат маҳсулотлари келтиришнинг 90 % давлат ва кооперациялар ихтиёрида бўлса, саноат маҳсулотларини тарқатишда аҳвол бир мунча ўзгача эди. Давлат савдоси ва кооперациялар мулкдорлар сингари кенгайтирилган савдо тармоқларига эға эмас эди. Шунинг учун чакана савдода 1928 йилда мулкдорлар оборот бўйича ижтимоий секторға бироз ён босган бўлса-да (чакана товарнинг 45 %), умумий тармоқда етакчи бўлиб қолди (90 %).

Патент статистикаси бўйича тузилган маълумотлар округларда савдо бирликлари ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради [7,16-б.].

Жадвал 4.

Округлар	1925 йил 1 октябрида мавжуд дўкон ва магазинлар			
	Давлат	Кооператив	Хусусий	Жами
Хоразм	24	30	1263	1317
Бухоро	94	44	3161	3299
Зарафшон	36	15	1325	1376
Самариянд	109	103	3288	3500
Тошкент	214	228	5525	5967
Хгжанд	32	38	1649	1719
Фарғона	137	237	3843	4199
Сурхандарё	13	10	778	801
Лашиядарё	23	26	1983	2032
Жами:	793	968	27940	29701
%% ларда	2,7	3,3	94,00	100

Жадвалдан шу нарса маълум бўладики, тадқиқ этилаётган давр бошлариди Республика худудиди мавжуд бўлган дўконларнинг асосий қисми хусусий сектор ҳисобига тўғри келган бўлиб, давлат сиёсати бу даврда хусусий тадбиркорликка йўл берган. Аммо аста-секин давлат хусусий тадбиркорликни тугатиб борди.

Хусусий дўконлар ва савдо расталарининг миқдори ўша даврда Ўзбекистондаги мавжуд хусусий савдода банд бўлганлар тўғрисида тасаввурға эға бўлиш имконини беради. Аграр муносабатлар, ҳамди илгариги кўп сонли бўлган савдогар ва олиб сотарлар деб аталган собиқ эксплуататорлар гуруҳларининг қишлоқдаги ўзгаришлар туфайли ишчи кучининг қишлоқлардан сиқиб чиқарилиши, бу ортиқча ишчи кучини ўз бағриға оладиган саноатнинг ҳали ривожланмаганлиги туфайли майда савдо ортиқча одам заҳиралари билан тўлиб кетди. Ўзбекистон

бозорининг бошқа бир қизиқарли хусусияти шундаки, бир қатор савдобилян шуғулланувчиларнинг бир бозорга узил-кесил бириктирилмаганлиги ҳисобланиб, улар 1925 йилга келиб 313 кишини ташкил этарди. Бундан ташқари, бир бозордан бошқасига доимий кўчиб юрувчи "бозорчи" деб аталган савдогарлар ҳам кўп бўлган.

Хусусий капитал асосан учта савдо тармоғида: гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари (нондан ташқари) савдосида, косибчилик маҳсулотлари савдосида ва қисман айрим хом-ашё тайёрлаш, мисол учун, йирик тери хом-ашёси ва мўйна савдосида яшовчан бўлган.

Ўзбекистоннинг марказий районларидан чекка ҳудудларига яқинлашган сари хусусий капиталнинг таъсири ўсиб борган.

Майда савдонинг кунлик айланмаси унча юқори бўлмаган. Айрим кунлари бозор растаси эгаси бир неча сўм пул ишлаш учун кун бўйи бозорда ўтиришига тўғри келарди. Совет ҳукуматининг (қишлоқда ва шаҳарларда) кооператив ва давлат савдосидан хусусийчиларни "капиталистик элементлар" сифатида сиқиб чиқариш мақсадида қўллаган солиқ сиёсатида кўпчилик савдо билан шуғулланувчи аҳоли бардош бера олмас эди.

Хулоса қилиб айтганда ўтган асрнинг 20-йилларида республика иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб, қолақ ҳолатда қолиб келмоқда эди. Бунинг сабабларидан бири Республика иқтисодиёти марказга қарамлик ҳолатига тушиши, унинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмастик, республикани мамлакат пахта базасига айлантиришга интилиш ва бошқаларда деб билишимиз мумкин бўлади. Ушбу даврда республика саноат ишлаб чиқаришида ҳунармандчилик тармоқларининг улуши юқориликгича қолаверди. Қишлоқ хўжалигида ҳам ҳолат шундай бўлиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, гналла асосан четдан келтирилган. Бу республика қишлоқ хўжалигини ҳам марказга қарамлик ҳолатига келтирди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. УзР МДА, ф.60, оп. 1, д. 4269, 3-5 варақ.
2. Правда Востока 1925, 4 декабря.
3. Га и б н а з а р о в Ш. Г. Общественное развитие Узбекистана в 20-х годах: противоречивость политических тенденций. Автореф. дисс. Док. Полит. наук. Ташкент, 1994, 19-б.
4. Фролова С. И., Кривоногов Ю. И. асаридан келтирилади: 176-177, 197-203-бетлар.
5. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Самарканд, 1926, 162-б.
6. Фролов С. И., Кривоногов Ю. Н. Кўрсатилган асар. 239-б.
7. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Самарканд, 1926, 16-б.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Кариева Нигора Анваровна,
ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

ХІХ ИККИНЧИ ЯРМИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА П.П.СЕМЁНОВ-ТЯНШАНСКИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада машҳур географ П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг география фанининг тараққиётига қўшган ҳиссаси ёритилади. Муаллиф томонидан Марказий Осиё географиясини тадқиқ этишда, минтақада рус тадқиқотчилари томонидан олиб борилган изланишларда П.П.Семёнов-Тяншанский илмий фаолиятининг аҳамияти қайд этилган. Бундан ташқари мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб география фанидаги янги ўзгаришлар таҳлил этилган.

Калиг сўзлар: География фани, Россия императорлиги география жамияти, орография, "Ершунослик", геология, иқлимшунослик, метеорология, геодезия, геоботаника, картография, статистика.

Кариева Нигора Анваровна,
Базовый докторант Институт Истории АН РУз

ВКЛАД В РАЗВИТИЕ НАУКИ ГЕОГРАФИИ ВЫДАЮЩЕГОСЯ ГЕОГРАФА П.П.СЕМЁНОВА-ТЯНЬ-ШАНЬСКОГО

АННОТАЦИЯ

В статье освещается вклад в развитие науки географии выдающегося географа П.П.Семёнова-Тянь-Шаньского. Автор отмечает научное значение в изучении географии Центральной Азии и в исследованиях русских учёных, проведённых в регионе. Кроме этого в статье даётся анализ новшеств и изменений в географической науке во второй половине XIX века.

Ключевые слова: Географическая наука, Императорское русское географическое общество, орография, "Землеведение", геология, климатология, метеорология, геодезия, геоботаника, картография, статистика.

Karieva Nigora,
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

THE CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF GEOGRAPHY OF THE OUTSTANDING GEOGRAPHER P. SEMENOV-TIEN-SHAN

The article highlights the contribution to the development of the science of geography of the outstanding geographer P. Semenov-Tien-Shan. The author notes the scientific importance in studying the geography of Central Asia and in the studies of Russian scientists conducted in the region. In addition, the article provides an analysis of innovations and changes in geographical science in the second half of the XIX century.

Key words: Geographical science, Imperial Russian Geographical Society, orography, "Geography", geology, climatology, meteorology, geodesy, geobotany, cartography, statistics.

Пётр Петрович Семёнов-Тян-Шанский (1827-1914й.) - Россия Фанлар Академиясининг академиги, машхур географ олим. Россияда география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган етук олимлардан бири ҳисобланади. Ўз даврда П.П.Семёнов-Тяншанскийга замондошлари томонидан "Ҳар томонлама етук олим, ажойиб ташкилотчи ва замонавий географиянинг отаси" дея юқори баҳо берилган [1:483]. Машхур географ саёҳатчи Г.Е.Грум-Гржимайло П.П.Семёновнинг шаҳси ҳақида: "П.П.Семёнов дунё олимлари биринчи қаторига киришига сабаб фақат унинг буюк кашфиётларида бўлмаган. У ўз географик экспедицияларини ўз изланишларини янги услубда олиб борди" [2:10]. У бир вақтнинг ўзида ҳам географ, ҳам геолог, ҳам ботаник, ҳам зоолог бўлган. Бу эса унга Марказий Тяншан тоғларини орографик, гидрографик ҳусусиятлари тадқиқ этишда юқори натижаларга эришишида катта аҳамият касб этган" [2:10].

П.П.Семёнов-Тяншанский 1842-1845 йилларда Петербургдаги ҳарбий мактабда ўқиган. 1845 йилда у Петербург университетига таҳсил олишни бошлаган. 1851 йилда ботаника фани бўйича магистрлик диссертациясини ёқлаган. 1863-1855 йилларда Берлин университетига тингловчи сифатида ўқишни давом эттирган.

1845 йилда у Петербург университетига таҳсил олган. 1851 йилда ботаника фани бўйича магистрлик диссертациясини ёқлаган. 1863-1855 йилларда Берлин университетига тингловчи сифатида ўқишни давом эттирган, Германия, Швейцария ва Италия ҳудудларига саёҳат қилган. 1856-1858 йилларда Олтой, Еттисув, Олатоғ, Иссиқ кўл ҳудудларида бўлган. Биринчилардан бўлиб Марказий Тяншан тоғларининг Хон-тангри чўққисига кўтарилиб, у ердаги музликларни кашф этган. 1858 йилда деҳқончилик бўйича комиссия таркибида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1864 йилда Марказий Статистик бошқармасининг директори, 1875 йилда Статистик Кенгаш раиси лавозимларида фаолият олиб борган. 1882 йилда сенат, 1873 йилдан Россия Фанлар Академиясининг аъзоси этиб сайланган. П.П.Семёновнинг илмий фаолияти асосан Россия императорлигининг географик жамияти билан боғлиқ. 1849 йилда у жамиятнинг аъзоси, 1850 йилда физикавий география бўлими бошлигининг ўринбосари, 1872 йилда бўлим бошлиғи, 1873 йилдан бошлаб 40 йил давомида вице-раис бўлиб иш олиб борган. Россия императорлигининг географик жамияти вице-раис лавозимида иш бошлаган даврдан бошлаб Семёнов Ўрта Осиёга юборилган аксарият экспедицияларни ташкил этишда фаол ташаббус кўрсатган. Унинг муҳаррирлиги остида Россия империяси географияси, ҳусусан Ўрта Осиё географиясига оид кўпдан-кўп илмий нашрлар чоп этилди. П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг илмий экспедициялари натижасида Ўрта Осиёнинг орографияси тадқиқ этила бошлади.

1856 йилнинг баҳоринда машхур географ П.П.Семёнов [1:483] Марказий Осиё ҳудудига илк бор саёҳат қилди. Тянь Шан тоғларига амалга оширган унинг саёҳати

географияни ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга бўлди ва бошқа Россия географларининг илмий экспедицияларига йўл очиб берди.

У Тяньшан тоғларининг хусусиятлари, геологик ҳолати ва таркиби чуқур ўрганган ҳолда, тоғ жисмларининг 1000 дан ортиғи йиғди. Бундан ташқари, П.П.Семёнов машҳур немис олими Александр Гумбольдт томонидан ушбу тоғларнинг вулқонсимон характерга эгалити ҳақидаги билдирган назариясини инкор этди [3:22]. Ўзининг Ўрта Осиё худудига қилган саёҳати борасида у шундай деган: "Менинг биринчи мақсадим амалга ошди - мен 200 верст йўлни босиб ўтиб, Тяньшаннинг илк бор асл чиройини кўра олдим..." [4:181-182]

Гумбольдт 1841 йилда нашр этилган ўз асарда ўрта асрга оид Хитой манбаларига таянган ҳолда Марказий Осиё географиясига оид 1888 йилда Семёнов Ашхобод, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Тошкентга саёҳат қилди. Марказий Осиёнинг турли худудлари билан танишар экан, у ўз асарларида ўлканинг табиати ва иқтисодий тараққиёти бўйича муҳим хулосаларни билдирди.

Пётр Петрович Семёнов Ўрта Осиёга амалга оширилган кўплаб экспедицияларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган, географияга оид юзлаб мақола, бир қанча йирик илмий асарларни нашр эттирган. 1853йилда у машҳур географ Карл Риттер ҳузурига Берлинга бориб унинг маърузаларини эшитган, Риттернинг ўзи эса П.П.Семёнов-Тяньшанскийни ўз шогирди сифатида қабул қилган. 1856 йилда немис тилини яхши эгаллаган Риттернинг "Землеведения Азии (Осиё ершунослиги)" илмий асарини кенгайтирилган ҳолатда таҳрир қилиб нашрдан чиқарган. Асарда Ўрта Осиё, ҳусусан Ўзбекистон худудининг табиий шароити бўйича кўплаб маълумотлар берилган. Унинг айтишича 1850 йилларда у Берлинда таҳсил олиб юрган пайтларда Сибирь орқали Тяньшан тоғларини кашф этиш гоёсини Карл Риттер ва Александр Гумбольдтга маълум қилган, бироқ ёши улғайиб қолган Гумбольдт бу гоёга бироз шубҳа билан қараган экан[5:132].

П.П.Семёновнинг яна бири йирик илмий асари 3 жилдан иборат 1895-1896 йилларда нашрдан чиққан "История полувековой деятельности императорского Русского географического общества 1845-1895 (Рус императорлиги географик жамиятининг ярим асри тарихи)" [2:10] бўлиб, унинг катта қисми Ўрта Осиё, ҳусусан Ўзбекистон худудининг географиясига бағишланган. Илмий асарнинг 1 жилди 23 бобдан иборат, 9,18 боблари Ўрта Осиёдаги географик изланишлар ва тадқиқотларга бағишланган.

Асарнинг 9 "Осиёнинг ички географияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва ишлар" деб аталади. Ўрта Осиёнинг географик харитасини яратилишига доир Семёнов кўйидаги фикрларни билдирган: "География йўналишидаги дастлабки ҳаракат Осиёнинг батафсил харитасини тузиш ва нашр қилишдан бошланиши лозим эди. Бунинг учун Голубкин [5:11] 2000 рубль миқдорида маблағ ажратган. Бу масалани ҳал қилиш мақсадида 1849 йилдаги Географик жамиятнинг вице-президенти Германиянинг Веймар географик институтининг директори доктор Фрорипга мурожаат қилган. 1850 йилларда жамият Фрорипга Россия тадқиқотчиларининг ўша давр Осиё хариташунослигининг билимдонлари А.П.Болотов ва Я.В.Ханиковнинг хариталарини тақдим этган. Бироқ маҳсус кенгаш ушбу хариталарда бир қанча камчиликлар борлигини аниқлаган. Энг асосий камчилик харита Осиёнинг тўлиқ худудини қамраб олмаганлигида деб топилди" [5:88].

Асарнинг 18 асарида 1856 йилдан 1870 йилларга Роосия императорлиги географик жамияти аъзолаи томонидан Марказий Осиё худудига амалга оширилган илмий экспедициялар тавсифланган.

Семёновнинг маълумот беришича XIX асрнинг 50-йилларида немис олими Риттернинг Ўрта Осиё географиясига оид 1000 бетли энциклопедик асарини таржима қилиш ва нашр этиш учун Россия географик жамиятининг ўша пайтда "на кучи, на имконияти ва на пули" бўлмаган.

П.П. Семёнов-Тяншанский ўз асарининг Марказий Осиё географиясига оид қисмида ушбу ҳудудда дастлабки изланишлар тарихини батафсил ёритар экан, минтақани табиий шароитларини чуқур ўрганиш бўйича илгор ташаббускорларидан бири Я.В.Хаников бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтган. Маълумки, Я.В.Хаников Россия императорлиги географик жамиятининг илмий котиби бўлган. 1850 йилда у А.П.Болотов билан биргаликда Ўрта Осиёнинг шимолий-ғарбий қисми харитасини яратган. Мазкур харитани у 4 қисмга ажратган:

1. Орол денгизи ва Хива хонлиги;
2. Иссиқ кўл ва унинг атрофи;
3. Шимолий Эрон;
4. Каспий денгизи;

Илмий асарнинг кириш қисмида Семёнов география фанига изоҳ берад экан, шундай фикрларни билдирган: "Жамият ташкил этаётган даврга келиб география фани "география" тушунчасига кирувчи фақатгина ер юзасини ўрганувчи фанни тасаввур қиладиган тор доирадан иборат эмас эди. XIX асрнинг уюк географи Карл Риттер шунини яхши тушунган ҳолда "Ершунослик (Erdkunde)" деб номланган ўз асарида Ер шарига алоқадор барча тушунчаларни киритган ҳолда ушбу иборатга янада кенг маъно берган...

Жамият ташаббускорлари "география" борасида ҳеч қачон академик баҳсларга берилмаган, бироқ "Ершунослик" борасида ўзининг муайян қарашларига эга бўлган. Кенг фаолият жараёнида Жамият бир неча бўлимларга ажралиб кетган. Биринчи бўлим математик география ва картография, иккинчи бўлим физикавий география, учинчи бўлим - этнография, антропология ва тарихий география, тўртинчиси - статистика ва сиёсий география. Агар математик география ва картография, физикавий география фақатгина Ер сатҳи бўйича барча билимларни ўз ичига олган бўлса, учинчи ва тўртинчи бўлим Ер юзиде яшовчи одамлар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган билимлар ўрганилади" [5:17-18]. Бундай қараш XIX асрнинг 90-йилларига келиб география фани аввалги даврларга нисбатан анча тараққий этганлигидан далолат беради. Ушбу давргача география соҳасидаги барча тадқиқотлар умумий мажмуавий характерга эга бўлган бўлса, айна даврга келиб улар муайян ихтисосликлар - география, геология, геодезия, геоботаника, иқлимшунослик, гидрография каби соҳаларга ажралган ҳолда олиб борилди. Албатта бу борада П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг фаолиятининг аҳамияти беқиёс.

Маълумки, бу даврга география фанини чуқур ўрганишда бир вақтнинг ўзида хариташунослар, геологлар, математиклар, физиклар, химиклар, астрономлар, тупроқшунослар, ботаниклар, биологлар мажмуавий ҳолда иш олиб борган. Географиянинг "Ершунослик" бўлими Ер шарининг шакли, хариталарининг яратилиши билан боғлиқ. Бу соҳани ўрганишда бевосита астрономлар, геодезиячилар, топографлар катта ҳисса қўшган. П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг фикрига кўра, Ершунослик соҳаси аввалом бор ер сатҳининг аниқ географик харитасини тузиш билан ўрганилади, харитани яратиш эса бу бўлимнинг фақатгина бирламчи соҳаси. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ер сатҳининг рельефи -

кўринишини аниқлаш билан олиб борилади. Ер сатҳидаги баландликларни тригонометрик ва барометрик аниқлаш - орография деб аталади. Орография фани ўз навбатида ер қатламларининг таркиби, уларнинг тузилишидан иборат. Қатламларнинг тузилиши, тоғ жисмларини хусусиятлари, ер тектоникаси ва унинг ўзгариб бориши тарихини ўрганишни ўз ичига олади. Бироқ, ер сатҳи қатти ер қатлампидан ташқари унинг хусусиятга қатта таъсир кўрсатадиган океанлар, денгизлар, дарёлар, сув ҳавзаларидан иборат. Ершуносликнинг ушбу соҳалари - гидрология ва гидрография деб аталади ва Ер юзасидаги сув ҳавзалари, уларнинг турли оқимлари, хусусиятларини ўрганиш ҳам ершунослик фанининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади [5:18].

География фанининг физикавий география бўлими борасида П.П.Семёнов-Тяншанский: "Ернинг қаттиқ ва суяқ қатламининг атрофи ернинг интеграл таркибидан иборат энгил ҳаво қатлами - "атмосфера" ўраб туради. Атмосферада эса қуёшнинг ерга нисбатан жойлашуви, ундан тарқаладиган нурлар, ҳаво таркиби, ҳаво намлиги, электрик ва магнетик ҳодисалар билан боғлиқ қатор мукамал физикавий ўзгаришлар рўй бериб туради. Бундай ҳолатлар саёрадаги ҳар бир мамлакатнинг иқлимига бевосита таъсир кўрсатади. Ердаги иқлим, унинг хусусиятларини ўрганиш - иқлимшунослик ва метеорология деб аталади. Ушбу соҳалар физикавий географиянинг асосий соҳалари ҳисобланади" [5:18].

Шуни таъкидлаш лозимки, XIX асрнинг охирига келиб география фанининг ботаник география ва зоогеография фани каби соҳалари ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Семёновнинг "История полувековой деятельности императорского Русского географического Общества 1845-1895" асарида ушбу соҳалардаги маълумотлар ҳам ўрин олган. "Ер юзасидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламида минтақалар иқлими акс этади. Ушбу соҳалар ершуносликнинг муҳим қисмларидан бўлиб, улар фито ва зоогеография номи билан маълум [5:18].

П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг таъкидлашича, Ер сайёрасининг эгаси - одамзотдир. Ердаги одамларнинг ирқлари, уларнинг физикавий ва антропологик хусусиятлари, минтақаларнинг табиатига бевосита боғлиқ шу муносабат билан антропология, этнография, лингвистика фанлари географиянинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади [5:19]. Бундан ташқари, унинг фикрича турли давлатлар ва халқларнинг замонавий сиёсий ҳолати, иқтисодий ва ҳўжалик тузуми, тарихи бевосита уларнинг табиий хусусиятлари билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, демография, сиёсий ва тарихий география деб ном олган ушбу соҳаларни ўрганиш ҳам ершунослик фанининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади [5:20].

1896 йилда нашрдан чиққан асарнинг иккинчи қисми рус географларининг XIX асрнинг охириги чорагига оид тадқиқотлари, Россия императорлиги таркиби, стратегиясида рўй берган ўзгаришларнинг батафсил ёритилишига бағишланган. Асарнинг 25, 30, 31, 32 боблари Ўрта Осиёда олиб борилган географик тадқиқотларни ўз ичига олган. 25 бобда 1871-1885 йилларда машҳур саёҳатчи-географ Н.М.Пржевальскийнинг Ўрта Осиё ҳудудида олиб борган экспедициялари тавсифланган. Асарнинг ушбу қисми билан танишар эканмиз Н.Пржевальский географик тадқиқотларига асосий туртки - Ўрта Осиё ҳудуди орқали Россия империяси учун геостратетик аҳамиятга эга бўлган ҳисобланган Хитойга "йўл" очиш, мамлакатнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича маълумот йиғиш бўлганлигини кўриш мумкин [5:513].

"История полувековой деятельности императорского Русского географического Общества 1845-1895" асарининг 30 бобида Туркистон, ҳусусан шимолий Тяншан, Хотангри тоғлари ҳудудига Географик жамият томонидан уюштирилган экспедициялар, уларда фаол иштирок этган А.А.Шепелев, Каульбарс, А.Э.Регель, А.П.Федченко каби ўша даврнинг етук географлари фаолияти бўйича тафсилотлар қайд этилган. Асарнинг 31 боби Туркистон генерал губернаторлари К.П. ф.Кауфман, М.Г. Черняевларнинг хомийлиги ва ташаббуслари билан амалга оширилган Қўқон хонлиги, ҳусусан Фарғона водийси, Сирдарё ҳудудида олиб борилган географик изланишлар бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу асарнинг 32 боби эса XIX асрнинг охиригача Орол денгизи, Орол-Каспий оралигидаги ҳудуд, Амударё ҳудудларида олиб борилган янги географик тадқиқотларга бағишланган.

П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг "История полувековой деятельности императорского Русского географического Общества 1845-1895" асарининг 3 қисми 1896 йилда Санкт-Петербургда нашрдан чиққан. Асарнинг 40, 41, 42 боблари XIX асрнинг охиригача 10 йиллигида Рус географлари томонидан Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, Тяншан тоғлари ҳудудида олиб борилган янги тадқиқотлар тафсилоти ўз ичига олган.

П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг 3 жилддан "История полувековой деятельности императорского Русского географического Общества 1845-1895" асари ўз даврида география фанига бағишланган энг йирик ва долзарб илмий асар ҳисобланган. Ушбу асар Россия императорлигининг географик жамиятининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги 50 йиллик фаолияти натижасида география фани тараққий этганлигидан далолат беради. Маълумки, жамиятнинг тадқиқот объекти фақатгина Россия империясининг ҳудуди билан чегаралиб қолмаган. Ушбу ҳудудга Берингов қўлтиги меридианидан Висла дарёсининг ирмоғигача, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия, Болқон ярим ороли ва энг асосийси, Марказий Осиё кирган.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Россия империясида молиявий капитал таъсирининг кучайиши ва капитализмнинг янги босқичига ўтиши натижасида Ўрта Осиёдаги иқтисодий сиёсатнинг янада жадаллаштирди - бу даврга келиб Ўрта Осиё пахта етиштиришда асосий ўринни эгаллади.

Россия мустамлакачилигининг ушбу босқичдаги ҳолати маълум миқдорда илмий экспедицияларнинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топди. XIX асрнинг охирида рус олимлари томонидан Ўрта Осиё, ҳусусан Ўзбекистон ҳудуди бўйича олиб борилган тадқиқотларида маълум даражада ўзгаришлар рўй берди, география фанида янги кашфиётлар, илмий тадқиқотлар амалга оширилди. XIX асрнинг иккинчи ярмигача амалга уюштирилган илмий экспедициялар натижасида амалга оширилган тадқиқотлар умумий-мажмуавий ҳолатда олиб борилган бўлса, айна даврга келиб улар муайян ихтисосликлар - география, геология, геодезия, геоботаника, иқлимшунослик, гидрография каби соҳаларга йўналтирилган ҳолда олиб борилди. Бу борада 1895 йилда ташкил этилган Россия императорлиги География Жамиятининг Туркистон бўлимининг фаолият гоят муҳим аҳамият касб этди. XX асрнинг биринчи ярмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг амалий тадбиқ этилиши ушбу бўлимнинг ташаббуси билан амалга оширилган эди.

Россия географларининг Марказий Осиёда кенг кўламда олиб борган илмий изланишлари минтақанинг география фанини тараққиётида улкан илмий аҳамиятга эkanлигини эътироф этмоқ лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ильинский А.П. Пётр Петрович Семёнов-Тян-Шанский. Известия географического общества. Т.71
2. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч-2. 1856-1869 гг. Изд-во САГУ. 1956
3. Шукина Н.М. Как создавалась карта Центральной Азии. Работы русских исследователей XIX и начала XX вв. М.1955
4. Семёнов П.П. Путешествие в Тянь-Шань в 1856-1857 гг. М.ОГИЗ.1948. Т 2
5. Семёнов-Тяншанский П.П. История полувековой деятельности императорского Русского географического Общества 1845-1895. Ч-1. СПб. 1896

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Каримов Нодир Рахмонкулович,
Тошкент давлат шарқшунослик институти

ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА "ҲАКИМИЯ"



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-17>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола хорижлик тадқиқотчиларнинг Ҳаким Термизий мактаби ҳақидаги фикрларини таҳлил қилишга бағишланган. Яъни, ушбу ишда хорижлик олимлар Ҳаким Термизий мактаби бор деб ҳисоблайдими? Улар алломани қайси тариқат ёки оқим вакили сифатида эътироф этишган? "Ал-ҳакимия" ва Ҳаким Термизий ўргасида қандай боғлиқлик бор? "Ал-ҳакимия" тариқатми, таълимотми ёки мазҳаб? Каби саволларга АҚШ, Германия, Англия, Миср, Туркия, Ҳиндистон, Покистон каби давлатларда чоп қилинган илмий адабиётлар ва тарихий манбалар асосида жавоб берилган. Шунингдек, тадқиқотда алломанинг илмий меросига бўлган қизиқишнинг вужудга келиш сабаблари ва натижалари тизимли таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ал-ҳаким, хатму-л-авлиё, карроматия, Ибн Каррам, маломатия, Ал-Ҳужвирий, Ибн Арабий, нақшбандия, кубровия, Л.Массигнон, А.Книш, А.Палмер, Б.Радтке, шозалия, шомонлик.

Каримов Нодир Рахманкулович,
Тошкентский государственный университет востоковедения

ҲАКИМ ТЕРМИЗИ И "ҲАКИМИЯ" В ИССЛЕДОВАНИЯХ МИРОВЫХ УЧЁНЫХ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена научному анализу учения Хаким Тирмизи зарубежными исследователями. В частности, в работе даны ответы на следующие вопросы: думают ли иностранные ученые, что у Хакима Тирмизи была своя религиозно-философская школа? Каково их мнение о "тарике" или движении Хаким Тирмизи? Какая связь между "хакимия" и Хаким Тирмизи? Является ли "аль-хакимия" учением (тарикой), доктриной или мадхабом? В статье исследуются научные работы, опубликованные в США, Германии, Англии, Египте, Турции, Индии, Пакистане и других странах, а также, проанализированы причины возникновения заинтересованностью к научному наследию Хаким Тирмизи.

Ключевые слова: ал-хаким, хатму-л-авлиё, каррамиты, Ибн Каррам, маломатия, Ал-Ҳужвирий, Ибн Араби, нақшбандия, кубравия, Л.Массигнон, А.Книш, А.Палмер, Б.Радтке, шазилия, шаманизм.

HAKIM TERMIZI AND "HAKIMIYA" IN THE RESEARCHES OF WORLD SCIENTISTS

ANNOTATION

This article is devoted to analyze the opinions of foreign researchers about the school of Hakim Tirmidhi. Especially, the answers of following questions can be found in this work: do foreign scholars think Hakim Tirmidhi had a school? What are their opinions on Hakim Tirmidhi's tariqah or movement? What is connection between "hakimiyya" and Hakim Tirmidhi? Is "al-hakimiya" a discipline (tariqah), a doctrine, or a madhhab? Scientific works and historic sources which were published in the USA, Germany, England, Egypt, Turkey, India, Pakistan and other countries are used efficiently to respond above mentioned questions. At the same time, the article analyzes the reasons for the emergence of interest in the scientific heritage of scientists and its results.

Key words: al-hakim, khatm al-awliya, karramiyya, Ibn Karram, malomati movement, naqshbandi, kubrawiyya, L.Massignon, A.Knysh, A.Palmer, B.Radtke, shadhili Sufi order, shamanism.

Маълумки, VIII-XIV асрларда ислом дини ҳар томонлама ривожланган. Мақсарият олимлар бу даврни "ислом динининг олтин асри" сифатида қайд этган [1]. Зеро, айнан шу даврда ислом цивилизациясига мислсиз ҳисса қўшган кўплаб олимлар етишиб чиққан. Биз ўрганаётган Ҳақим Термизий ҳам мазкур даврда яшаб ижод қилган. Исломи динида тасаввуфий тушунчалар моҳияти, валийлик атамаси, сўфийлик каби тушунчаларни дунёвий илмлар (антропология, космология, археология, қадимшунослик ва ислом илоҳияти) асосида илк мартаба очиб берган мутафаккир аллома Ҳақим Термизийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳақим ат-Термизий [2] бўлиб, у яшаган йиллари тахминан 132-142/750-760 йиллардан 255/869 йилгача бўлган давр кўрсатилган. Ҳақим Термизий 80 дан (баъзи адабиётларда 400дан) ортиқ илмий асарлар муаллифи ва Шарқ тасаввуфшунослигининг машҳур намоёниси ҳисобланади. Ҳақим Термизий чуқур илм ва кенг дунёқарашга эга бўлгани учун "ал-ҳақим" (донишманд) тахаллусини олган деган тахминлар бор. Термизийнинг таржимаи ҳолига оид қиссақача маълумотлар ўрта аср манбаларида ҳамда унинг ўз қаламига мансуб "Будувву шаъни Абу Абдуллоҳ" номли автобиографик рисоласида келтирилган. Аллома яшаган даврга эътибор берилса, араб ҳалифалиги гуллаб яшнаган даврга тўғри келади. Бу даврда халифаликнинг барча ҳудудида диний ва дунёвий илмлар ривожланган. Хусусан, Бағдод, Куфа, Басра, Мадина, Нишопур, Балх, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларда илм-фан марказлари вужудга келган [4]. Илм истовчилар ислом дунёсининг турли бурчақларига саёҳат қилган. Ҳар бир минтақа ислом дини тараққиётида ўзига хос ўрин тутган. Бағдод ўзининг фикшшунослик мактаби (илм ал-фикҳ) билан машҳур бўлган ва у бевосита Абу Ҳанифа (ваф.150/767 й.) гоёлари асосида фаолият юритган. Араб тили ва грамматикасини ўрганмоқчи бўлганлар эса Басра ва Куфага бориб таҳсил олган. Ҳадис илми учун Мадина ва Ҳижоздан муносиброқ жой бўлмаган [5]. Мазкур шаҳарлар мактаблари учун Имом Малик (ваф.179-180/795-796 й.) гоёлари асос қилиб олинган. Исломи цивилизациясида Мовароуннаҳр ҳам етакчи роль ўйнаган. Бу минтақада Имом Бухорий (ваф.260/874 й.), Абу Исо Термизий (ваф.279/892 й.), Ҳақим Термизий каби ислом олимлари етишиб чиққан. Мазкур ҳудудда қандай мактаблар мавжуд бўлган-у, уларда кимлар таҳсил олган

каби саволлар ҳаммада тугилиши мумкин. Ушбу мақолада хорижлик олимларнинг Ҳаким Термизий илмий мактаби борасида билдирган фикр мулоҳазалари таҳлил қилинади. Яъни, улар Ҳаким Термизийни қайси мактаб вакили сифатида эътироф этган? "Ал-Ҳакимия" оқими ва Ҳаким Термизий ўртасида қандай боғлиқлик бор? Ҳаким Термизийнинг бошқа тасаввуфий оқим ва тариқатларга таъсири қандай бўлган? Мазкур саволларга қуйида жавоб беришга ҳаракат қилинади.

Аксарият термизийшунос олимлар? Ҳаким Термизий илмий меросини тубсиз уммон сифатида баҳолашади. Чунки, у ўз даврининг муҳаддиси, фикҳшуноси, мутасаввуфи, асторономи, файласуфи бир сўз билан айтганда "ал-ҳаким" - донишманди бўлган. Мазкур соҳаларнинг ҳар бирида чуқур илмий маъно-мазмунга эга асарлар ёзган. Хусусан, биргина Ҳаким Термизий тасаввуф таълимотида "Хатм ал-авлиё" номли китоби орқали "валийлик назарияси"га асос солган. Адабиётларга қаралганда, ундан сўнг ким валийлик ҳақида гапирган бўлса, қай миқдорда бўлса ҳам, унинг қарашлари таъсирида бўлган [6]. Аллома валийлик ҳақидаги қарашларни бир тизимга солиш, унинг аниқ чизгиларини "чизиш" ва белгилаш масаласида муҳим ўринга эга. У илк бор валийликнинг белги ва даражаларини аниқлаб, "хотам ал-авлиё" иборасидан фойдаланган. Ҳаким Термизийнинг "хатму-л-авлиё" - "пайгамбарлик муҳри" [7] (Муҳаммад с.а.в.) бўлгани каби "валийлар муҳри" ҳам мавжудлиги, охирабда барча анбиёлар "Хотаму-л-анбиё" - Муҳаммаднинг (с.а.в.) шафоатларига муҳтож бўлгани каби, авлиёлар ҳам "Хотаму-л-авлиё"нинг шафоатига муҳтож бўлиши ҳақидаги ислом таълимотида муқаддам учрамаган қарашлари турли даврларда кескин мунозараларга сабаб бўлган. Жумладан, Ибн ал-Арабий бу гоиларни давом эттириб, ўзини "хатм ал-авлиё" эканини эълон қилган бўлса, Ибн Таймия бу гоини куфр деб баҳолаб, ал-Ҳаким ат-Термизийни ҳам, Ибн ал-Арабийни ҳам кескин танқид остига олган [8].

Ҳаким Термизий илмий мероси борасида Фарба талайгина ишлар амалга оширилган. Хорижлик олимларнинг Ҳаким Термизий асарларини тадқиқ этиш сабабларидан бири унинг чуқур илмий асосга эга асарлар ёзганлигидир. Қолаверса, аллома ёзма мероси борасидаги баҳсли масалалар ҳам тадқиқ этишга ундаган деб ўйлаймиз. Хусусан, "Хатм алавлиё" китоби сабаб унинг динсизликда айбланиши [9], эътиқод ва ахлоқ асосларига қарши бориш айблови [10], "валийларни набийлардан устун қўйиши" [11]?, Айниқса, унинг "Хотам ал-анбиё" бўлганидек, "Хотам ал-авлиё" ҳам бор мазмунли фикри [12] хорижлик тадқиқотчиларни ўзига жалб қилган бўлса ажабмас.

Фарба Ҳаким Термизий илмий меросининг қўлами ва тасаввуфий қарашларига оид дастлабки фикрлар муаллифи Л.Массигнондир. Унинг 1922 йил эълон қилинган "Essai sur les origines du lexique technique de la mystique musulmane"? (Ислом тасаввуфи техник тилининг келиб чиқиши ҳақидаги иншо- Н.К) номли тадқиқотида алломанинг қайси мактаб вакили бўлгани баён қилинмаган. Аммо, Ҳаким Термизий "маломатия" ? тасаввуфий мактабига катта таъсир қилган, Ибн Арабий фалсафий дунёси асосларини яратган, нақшбандийлик тариқати устунларини белгилаб берган олим эди", дея фикр билдирган.

1970 йил Лондон университетидеда ҳимоя қилинган Муҳаммад Иброҳим ал-Жиошийнинг "Ҳаким Термизий, унинг асарлари ва сўфийликка оид фикрлари-Н.К" номли докторлик ишида Ҳаким Термизийнинг қайси мактабга мансублиги борасида аниқ фикр баён қилинмаган. Муаллиф Ҳаким Термизийнинг ўзига отаси - Али ибн ал-Ҳасан ва Хизр алайҳиссаломларни устоз деб билганлиги ҳақида

маълумот берган. Бироқ, ал-Жиюший аллома кимдан ҳадис ривоят қилганига қараб алломанинг тахминий 164 та устозлари исмларини келтирган ҳамда улар тўғрисида қисқача маълумот тақдим қилган. Тадқиқотчи Ҳаким Термизийнинг 6 нафар шогирдлари исмларини ҳам келтирган. Жаъфар ибн Ҳайсом (ваф. 360/971й.), Абу Бакр ал-Варроқ Муҳаммад ал-Ҳаким (ваф. 294/906 - 907й.), Яҳё ибн Мансур ал-Қозий (ваф. 350/961й.), Аҳмад Ибн Муҳаммад ибн Исо, Ал-Ҳасан ибн Али ал-Жузжоний, Мансур ибн Ҳолид ал-Ҳаравий каби олимлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ал-Жиюший Ҳаким Термизийнинг Балхга саёҳати тўғрисида ҳам фикр билдирган. Унинг ёзишича "маҳаллий аҳоли билан гоёвий қарашларда ўхшашлик бўлгани боис Ҳаким Термизийни Балхда илиқ кутиб олишган. Айниқса, мазкур саёҳат алломани нафс борасидаги фикрлари учун асос бўлган". Тадқиқотчи фикрларини исботи сифатида олимнинг Муҳаммад Ибн Фадл (ваф. 319/931й.) ва Абу Усмон Саид ал-Ҳири (ваф. 298/911й.)га йўлланган мактубларни келтирган. Улар ўша пайтда Балхнинг энг машҳур олимлари ҳамда маломатийлик тариқатининг етакчилари бўлишган. Демак, Балх саёҳати Ҳаким Термизийга маломатийлик тариқати билан яқиндан танишиш имкониятини берish билан бирга, ундан маълум миқдорда таъсирланишига олиб келган. Айниқса, алломанинг нафс табиати ҳақида ёзган асарларида маломатийлик кайфияти билиниб туради, деб ал-Жиюший хулоса қилган [13]. Аммо, "Лисон ал-Мезон" [14], "Тазкират ал-Хуффо" [15] каби тарихий манбаларга қўра, Балхга саёҳат ёки қувғин Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ниҳоясида юз берган. Унинг "Хатм ул-авлиё" ва "Илал аш-Шариа" каби асарлари аллақачон танқидга учраган давр бўлган. Демак, аллома бу давргача олим сифатида шаклланиб улгурган ва ўзининг мустақил фикрига эга бўлган. Маломатийлик вакиллари билан эса ўз мулоҳазаларини бўлишган. Ҳаким Термизий маломатия вакиллари билан илмий баҳсларга киришган, уларни аксрият ҳолларда танқид қилган. Демак, юқоридаги фикр нотўғри бўлиб, аксинча маломатийлик аллома назариясидан таъсирланган. Маломатийлик, карроматийлик каби мактабларни тадқиқ этган Сара Свири [16] Ҳаким Термизийнинг ижодини алоҳида мактаб сифатида тадқиқ этишни таклиф қилган?

1975 йил чоп қилинган Аннемария Скиммелнинг "Ислоннинг тасаввуфий жиҳатлари-Н.К" номли китобида Ҳаким Термизий ҳаётига оид қизиқ маълумотлар учрайди [17]. Жумладан, "Саҳл Абдуллоҳ ат-Тустарийнинг ёш замондошларидан бири Ҳаким Термизийдир. Унинг исмидаги "ҳаким" юнон фалсафасини ўзлаштирганидан дарак беради. Термизий Балх ва Ироқда узоқ йиллар яшаб, шофийлик мактаби сирларини ўрганган ҳамда Х асрнинг бошларида Макка шаҳрида вафот этган"[18]. А.Счиммел фикрича, Ҳаким Термизий Шақиқ ал-Балхий (ваф. 194/810й.) ва Ҳатим ал-Асом (ваф. 237/852й.)нинг Балхдаги янги Афлотунчилик тасаввуф мактабида таҳсил олган[19]. Мазкур фикр Бернд Ратдке томонидан инкор қилинган [20]. Тадқиқотчи Ҳаким Термизий юнон фалсафасини ўрганмаган, у фақат ислом илмлари билан шуғулланган, "ҳаким" ёки "ҳакимийлик" Маворауннаҳрда таълим олган ислом мутасаввуфларига нисбатан ишлатилган, деб ҳисоблайди [21]. Қолаверса, Бернд Ратдке Ҳаким Термизийни сўфий сифатида эътироф этмаган?. У Абдуллоҳ ал-Ансорий ва Абубакр ал-Варроқ фикрларига таянган ҳолда "ҳаким" сўзи алломага замондошлари томонидан берилганлини қайд этган. Жеклайн Чаббининг фикрича, аллома замонида "ҳаким" инсон руҳияти билан боғлиқ билимларини эгаллаган инсонга нисбатан ишлатилган [22].

1989 йил чоп қилинган Жулиан Болдикнинг "Mystical Islam: An Introduction to Sufism" (Тасаввуфий ислом: сўфизмга кириш - Н.К.) [23] номли китобида Ҳақим Термизийнинг тасаввуфдаги ўрни, унинг илмий мероси ҳақида қисқача сўз юритилган. Ж.Болдикнинг аллома устози масаласидаги фикрлари эътиборга лойиқдир. "Термизийнинг устоз борасидаги назариясида галати ҳолат учрайди. Унинг устози бўлмаган, у ўқиганларидан ўрганган. Термизий устоздан илм олиш ёки олмаслик борасида очиқ фикр билдирмаган. Инсонни бошқа инсонга тобе бўлмасликка чақирган" - деб Ж.Болдик таъкидлаган. Муаллиф Ҳақим Термизий валийлик назариясининг келиб чиқишига оид иккита тахминни ифодалаган: биринчиси - христианлик йўли бўлиб, алломанинг гностик илмлари христианликдан олинган деб ҳисоблаган. Иккинчиси эса Ҳақим Термизий шимолий-шарқда шакланган шомонликдан илҳомланган. Яъни, у шомон бўлгани учун кейинчалик уни сўфи сифатида тан олишмаган [24]. Мазкур фикрлар Ҳақим Термизийга оид кейинчалик изланишлар олиб борган Бернд Ратдке [25], Йвес Маркует [26], Сара Свири[27], Геневиёв Гоббилотлар[28] томонидан инкор қилинган. Фикримизча, Ж.Болдик илмий таҳлилий асосларга эга бўлмаган фикрларни тақдим қилган. Ёки Ҳақим Термизий илмий мероси, тасаввуф ҳамда ислом динидан беҳабар бўлган. Аллома назариясини христианлик ёки шомонлик билан боғлашда ҳеч қандай мантиқ йўқ. Инсонни бошқа инсонга тобе бўлмаслик борасидаги фикрларни нотўғри талқин қилган. Ҳақим Термизий инсонни инсонга эмас, балки Аллоҳга ишонишга чақирган. У "Масоил ал-макнун" китобида Аллоҳга ишонч ва иймон келтириш ҳақида куйидаги фикрларни билдирган: "Бирор бир тавҳид соҳиби йўқки унинг қалби Аллоҳга боғлиқ бўлмаган бўлса. Бу Имоннинг шартидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: "Эй Мусо, агар муҳаббатинг мендан узилса, Мендан бошқа ип боғланмайди", деди. Бу маъно ояти карималарда ҳам келган: "Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга Имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли халқани тутибди". (Бақара сураси, 256-оятдан) [29].

1999 йил Александр Книшининг "Ислом тасаввуфининг қисқа тарихи-Н.К" номли китоб нашр этилди [30]. Муаллиф Ҳақим Термизийнинг валийлик назарияси шаклланишида шиа имомлари жиддий таъбир қилган, деган хулоса берилган. Айнан ўша китобнинг 2015 йилги қайта нашрида эса [31], Хуросон ва Басра ҳудудларида мавжуд бўлган зоҳидлик ва тасаввуфий ҳаракатлар муҳокама қилиниб, мазкур ҳудудларда ташкил топган тасаввуф мактаблари, уларнинг энг йирик вакиллари, сўфийлик тариқатларининг бир-бири билан муносабатлари каби масалалар тадқиқ этилган. Китобга "Алоҳида вазиятлар: ал-Ниффарий (ваф.366/977й.), ат-Термизий ва Ибн Масарра (ваф.319/931й.)" номли махсус мавзу ҳам киритилган бўлиб, унда мазкур тасаввуф уламолари ҳеч қайси мактаб вакили бўлмаган дея хулоса берилган [32]. Хусусан, "яна битта ўзгача қарашларга эга тасаввуф олими Ҳақим Термизий бўлиб, унинг қарашлари анъанавий Ироқ тасаввуф мактабидан бутунлай фарқ қилган. Баъзи, тасаввуф олимлари Ҳақим Термизийни кейинчалик шарқий мусулмонларда шакланган "ал-ҳақимия" тасаввуфий тариқатининг вакили сифатида қайд этган. Хуросон ва Моварауннаҳрда яшаб ўтган "ал-ҳақимия" тариқати вакиллариға худуд жиҳатдан қаралса, "Карроматийлик"? тариқати билан алоқалари бўлиши керак эди. Аммо, "ҳақимия" тариқати тасаввуфий қарашлари сўфийлик ва карроматийликдан анча мукамалроқ бўлган. Қолаверса, улар ўз асарларида ҳам "оддий" сўфийлардан анча устун бўлганликларини ёзиб қолдирган", деб Александр Книш алоҳида қайд этган [33].

2004 йил чоп қилинган Жозеф Маричал ва Олгар Соролдларнинг "Мутасаввуфлар психологияси-Н.К" номли китобида [34] эса "Ҳаким Термизий юнон фалсафасини яхши англаган биринчи муслмон мутасаввуфи бўлган. У ҳеч қайси тасаввуф мактабига аъзо бўлмасдан, Куфа ва Бағдод сўфийларига катта таъсир қилган, деб қайд қилинган [35].

2008 йил Кембирж университетига нашр қилинган "Эрон тарихи- Н.К" номли энциклопедик ишнинг 4-жилдида Ҳаким Термизий ва унинг сўфийликдаги ўрни масаласи муҳокама қилинган[36]. Хусусан, унда Ҳаким Термизий Хуросон мактаби вакили сифатида қайд этилган.Аллома "карроматия" тариқатининг асосчиси Ибн Каррамнинг(ваф.255/869й.) сўфийлик қарашларига эргашганлиги даъво қилинган. "Ҳаким Термизийга "Ҳаким" ёки мутасаввуф номи унинг тасаввуф ва гностикадаги серқирра ижоди сабаб берилган. Алломанинг сўфийликдаги қарашлари кейинчалик Ибн Арабий (ваф.637/1240й.), Жили (ваф.827/1424й.) ва бошқа олимлар томонидан тўлдирилган. Шубҳасиз, Ҳаким Термизий илмий мероси фақат сўфийлик билан чекланиб қолмаган. Асарларининг аксарияти Куръон тавсифи, ҳадис, калом ва фикҳ илмига бағишланган. Унинг барча ишларида сўфийлик таъсири билиниб туради. Аллома кўп жиҳатларда Ибн Каррамга эргашган. Яъни, ўзигача яратилган ишларнинг кўпчилиги билан яхши таниш бўлган ва улардан унумли фойдаланган. Унинг энг йирик асарларидан бири "Ҳатм ул-авлиё" асари ҳисобланиб, унда "авлиёлик" ва "набийлик" ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар қиёсланган. Ибн Арабийнинг "Футухат ал-маккия" китобида мазкур фикрлар ривожлантирилган. Ҳаким Термизий қадимги юнон фалсафаси билан танишган биринчи сўфий бўлган. Аллома Ибн Арабий мактабининг устунларини яратган ҳамда "нақшбандийлик" тариқати учун асос бўлган асарлар муаллифидир"[37], деб "Эрон тарихи" китобида хулоса қилинган. Юқоридаги фикрлардан Ҳаким Термизийни "хуросонлик"[38] ва "карроматийлик" вакили деган хулоса шаклланади. Бизнингча, "Хуросон" дейилганда бугунги Эрондаги вилоят эмас, балки "Катта Хуросон"[39] тушунчаси назарда тутиляпти. Фикримизча, Ҳаким Термизийни Ибн Каррамга боғлинишига Л.Массигнон ва Муфид Муҳаммад Нурийлар [40] томонидан чиқарилган нотўғри хулоса сабабдир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ҳаким Термизий ва Ибн Каррам "Азоб ал-қабр" номли асар ёзганлиги уларнинг ўзаро алоқасидан дарак беради[41]. Хужвирийнинг "Кашф ал-маҳжуб" асарининг 41 саҳифасида кўрсатишича, ҳақиқатдан, Ҳаким Термизийнинг "Азоб ал-қабр" номли китоби бўлган [42]. Аммо, бу китоб бизгача етиб келмаган. Шу сабабли мазкур китобдаги гоёлар Ибн Каррам фикрлари билан қанчалик ўхшаш ёки фарқли бўлгани ҳақида хулоса чиқара олмаймиз. Аммо, фақатгина китобнинг номидан келиб чиқиб, Ҳаким Термизийни "карроматийлик" вакили сифатида кўрсатиш хато, деб ҳисоблаймиз.

2012 йил Найл Гриннинг "Дунё тарихида сўфийлик - Н.К" номли тадқиқоти эълон қилинди[43]. Муаллифнинг фикрича, Хуросонда Ироқ сўфийлик мактабидан буткул фарқ қилган учта оқим бўлган: карроматийлик, маломатийлик ва ҳакимийлик. Уларнинг тасаввуфий қарашлари бир-биридан фарқ қилган. Бизни кўпроқ қизиқтиргани, ҳакимийлик бўлгани боис, китобдан мазкур йўналиш ҳақидаги парчани тўлиқ ҳавола этамиз: "Ироқ сўфийларидан фарқли оқимлардан бири ҳакимийлар бўлиб, ушбу ҳаракат ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми Термиз ва Балх ҳудудларида вужудга келган. ҳакимийлик алоҳида тариқат бўлсада, карроматийлик ёки маломатийлик каби кенг таъсирга эга бўлмаган. Ҳакимийларда

"аристократик" хусусиятлар кўзга ташланади, яъни улар ўзларини "Аллоҳнинг дўстлари" деб эълон қилган. Фақатгина етакчиларгина "ҳаким" номига лойиқ бўлган. Уларнинг ичида энг кўзга ташланадиган вакили Ҳаким Термизий ҳисобланади. Алломанинг қарашлари маломатийлик ва карроматийликдан ҳар жиҳатдан ўзгача бўлган. Улардан Куръон, ҳадис, фикҳ ва калом илмларини чуқур эгаллагани билан ҳам ажралиб турган. Қолаверса, аллома ўзи ҳақида автобиографик асар ёзиб, унда ўзи ҳамда аёли бошдан кечирган тасаввуфий қарашларни ҳам акс эттирган. Асосан, аёлининг тушлари ҳақидаги суҳбатларда ўз таълимотининг асосларини очиб берган. Бу усул бошқа тариқатларда учрамайди [44].

2016 йил Тожикистонда "Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и ее значение в мировой цивилизации" номли конференция бўлиб ўтган. Мазкур анжуман материаллари алоҳида тўплаб бўлиб чиққан ва унинг кириш қисми Имомали Раҳмоннинг фикрлари билан бошланган [45]. "Ҳаким Термизий нақшбандия тариқатига сезиларли таъсир этган. Хўжа Баҳауддин Бухорий (ваф.791/1389й.), нақшбандийлик тариқатининг асосчиси ўз ҳаёт йўлини табарруқ шайхларни ўрганиш натижасида яратганлиги айтиб ўтган. Ўша шайхлар ичида Ҳаким Термизий ҳам бўлиб, унга авлиёларнинг энг етуги деб баҳо берган" деб Имомали Раҳмон эътироф этган. Қолаверса, Имомали Раҳмон фикрича, Муҳаммад ал-Ғаззолий (ваф.504/1111) ва Ибн Арабий (ваф.637/1240) ҳамда бошқа кўплаб мутасаввуфлар аллома илмий меросидан кенг фойдаланган. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо, Абу Муҳаммад ибн Яҳё ибн Мансур Қози, Мансур ибн Абдулла ибн Халид Ҳиравий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Ҳайсом, Ҳасан ибн Али Жузжоний, Абу Бакр Варроқ Термизий каби олимлар Ҳаким Термизий мактабининг бевосита вакиллари бўлишган.

Ўрта асрларда яшаган олим Ал-Ҳужвирий (ваф.1072-77й.) Ҳаким Термизийнинг мактаби борасида ўз фикрларини билдириб кетган [46]. Юқорида биз таҳлил қилган Александр Книш, Аюб Палмер, Бернд Ратдкеларнинг "ҳакимийлик" масаласидаги қарашларига айнан Ал-Ҳужвирийнинг "Кашф ал-Маҳжуб" номли асари асос бўлган. Мазкур асарда ёзилишича, Хуросон ҳудудида "ҳакимия" (донолик) номли тариқат пайдо бўлган, у ерда кўплаб сўфийлар таҳсил олган. Унинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳасан Термизий бўлиб, ўз даврида Ҳаким Термизий номи билан машҳур бўлган. Ал-Ҳужвирий "ҳакимия"ни "аҳла ас-сунна ва жамоа" томонидан тан олинган энг яхши тасаввуф тариқатларининг ўнталигига киритган [47]. "XIII асрда Ҳиндистоннинг диний ва сиёсий қиёфаси"[48] номли тадқиқот муаллифи Холиқ Ашраф Низомий ҳам ислом динининг ўнта тасаввуф мактаблари борасида сўз юритиб, "хулулийлар", "ҳалложийлар", "тайфурийлар", "қусасийлар", "харрозийлар", "сайёрийлар", "муҳасибийлар", "тустарийлар" ва "ҳакимийлар"ни санаб ўтган. "Ҳакимия" тариқатининг асосчиси сифатида эса Ҳаким Термизийни кўрсатган. Низомий алломага оид фикрларини давом эттириб, у авлиёлик назариясини ҳамда унинг даражаларини биринчилардан бўлиб белгилаганлигини эътироф этган.

Бугунги кунда америкалик тадқиқотчи Аюб Палмернинг Ҳаким Термизий илмий меросини ўрганишга бағишланган ишлари диққатга сазовор. Аюб Палмер [49] А.Книш фикрларини давом эттириб, Ҳаким Термизий илмий мактаби ҳали тадқиқ қилиниши кераклигини эслатиб ўтган. "Ҳаким Термизийга оид ҳеч бир ишда унинг илмий мактаби борасида жиддий тадқиқотлар учрамайди. Бернд Ратдкел, Йвес Маркует, Сара Свири, Геневиев Гоббилот ва Абдуллоҳ Баракалар

айнан мазкур масалани четлаб ўтган. Улар асосан Ҳақим Термизий ўзгача қарашларга эга бўлган, замонасининг илғор олимларидан бири бўлган, деган жумла билан чекланишган. "Ҳақимия" ҳаракати ҳақидаги фикрлар ўрганилиши керак" - деб А.Палмер ўз фикрини билдирган. Шунингдек, у тадқиқотида Ҳақим Термизийнинг Ибн Арабий мактаби ва Шозалия тариқатига таъсири масаласини кўриб чиққан. Диссертациянинг ушбу қисмида Ҳақим Термизийнинг кейинги авлод олимларига таъсири очиб берилган. Муаллиф Ибн Арабий ва Ҳақим Термизий асарларининг ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб берган. Ҳақиқатдан, Ибн Арабийга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, унинг Ҳақим Термизий билан алоқаси деярли ўрганилмаган. Ибн Арабийни яхшироқ тушуниш учун эса Ҳақим Термизий китобларини ўқиш керак. Чунки, Термизий назарияси Ибн Арабий асарлари учун асос бўлган. Ибн Арабий асарларини аллома илмий меросининг мантиқий ривожига сифатида қабул қилиш мумкин. Шунингдек, бобнинг қолган қисми аллома ва шозалия? тариқати ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга бағишланган. Аш-Шозалия ўз даврида Термизий асарлари билан яхши таниш бўлган ва тариқатининг устозлари сифатида унинг ғояларини сингдирган. Бу фикрларни Аюб Палмер томонидан илгари сурилган янгилик сифатида қабул қилиш мумкин. Яъни, Ҳақим Термизийнинг шозалия тариқати билан боғлиқлигини фақатгина Ричард Макгригор [50]? томонидан қисман тадқиқ этилган эди.

Ўзбек олимлари ҳам "ал-ҳақимия" масаласида турли фикрлар билдирган?. Усмон Турар [51], Нажмиддин Комилов [52], Иброҳим Худоёр [53] каби тадқиқотчилар "ал-ҳақимия"ни тариқат сифатида эътироф этган бўлса, Жўрабек Чўматов[53] уни "таълимот" дея баҳолаган. Убайдулло Уватовнинг [54] фикрича, "ал-ҳақимия" бу - мазҳабдир.

Адабиётлар таҳлили сўфийликнинг шаклланиш тарихи ҳали тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатди. Асосан, дастлабки маънавий марказлар, уларнинг асосчилари ва таълимотлари маълум даражада тадқиқ этилган. Аммо, мазкур марказлар ўртасидаги муносабатлар кўплаб изланишларни талаб қилади. Ўрганилган адабиётларга кўра хорижлик олимлар Ҳақим Термизийнинг қайси мактаб вакили эканлигига оид турли фикрлар билдирган. Мазкур масала қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Аллома мактаби тўғрисидаги изланишлар тадрижий такомиллашиб борган. Дастлаб Л.Массигнон, Муфид Муҳаммад Нурий каби тадқиқотчилар аллома илмий мактабини Ибн Каррам билан боғлаган бўлса, кейинчалик Хужвири ижоди билан танишган Александр Книш, Жозеф Маричал, Олгар Соролд, Найл Грин, Аюб Палмер, Бернд Радтке сингари олимлар изланишларида "карроматийлик" билан аллома алоқаларини инкор қилган. Бизнингча ҳам ҳозиргача етиб келмаган китоб номи билан Ҳақим Термизийни карроматийлик вакили сифатида эътироф этиш нотўғри хулоса. Қолаверса, унинг асарларида карроматийлик ғоялари кескин танқид қилинган. Жулиан Болдикнинг Ҳақим Термизий ҳақидаги "шомонлик" назарияси илмий асосга эга эмас, деб ҳисоблаймиз. Аннемария Скиммел томонидан алломани "Балх янги Афлотунчилик" мактаби вакили сифатида қайд этилиши Ҳақим Термизий илмий мероси билан яхши таниш бўлган Бернд Радтке томонидан кескин рад этилган. Ҳақиқатдан аллома устозлари орасида балхлик олимлар талайгина. Бироқ, бу факторга асосланиб хулоса чиқариш нотўғридир. Зеро, Термизий шайхлари орасида куфалик, бағдодлик, басралик олимлар ҳам

кам эмас. Муҳаммад Иброҳим ал-Жиюший, Сара Свири, Геневиёв Гоббилот ва Абдуллоҳ Баракаларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда алломанинг маломатийлик билан сезиларли алоқаларини кўришимиз мумкин. Аммо, улар таъкидлаганидек маломатийлик Ҳақим Термизий назариясига таъсир қилган эмас, балки Термизий мазкур тариқат вакиллари билан учрашганда ўз мустақил тасаввуфий қарашларига эга, шаклланган аллома бўлган. Шу сабабли Термизийнинг маломатийликка таъсири деб ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Александр Книш ва Найл Грин сингари тадқиқотчилар Ҳақим Термизийни Маворауннаҳрда шаклланган "ҳақимия" оқими вакили эканлигига урғу берган бўлса, Айюб Палмер, Бернд Ратдкелар сўнги тадқиқотларида Ҳақим Термизийни "ҳақимия" тасаввуфий йўлининг асосчиси сифатида қайд этган. Хорижлик олимлар дастлаб Хужвирийнинг "ҳақимия" мактаби масаласига шубҳа билан қараган. Чунки, Ҳақим Термизий ҳақида ёзган уларнинг аксарияти алломани юзаки билган. Аммо, вақт ўтган сайин хорижлик олимлар ҳам аллома илмий меросига чуқурроқ кириб боришмоқда. Амарикалик Н.Хир каби олимлар Термизийни кенг қиррали олим сифатида кашф этиб, ҳатто тубсиз океанга ҳам ўхшатди. Яъни, Ҳақим Термизий "ҳақимийлик" сингари оқимга асос солишга етарли салоҳият соҳиби эканлиги исботланди. Хусусан, Ричард Макгригор, Айюб Палмерлар Ҳақим Термизий илмий меросини ўраниш билан чекланиб қолмасдан, унинг ўрта асрлар тасавуф фалсафасига таъсири масаласини ҳам тадқиқ қилмоқда. Уларнинг тадқиқотларидан Ҳақим Термизийнинг илмий мероси Мисрда ривожланган шозалия тариқати учун устун вазифасини бажарган.

Юқоридагилардан Ҳақим Термизий ўз даврининг ҳеч қайси тасавуф мактаби аъзоси бўлмасдан, "ҳақимия"га асос солган деб хулоса қилиш мумкин. Ҳақим Термизийнинг кейинги тасавуф мактабларига таъсири ўрганилиши лозим. Хужвирий ва Абу Бакр ал-Варроқ томонидан ёзиб қолдирилган фикрлар кейинги сўфийлик асарлари билан қиёсий ўрганилса, Ҳақим Термизий томонидан асос солинган "ҳақимиянинг" таъсири яққол намоён бўлиши мумкин.

Демак, Моварауннаҳрда Ҳақим Термизий томонидан шакллантирилган "ҳақимия" мактаби бўлган. Мазкур мактабда толиблар авлиёлик назариясига оид билимларни эгаллаган. Термизийнинг "Хатм ул-авлиё" асари асосий дарслик вазифасини бажарган. Маломатийлик, нашбандийлик, мотурудийлик, шозалия сингари мактаблар бевосита "ҳақимиядан" илҳомланган. Ибн Арабий, ал-Ғаззолий каби мутасавуф олимларнинг назариялари учун Термизий илмий мероси фундаментал вазифа бажарган.

Ҳақимийликнинг нақшбандийлик ва мотурудийликка таъсири алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлиши мумкин. Зеро, мазкур тариқатларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига бағишланган ўнлаб тадқиқотлар мавжуд [54]. Ҳақим Термизий асарларини тадқиқ қилиш орқали мазкур тариқатларнинг туб моҳиятини янада аниқроқ анлаш имкони бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. George Saliba. A History of Arabic Astronomy: Planetary Theories During the Golden Age of Islam. New York University Press, 1994. - pp.245, 250, 256-57.; King David A. The Astronomy of the Mamluks. Isis. 74 (4): 1983. - pp.531-55.; Hassan Ahmad Y. Factors Behind the Decline of Islamic Science After the Sixteenth Century". In Sharifah Shifa Al-Attas. Islam and the Challenge of Modernity, Proceedings

of the Inaugural Symposium on Islam and the Challenge of Modernity: Historical and Contemporary Contexts, Kuala Lumpur, August 1-5, 1994. International Institute of Islamic Thought and Civilization (ISTAC). 1996.-pp.351-99.

2. Убайдулла Уватов "Икки буюк донишманд" китобида баъзи муаррихлар, масалан, аш-Шаароний ўзининг "ат-Табақот ал-кубро" асарининг 78-саҳифасида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳусуён ибн Башир ал-Ҳақим ат-Термизий шаклида келтирилганлиги қайд этилган.

3. Muhammad al-Geyoushi. Al-Tirmidhi, his works and his opinions on Sufism. The university of London. Ph.D. diss. 1970.- p.10.

4. El-Geyoushi Muhammad Ibraheem //The Influence of al-Tirmidhi on Sufi Thought. "Islamic quarterly" XX no. 3. -1978. - Pp.104-115.

5. Усмонов И. Ал-Ҳақим ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири / Имом алБухорий сабоқлари, -2003. -№ 4. Б. 185.

6. Аҳзоб сураси, 40-оят

7. Усмонов И. Тасаввуф. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. - Тошкент: Ислам университети, 2012. -Б.191.; Уватов У. Икки буюк донишманд. - Т.: Шарқ, 2005. - Б. 63.

8. Тожиддин Субкий. Аш-шофеъийя ал-кубро. 6 томлик / Мустафо Аҳмад Ато нашрга тайёрлаган. Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1999. Т. I. - Б. 448.

9. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. - М.: Дия, 2004. - С. 119.

10. Massignon L. Kitab al-Tawasin par Abou al-Moghith al-Hosayn Ibn Mansour al-Hallaj. Paris, 1913. 270 p.; Адам Мец. Мусульманский Ренессанс/пер.с нем.Д.Е.Бертельса. - М.:Наука, 1973.- С.234.

11. Massignon L. Kitab al-Tawasin par Abou al-Moghith al-Hosayn Ibn Mansour al-Hallaj. Paris, 1913.270 p.)

12. Кныш А.Д. Ат-Термизий // Ислам: энциклопедический словарь. - М.: Наука, -1991. - С. 237.

13. Muhammad al-Geyoushi. Al-Tirmidhi, his works and his opinions on Sufism. The university of London. Ph.D. diss. 1970.- p.37.

14. Ал-Асқалоний. Лисон ал-мезон. Ҳайдаробод. Ҳижрий 1329-1331. Жилд: V. - Б. 308-310.

15. Аз-Заҳабий. Тазкират ал-хуффаз Ҳайдаробод. Ҳижрий 1333. Жилд: II. - Б.197.

16. Sviri S. Hakim Tirmidhi and the Malamati Movement in Early Sufism//The Heritage of Sufism vol.I, ed. L. Lewisohn, Oxford, Oneworld Publications. 1999.

17. Annamarie Schimmel. Mystical dimensions of islam. The University of North Carolina Press Chapel Hill. 1975.-535 p.

18. Annamarie Schimmel. Mystical dimensions of islam. - p.187.

19. Genevieve Gobillot and Muhammad b. Ali al-Hakim al-Tirmidhi. Le livre de la profondeur des choses.

20. Villeneuve d'Ascq: Presses universitaires du Septentrion. 1996, p. 79.

21. Radtke B., O'Kane J. The concept of sainthood in early Islamic mysticism: two works by al-?ak?m al-Tirmidhi?. Surrey "Curzon Press". 1996. -P.15.

22. Bernd Radtke. A Forerunner of Ibn al-'Arab?: Hak?m Tirmidhi? on Sainthood//Journal of the Muhyiddin Ibn 'Arabi Society, Vol. VIII, 1989.

23. Chabbi, Jacqueline. "Remarques sur le de?veloppement historique des mouvements asce?tiques et mystiques au Khur?s?n: IIIe/IXe sie?cle - IVe/Xe sie?cle". Studia Islamica. (46): 1977.

24. Julian Baldick. Mystical Islam. An Introduction to Sufism. New York and London: New York University Press, 1989. - Pp.208.

25. Julian Baldick. Mystical Islam. An Introduction to Sufism.-P.44.

26. Radtke B. Al-?ak?m at-Tirmi?i. Ein islamischer Theosoph des 3./9. Jahrhunderts. Schwarz Verlag, Freiburg. 1980.

27. Marquet Y. Al-?ak?m al-Tirmi?? et le n?oplatonisme de son temps" in Annales de la Facult? des Lettes et Sciences Humaines, Dakar 4 (1976) 263-306, 7. 1977.- P.151-181.

28. Sviri S. Words of Power and the Power of Words: Mystical Linguistics in the Works of al-Hakim al-Tirmidhi//Jerusalem Studies in Arabic and Islam. The Hebrew University of Jerusalem the Faculty of Humanities. №-27. 2002. - p.204-244.

29. Genevieve Gobillot and Muhammad b. Ali al-Hakim al-Tirmidhi. Le livre de la profondeur des choses. Villeneuve d'Ascq: Presses universitaires du Septentrion. 1996.

30. Ал-Ҳақим ат-Термизий. Яширин масалалар. Тарж.М.Исмоилов. - Т.: "Наврўз", 2017. - p.43.

31. Alexander Knysh, *Islamic Mysticism : A Short History* (Leiden, Boston, Koln: Brill, 1999. - p.107.
32. Alexander Knysh. *Islamic Mysticism. A Short History*. BRILL, 2015. - P. 358 p.
33. Joseph Marechal, Algar Thorold. *The Psychology of the Mystics*. Courier Corporation, 2004. 344p.
34. Joseph Marechal, Algar Thorold. *The Psychology of the Mystics*. Courier Corporation, 2004. - p248.
35. *The Cambridge history of Iran. Volume 4, The period from the Arabs invasion to the Saljuqs* edited by R.N.Frye. 2008. - 711 p.
36. *The Cambridge history of Iran. Volume 4, The period from the Arabs invasion to the Saljuqs* edited by R.N.Frye. 2008. -pp.459-460.
37. Sir H.A.R.Gibb. *The Encyclopedia of Islam*. - Brill Archive, 1967. - P.55.
38. "The Encyclopedia of Islam" китобида ёзилишича, тарихий Катга Ҳуросон ўрта асрларда Эроннинг уч вилояти, Афғонистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг аксарият ҳудудларини ўз ичига олган географик атамандир. Маворауннаҳр ҳам унинг таркибида бўлган.
39. Moufid Muhammad Nouri. *The scholars of Nishapur, 700-1225*. The University of Edinburgh for the degree or 'Doctor or Philosophy. 1967. - 674 p.
40. Massignon, *Essai sur les origines du lexique technique de la mystique musulmane*. - Pp.258-263.; Moufid Muhammad Nouri. *The scholars of Nishapur, 700-1225*. - p.94.
41. Hujviri Ali. *Kashf-al-Mahjub*. - Tehran, 1371 solar c., s.41.
42. Nile Green. *Sufism: A global History*. Wiley-Blackwell; 1 edition. 2012. - 286 p.
43. Историко-культурные традиции эпохи Хакима Тирмизи и ее значение в мировой цивилизации (на рус., англ. яз.). - Душанбе, 2016. Издательство: "Дониш". - с.26.
44. Hujviri Ali. *Kashf-al-Mahjub*. - Tehran, 1371 solar c., p.178.
45. *The Kashf al-Mahjub. A Persian treatise on Sufism by Hazrat Ali bn al-Hujviri (R.A.)*. Zia-ul-Quron Publications. Pakistan, 2001, - P.227.
46. Nizami, K. A. *Some Aspects of Religion and Politics in India during the Thirteenth Century*, Oxford University Press, New Delhi, 2002. - p.53-54.
47. Aiyub Palmer. *The Social and Theoretical Dimensions of Sainthood in Early Islam: Al-Tirmidhi's Gnosis and the Foundations of Sufi Social Praxis*. Ph.D.diss. University of Michigan, USA. 2015. - P.374.
48. McGregor R.J. *Sanctity and mysticism in medieval Egypt the Waf?? Sufi order and the legacy of Ibn Arab?.* Albany: State University of New York Press. 2004, - P.30.
49. Турар У. Тасаввуф тарихи. - Т.: "Истиқлол", 1999, - Б.180 .
50. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2006. 72-б.
51. Иброҳим Худоёр. Ишқ Жайҳунининг йўлдоши (ал-Ҳақим ат-Термизийнинг "Хатм ул-авлиё" асари). Тошкент, "Гулистон" журнали, 2000 йил, 5-сон, 25-бет.
52. Чўтматов Ж. Муҳаммад ибн Али Ҳақим Термизий ва Муҳаммад ибн Али Қафқол Шоший "мақосиду-ш-шарыйя" йўналиши асосчилари сифатида//Sharqshunoslik. № 4, 2016. - Б.149-156.
53. Уватов У. Икки буюк донишманд. "Шарқ" НМАК, Тошкент, 2005. -41 б.
54. Arthur F. Buehler. *Sufi Heirs of the Prophet: The Indian Naqshbandiyya and the Rise of the Mediating Sufi Shaykh*. Univ of South Carolina Press, 1998 - 312 p.; Muhammad Hisham Kabbani, *Shaykh Muhammad Hisham Kabbani. The Naqshbandi Sufi Tradition Guidebook of Daily Practices and Devotions*. ISCA, 2004 - 341 p.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Мирзалиев Зоҳиджон Райималиевич,
Подполковник, ЎзМУ Ҳарбий кафедра ўқув қисм бошлиғи

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-18>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий жанг маҳорати, қўшин тузилиши, ҳарбий қўшинида жорий этилган интизом, тартиб, аскарларга бериладиган таъминот, жанглардаги галабалар ва уларнинг сирлари, Республикада Амир Темурнинг шарафига ҳарбий лицейларнинг "Темурбеклар мактаби"га айлантирилиши каби масалалар ёритилган.

Калиг сўзлар: Амир Темур, ҳарбий маҳорат, "Темур тузуклари", қўшин, лашкарбоши, ҳарбий интизом, Темурбеклар мактаби.

Мирзалиев Заҳиджан Раималиевич,
Подполковник, начальник учебного части военной кафедры НУ РУ

ВОЕННОЕ ИСКУССТВО АМИРА ТЕМУРА

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются такие вопросы, как воинское мастерство Амира Темура, структура армии, военная дисциплина, военная служба, военные успехи и их секреты, а также преобразование военных лицеев в Школу Темура в честь Амира Темура.

Ключевые слова: Амир Темур, военное мастерство, "Уложения Темура", Армия, Командир, Военная Дисциплина, Школа Темуридов.

Mirzaliyev Zahidzhan,
Lieutenant Colonel, Head of the educational department
of the military department of NU RU

MILITARY ART OF AMIR TEMUR

ANNOTATION

This article deals with such issues as military skills of Amir Temur, army structure, military discipline, discipline, military service, military victories and their secrets, as well as the transformation of military lycеums into the Temurbek School in honor of Amir Temur.

Key words: Amir Temur, military skill, "The Code of Temur", Army, Commander, Military Discipline, Temurbeklar School.

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур Ўрта Осиё тарихида марказлашган давлат қурганлиги, ички ва ташқи сиёсатда адолатли ва дипломатик хусусият касб этиши ҳамда ҳамда ҳарбий маҳораг борасида ҳам ўзининг алоҳида ўрин эгаллаганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темурнинг байроғида "Куч-адолатда" сўзлари битилган бўлиб, унинг ҳарбий соҳада олиб борган ислоҳотлари, ҳарбий стратегия ва жанг олиб бориш тактикаси унинг "Уч йиллик", "Беш йиллик", "Етти йиллик" юришларида қозонган ғалабалари билан баҳоланади. Унинг бунёдкорлик, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширган ишлари, жангу жадалларда муваффақият қозонишига сабаб бўлувчи пухта ҳарбий тактикаси, Европада "Халоскор" сифатида эътироф этилганлиги, дунё халқлари маънавияти ва маърифатига қўшган ҳиссиси тўғрисида ҳам ўчмас ном қолдирганини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Амир Темурнинг ҳарбий санъат борасида юксак қобилиятга эга эканлигини биргина қуйидаги жумлада ҳам кўриш мумкин: "Давлатнинг қудрати - армия ва халқнинг содиқлиги ва фидокорлигидадир". Ҳарбий сиёсат унинг бош мақсадини амалдаги таркибий қисми бўлиб, қудратли давлат ва салтанат барпо этиш ишига хизмат қилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Амир Темур лашкарида ҳарбийлар фаолияти, уларнинг маоши, ҳарбий қурол-аслаҳалар билан таъминланганлиги, хизмат лавозимининг ўсиши, зобитлар билан аскарлар ўртасидаги муносабатлар, уруш жараёнидаги ҳарбий тактика каби барча масала ва тадбирлар пухта ўйланиб, муайян бир тартибга солинган эди. Жумладан, "Темур тузуклари"да келтирилишича, "Юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга бир чодир, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон, бир қилич, арра, бигиз, битта қоп, жуволдуз, болта, ўнта игна ва чарм халта олсин", деб келтирилган. Шунингдек, Амир Темур жорий қилган тартибга кўра, агар ғаним лашкари ўн икки мингдан ортиқ, лекин қирқ мингга етмаса, лашкарбошилиқ шаҳзодалардан бирига юклатилган. Душман кўшини қирқ мингдан ортиқ бўлса, у ҳолда унинг ўзи лашкарга бошчилик қилган.

Шу ўринда Амир Темур ва унинг ўн икки саркардаси биографияси ва жанговор маҳоратини чуқур ўрганиб чиқаётган Новосибирск Давлат университетининг тарихчи олимларидан бири тарих фанлари доктори Л. Бобровнинг фикрича, Амир Темур кўшинидаги ҳарбий интизомга кўра, лашкарбошиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ "истеъдодли саркардалар" бўлиб, тугма ҳарбий талантига эга бўлган лашкарбошилардир. Улар орасида Хўжа Сайфиддин, Жаҳоншоҳ Баҳодир, Муҳаммад Султоншоҳ, Усмон Баҳодир, Шайх Нуриддин бек номлари бор. Амир Темур ушбу саркардаларини жуда яхши кўрган ва улар билан қон-қариндош бўлишга ҳаракат қилган.

Иккинчи гуруҳ бу "тайинланган лашкарбошилар" бўлиб, улар Темурга яқин кишиларнинг ўғиллари бўлиб, улар орасида Сулаймон шоҳ, Худайдод, Бердибек деган номлар бор. Уларнинг ҳарбий таланти, бир сўз билан айтганда "турли хил" бўлган. Хусусан, Амир Темурнинг куёви Сулаймон-шоҳ бошида ҳарбий ишга уқуви бўлмаган, лекин кўп йиллик юришлар даврида тажриба ортириб, кейинчалик муносиб саркардага айланган.

Учинчи гуруҳ саркардалар бу "Меъросхўр саркардалар" бўлиб, уларга Амир Темурнинг болалари Умар шайх ва Мироншоҳ ҳамда унинг набираси Муҳаммад

султон бўлган. Ушбу гуруҳ билан Амир Темурунинг шахсан ўзи шугулланган. Буюк саркарда улар олдига тобора тобора мураккаб ҳарбий масалалар қўйиб, ўқувчиларнинг ҳарбий маҳоратини ошириб борган. Амир Темурунинг шахсий ҳарбий таланти ва кўп йиллик жанговор тажрибаси ўз натижасини берди ва унинг фарзандлари замондошлари орасида "қобилиятли лашкарбошилар" номига сазовор бўлди. Темурунинг набираси Муҳаммад Султон эса буюк саркарда бўлиб етишди.

Шундай экан, Амир Темуру лашкарида қатъий хизмат ва ташкилий интизом ўрнатилган, ҳар кимнинг вазифаси аниқ кўрсатиб қўйилган.

Тарихий манбаларда Амир Темуру даврида ташқи разведка фаолияти ниҳоятда юксак даражада йўлга қўйилган. Мазкур хизмат вакиллари чаканафуруш, йирик савдогар, полвон, дорбоз, ҳунарманд, мунажжим, қаландар, дарвиш, денгизчи, сайёҳ, мешкобчи, этикдўз, толиб ниқоби остида турли мамлакатларда бўлиб, у ерлардаги шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, тоғу тошлар, сувлар, ҳар бир жойнинг аҳолиси, бошлиқлари, улуглари, амирлари, фозиллари, шарифлари, бойу камбағаллари тўғрисида ҳар томонлама батафсил маълумотлар йиғиб, ҳагто суратлари билан Самарқандга юбориб турганлар. Бу билан ҳам чекланмай, Амир Темуру ҳарбий, сиёсий муносабатларга киришаётган мамлакатлар тарихи, урф-одатларига оид асарларни синчиклаб ўрганган.

Демак, Амир Темуру ҳарбий сиёсати, энг аввало, давлатни мустаҳкамлаш, хавфдан сақлашга йўналтирилган бўлиб, бу сиёсатни пухта йўлга қўйишда Соҳибқирон масаланинг иқтисодий, техникавий, илмий (мамлакатлар, шаҳарлар, йўллар, халқлар, душман лашкарлари, табиий-иқлим шароитларини ўрганиш ва ҳоказо), ташкилий томонларига катта эътибор билан қараган. Худди шу йўл уни ҳарбий санъат борасида юксакликка олиб чиққан. Амир Темуруда кўшни минтақаларда рўй бераётган сиёсий воқеалар ҳақида пухта маълумотлар тўплаш қобилияти кучли бўлиб, бу ҳолат унда вазиятни тўғри аниқлаш имконини туғдирган.

Америкалик олим Ричард Нельсон: "Темуруда жанг пайтида энг зарур жойда бўла олишдек ажойиб хусусият мавжуд эди. Бу унга душманлари мақсадини уқиб олишга улгурмасдан ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш имконини беради. Боз устига, жанг майдонида унинг шахсан ўзи иштирок этиши оғир дамларда жангчиларини аниқ мағлубиятдан қутқариб қолган", - деб унинг нозик ҳаракатларига ҳаққоний баҳо берган эди.

Амир Темуру сиёсатда кучли стратегия ва тактика қўллаган ҳолда ўз мақсадларига эришган бўлса ҳам, унинг бу ютуқлари Осиё ва Европа аҳолиси ва давлатларининг тинчлиги, фаровонлиги учун хизмат қилган. У бу билан халқаро майдондаги тартибсизликларни тугатишга ҳаракат қилган, адолат ва қонунийликни таъминлаган, Шарқ ва Ғарб масаласида диний бағрикенглик, ўзаро кенг манфаатли ҳамкорлик гоёларини илгари сурган.

2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонида асосан Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида жойлашган ҳарбий академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилиши ҳам буюк соҳибқиронга нисбатан билдирилган ҳурмат ифодаси ҳисобланади. Бу мактабларда Соҳибқирон Амир Темуруга муносиб авлодларни вояга етказиш, ватанпарвар, мард ва фидойи ёшларни тарбиялаб, камол топтириш, буюк саркарданинг жанг

санъати билан ёш курсантларни яқиндан таништириш, келажаги буюк Ватанимизнинг ўтмиши ҳам нечоғли буюк эканини уларга англаштириш ва асосийси, юрти, халқи тинчлиги, осойишталиги учун хизмат қиладиган посбонларни улғайтириш мақсади кўзда тутилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони Президент Ш.Мирзиёевнинг ҳарбийлар билан бўлган учрашувларда вазиятни доимий таҳлил қилиш, хатарларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳарбийларнинг энг олий мақсади бўлиши кераклиги доимий ўқитиб келинаётганлигини қайд этиш лозимдир. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари томонидан Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури каби буюк саркардалар ҳарбий маҳоратини ўрганиш, ўқув-тактик методикани ривожлантириш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш зарурлиги ҳам таъкидлаб келинмоқда.

Шундай экан, ватан посбонлари бўлган ҳарбий хизматчилар Амир Темуридай буюк инсоннинг авлодлари сифатида давлат мустаҳкамлиги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдек масъулиятли вазифани амалга оширишга ҳисса қўшаётганлигидан фахрланиб фаолият олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР

Рахимджанова Нигора Кудратиллаевна,
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими

ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ СОҶАЛАРИ РИВОЖИ ТАРИХИДАН
(XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-19>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири -XX аср бошлари Туркистонда тиббиёт соҳаларидан паразитологияга оид тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Хусусан, Туркистонда учраган ришта касаллиги, унинг келиб чиқиш сабабларига доир илмий хулосалар қайд этилган.

Калит сўзлар: Туркистон, паразитология, касаллик, ришта, ришта қурти, организм, тиббиёт, тадқиқот, даволаш.

Рахимджанова Нигора Кудратиллаевна,
Младший научный сотрудник Институт
истории Академии наук РУз

ИЗ ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ МЕДИЦИНЫ В ТУРКЕСТАНЕ
(КОНЦА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКОВ)

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся сведения от исследованиях по паразитологии в сфере медицины в конце XIX - в начале XX вв. в Туркестане. В частности, приводятся научные анализы и выводы относительно причины распространения болезней, связанных с гвинейским червем.

Ключевые слова: Туркестан, паразитология, болезнь, ришта, организм, медицина, исследование, лечение.

Rakhimjanova Nigora,
Research Fellow of the Institute of History
of Uzbek Academy of Sciences

FROM THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF MEDICAL FIELDS IN
TURKESTAN (IN THE LATE XIX - EARLY XX CENTURES)

ANNOTATION

The article illustrates information about researches on parasitology in Turkestan at the end of XIX- the beginning of XX centuries. Particularly, there have been noted scientific conclusions about rishta in Turkestan and the reasons of its appearance.

Key words: Turkestan, parasitology, disease, rishta, rishta worm (guineaworm), organism, medicine, research, medical treatment.

XIX аср охири -XX аср бошларига келиб, минтақа ҳудудида тиббиётга доир, хусусан паразитология* соҳасида бир қатор тадқиқот ва кузатувлар амалга оширилди.

Ўрта Осиёда паразит организмлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Абу Али Ибн Сино асарларида учрайди. Олим "Тиб қонунлари" да аскарیدا, острица ва ришта каби паразит чувалчанлар пайдо қиладиган касалликлар ва уларни даволаш тўғрисида аниқ маълумотлар берган [1; 678-679.].

Европада паразитология XIX асрга келиб мустақил фан сифатида шакллана бошлаган. Бу микроскопнинг такомиллашуви, кўплаб микроскопик паразитларнинг кашф этилиши ва паразитларнинг ҳаёт циклари ўрганилиши билан боғлиқ. Ўрта Осиё ҳудудида жумладан, Ўзбекистонда паразитология соҳасида тадқиқотларни рус табиатшунос олими А.П. Федченко бошлаб берди. А.П. Федченконинг ҳашоратларнинг ҳайвонлар ва ўсимликларга касаллик ташувчи хусусиятларига доир тадқиқотлари кейинчалик унинг Туркистон бўйлаб қилган экспедицияларида, олиб борган изланишларида асос бўлиб хизмат қилди. А.П. Федченко Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда бўлиб, инсон ва ҳар хил ҳайвонлар организмда яшовчи паразит чувалчанларини йиғади. Йиғилган материалларни Дания ва Германия мутахассислари билан ўрганиб, уларнинг 24 турга мансуб эканлиги аниқланади. А.П. Федченко ўз тадқиқотида Туркистонда учраган 140га яқин чувалчанни ўрганиб, уларнинг номларини айнан лотин тилида келтириб ўтган. Уларнинг 14 таси тасмасимон чувалчанлар ҳисобланиб, улар ўша даврга қадар жуда кам маълум бўлиб, деярли ўрганилмаган эди[2;3].

А.П. Федченко инсон танасида бир қатор касалликни келтириб чиқарувчи паразитларнинг бу ҳудудда 24та тасини аниқлаган. Маҳаллий паразитларни ўрганиб, ажойиб натижаларни қайд этиб ўтган. Инсон ҳаёти учун ўта ҳавфли касалликни келтириб чиқарадиган Мисрда учрайдиган *Trichina spiralis* ва *Distoma haematobium* Bilharz каби паразитларни бу ҳудудда учрамаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Шу билан бирга ўзига хос иссиқ иқлими ва бошқа сабабларга кўра, Ўрта Осиёда учрайдиган маҳаллий ришта ва чивин паразитлари Ўрта Европада учрамаган ва бу каби паразитлар у қадар ҳавфли ҳисобланмаган. Шунингдек, инсон организмда паразитлик қилувчи юмалоқ қуртлардан аскарідалар (*Ascaris lumbricoides* L.) острицалар (*Oxyuris vermicularis* L.) ва асосан уй ҳайвонларида яшайдиган *Ascaris mystaxeder* турлари учраган[3; 286]. Ундан ташқари ясси қуртларнинг инсон организмда паразитлик қилувчи бир неча турлари учраган. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, уларнинг аксар қисми кўп ҳолларда уй ҳайвонлари орқали инсон организмга кириб олган ва паразитлик фаолиятини давом эттирган.

А.П. Федченко биринчи бўлиб, ришта касаллигини келтириб чиқарувчи ришта қурти устида тадқиқот олиб борган. Бироқ бу касаллик ҳақида дастлаб XIX асрнинг 40-йилларида рус тадқиқотчиси Ханников ўз асарида қисқа маълумот бериб ўтган эди [4; 65-66]. Шунингдек, европалик тадқиқотчилар ҳам бу касаллик ҳақида Ҳиндистон, яқин шарқ ва Африка мисолида ўрганиб, тадқиқ қилганлар [5]. Ришта қуртини пайдо бўлиши ва инсон организмдаги паразитологик фаолияти ва касалликка айланиши ва унинг ривожланиш босқичлари, унга қарши кураш ҳақида батафсил ўрганиб, тўлиқ маълумотлар қайд этиб ўтган. Таъкидлаш жоизки, бу касаллик европалик тадқиқотчилар учун номаълум ҳисобланиб, Ўрта Осиёдан ташқари, Марказий Африканинг турли ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, шунингдек, Арабистон, Ҳиндистон ва Эронда ҳам учраган.

Ўрта Осиёнинг асосан 3 ҳудудида кенг тарқалган эди. Булар Жиззах, Қарши ва Бухоро ҳудудларида учраган бўлиб, бу касаллик ўчоқлари орасида умумий боғлиқлик, деб уччала ҳудуд ҳам дарё охирида жойлашганлиги билан изоҳланган[5]. Хусусан, Жиззах Жилон ўти, Қарши Қашқадарё дарёси, Бухоро Зарафшон дарёларининг тугаш қисмларида жойлашган[5]. Шунинг учун ҳам бу ерларда ёз ойларида сув тақчил бўлганлиги сабабли ховузларда сув алмашмаган, янгиланмаган. Сув туриб қолиши, ҳаво иссиқлиги натижасида туриб қолган сувларда майда сув жонворлари (паразит) кўпайишига муҳит яратган. Бу эса ўз навбатида ришта касаллигини тарқалишига олиб келган.

Федченко ўз тадқиқотида касалликни келтириб чиқарувчи ришта қурти устида лаборатория шароитида 38 кунлик кузатув олиб борган. Ўрта Осиё ришта қуртлари эса узунлиги ва ташқи кўринишига кўра айнан ҳинд ришта қурталарига ўхшаб кетган. Балоғатга етган қурт инсон териси остида паразитлик қилиб, ўзига хос касалликни келтириб чиқарган[5;413]. Инсон ифлосланган сувни ичгандан сўнг, ришта қуртлари инсон организмида яширин 10-10,5 ой давомида яшаб, ҳатто баъзида ўзини намоён этмаган. Дарҳақиқат, ришта қурти инсон организмида узоқ вақт яширин ҳолда яшай олган, қулай шароит туғилганда эса касаллик авж ола бошлаган[3; 276]. Масалан, венгер сайёҳи Г.Вамберининг қайд этишича, доктор Жозеф Вольф Бухородан кетганидан сўнг бир йил ўтиб, Англияда ришта билан касалланган. Агар инсон ришта тухуми билан зарарланган сувни ичса, ришта тухуми сув орқали инсон ошқозонига, ундан ичакка, у ердан ичак деворлари орқали инсон қон томирларига, у ердан эса инсон терисига чиққан. У ерда эса ришта тухуми балоғатга етган ва ришта қуртига айланган. Касалликнинг охири босқичи терида намоён бўлган. Ушбу ришта касали аксари оёқ ва белдан паст қисмда тошиб, гоҳо юқори аъзоларда ҳам кузатишган. Маҳаллий табиблар кўкрагидан ва биқинидан ва ҳатто бошига ришта чиққан беморни ҳам учратганлар[6; 15]. Касаллик аломатларига келадиган бўлсак, тананинг ришта чиққан жойлари шишиб чиққан ва йиринглаган. Беморнинг баъзида суякларида кучли оғриқ безовта қилган. Доимий ички иситма, оғиз соҳасининг қуруқшаб қолиши, кучли чанқаш кузатишган. Йирингли жойлар кесиб кўрилганда у ердан ясси оқ ришта қурти чиққан. Беморлар махсус маҳаллий риштачилар ёрдамида бу ришта қуртларидан халос бўлганлар. Улар ҳатто риштани терининг қайси қисмида турганини, яъни уни қачон игна, махсус илгак ёрдамида чиқариб олиш вақтини аниқ билганлар. Касалликни олдини олиш учун эндемик ҳудудлардаги ховуз сувларини қайнатиб, филтрлаб ичиш лозим, деб тавсия қилинган. Оқар ариқ сувлари бу касалликдан холи бўлган, чунки оқар сувларда майда сув паразитлари узоқ яшамаган[6; 15]. Аммо шунга қарамадан касаллик кенг тарқалган ҳудудлар Бухоро, Қарши ва Жиззахдан ташқари бошқа ҳудудларда ҳам ришта билан касалланган беморлар учраб турган. Хусусан, Самарқанднинг Бухорога яқин ҳудуди Каттақўрғонда ришта билан касалланганлар кузатишган. Айниқса, суви тўлдирилган ховузлар ҳавфли саналиб, Бухорода улар атиги ойда бир марта, Жиззахда ойда икки марта алмаштирилган. Жиззах аҳолиси XIX асрнинг охириларига келиб, 5000 тани ташкил қилган бўлса, ёз ойларида ҳатто баъзан 300 киши ришта қурти билан касалланган ҳолатлар ҳам кузатишган[5;63]. Ўз даврида Бухоро ховузларида ришта қуртлари кўпчилиги сабабидан маҳаллий халқ орасида қуйидагича байт ҳам тўқилган эди:

**"Фаришта гар хўрад оби Бухоро,
Барояд ришта дар пойи фаришта".**

Яъни, бу байт: " Бухоронинг сувини ичган фариштанинг оёғидан ҳам ришта ўсиб чиқади", деган маънони аниқлаган. Демак, юқоридаги жумлалар Бухоро сувларининг ифлослик даражаси кўлами катталиги ва оқибатда ришта қуртларининг кенг тарқалганлигини исботлайди[6; 296-297].

Риштанинг у ёки бу ҳудудда кўриниш бериши, русларнинг Туркистондаги фаолияти, рус ҳарбийларининг у ёки бу ҳудудга кўчиб юришлари, турли хил ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг ўзаро алоқалари билан боғлиқ эди. Бу ҳолатлар ришта паразитининг юқиш ўчоқларини, имкониятларини кенгайтириб борган. Хусусан, XIX иккинчи ярмига келиб, ушбу маҳаллий касаллик билан нафақат маҳаллий, балки Ўрта Осиёга кириб келган рус аскарлари ва ҳарбийлар ҳам касалланганлар. Жумладан, 1881 йилда Каттақурғон шаҳридаги 8-чи туркистон батальонининг 5 та аскарлари, 1880 йилда Ўз фаслида Бухородаги рус казакларинининг 6 таси ришта касаллиги билан оғриган. 1882 йилнинг май ойи ўрталарида эса Самарқандда 3 та рус қазаги ва 3та маҳаллий халқ вакиллари шу касаллик билан оғриган [6]. Бу эса табиийки, расмий маъмуриятни жиддий хавотирга солган. Шунинг учун ҳам рус тадқиқотчилари томонидан бир қатор кузатиш ва илмий изланишлар олиб борилган. Ўлкадаги ришта касаллигини келтириб чиқарувчи личинкалар ва уларнинг турлари ўрганилиб, касаллик номи ҳам маҳаллий халқ тилида номлана бошланган. Шунингдек, улар бу касалликни ўрганиш ва кузатиш давомида маҳаллий халқнинг ёрдамидан фойдаланиб, уларнинг ёрдамига муҳтожлик сезганлар. Улар бу касалликни инсондан ташқари хайвонларда учрашини Туркистон мисолида кузатганлар.

Тадқиқотчи А.П.Федченко риштани хорижий адабиётлар бўйича дунёнинг бошқа ҳудудларида кенг тарқалиб бориши тарихини ўрганиб, ришта эндемик жиҳатдан Ўрта Осиёга хос касаллик эмас, балки у ҳам олиб келинган, деган хулосага келган. Арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олишлари натижасида улар билан келиб ришта қурти тарқаган, деган тахминни илгари сурган. Худди шундай тарзда Америка қитъасига биринчи марта ришта паразити Африка қитъасидан борган хабашлар орқали кириб келган эди. У ерда эса халокатли эпидемияга айланган эди, дея изоҳлаб берган[7; 20].

А.П.Федченко микроскоп ёрдамида ришта қуртларини анатомик ҳолатини Самарқандда ўргана бошлаган ва ҳатто, Москвага спиртли нусхада олиб бориб ўрганишни давом эттирган.

А.П.Федченко ушбу риштани ўрганар экан, ўзидан олдинги европалик тадқиқотчиларнинг фикрларини ўз кузатишлари асосида таҳлил қилган. Инглиз олимлари Оулэн ва Маклелланд кузатишларидаги ҳаёлларни қайд этиб, Бастианнинг фикрларини тасдиқлаган[5; 101-134]. Унга кўра, риштанинг ҳолати: ришта қуртининг боши доимо ташқари йўналган ҳолда бўлган, фақатгина камдан-кам ҳолларда паразит тери остида бўлган. Мускуллар остида бўлган ҳолатлар ҳам кузатилган, бироқ боши терига қараган ҳолда ётган. Агарда инсон ички органлари текширилганда тана бўшлиғида ҳам ришта қуртлари учраган. Масалан, Мисрда тадқиқотчи Прунер Бей жигар пардасида риштани учратган.

Яна бир европалик тадқиқотчи Картернинг кўрсатишича, ришта қуртининг юқиш сабаби ялангорёқ ҳолда юриш ёки чўмилишдан эди. Аммо Ўрта Осиёда камдан-кам ҳолатларда оёқ яланг ҳолатларда юрилган. Ва бу тахмин ҳам ўз тасдигини топмаган[3; 278], деб қайд этган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX -XX бошларида тиббиёт ва унга оид фанлар, хусусан паразитологияга оид тадқиқотлар ривожланди. Уларни ўрганиб тадқиқ этишда янги босқичга олиб чиқди. Ўлка аҳолиси орасида бу соҳага оид касалликларга қарши курашишда тиббий маданиятни ошишига хизмат қилди. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар тез орада амалиётда ўз натижаларини кўрсатди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.2003. Том 6.
2. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. Зоогеографическая исследования. Т. III . Часть II. Черви (Vermes) . М., 1879.
3. Федченко А.П. Заметка о паразитах человека, водящихся в Туркестане. Туркестанский сборник. Т.57. Под редак. Маев. Т. 1872.
4. Ханников Н. Описание Бухарского ханства. СПб.: Типография императорского академии наук, 1843.
5. Bastian CH. On the Structure and Nature of Dracunculus or Guineaworm. The Transactions of the Linnean Society of London. Vol. XXIV/ part 2. 1863.
6. Свияжский И. К изучению о происхождении и развития рикши (*filaria medinensis*) // Туркестанские Ведомости. 1882. № 39.
7. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. М.1950. Под редакцией Б.В.Юсова.
8. Орзиев М.З. XX аср бошларида Бухоро матуотида соғлиқни сақлаш муаммоларининг акс этиши // Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар (XIX-XX аср бошлари)" илмий тўплами. Т.2018.296-297 бетлар. Батафсил қаранг: Мирзо Сирож Ҳаким. Маҳаллий ва Туркистон хабарлари // Бухоро шариф. 1912. № 57.
9. Федченко А.П. Остроение и размножение рикши (*Filaria medinensis* l.) - Москва, 1870; С.20.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Расулова Дурдона Бахроновна,
Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси

ХІХ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ФРАНЦУЗ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-20>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада француз тарихшунослигининг Ўзбекистон тарихи (ХІХ- ХХ аср бошлари) бўйича манбавий асослари кенг ёритилиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, француз тарихшунослигининг ривожланиши тавсифланиб, унинг тарих фанида тутган ўрни белгилаб берилди. Шу билан бирга, мақолада ХІХ- ХХ аср бошларида Марказий Осиё минтақасига таширф буюрган французчабон тадқиқотларнинг ривожланиш динамикаси ўрганилиб, унинг айрим намоёндалари фаолияти мисолида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Туркистон, Марказий Осиё, Ўзбекистон, тарихшунослик, манбашунослик, ориентализм, француз шарқшунослиги, манбавий асослар, тадқиқотлар, тарих, этнография, маданият, дин, санъат, ташқи алоқалар.

Расулова Дурдона Бахроновна,
Соискатель Самаркандского государственного университета

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА ВО ФРАНЦУЗСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ В ХІХ - НАЧАЛО ХХ ВВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье широко раскрываются и научно анализируются источниковедческие основы истории Узбекистана (ХІХ - начало ХХ вв.) во французской историографии. А также, описывается развитие французской историографии, трактуется её место и значение в системе исторической науки. Кроме того, в статье изучается динамика пребывания франкоязычных исследователей в регионе Центральной Азии в ХІХ- начале ХХ вв. и анализируется на примере действие некоторых их представителей.

Ключевые слова: Туркестан, Центральная Азия, Узбекистан, историография, источниковедение, ориентализм, французское востоковедение, источниковедческие основы, исследования, история, этнография, культура, религия, искусство, внешние связи.

Rasulova Durdona,
Graduant for Samarkand State University

THE INTERPRETATION OF UZBKISTAN'S HISTORY IN FRENCH RESEARCHES IN THE 19 - THE BEGINNING OF THE 20-th CENTURIES

№ 2/2019

In the given article basic sources of French historiography on the history of Uzbekistan (19 - the beginning of 20-th centuries) are widely revealed and analyzed scientifically. Besides, it describes the formation and development of the French historiography and interprets place and its value in the system of history science. Moreover, in article it has been studied the dynamics of French-speaking researchers staying in Central Asia in 19 - the beginning of 20-th centuries. on example of some their representatives.

Key words: Turkestan, Central Asia, Uzbekistan, historiography, source studies, orientalism, French oriental studies, source bases, researches, history, ethnography, culture, religion, art, foreign relations.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан Ўзбекистон ҳудудида француз олимлари ижтимоий соҳанинг антропология, археология ва этнология ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида Туркистон ўлкасидаги қадимий шаҳарлар, манзилгоҳлар, кўчманчи ва ўтроқ халқлар ҳамда тоғ ҳудудлари аҳолиси ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий ҳаёт ҳунармандчилик турлари ва маҳсулотлари, кулўлчилик, халқ амалий санъати намуналари, безак ва тақинчоқлар, археологик топилмалар, темирйўл ва кўприклар каби моддий маданият намуналари асосида тадқиқ этилган.

1840-1917 йилларда Марказий Осиё минтақасига Франциядан жами 161 нафар [5: 61] сайёҳ ва тадқиқотчилар турли мақсадларда ташриф буюрганлар. Минтақа турли йўналишларда ўрганилиб, ушбу экспедициялар илмий, ҳарбий, муҳандислик, тижорат ва туризм мақсадлари асосида ташкил этилган бўлиб [5: 163], улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Пьер Габриэль Бонвало (Pierre Gabriel Bonvalot, 1853-1933) - француз тадқиқотчиси бўлиб, Марказий Осиёга 1880, 1882, 1885-1887, 1889 йилларда жами тўрт марта саёҳат қилган.

1880 йилда Франция Маориф вазирлиги томонидан минтақани ўрганиш мақсадида Габриэль Бонвало ва Гийом Капью бошчилигида илмий экспедиция жўнатилган. Бу икки қаҳрамон саёҳатлар тарихида катта из қолдирган [5: 173]. Г.Бонвало ҳамроҳи табиатшунос олим Г.Капью билан биргаликда 1880-1882 йиллар давомида Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларини ўрганиб, унинг натижаларини 1884 йил Парижда чоп этилган "Марказий Осиёда: Москвадан Бақтриягача" [1] номли асарида акс эттирган. Муаллиф Тошкент, Қарши, Шеробод, Сурхондарё воҳаси, Термиз, Бойсун ва Қашқадарё воҳаларига алоҳида бобларни бағишлаган. Тошкент тавсифланганда, унинг аҳолиси, маҳаллий уй-жойларнинг қурилиши, эркаклар ва аёлларнинг кийиниши, таълим соҳаси, аёлларнинг жамиятда тугган ўрни алоҳида эътиборга олинган. Шеробод ҳудудлари ўрганилганда, маъмурий бошқарув, бек ва унинг оиласи, қалъалар каби масалалар билан бирга, лочин овини ташкил этиш, бозорларни тавсифлаш каби этнографик маълумотлар ҳам ёзиб қолдирган [1].

Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар ичида энг кўп маълумот ўрганган ва ёзиб қолдирган тадқиқотчи Г.Бонвалодир. Хусусан, унинг 1885 йил Парижда нашр этилган "Марказий Осиёда Кўҳистондан то Каспий денгизигача" [2] номли асари ҳам тўлиқ Ўзбекистон ҳудудига бағишланган. Самарқанднинг ўзига хос хусусиятлари тавсифи билан бошланган мазкур асарда Гўри-Амир, Шоҳи-Зинда, Бибиҳоним каби тарихий меъморий-обидаларга тўхталиб ўтилган. Айниқса, Амир Темурнинг тахти равони учун пойдевор бўлган кўк-тош европаликларда катта қизиқиш уйғотган.

Бундан ташқари, асарда Кўхистон (ҳозирги Панжакент), Чотқол, Бухоро, Фарғона, Амударё ҳавзалари ва Хива хонлиги ҳудудлари ҳам киритилиб, улардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт этнографик маълумотлар асосида ёзиб қолдирилган. Хива ҳақида тўхталганда, Петро-Александровск қалъасига алоҳида таъриф берилиб, унинг ҳарбийлар, зобитлар ва келган меҳмонлар учун аҳамияти алоҳида тавсифланади.

Г.Бонвало экспедициянинг мақсадини қуйидагича изоҳлайди: "Биз Осийнинг ўтмишини ўрганиш билан бирга унинг бугунги географиясига ҳам эътибор қаратдик" [3]. Умуман олганда, сайёҳлар томонидан минтақа ҳақида жуда кўп маълумотлар тўпланган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига сафар уюштирган тадқиқотчилар минтақа ҳақида бир олам таассурот ва янгиликлар, маданий коллекция намуналари билан Францияга жўнаб кетганлар.

1886 йил Парижда тадқиқотчи Генри Мозернинг (Henri Moser, 1844-1923) "Марказий Осийё бўйлаб. Қирғиз даштлари, Туркистон, Бухоро, Хива, Туркман ўлкалари ва Эрондаги саёҳат таассуротлари" [6] деб номланган асари чоп этилган. Мазкур китобнинг сўз бошида у ўз фаолиятига "la trevere du continent asiatique en entier" [7], яъни "Осийё минтақасини тўлиқ босиб ўтган" тадқиқотчи сифатида баҳо беради.

Ушбу манба Франция Ички ишлар вазирлиги (китоб савдоси секцияси)нинг буюртмаси асосида чоп этилиб, унда 170 дан ортиқ гравюра, 100 дан ортиқ суратлар ҳам жой олган. Асар мемуар характериға эга бўлиб, тадқиқотчининг Марказий Осийё минтақаси бўйлаб амалга оширган саёҳати ва шахсий таассуротлари асосида ёзилган.

Умумий ҳажми 463 саҳифадан иборат бўлган мазкур манба жами 16 бўлимдан иборат. Унинг айрим боблари тўлиқ Ўзбекистон тарихи масалаларига қаратилган бўлиб, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳудудларида кечган ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлат бошқаруви, маданий жараёнлар ва этнографик маълумотлар кенг ёритилган, саёҳатнинг йўл хариталари ҳам илова қилинган.

Г.Мозер кўп йиллар давомида Петербургда истиқомат қилган. Шунинг учун ҳам рус тилини яхши билган. У саёҳатга тайёргарлик кўриш учун Туркистон ҳақидаги рус ва Европа манбаларини диққат билан ўрганган. Унинг саёҳат тафсилотлари Оренбургдан жўнаш билан бошланиб - Казалинск - Уралск - Тошкент - Самарқанд - Миёнқол - Бухоро - Амударё - Хива - Каспий орти - Ашхобод - Теҳрон - Константинопол билан яқунланган.

Асарнинг кириш қисмида муаллиф томонидан китобнинг яратилиши ҳақида қуйидаги фикрлар келтирилган: "Мен айтмоқчиманки, икки йил олдин саёҳатларим натижаларини акс эттирувчи китоб ёзиш мақсади туғилди. Мен кўплаб мамлакатларда бўлган сафарларим натижасида бир неча тезис ва мақолалар ёзишга муваффақ бўлдим. Улар нуфузли илмий журналларда нашр этилди. Бугун эса китоб ҳолида чоп этилди" [6: IX-XI]. Асар повесть тарзида ёзилиб, китобхонга тушунарли тарзда баён этилган.

Китобнинг бошида генерал-лейтенант М.Г.Черняевга миннатдорчилик билдирилиб, унинг ва муаллифнинг суратлари келтирилган. Муаллиф сўзларини яқунлашда экспедицияга саёҳат давомида ҳамроҳлик қилган дўстларига миннатдорлик билдиради. Улардан Жюль Жюргенсен (Jules F. U. Jurgensen) - асар ёзиш ҳақида кўрсатма бериб, уни нашр этишига кўмаклашган. Эверт ван Муйден (M. Evert van Muyden) - саёҳат давомида суратга туширган, гравюралар ишлаган

маҳоратли rassom ва Тео Зобрист (M.Theo Zobrist) - котиб вазифасини бажариб, садоқат билан хизмат қилган. 3-бўлимдан ўрин олган Казалинскдан Тошкентгача бўлган қуруқлик йўлини таърифлашда муаллиф "Орск ва Казалинск ўртасида биз ўз саёҳатимиз давомида Қорақум (Sable noire), йўлнинг иккинчи ярмидан Тошкентгача Қизилқум (Sable rouge)ни кесиб ўтдик. Бухоро дарвозасигача бўлган жойларда Оққум (Sable blanc)ни кесиб ўтдик" [6: 53] каби иборалардан фойдаланиб, ўлка табиатининг хилма-хиллигини бадиий тарзда ифодалайди.

Ўрта Осиё халқларининг узоқ асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган ёзма маданий меросининг энг нодир нусхалари аксарияти кутубхоналарда сақланган ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келган[1, С.915]. Китоблар фақат саройда ва бошқа маъмурий марказлар қошидаги кутубхоналарда эмас, балки зиёли ва нуфузли шахсларга, уларнинг авлодларига тегишли шахсий кутубхоналар ақлий меҳнат вакиллари ва ижод аҳли, олимлар, мударрислар, илму толибларга тегишли коллекцияларда ҳам сақланиб келган. Бухоро амирлигида мавжуд бўлган шахсий кутубхоналар ўз китоб фондларининг таркибига кўра - ўрта асрлардаги шахсий кутубхоналардан фарқ қилмаган. Уларнинг асосий қисмини араб алифбосида битилган қўлёзма китоблар тошбосма нашрлар ва ҳужжатлар ташкил этади. Янги даврдаги шахсий кутубхоналарнинг катта қисмини осори атиқага айланиб бораётган ўрта асрларда қўлёзма китоблари ташкил этган. Бухоро амирлигида мавжуд бўлган шахсий кутубхоналар, уларнинг коллекциялари, таркиби тўғрисида турли манбаларда қизиқарли маълумотлар учрайди.

Ўз замонасининг таниқли шоир ва ёзувчиси, давлат арбоби, китобсевар, маърифатпарвар қози Абдушукур Муҳаммад Шариф Садри Зиё, Абдувоҳид Садр, амирзода Ҳашмат, қози Бурҳонуддин, қози Иноятуллоҳ ва бошқаларга қарашли шарқ қўлёзмалари коллекциялари XX асрнинг бошида Бухорода мавжуд бўлган шахсий кутубхоналар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради[2, pp. 141-174].

XX аср бошларида Бухоронинг қози ул - қуззоти Қози Абдувоҳид Садр Сарири Балхийнинг катта кутубхонаси бўлган[3, 90а в]. Қози Абдувоҳид Садр Сарири Балхий (вафоти 1303/1885-86) Садри Зиёнинг устозларидан бўлиб, ислом дини ва маданияти тараққиётида муҳим ўрин тутган уламо сифатида кўплаб асарларга шарҳ ва ҳошиялар ёзган. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида олим қаламига мансуб "Мажмуа"[4,99а,бв]сақланади. Унинг 99б бетида муаллиф ўз кутубхонасида сақланадиган қўлёзма (қаламий) ва тошбосма (қолабий) китобларнинг рўйхатини берган ва ўша давр китобхонлари орасида машҳур бўлган асарларнинг номларини қайд этган.

Унинг коллекциясида араб тили гамматикасига оид китоблар, жумладан "Мавлоно Шариф шарҳи Мулло", "Дабирий маа рисолайи дигар", "Мавлавий

Абд ал - Фаффури бар шарҳи Мулло", "Тож ал-масодир (ал-адаб)", "Шарҳи усули Акбар фи илми тасрифи - грамматик асар", Шарҳи Муллонинг шарҳи адабиётим" асарлари ҳам ўрин олган.

Қози Абдувоҳид Садр Сарири Балхийнинг кутубхонасида мантиққа оид асарлар ҳам бўлган: "Сирож ал-лугот", "Шарҳи айн ал-илм", "Ҳошийаи Қутбий", "Шарҳи тажрид ал-мантиқ ли Тусий", "Жомий ал-мабоний шарҳ аш-шарҳ ал-кабир ли Кайдоний" каби қўлёзма ва тошбосма китоблар шулар жумласидандир. Бундан ташқари кутубхонадан риторикага оид "Китоб ал-вашоҳ ли соҳиб ат-Тавзеҳ фи илм ал-маоний ва-л-баён" асари, "Шарҳи Нисоб ас-сибён ли - л - Қаҳистоний" китоблари ҳам ўрин олган.

Мазкур коллекциядаги қўлёзмаларнинг маълум қисми луғат, луғатшуносликка оид асарлардир. Масалан, "Мисбоҳ ал-мунир фи-л-луғат", "Муқаддиматул адаб", "Матлаъ ал - баҳрайн фи-л-луғат", "Қашф ул-луғот" ва ҳоказо.

Қози Балхий кутубхонаси коллекциясида ақоидга бағишланган китоблар ("Мулло Жалол Давоний шарҳи ақоиди Аздий", "Авн ас-самад ҳошийаи Мулло Аҳмад", "Мулло Ҳасан Сиёлкутий бар ақоид", "Амир Садррадин бар ҳошийа", "Асомаддин маа Мир Жалил бар тасдиқот", "Шарҳи Матолий", "Мир бар матолий маа Мавлавий Мирзожон", "Мухтасар", "Шарҳи Фусус ал-ҳикам", "Шайх Абулҳақ шарҳи Мишкот", "Шарҳи аврод", "Мутаввал" (Матул), "Мишкоти Шариф", "Шарҳи мавоқиф", "Изоҳ шарҳи муфассал", "Китоби Сибавайҳ" ва "Рух ал-баён") "Шарҳи Қаҳистоний ала ал-Кофийа", "Фаввос ал-баҳрайн", "Қаҳистоний", "Ислоҳ ал-изоҳи виқоёи", "Ислоҳ ал-изоҳи Танқиҳ", "Шарҳи Ризо бар Кофийа", "Чалабий бар шарҳи виқоёи" ва "Шарҳи фароизи Камол пошо" ва бошқа асарлар мавжуд.

Қози Балхийнинг амалий фаолияти фикҳ илмини жуда мукамал ва чуқур билишини тақозо қилган, шу сабабли унинг коллекциясида фикҳ илмига оид асарлар ("Шарҳи кабири Мунийат", "Шарҳи кабири Мунийат", "Жомий ар-рамуз", "Мавлавий Абу-л-Макорим шарҳи мухтасар", "Ҳидойаи шариф"нинг 2 жилди, "Мавлавий Абд ал-ҳаким бар ҳошийа") кенг ўрин олган.

Айни пайтда Қози Балхийнинг кутубхонасида тиббиёт фанига оид нодир китоблар ("Шарҳи Қонунча", "Қонунча", "Юсуфий", "Зод ал-мусофирин фи-т-тиб"), тасаввуфга оид ("Китоби анқои марғиб фи маърифати хатм ал-авлиё", "Одоб ал-саҳоба", "Рашаҳот"нинг қўлёзмаси Мулло Рамазон шарҳ аш-шарҳи ақоид", "Мулло Абд ал-Ҳаким бар ақоид ма Мавлаий Аҳмад", "Мақомоти Ҳаририй") асарлар ҳам бўлган. Айрим китоблар Мисрдан олиб келинган.

Қози Абдувоҳид Садр Сарири Балхийнинг кутубхонасида ҳам Мирзо Абду Қодир Бедилнинг "Чаҳор унсур", "Маснавий маънавий", "Шарҳи Гулшани роз" каби асарлари ҳамда "Мактуботи имом Раббоний"нинг икки жилдли тошбосма нусхалари энг нодир асарлар сифатида сақланган. Бундан ташқари кутубхонадан этика ("Аҳлоқи Жалолий") га оид асарлар, катологлар ("Қашф аз - зунун" қўлёзмаси), тарихга доир китоблар ("Муллозода маа рисолаи дигар" ва х.з.) ҳам ўрин олган[5, 221бв].

Бухоро шаҳрида яна бир катта шаҳсий кутубхона Бурҳониддин қозига тегишли бўлиб, Бухоронинг садри ва қози ул-қуззоти бўлган, амирликда Ибн Байзо номи билан машҳур авлод вакили Бурҳониддин қози ҳам отасидан қолган катта кутубхона эгаси эди. XX асрнинг бошларида бу хонадонга тегишли кутубхона Бухородаги учта катта кутубхоналардан бири бўлган. Унда асосан тарихий

адабиётлар: Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи, Шайбонийлар, Ашгархонийлар, Мангитлар тарихига оид асарлар жамланган[6, Б. 80] 1915 йили қозикалон Бурҳониддин кутубхонаси билан А.А. Валидов танишган[7, С. 251-252]. Тахминимизча бу фонддан у баъзи китобларни ҳам сотиб олган[8, С. 57]. Қози Бурҳониддин (қози Садриддин ва Бадриддин) га тегишли айрим китоблар бугунги кунда ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қози Садриддин ва Бадриддин ҳамда Бурҳониддин муҳрлари босилган китоблар ҳазинада талайгина бўлиб, уларнинг сони 50 тадан ортади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам тавсиф қилинмаган ва Шарқ қўлёзмалар тўплам (СВР каталог) ига киритилмаган.

Шахсий кутубхоналардан бири Шаҳрисбаз адабий ва илмий муҳитининг ёрқин намояндаси қози Иноятуллоҳ ўроқ ибн Азизуллоҳ Мирзо Калонхўжа ибн Қаландархўжаи Балхий ҳам шахсий кутубхона эгаси бўлган [9, С. 81-82]. Иноятуллоҳ муфтий ўроқ Шаҳрисабзнинг Болои ҳовуз масжиди Жомъесида имом хатиб ва мударрислик қилган. Мазкур кутубхона эгасининг қайдларига кўра, унинг китоблар коллекциясидан кўпчилик фойдаланган. Кейинчалик мазкур кутубхонадан бир қисм китоблар ўғли Файзуллоҳхўжа Равнақий ва унинг ворисларига қолган.

Кутубхона соҳиби қози Иноятуллоҳ ўз кутубхонасида сақланаётган китобларнинг қисқа бир рўйхатини ёзиб қолдирган. Унинг ҳазинасида сақланаётган юздан ортиқ китоблар турли фан соҳаларига оид бўлиб, унда шоирлар биографиялари, олимлар, сиёсий ва тарихий шахслар ислом тарихи, пайгамбарлар тарихи, жумладан Муҳаммад (с.а.в), унинг аждодлари ва авлодлари тарихига оид китоблар, шунингдек, дин, тасаввуф, жуғрофия, фалсафа ва мантиқ, табиий фанлар (математика, астрономия, тиббиёт), тилларга (араб, форс ўзбек ва бошқа), адабиётга (девоңлар, баёзлар, тазкиралар, дostonлар) доир китобларни ташкил этган.

"Фақир Иноятуллоҳга тегишли бўлган маъний жавоҳирим, уни китоб дерлар қуйдагиларди": "Авроди Куръон", "Анвори Суҳайлий", "Анис ат-толибин", "Ахлоқи Жалолий". "Мухтасар ал-виқоя" нинг чиройли ҳуснихатда кўчирилган нусхаси. Ҳилолийнинг "Шоҳ ва дарвеш" асари, Шайх Низомийнинг "Ҳашт биҳишт" асари. "Рашаҳот"нинг арабчадан таржима қилинган нусхаси, "Ҳидоя"и Шарифнинг 2 та дафтари. Мавлавий Аҳмад ва Мавлавий Қосимнинг "Шарҳ бар ақоид" асари битта жилдда. "Тарихи Саййид Роқим" маа муқаддима "Зафарномаий Темурий" ва шу каби нодир асарлар тўплаган[10, С. 80, Р. 52-56, Т. I. - С. 332-333, С. 114].

Юқорида тилга олинган кутубхонанинг бир қисми Иноятуллоҳ ўроқнинг ўғли Файзуллоҳхўжа "Равнақий" ва "Рамзий" тахаллуси билан ижод қилган шахсининг қўлида бўлган, унинг вафотидан сўнг бугунги кунда унинг ворисларининг уйида сақланмоқда. Файзуллоҳхўжа Равнақий (1890-1978) 1919 йили Бухорода мадрасани тамомлагач Шаҳрисабзда қози бўлган. Умрининг охиригача хаттотлик ва муҳранлик билан ҳам шуғулланган.

Файзуллоҳхўжа ибн Иноятуллоҳ кутубхонасида ҳозирда тошбосма китоблардан ташқари (уларнинг сони 500 тадан ошади) 52 та асар форс тилида, 45 та асар араб тилида, 11 та асар форсий-арабийда, 4 та рисола ўзбек-форс тилларида, 2 та асар ўзбек, форс ва араб тилидаги қўлёзма шаклида етиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, Қози Абдувоҳид Садр Сарии Балхий, Қози Бурҳониддин ва қози Иноятуллоҳ кутубхоналари XX асрнинг бошида Бухорода

мавжуд бўлган энг йирик шахсий кутубхоналардан бўлиб, шарқ қўлёзмалар коллекциялари ҳисобланади. Юқоридаги маълумотлар таҳлилидан маълумки, аждодларимиз китоб ва китобат ишларига бефарқ бўлмаган. Зиёлиларимиз жуда саводли, китобхон ва китобсевар шахслар бўлган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Абд ал- Воҳид Садри Сарири Балхий. Мажмуа // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ фонди, инв. №2260. - 90а, в.
2. Абд ал- Воҳид Сарири Балхий. "Мажмуа" // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ фонди, инв. №2260. 99а,б - варақ.
3. Vahidov Sh.Erkinov A. Le fihrist (catalogue) de la biblioteque de Sadri Ziya: une image de la vie intellectuelle dans le Mavarannah (fin XIXe-deb.XXe s.). // Cahiers d'Asie Centrale, 1999), n°7, pp. 141-174;
4. Вахидов Ш., Бабаджанов Б. Равнаки / Ислам на территории бывшей Российской империи. Под ред. М.С. Прозорова. - СПб., 2001. Вып. 3. - С. 81-82.
5. Валидов А.А. Рукописи из собрания казикалона // ЗВО. 1916. Вып. XXIII. - С. 251-252.
6. Кормицилин А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. - Ташкент, 1993. - С. 57.
7. Каталогичной библиотеки Равнаки-Шахрисабзи. - Кум.(Иран), 2000. - С. 80. На персидском языке; Les particularies paleographiques et cidicologiques des fonds particuliers de Rawnaqi et Faqiri (Shahrisabz, Ouzbekistan) // Manuskripta Orientalia. - St.-Peterdurg, 2003. - P.52-56; Равнаки. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь /Под ред. С.М. Прозорова. - М.: Издательская фирма Восточная литература РАН, 2006. Т. I. - С. 332-333.
8. Охунжонов Э. Ватан кубхоначилиги тарихи.- Тошкент: Адолат, 2004. 1-қисм. Б. 80.
9. Семенов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения. /Материалы первой Всесоюзной Научной конференции Востоковедов в г.Ташкенте. -Ташкент; 1958. - С.915. Қаранг: Szuppe M. Lettr's, patrons, libraires. L'apport des recueils biographiques sur le r?le du livre en Asie centrale aux XVIe et XVIIe s. // Cahiers d'Asie Centrale, 1999, n° 7. pp. 99-117.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич,
"Фуқаролик жамияти назарияси" кафедраси катта ўқитувчиси
Андижон давлат университети

СОВЕТ ИТТИФОҚИ "ТУРГУНЛИК" ВА "ҚАЙТА ҚУРИШ" ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-24>

АННОТАЦИЯ

Мақолада совет давлатининг "тургунлик" ва "қайта қуриш" даврлари тарихшунослиги масалалари илмий адабиётлар орқали таҳлил қилинган. Шу билан бирга, тадқиқотда қайта қуриш даврининг сўнгги палласида тоталитар социализм даврини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этишга ҳаракат қилган тарихчилар, файласуфлар, ёзувчилар ва публицистларнинг асарларига баҳо берилган.

Калит сўзлар: Тарихшунослик, "тургунлик даври" "қайта қуриш", тоталитар давр, этатизм, геронтоқратия, миллий сиёсат, миллатлараро муносабатлар.

Ходжамбердиев Хуршидбек Эгамбердиевич,
Старший преподаватель кафедры
"Теория гражданского общества"
"Андижанский государственный университет"

ИСТОРИКОВЕДЕНИЯ ПЕРИОДА СОВЕТСКОГО СОЮЗА "ЗАСТОЙ" "ПЕРЕСТРОЙКА" АННОТАЦИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализировано на основе научной литературы задачи историковедедения периода Советского союза "застой" "перестройка". Вместе с этим дана оценка произведением историков, философов, писателей и публицистов, которые освещали рассматриваемый период советского правительства.

Ключевые слова: Историография, застой, перестройка, тоталитарный период, этатизм, геронтоқратия, национальная политика, межнациональные отношения

Hodjamberdiev Khurshidbek,
Head teacher of the Theory of Civil Society
Andijan State University

HISTORICAL BACKGROUN OF THE SOVIET UNION "RESURGENCE" "REBUILD"

The article analyzes the history of the Soviet Union's "restitution" and "rebuild" periods by the scientific literatures. At the end of the research, however, the evaluation of the works of historians, philosophers, writers, and publicists who were able to thoroughly investigate the period of the totalitarian socialist era was given at the final stage of the restructuring.

Key words: Historiography, "restitution", "rebuild", totalitarian era, etatism, gerontocracy, national politics, interethnic relations.

Маълумки, собиқ СССРнинг 1965-1985 йиллардаги даврига "турғунлик даври" деб ном берилиши қандайдир субъектив тарзда рўй берди. 1985 йилнинг март ойида М.С.Горбачев КПСС Марказий Қўмитаси Бош котиби лавозимига киришиш маросимидаги нутқида ўтган 20 йиллик даврни "турғунлик" даври деб атади. Таъкидлаш жоизки, мазкур тушунча нафақат иттифоқдаги ижтимоий-гуманитар фанларга доир адабиётлар, оммавий ахборот воситалари, расмий ҳужжатларда, балки хорижий адабиётларда ҳам ифодалана бошлади. Албатта, кейинчалик иттифоқ раҳбариятини бу даврни 1975 йилдаги КПСС XXIV қурултойида ва 1985 йилда М.С.Горбачев томонидан "ривожланган социализм даври" деб аталиши мангиқан "турғунлик" тушунчасининг тескари маъносини беради - бу тушунчанинг ҳаётдан анча узоқлигини, нисбийлигини, қолаверса субъектив нуқтаи назарларга асосланганлигини англатади. Шунинг учун ҳам, бу даврнинг номини талқин этишда баҳс-мунозаралар ҳозирга қадар давом этмоқда.

Иттифоқ тарихига доир икки жилдли монография ёзган италиялик тарихчи Ж.Боффа шундай деб ёзган эди: "Охирги ўн йилликни "турғунлик йили" деб бўлмайди. Мамлакат ривожланди, айниқса иқтисодиёт соҳасидаги ривожланиш жаддаллашиб, муҳим ишлаб чиқариш кўрсаткичларини олишга имконият берди. Ж.Боффа яна инқирозларнинг фақат Брежнев даврида эмас, балки Горбачев даврида ҳам чуқурлашиб борганлигини таъкидлайди" [1].

Инглиз тарихчиси М.Малиа ўзининг "Совет фожиаси. Россиядаги социализм тарихи" монографиясида СССР қулаганидан кейин иттифоқ тарихи ҳақиқий тарихга айланганлигини қайд этиб, аксарият Ғарб тарихчиларининг иттифоқ тарихини "хира ойна" орқали ва турли тахминий фаразлар билан тадқиқ этганликларини танқид қилиш билан бирга, иттифоқ даврида тадқиқот материаллари сир тутилганлигига ҳам эътибор қаратади. Унинг фикрича, Кремль геронтократияси сўнгги вакилларининг тарих саҳнасида аянчли равишда пастга тушиши бутун бир жамият аъзоларида иттифоқ тизими асосларини ларзага келтирган "ички инқироз" сифатида намоён бўлди. 80-йилларнинг биринчи ярмида КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибларининг кетма-кет узлатга кетиши "инқирознинг сўнгги унсурини бўлиб, у "коммунистик ислоҳотчилик"нинг охирги шакли - Горбачев "қайта қуриш"ини яратди"[2].

Рус тарихчиси М. С. Восленский ўзининг "Номенклатура. Совет Иттифоқи ҳукмрон синфи" асарида иттифоқ бюрократиясининг генезиси ва анъаналарини чуқур тадқиқ этиш асносида бюрократиянинг фаровон ва ўзини ўзи яратувчи синф сифатида ривожланиш жараёнини тадқиқ этди. Шу билан бирга, у иттифоқ иқтисодиёти, ҳўжалиги ва сиёсий институтлари самараси ҳамда амал қилишига доир қатор ҳали ошкор этилмаган қонуниятларни очиб берди [3].

Тарихчи олим ва социолог А.С.Ахиезернинг икки жилдли "Россия: тарихий тажриба танқиди" монографиясида Россия тарихининг маънавий-ахлоқий асослар

алмашинуви ва тикланиши нуқтаи назаридан ўзгариши механизмларини очиб беришга ҳаракат қилади. Шунингдек, у жамиятни ижтимоий маданий зиддиятларни шахслар фаолияти ва онгидан ҳоли этиш йўллари кўрсатишга ҳаракат қилади [4].

Таниқли олим ва публицист Рой Медведевнинг асарларида И.В.Сталин шахсига сизиниш давридаги ҳокимият органларининг ахлоқий бузилиши, қатагонларнинг адолатсиз равишда амалга оширилганлиги, ҳур фикрли ва ватанпарвар шахсларнинг йўқ қилиниши, "илиқлик" ва "тургунлик" даврларидаги сталинизмни тиклаш учун уринишлар очиб ташланади [5]. Бу китоб ўша даврдаги муҳим тарихшунослик сифатида, шунингдек, коммунистик мафкуранинг моҳиятини англашда муҳим ўрин тутди.

Иттифоқда рўй берган ривожланишнинг цикли жиҳатларини тадқиқ этган олимлар XX асрнинг 60-80-йиллардаги тургунлик ҳодисаларини СССР иқтисодиёти ва жамиятида аксилислоҳотчилик тамойилларининг устуворлиги билан боғлашга ҳаракат қилди. Таниқли олим В.Т.Рязановнинг фикрича, Россиянинг XVIII асрдан XX асргача рўй берган тарихида ҳар қандай амалга оширилган ислоҳотлар тезлик билан аксилислоҳотларга айланганлигига эътибор қаратди. У Н.С.Хрущев ва Л.И.Брежнев ташаббуслари билан бошланган ислоҳотларнинг инқирозга учраш сабабларини иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ўзаро номувофиқлигидан излайди. Унинг фикрича, социалистик назария ҳам, унга мувофиқ бўлмаган амалиёт ҳам қуйидаги асосий саволга жавоб бера олмаган: давлат мулкчилиги шароитида ишлаб чиқариш жамоаларининг даромадлар олишидаги иқтисодий манфаатдорлигини уларнинг масъуллиги билан қандай қилиб бирлаштириш ёки уйғунлаштириш мумкин? Давлат томонидан инфляция, тақчиллик, ички имкониятлардан фойдаланилмаслик кабиларга қарши самарали иқтисодий механизмлар яратилмаганлиги натижасида тургунлик даври келиб чиққанлигини очиб бериб, В.Т.Рязанов тургунликнинг яна бир сабаби сифатида ҳарбий харажатларнинг кескин ошиб кетганлигига эътибор қаратади: ўша даврда СССРнинг ҳарбий харажати давлат бюджетининг 20 фоизини ташкил этган. АҚШда эса бу кўрсаткич икки марта паст даражада бўлган. Қуролланиш пойгаси аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига сабаб бўлган [6].

Албатта, бу каби нуқтаи назарга қўшилмаганлар ҳам учрайди. Иқтисодчи олим ва давлат арбоби Е.Т.Гайдарнинг фикрича, Брежнев даврида "танланган индустриаллаштиришнинг социалистик моделини амалга оширишнинг оғриқли ва узоқ муддатли оқибатлари" ўткир равишда ўзини кўрсатди. Ғарбий Сибирдаги улкан нефть ва газ конларининг очилиши ва жаҳонда бу ресурсларга нисбатан нархларнинг кескин ортиши "социализмнинг қулашини кейинга сурди". Илмий-техника инқилоби янгиликларини қабул қилишга қобил бўлмаган сиёсий ва ҳўжалик элитаси консерватизми ҳам тургунликнинг келиб чиқиш сабабларидан биридир. Е.Т.Гайдарнинг фикрича, 70-80-йиллар даври социалистик совет иқтисодиёти "ички беқарорлик" тавфсифини ўзида ифодалаб, инқироз ҳолатидан чиқиб кетишга ноқобил бўлган [7].

М.Я.Геллер, А.М.Некряч, Д.А.Волкогонов ва Р.Г.Пихоя каби олимлар иттифоқ тизимини ислоҳ этиб бўлмаслиги, уни тарихан ҳалокатга учраши муқаррарлиги тўғрисида қатор асарлар яратди. Д.А.Волкогонов учун совет тарихи - бу "1917 йил октябрдаги давлат тўнтаришидан бошланган жиноятлар узун занжирининг халқаларидир". Тоталитар режимнинг "органик нуқсонлари" билан бир вақтда

унинг кучини намоён бўлиши натижасида Горбачев ислохотлари даврида иттифоқ ҳалокатга учради. "Умрини тутатган тизимни жонлантиришга уриниш беҳуда ва хавфлидир" [8]. Пихоянинг фикрича, урушдан кейинги совет давлатининг шаклланиши, мустақамланиши, инқирози ва ҳалокати "қор кўчкилари оқимидек тезликда рўй берган ҳокимият инқирозининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-психологик сабаблари" - булар қонуниятли оқибат натижасидир. У бу каби тарихий хотиманинг асосий сабаби - ҳокимият юқори доираларининг "мамлакат мутлақ кўпчилик аҳолиси" ўртасидаги жарликнинг кенгайиши, аҳолига нисбатан "беғоналашуви" эканлигига эътибор қаратди [9].

Қайта қуриш даврининг сўнги даврида тоталитар социализм даврини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этишга қобил бўлган тарихчилар, файласуфлар, ёзувчилар, публицистлар шаклланди. Шулардан бири С.Г.Кара-Мурза эди. У инқирозни 1988-йилда яшин тезлигида ўзини намоён этганлигини қайд этиб, қуйидагиларни ёзган эди: "Инқироз "совет хўжалиги асосий принципларини рад этишдан, уни бутунлай бошқа турдаги капиталистик иқтисодиёт унсурлари билан "гибридлаштириш"га уриниш туфайли рўй берди." [10].

Қайта қуриш даврида таниқли сиёсатшунос ва публицист М.Ф.Бурлацкий сиёсий тизим ва элитани қаттиқ танқид қилиши, ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтариши билан ажралиб турди. Унинг 1989-йилда нашр этилган "Янгича тафаккурлаш" номи китоби нафақат иттифоқда, балки бутун жаҳон бўйлаб шуҳрат қозонди. У турғунлик даври ҳақида қуйидаги ўз таҳлилини эълон қилди: "Тўғри, биз ҳозирги даврнинг йирик саноат давлати билан ҳарбий бараварликка эришдик. Лекин унга қандай тарзда эришдик? Иқтисодиётнинг барча соҳаларида технологик орқада қолиш, қишлоқ хўжалигининг издан чиқиши, замонавий хизмат кўрсатишни ташкил этмаслик, халқнинг ҳаёт даражасини оширмаслик эвазига бу ютуққа эришдик. ...Брежнев даврининг асосий сабоғи - бу Сталин даврида шакланган маъмурий-буйруқбозлик тизимнинг ҳалокатидир. Давлат нафақат тараққиётни таъминламади, балки жамиятнинг иқтисодий, маданий ва ахлоқий соҳаларини ривожланишига тўсиб турди.". Орқага қайтиш йўқ! Ҳаттоки Брежнев чириган бинони сталинча қатагонлар тиклаган ҳолда мустақамлашга азму қарор қилганида ҳам бу тизимни самарали қилишнинг иложи йўқ эди. Ваҳоланки, технологик инқилоб эркин меҳнат, шахсий ташаббус, манфаатдорлик, ишга ижодий ёндашиш, тинмай изланиш, мусобақадорликни талаб этади" [11].

1990 йилда нашр этилган "Инқироз остонасида: жамият ва партияда турғунлик ҳодисаларининг кучайиши" номи илмий-назарий тўплам ҳам турғунлик ва қайта қуриш даври моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этди [12]. Унинг муаллифлари - В.В.Журавлева, Л.Н.Гордон, Э.В.Клопов, И.А.Алуф, В.Я.Бондарь, В.М.Курицин, В.С.Лельчук, А.П.Тюрина ва бошқалар турғунлик давридаги нохушликлар, социализм принципларининг бузилиши, партokratиянинг кучайиши, бошқарувнинг бюрократлашуви, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши кабиларнинг келиб чиқиши, уларга қарши курашга доир назарий қарашларини илгари сурди. Л.Н.Гордон ва Э.В.Клопов ўша даврдаги турғунлик давридаги ҳолатни қуйидагича ифодалайди: "Натижада, 50-70-йилларда сталинизм ўрнига келган сиёсий тизимда ҳақиқий ҳокимият партия-давлат аппарати, аниққса энг юқоридаги биринчи раҳбарларнинг тор гуруҳи қўлида тўпланган бўлиб, уларнинг бошқарувга оид кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини юқоридан пастга тушириш тартиблари сақланиб қолди. Социализм ўзининг этистик моҳиятини

сақлаб қолди, давлат эса жамият устидан барча ҳажмдаги ҳокимиятини сақлаб қолди" [13].

XX асрнинг 70-80-йилларидаги "тургунлик", "қайта қуриш" давлари, улардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар Ўзбекистон тарихчилари, иқтисодчилари, сиёсатшунослари томонидан ҳам ҳар томонлама тадқиқ этилди.

Совет даврида XX асрнинг 70-80-йилларидаги ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишга Ўзбекистон олимлари ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Мамлакат тарихчи, социолог, иқтисодчи олимлар томонидан ҳам қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Таниқли олим С.Шермухамедовнинг социалистик маданиятга доир тадқиқотларида ижтимоий ривожланиш билан маданий ривожланиш уйғунлиги, турли миллатлар маданиятларининг яқинлашуви масалалари ўрганилди [14]. Мазкур мавзу билан боғлиқ муаммолар Р.Каримов томонидан давом эттирилди. Унинг тадқиқотларида ривожланган социализм қуриш даврида иттифоқ халқларининг яқинлашув жараёнларида ижтимоий онгнинг ўрни масалалари ўрганилди [15]. Тарихчи олим Х.Зоҳидовнинг илмий изланишларида ривожланган социализм шароитидаги маънавий маданият ва ижтимоий фаолликнинг ривожланиш диалектикаси масалалари ўрганилди. Мазкур илмий иш тарих фани нуқтаи назаридан тадқиқ этилди [16]. Э.С.Тўхтаевнинг Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари мавзусидаги тадқиқотларида ҳам ўша даврдаги ўткир ижтимоий муаммолар тадқиқ этилиб, илмий натижалар сифатида уларнинг ечимларига доир хулосалар ва ижтимоий муаммолар ечимлари шакллантирилди [17].

Совет даврида сиёсий жараёнлар - коммунистик партия ва давлат фаолиятларини тадқиқ этишга доир тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Ш.Зиямов томонидан КПССнинг кадрлар тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсати республика партия ташкилоти мисолида тадқиқ этилди [18]. Р.Х.Абдуллаева, Л.В.Гентшке ва Х.Т.Турсунов социализм даврида КПСС ва унинг куйи ташкилотларининг жамиятдаги раҳбарлик фаолиятига доир тадқиқотлар олиб борди. Уларнинг тадқиқотларида партия ташкилотларининг миллий ва минтақавий ҳудудлардаги тажрибаси умумлаштирилди ва бу соҳани ривожлантиришга доир хулосалар шакллантирилди [19]. Э.Юсупов ва Ц.Степанянлар томонидан совет давлатининг конституциявий асосларининг ривожланиши тадқиқ этилди. Унда асосий эътибор партия ва давлатнинг миллий сиёсатини амалга оширишга қаратилди [20].

Тургунлик ва қайта қуриш даврида Орол денгизи муаммоси нафақат экологик фожиа сифатида, балки энг ўткир сиёсий-ижтимоий муаммо сифатида ҳам тадқиқ этилди [21]. З.М.Акрамов, А.А.Рафиков каби олимлар ўз тадқиқотларида партия ва ҳукуматнинг Орол муаммосини ҳал этишдаги фаолиятини ўрганиш билан бирга, унга кенг жамоатчилик эътиборини ҳам қаратди.

Совет даврида партия ва давлатнинг байналмилал миллий сиёсатига доир тадқиқотлар ҳам амалга оширилди. Бу тадқиқотлар нафақат миллий ёки миллатлараро муносабатларнинг хусусий жиҳатларини, балки бу соҳадаги муаммоларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари масалаларини ҳам ўрганишга қаратилди. А.Агзамходжаевнинг тадқиқоти айнан ана шу соҳаларни ўрганишни ўз тадқиқот объекти сифатида белгилаб олган эди [22]. Лекин иттифоқ қулаши арафасида миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашилган, коммунистик партия методологиясига тўғри келмайдиган тадқиқотларни амалга оширишга

интилишлар ҳам кузатилди. Бу ҳолат Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Ўш вилоятида кўтарилган миллатчилик низолари даврида янада кучайди. Ш.Зиямов, Ҳ.Бобобеков ва Ш. Абдуллаев каби таниқли тарихчилар рўй берган миллатлараро тўқнашувларни ҳолис ва объект равишда тадқиқ этдилар [23].

Мустақиллик даврида ҳам турғунлик ва қайта қуриш давридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ўша даврда авж олган муаммоларга доир тадқиқотлар яна ҳам кенгроқ кўламда давом этди. Лекин бу даврдаги тадқиқотлар совет давридаги тадқиқотлардан ҳам моҳиятан, ҳам тубдан фарқ қилди. Олимлар ўзларининг совет давридаги тадқиқотларида илмий объектларни ўрганишда асосан марксизм-ленинизм гоялари ва коммунистик мафкурага асосланган методология талабларга амал қилишга мажбур бўлдилар. Бу даврдаги тадқиқотлар ижтимоий жараёнларни истиқлол мафкураси ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан, шунингдек, ҳолис ва объектив равишда ўрганилганлиги билан ажралиб туради. А.Хазраткулов [24], Д.Бобожонова [25], М.Р.Бўриева [26], О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, А.Салиев [27], А.Х.Пўлатов [28], В.Ражапов [29] каби таниқли олимлар Ўзбекистонда иттифоқ ва мустақиллик даврларидаги ижтимоий жараёнлар, бу соҳадаги муаммолар, уларнинг ечимларига доир масалаларни тадқиқ этди. Р.Абуллаева қайта қуриш ва иттифоқнинг қулашига доир тадқиқотларни амалга оширди [30]. Б.А.Пасиловнинг илмий тадқиқотлари ижтимоий-сиёсий жараёнларни тарих фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш методологиясини бойитиши билан бир қаторда илк бор манбашуносликка миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашиш тажрибасини умумлаштирди [31]. Уларнинг тадқиқотлари янги миллий давлатчиликни шакллантириш, миллий ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқишга доир ислохотларда илмий манбалар сифатида хизмат қилди. Бу олимларнинг кўрсатилган асарлари миллий тарихшуносликни анча бойитди.

Бу даврда миллий сиёсат, миллатлараро муносабатлар, миллий тилга доир тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг йўналишлари ёки улар билан уйғун равишда тадқиқот этилди. Мазкур тадқиқотларда миллий уйғониш, миллий ўзини ўзи англаш, миллий муносабатлар, миллатлараро тотувлик ва ихтилофлар, давлат тилининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари каби йўналишлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва муаммолар ўрганилди. Мазкур тадқиқотлар мустақиллик даврида кўп миллатли жамятда миллий бағрикенглик ва миллий сиёсатни ишлаб чиқишда илмий манбалар сифатида тарих фанини бойитди.

Умуман олганда, ўтган асрнинг сўнгги чораги ва мустақиллик даврида жамятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тарих фани нуқтаи назаридан тадқиқ этишнинг миллий тажрибаси тўпланди ва у тарихий тадқиқотлар олиб бориш методологиясини миллий манфаатлар асосида шаклланишига қўшилган катта ҳисса бўлди. Ҳозирги даврда миллий тарихшуносликнинг бу йўналиши ривожланган мамлакатлар тарихнавислиги таъсири ва мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар тажрибаси асосида янада ривожланиб бормоқда.

Бу даврдаги тарихшунослик 1985-йилга қадар марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан ва коммунистик мафкура талаблари асосида шаклланди. Фақат қайта қуриш даврининг ўрталарига келиб тарихни ҳалол ўрганиш, ўтмишдаги "оқ доғларни" ҳис қилиш, ривожланишнинг миллий жиҳатларига устуворлик бериш, тарихни миллат тарихи сифатида шакллантириш каби умуминсоний ва миллий

қадриятлари уйғунлиги шаклланди, тарих фанига нисбатан муносабатлар тубдан ўзгарди.

Совет даври тарихшунослиги яққақоқим мафкура ақидалари билан чирмашиб кетганлигига қарамасдан тарихни ўрганишнинг зарурий манбалари сифатида хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун, албатта, тарихий фактларни ҳозирги даври миллий манфаатлар асосида қайтадан кўриб чиқиш, ундаги "оқ доғларни" тўлдиришга зарурат пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, қайта қуришнинг сўнгги йиллари ва мустақиллик даврида яратилган тарихий асарлар ўзининг қандай ютуқ ва камчиликларга эга бўлишига қарамай муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш муҳимки, мустақиллик даврининг сўнгги йилларида давлатимиз раҳбари томонидан ўтган 28 йил ичидаги муаммолар, камчиликлар, халқдан сир тутилган воқеликларнинг очиб ташланиши, давлатнинг халқни бошқариш функциясининг халққа хизмат қилиш вазифасига алмаштирилиши тарихчилар учун янги имкониятлар яратди: энди тарихий тадқиқотлар тарихчининг шахсий салоҳияти, мустақил қарашлари асосида амалга оширилади; тарихни ёзиш эркинлиги шаклланди; тарихни объектив тарзда ёзиш учун унинг объектлари турли чеклов ва цензуралардан ҳоли этилади. Демак, мамлакатимизда яратиладиган тарихий тадқиқотлар бутун бир инсоният цивилизацияси тарихини яратишга қўшиладиган ўзига хос муносиб ҳисса сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Боффа Дж. История Советского Союза. Перевод с итал. В 2-х т. Т.1.-М.: Международные отношения, 1994; Он же. От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964-1994. Пер. с итал.-М., 1996.-С.5,285.
2. Малиа М. Советская трагедия. История социализма в России. 1917-1991. - М.: РОСПЭН, 2002 -С.371-372.
3. Восленский М. С. Номенклатура. Господствующий класс Советского Союза. - М., 1991. -237 с.
4. Ахизер А. С. Россия: критика исторического опыта. В 2 тт. Новосибирск, Сибирский хронограф, 1997, -1608 с.
5. Медведов Р. О Сталине и сталинизме: Исторические очерки// Знамя, 1989, №1-4. Он же. Они окружали Сталина // Юность, 1989, № 3,5,6,8,9,12.
6. Қаранг: Рязанов В.Т. Экономическое развитие России: Реформы и российское хозяйство в XIX -XX вв. СПб., 1998. -С. 49-54.
7. Қаранг: Экономика переходного периода: Очерки экономической политики посткоммунистической России. 1991-1997.-М.,1998, -С.46-51.
8. Волкогонов Д. Семь вождей: Галерея лидеров СССР.-М.,1995. Кн.2.-С.436-442.
9. Пихоя Р.Г. Советский Союз: история власти. 1945-1991. -М.,1998.-С.712-718.
10. Кара-Мурза С.Г. Особый взгляд на Советский строй // Советский порядок//<https://history.wikireading.ru/90457>.
11. Бурлацкий Ф. М.Новое мышление: Диалоги и суждения о технологической революции и нашихреформах.- 2-сизд., доп.-М.: Политиздат,1989.-С.317-318.
12. На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе/ Ин-т марксизма-ленинизма при ЦК КПСС; Под.общ.ред. В.В. Журавлева. -М.: Политиздат, 1990.-447 с.
13. На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе/ Ин-т марксизма-ленинизма при ЦК КПСС; Под.общ.ред.В.В.Журавлева.-М.:Политиздат, 1990.-34 с.
14. Шермухамедов С. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. - Ташкент: Узбекистан, 1980. -271 с.;

15. Каримов Р. Возрастание роли общественного сознания в сближении народов СССР в условиях развитого социализма.: Автореф. дисс ... канд. филос. наук. - Ташкент, 1988. - 19 с.;
16. Захидов Х. Диалектика развития духовной культуры и социальной активности масс в условиях развитого социализма.: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. - Ташкент, 1983. - 30 с.;
17. Тухтаев Э.С. Социально-экономические проблемы повышения уровня жизни сельского населения Узбекской ССР. - Ташкент: Фан, 1990. - 139 с.;
18. Зиямов Ш. Кадровая политика КПСС в действии. - Т.: Узбекистан, 1980. - 208 с.; Его же. Деятельность КПСС по совершенствованию подбора, расстановки и воспитания руководящих кадров в условиях развитого социализма (на примере Компартии Узбекистана):. Автореф. дисс ... докт. ист. наук. - Ташкент, 1982. - С.50.
19. Абдуллаева Р.Х. Руководство КПСС в период зрелого социализма (на материалах парторганизаций Узбекской ССР). - Т.: Узбекистан, 1982. - 295 с.; Гентшке Л.В., Турсунов Х.Т. и др. Развитие коммунистических организаций в условиях перехода к социализму, минуя капитализм. - Ташкент: Узбекистан, 1985. - 245 с.
20. Юсупов Э., Степанян Ц. и другие. Развитие конституционных основ советского многонационального государства. - Ташкент: Узбекистан, 1985. - 248 с.
21. Акрамов З.М., Рафиков А.А. Орол ҳозир ва келажакда. - Тошкент: ЎзССР "Билим", 1989. - 31 б.; Акрамов З.М., Рафиков А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. - Ташкент: Мехнат, 1990. - 142 с.
22. Агзамходжаев А. Воплощение социалистического интернационализма в многонациональном государстве. - Ташкент: Фан, 1984. - 218 с.
23. Зиямов Ш. О межэтническом конфликте 1989 г. в Узбекистане // Центральная Азия и Кавказ. - 2000. - № 6. - С. 153-158; Бобобеков Х. Фаргона фожеалари кундалиги // Фан ва турмуш. - Тошкент, 1990. - № 5. - Б. 16-18; Его же. Хўқанди латиф тупроғидаги фожеалар // Фан ва турмуш. - Тошкент, 1989. - № 7. - Б. 16-19; Абдуллаев Ш.М. Ферганские события и "этнический парадокс" современности // Звезда Востока. - Ташкент, 1991. - № 4. - С. 152-157;
24. Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика. Опыт. Перспективы. (1971-1990):. Автореф.дисс. ... докт. истор. наук. - Ташкент, 1993. - 56 с.;
25. Бобонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). - Тошкент: Шарқ, 1999. - 160 б.; Бабаджанова Д. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е - середина 80-х гг.):. Автореф. дисс. □ докт. истор. наук. - Ташкент, 1997. - 56 с.;
26. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. - Тошкент: Университет, 1997. - 171 б.;
27. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. - Ташкент: Университет, 2002. - 125 с.;
28. Пулатов А.Х. Марказий Осиёда этносоциал муносабатлар: назарияси, муаммолари, ечимлари.: Фалсафа фан. докт. ... дисс. - Тошкент, 2003. - 283 варак.;
29. Ражапов В. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда маданият соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар.: Тарих фанлари ном. ... дисс. автореф. - Тошкент, 2006. - 26 б.
30. Абдуллаева Р. XX век и развал великой державы - СССР. - М.: Вернисаж, 2002. - 168 с.
31. Пасилов Б.А. Нормативные документы как источники по исследованию социально-экономических и общественно-политических процессов в Узбекистане. (80-е - начало 90-х гг.):. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. - 31 с.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Холов Воҳид Юсупович
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими
Тошкент Турин Политехника университети ўқитувчиси

ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА МИНТАҚА ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАНБАЛАР АСОСИДА)



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-25>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX - XX аср бошларида Ўрта Осиёга келган хорижий тадқиқотчиларнинг асарларининг Ўзбекистон тарихини ёритишдаги ўрни ва уларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Мақолани тайёрлашда бирламчи манбалардан фойдаланилган. Асарларда келтирилган баъзи нотўғри маълумотлар аниқланди.

Калиф сўзлар: Ўрта Осиё, тадқиқотчилар, тарих, тарихий обидалар, Самарқанд, Бухоро, этник таркиб.

Холов Ваҳид Юсупович
Институт истории АН РУз

ОСВЕЩЕНИЕ ИСТОРИИ РЕГИОНА В ЗАРУБЕЖНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ (В ИСТОЧНИКАХ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ)

АННОТАЦИЯ

Статья иллюстрирует роль и значение произведений путешественников, посещающих Центральную Азию, для иллюстрации истории Узбекистана в XIX - начале XX веков. Для подготовки статьи использовались первоисточники. Некоторая неправильная информация, приведенная в этих работах, была определена.

Ключевые слова: Центральная Азия, исследователи, путешественники, история, исторические здания, Самарканд, Бухара, этнический состав.

Kholov Vohid,
Republic of Uzbekistan Academy
of sciences Institute of History

ILLUSTRATION OF THE HISTORY OF THE REGION IN FOREIGN RESEARCHES (IN THE SOURCES IN ENGLISH)

ANNATATION

The article illustrates the role and significance of the works of travelers visiting Central Asia to illustrate the history of Uzbekistan in the XIX - early XX centuries. There have been used primary sources to prepare the article. Some improper information given in these works has been defined.

Key words: Central Asia, researchers, travelers, history, historical buildings, Samarkand, Bukhara, ethnic composition.

№ 2/2019

Тарихни имкон қадар ҳолисона ёритишда дунё бўйлаб бир қанча методлар ишлаб чиқилган ва булар орасида энг самаралиси сифатида имом Бухорийнинг ҳадислар таҳлили борасидаги олиб борган тадқиқотлари яққол мисол бўлади. Бунда, айниқса, унинг бошқа муҳаддислар деярли аҳамият қаратмаган хислати, яъни, ровийларнинг ҳам макон, ҳам замон нуқтаи назаридан мутаносиб келиши эътиборга олинган [8:27]. Бунинг асосий хусусияти шундаки, XIX-XX аср бошларида Фарбий Европа ва АҚШдан Ўрта Осиёга келган тадқиқотчилар, сайёҳлар ва хуфялар сафарлари давомида тўплаган маълумотларини умумлаштириб, китоблар шаклида чоп этиш билан бирга газета ва журналларда мақола шаклида ҳам эълон қилиб бордилар.

Жаҳон тамаддуни марказларидан бири ва Шарқ ренессанси маркази сифатида тан олинган Марказий Осиё ва Буюк Британия ўртасидаги ўзаро алоқалар Темурийлар давридан бошланган бўлса, Россия империясининг Марказий Осиёга юриши арафасида ўзаро алоқалар яна қайта жонланиб, Россия империяси ва Англиянинг манфаатлари минтақада тўқнашиб, бу ҳаракат Фарб сиёсатчилари ва тарихчи мутахассислари томонидан тарихда "Катта ўйин" деб ном олганлиги барчага маълум. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди тарихи, табиати, иқлими, географиясига оид чоп этилган мақолалар, илмий асарлар, сафарномаларнинг хорижда ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан ўқиб борилиши билан бирга, сиёсий гуруҳларнинг қизиқиш доираларини қамраб олди. Бунда айниқса, Европада XIX-XX аср бошларида алоҳида нуфузга эга бўлган илмий нашрлардаги ишларни кўриш мумкин. Хусусан, сайёҳлар ва тадқиқотчилар асарларидан ташқари, "The Times" ва "The Daily Telegraph" газеталари, "Edinburgh Review", "Economist", "Journal of the Royal Geographical Society", "Proceedings of the Royal Geographical Society", "Geographical Magazine", "The Geographical Journal" каби журналларда тадқиқот қамраган даврда минтақа илмий мероси, тарихи, табиати, иқтисоди ва бошқа масалаларга бағишланган юзлаб илмий мақола ва тадқиқотлар нашр қилинди.

Дастлаб олимларнинг норасмий учрашув ва муҳокамалари маркази сифатида 1830 йилда фаолиятини бошлаган Лондон География жамияти географияга оид билимларни ривожлантирувчи муассаса сифатида ташкил қилинган бўлиб, аввал қирол Виллиам IV кўмагида фаолият юритган бўлса, 1859 йилда қиролича Виктория жамиятга "қироллик" мақомини бериб, Британия Қироллик География жамияти ташкил қилинди ҳамда унинг фаолиятида дунё бўйлаб Англия манфаатларини янада кучайтиришга хизмат қилувчи тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Африка, Жанубий-Шарқий Осиё, Шимолий ва Жанубий кутблар ҳамда Марказий Осиё БҚГЖ тадқиқотларни объектининг асосини ташкил этди. Бунда жамият Африка ва Жанубий-Шарқий Осиёда Англиянинг мустамлака сиёсатини олиб боришда кўмак бериш билан бирга, Марказий Осиёда ҳам Англия манфаатларини қарор топтириш ва Россия империяси таъсирини камайитириш, Марказий Осиё бозорларини эгаллаш алоҳида аҳамият касб этган. Натижанда, олиб борилган тадқиқотлар натижалари жамиятнинг "The Journal of the Royal Geographical Society" журнали ҳамда унинг Британия Географлари институти билан ҳамкорликдаги "The Geographical Journal" илмий нашрларида мунтазам чоп этиб борилди. Шунингдек, жамият Марказий Осиёга жўнатиладиган Британия экспедицияларини мунтазам малакали мутахассислар билан таъминлаб турган. Улардан Ҳ. Лансделл, Ф. Янгҳазбенд, Ҳ. Ровлингсон, Делмар Морган, Ж.В. Ҳейвордларни кўриш мумкин.

XIX-XX аср бошларида амалга оширилган илмий сафар ва экспедициялар натижалари акс этган қатор асарларда минтақа географияси, флораси, фаунаси, гидрографияси иқлимга оид қатор қимматли маълумотлар акс этди. Марказий Осиёга келган ва ўз тадқиқот натижаларини эълон қилган тадқиқотчиларнинг асарларини таҳлил қилиб, мазмуни ва уларда акс этган масалалардан келиб чиқиб, уларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга ҳарбий мақсадни ва Британия манфаатларини кўзлаган тадқиқотларни киритиш мумкин. Бунда, айниқса, ҳарбий тадқиқотчилар ва ҳуфялар асарлари алоҳида аҳамият касб этиб, уларда минтақани синчикланиб ўрганилганлигини кўриш мумкин. Буларнинг сирасига В. Муркрофт, Жорж Требек, Александр Бёрнс, Жеймс Аббот, Чарльз Стоддарт, Артур Конолли, Ричард Шекспир, А. Вамбери, Ф. Бёрнаби, Ж.В. Ҳейвордлар фаолиятини кўриш мумкин бўлади.

Мазкур муаллифлар томонидан қайд этилган асарларда минтақа тарихи ҳам баён қилинган бўлиб, улар турли тарихий ҳужжатлар билан бирга, ривоят ва афсоналарга асосланган. Чунончи, В. Муркрофт, Жорж Требек асарида қисман этнологик маълумот келтирилган бўлиб, бунда Қарши шаҳри мисолида баъзи фикрлар баёт этилган [7:502-504]. Аммо улардан кейинроқ минтақага келган Александр Бёрнс асарида Бухоро шаҳрининг тарихига оид маълумотлар ҳам қайд этилган. Айниқса, асарда А. Бёрнс Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг пайдо бўлиш тарихини ёзишда халқ орасида юрган афсона ва ривоятларга ҳамда баъзи тарихий маълумотларга таянади. Масалан, афсоналар ва ривоятларга таяниб, у шаҳарларнинг Македониялик Александр даврида (халқ орасида Искандар Зулқарнайн номи билан келтирилганини ёзиб ўтади) пайдо бўлганини ёзган [3:300]. Бу каби маълумотларнинг фарба тарқалиши эса кейинчалик Ўрта Осиёда шаҳарсозлик Македониялик Александр давридан вужудга келган деган нотўғри фикрнинг тарқалганлигига сабаб бўлганлик эҳтимолини келтириб чиқаради. Муаллиф Бухорода кўплаб диний уламолар етишиб чиққанлиги сабабли унга "шариф" мақомини олганлигини қўшимча қилган [3:304]. Шунингдек, тарихий ҳужжатлар асосида асарда шаҳарнинг мўғуллар даврида вайронга айланганлиги, шаҳарнинг XIX асрдаги муҳофаа деворларининг Муҳаммад Раҳимхон даврида қурилганлиги қайд этилган [3:305]. Самарқанднинг тарихий обидалари ҳам муаллифнинг эътиборини жалб қилган [3:316]. Жумладан, шаҳарни таърифлаб, ундаги тарихий обидаларнинг шаҳарнинг ўтмишдаги салобатини акс эттириши, айниқса, Регистондаги 3 мадрасанинг ҳашаматини қайд этган. Шердор мадрасасининг жозибали архитектурага эга эканлиги ва Амир Темур мақбараси ҳақида ҳам ёзиб қолдирган. Аммо, шу ўринда муаллиф бир хатоликка йўл қўйиб, Улугбек мадрасасида расадхона ташкил қилинганлиги қайд этган.

А. Вамбери асарида А. Бёрнсга қараганда кенгроқ ва батафсилроқ маълумот берилган. Хусусан, А. Вамбери Самарқанд обидаларига бирма-бир тўхталиб, улар ҳақида анча кенг маълумот беради. Жумладан, Шоҳи Зинданинг асл исми Қосим ибн Аббос эканлигини, унинг яқинида А. Темурнинг ёзги саройи бўлгани ва саройнинг тадқиқ этилаётган даврда ҳам бўлгани, ансамблнинг бир нечта мақбарани ўз ичига олгани, уларнинг гиштлари ва мозаикаларининг нафис ва янгидай турганлиги қайд этилган [2:204]. Шунингдек, муаллиф Темур масжидини таърифлаб, уни шаҳарнинг жанубий қисмида жойлашганлигини, Аббос II нинг буйруғи билан Исфаҳонда қурилган Шоҳ масжидга ўхшашини, аммо унинг

гумбазининг бошқача шаклда бўлганлигини, унда тилла суви билан сулс хатида Курьондан оятлар ёзилганлини қайд этган [2:205]. Асарда А. Темурнинг қароргоҳи ҳам муаллиф томонидан тасвирланган бўлиб, унда саройнинг тузилиши, ундаги Кўктош ва унинг келтирилиш тарихи баён қилинган [2:206]. Шунингдек, асарда Амир Темур мақбараси муаллифнинг эътиборини тортиб, унинг архитектураси, унда кимларнинг қабри борлиги ва қай тартибда жойлаштирилганлиги, мақбарадаги Усмон мусҳафа ҳақида қайд қилинган [2:207]. Шундан кейин муаллиф шаҳар мадрасалари ҳақида маълумот беради. Шердор, Тиллакори, Улугбек мадрасаларини, уларнинг архитектурасини ифодалаб, Улугбек мадрасасида дастлаб фаолият кўрсатган олимларни кўрсатиб ўтган. Шунингдек, Биби Хоним мадрасаси ва унинг фаолияти ҳам ёритилган [2:210-211].

Муаллиф шаҳарда минора ва гумбазли биноларнинг кўп бўлганлигини қайд этади. Бундан ташқари, асарда шаҳарда машҳур грек-арман кутубхонаси мавжудлиги ҳақидаги ғарбда тарқалган маълумотнинг тасдиғини топмаганини айтиб ўтади.

Иккинчи гуруҳга ўлкада илмий изланишлар олиб бориш мақсадида БҚГЖ томонидан жўнатилган тадқиқотчиларни (Ҳ. Ланселл, Ф. Янгҳазбенд, Ҳ. Ровлингсон, Делмар Морган, Ж.В. Хейвордлар ва бошқ.) кўриш мумкин. Улардан Ҳ. Ланселлнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этиб, унинг икки томли "Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv" асарида минтақанинг тарихи, этнолонияси каби масалалар ҳақида батафсилроқ маълумот берилади. Бошқа асарлардан яна бир устунлик жиҳати шундаки, бу асарда Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Айниқса, асарда Россия империясининг минтақага кириб келиши [5:400], минтақанинг империя томонидан босиб олинishi тарихи [5:614], Кўқон хонлиги тарихи ва унинг тугатилиши, Кўқон-Бухоро муносабатлари ва Кўқоннинг ички ишларига аралашув [5:502], аҳолининг этник таркибининг шаклланиши, Зарафшон воҳаси этнологияси, Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши [5:369], тарихий шаҳарлардаги обида ва ёдгорлиликлар [5:560], уларнинг ҳолати каби қимматли маълумотларни қайд этади.

Учинчи гуруҳга Британиянинг сиёсий мавқеъга эга бўлган вакилларни кўрсатиш мумкин. Улар орасида Ж. Н. Керзонни алоҳида кўрсатиш мумкин. Унинг "Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian Question" асарида нафақат геостратегик маълумотлар, балки минтақанинг табиий тузилиши, сугориш тизими ҳақида маълумотлар берилади. Шу билан бирга, муаллиф Бухоро шаҳри тарихини ёритиб, унинг Сомонийлар, давридан бошлаб бир неча йирик давлатлар пойтахти бўлганини, шаҳардаги тарихий обидаларни ёритган [4:161-164]. Шунингдек, бу асарда ҳам минтақанинг босиб олинishi, Самарқанддаги тарихий биноларнинг тарихи ва ўша даврдаги аҳволи, биноларлаги нураш каби масалаларни ёритиб берган.

Тўртинчи гуруҳга минтақага келган ёзувчи ва саёҳатчилар асарларини кўрсатиш мумкин. Улардан Стефан Грахамнинг "Through Russian Central Asia" асарида минтақанинг этник таркибидаги ўзига хос хусусиятлар, халқ ўйинлари, тарихий обидалар ҳақида маълумотлар келтирилади. Айниқса, минтақага қадимги юнонлар, хунлар ва бошқа халқларнинг кириб келиши тарихи ёритилган [6:49-50]. Буюк Британиянинг ва Ирландия Антропология институти тадқиқотчиси Аннет Б. Микин ўзининг "In Russian Turkestan: a Garden of Asian and its People" асарида

минтақанинг Россия билан алоқалари тарихи, аҳолининг этник таркиби, араблар истилоси тарихи ҳамда шаҳарлар тарихи ҳақидаги маълумотлар берилади. Хусусан, муаллиф икки ҳудуд ўртасидаги илк алоқаларнинг XII аср охири - XIII аср бошларида йўлга қўйилганини ифодалаб, Бухоро ва Хива савдо карвонларининг Новгород орқали Москвага борганини қайд этади. Аммо рус аскарларининг 1867 йилда Тошкентни ишғол қилганини қайд этади [1:4]. Ваҳоланки, руслар 1865 йилда Тошкентни босиб олган эди. Минтақа аҳолиси ҳақида қайд этиб, муаллиф уларни асосан йирик шаҳарларга истиқомат қилганини ёзади ҳамда уларни маҳаллий аҳолининг ҳинд-европа гуруҳи аҳолиси билан қўшилишидан ҳосил бўлган, деб эътироф этади [1:5].

Шунингдек, инглиз тилида чоп этилган бешинчи гуруҳ тадқиқотлар Буюк Британиядан ташқари ҳудудларнинг тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган бўлиб, уларга АҚШдан элчи бўлиб ишлаган Е. Скайлер (Turkistan), журналист Мак Гаҳан (Campaigning on the Oxus and the fall of Khiva), Карниге фонди томонидан молиялаштирилган Рафаэл Пумпелли экспедицияси (Explorations in Turkestan with an account of the basin of Eastern Persia and Sistan), Ж.Э. Кўртис (Turkestan the heart of Central Asia), даниялик Оле Олуфсен (The Emir of Bokhara and his Country) асарларини кўрсатиш мумкин. Бу асарларда минтақа тарихи, ўлканинг Россия империяси томонидан ишғол қилиниши, унинг археологияси ҳақида қизиқарли маълумотлар қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда XIX-XX аср бошларида минтақага келиб, уни ўрганган ва кузатган ҳамда инглиз тилида ўз тадқиқотлари натижаларини эълон қилган Европа ва АҚШлик тадқиқотчилар ўз асарларида жуда минтақа тарихи, этнологияси, археологияси, шаҳарлари ва тарихий обидалари ҳамда бошқа соҳаларга оид қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Annette M.B. Meakin. In Russian Turkestan, A Garden of Asia and its people // London, Ballantyne, Hanson and Co. 1903. Pp. 316.
2. Arminius Vambery. Travels in Central Asia Being the Account of A Journey from Teheran across the Turkoman Desert on the Eastern Shore of the Caspian to Khiva, Bokhara, and Samarcand // London, John Murray, Albemarle Street. 1864. Pp.443
3. Burns Alexander. Travels into Bukhara. Vol. I. // London, John Murray, Albemarle Street. 1834. Pp. 356
4. Curzon George Nathaniel. Russia in Central Asia in 1889 and the Anglo-Russian Question. 1889. Longmans, Green, And Co. 1889. Pp. 477.
5. Henry Lansdell. Russian Central Asia including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv (Vol. II). 1885. Pp. 685.
6. Stephen Graham. Through Russian Central Asia // New York. Macmillan Company. 1916. Pp. 298.
7. William Moorcroft, Trebeck George. Travels in the Himalayan Provinces; of Hindustan and the Punjab, in Ladakh and Kashmir, in Peshawar, Kabul, Kunduz and Bokhara, from 1819 to 1825. Vol. 2. Pp. 508.
8. Муҳаммад Аввома. Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни // тарж: Шайх Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуф. - Тошкент: Hilol Nashr, 2018. -Б. 224.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Эшмуродов Сухробжон Турсоатович,
Маънавият ва маърифат бўлими етакчи мутахассиси

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-26>

АННОТАЦИЯ

Солиқлар бу давлатнинг иқтисодий таянчидир. Мустақиллик йилларида солиқ тизимининг ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистонда солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асосини яратишда халқаро давлатлар тажрибаси ўрганилди ва солиқ сиёсатини юритишда қўлланилди.

Калит сўзлар: Солиқлар, давлат бошқаруви, қонунлар, солиқ тизими, солиқ сиёсати, ислохотлар, Ўзбекистон солиқ тизими, солиқ хизмати, фуқаролар, солиқ хизмати.

Эшмуродов Сухробжон Турсоатович,
Отдел по духовности и просветительству
ведущий специалист

ФОРМИРОВАНИЕ ПРАВОВОЙ БАЗЫ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ И РАЗВИТИЕ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Налоги являются экономической поддержкой государства. За годы независимости создана правовая основа налоговой системы. В Узбекистане нормативно-правовая база налоговой политики изучалась на основе международного опыта и использовалась в налоговой политике.

Ключевые слова: Налоги государственное управление, возможность, льгота, реформа, налоговая система Узбекистана, налоговая служба, граждане, налоговая нагрузка.

Eshmurodov Sukhrobjon,
Leading Specialist of the Department
of Spirituality and Enlightenment

FORMATION OF THE LEGAL FRAMEWORK OF THE TAX SYSTEM IN UZBEKISTAN AND THE DEVELOPMENT OF THE TAX SYSTEM IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

ANNATATION

Taxes are the economic support of the state. During the years of independence the legal basis of the tax system has been created. In Uzbekistan, the legal framework for tax policy has been studied by international experience and has been used in tax policy.

Key words: Taxes, public administration, opportunity, privileges, reforms, tax system of Uzbekistan, tax policy, tax service, citizens, the tax burden.

№ 2/2019

Солиқлар бу давлатнинг иқтисодий таянчидир. Мустақиллик йилларида солиқ тизимининг ҳуқуқий асоси яратилди. Солиқ сиёсатининг мазмунига тўхталиб ўтадиган бўлсак, юқорида қайд этилганидек, солиқ сиёсати иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов "Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат", [4] деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги (1991 йил 15 февраль), "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг даромад солиғи тўғрисида"ги (1991 йил 15 февраль), "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъерий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида" ги Қонуни юқоридаги ҳужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базаси кенгайишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар" [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни ва мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолишни ва макроиқтисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошиши таъминланди [3]" деб таъкидлаган. Ўзбек модели асосида иқтисодийнинг турли соҳалари билан биргаликда солиқ тизими ҳам ривожланди.

Шунингдек, республикамиз ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги жумлалар келтирилган: "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидир[1]" деб белгилаб қўйилган. Шу сабабли солиқларни жорий этиш фақатгина Олий Мажлис томонидан олиб борилади.

Бугунги кунда республикамиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг миллий солиқ тизимини шакллантиришда 1991 йилнинг 12 августдаги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат бош молия-солиқ бошқармаси асосида ташкил этилган Бош солиқ бошқармасининг ташкил қилиниши муҳим рол ўйнади.

1991 йил 12 августдан бошлаб солиқ органлари давлат бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки даврида, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетиши, инфляциянинг юқори суръатлари шароитида солиқ тизимининг муҳим вазифаси республика давлат бюджетига тушумлар тушишини тахминлашдан иборат бўлди. Бу даврда солиқ тизими асосан солиқларни ундириш билан шуғулланди. Шу йилнинг ўзидеёқ солиқ органлари моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида моддий ёрдам ва солиқ органларини ривожлантириш фонди тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси негизида 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташкил этилди. Ўша йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бош божхона бошқармасига айлантирилиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига бўйсундирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 114-сонли қарорига мувофиқ, ДСҚ солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулк ҳуқуқларини тахминлаш соҳасидаги давлат назорати органи ҳисобланди[5].

1997 йилнинг 24 апрелида Ўзбекистонда илк мартаба Солиқ кодекси қабул қилинди ва у илгари амалиётда қўлланган кўплаб меъёрий ва идора қўлланмалари ва ҳужжатларини ўзида умумлаштирди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатлар тартибга солинди.

1997 йилнинг июлида ДСҚ солиқ ва божхона вазифалари ажратилди, божхона органлари солиқ органлари таркибидан чиқарилди ва алоҳида тузилмага бирилаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ташкил қилинди.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш мақсадида 1997 йил 29 августда "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги 474-И-сон Қонун қабул қилинди. Унда, давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифа ва функциялари белгиланиши билан бирга участка давлат солиқ инспектори лавозими жорий этилди[6]. Натижада, давлат солиқ органи аҳоли кенг қатламлари билан яқиндан ишлаш имкониятига эга бўлди.

2007 йилнинг декабрида Солиқ кодексининг янги таҳрири қабул қилинди ва 2008 йилдан бошлаб кучга кирди. У солиққа тортиш билан боғлиқ масалаларни бошқа ҳужжатларга кўрсатмаларсиз, тўғридан-тўғри ҳал қилувчи ҳужжат бўлди [7].

2017 йилдан бошлаб, солиқ тизимида ҳам бошқа соҳалар каби ислоҳотлар даври бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан олиб борилган ислоҳотлар натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ махмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармони ҳамда 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизimini изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ махмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкни камайтириш масалалари киритилди. Шу асосда 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон тарихида илк мартаба ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси"[9] га асосан, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш асосий мақсадлардан бири қилиб қўйилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ махмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкни камайтириш масалалари киритилди. Шу асосда 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон тарихида илк мартаба ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси"[9] га асосан, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш асосий мақсадлардан бири қилиб қўйилган.

Хулоса сифатида, шунини айтиш лозимки солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳуқуқий асосларининг яратилиши, муҳим рўл ўйнади. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати бўйича ҳозирги кунда ислоҳотлар ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни йўлга қўйиш учун юртбошимиз томонидан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий йўналишларидан бири солиқ сиёсатидир, ушбу соҳани такомиллаштириш ва тартибга солиш доимо давлат назоратида. Ҳозирги кунда солиқ сиёсатини устувор йўналишларини ишлаб чиқишда ҳалқ манфаатлари олий ўринга қўйилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2017 й 51-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондиас бўлиши керак"- Т.: Халқ сўзи, 2017, 15-январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан тантанали тадбирда қилган маърузаси. 2018 йил 7 декабрь
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ махмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси" тўғрисидаги фармони ПФ-5468-сон 29.06.2018 й.
6. Қаримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 52-б
7. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги 474-И-сонли Қонуни.
8. Яхёев К.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Тошкент, Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санхат нашриёти, 2000. - 11-бет.
9. Маликов.Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.: "Академия" нашриёти, -2002 йил. 20-бет.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Юсунов Иззат Султонович,
Муҳаммад ал - Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчиси

ХОРАЗМДА V- XIII АСРЛАРДА АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-27>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инсоният тарихида алоқанинг пайдо бўлиши қанчадан-қанча даврлар ўтсада алоқа хизмати ўз аҳамиятини йўқотмасдан ўзгариб замонга мослашиб ва ривожланиб борганлиги айниқса Хоразмда ўзига хос тарзда ривожланиб тараққий этиб боришига бағишланади.

Калит сўзлар: ноғора жарчилар, цивилизация, зардушт, Авесто, метафизика, космология, чопар, элчи, бухри, шиговул.

Юсунов Иззат Султонович,
Преподаватель Ургенчского филиала ТУИТ
имени Мухаммада аль-Хорезми

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ СВЯЗИ В ХОРЕЗМЕ В V-XIII ВЕКАХ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящается специфическому пути развития системы связи почта Хорезма, которая появилась много веков назад, начиная с истории появления и развития человечества, на протяжении длительного периода времени не потеряла свою значимость, соответствуя переменам и требованиям времени, продолжается развиваться по сей жизни.

Ключевые слова: цивилизация, Авеста, метафизика, космология, посол, гонец, кризис, церемониймейстер, зороастризм, вестник литавры.

Yusupov Izzat,
Urgench branch of Tashkent University
of information technologies named after
Muhammad al-Khwarizmi

HISTORY OF SYSTEM COMMUNICATION DEVELOPMENT IN KHOREZM IN V-XIII CENTURIES

ANNATATION

This article is devoted to the specific way of development of the Khorezm communication system, which appeared many centuries ago, beginning with the history of the emergence and development of mankind, has not lost its significance for a long period of time, corresponding to changes and requirements of the time, continues to evolve in this life.

Key words: civilization, Avesta, metaphysics, cosmology, ambassador, messenger, crisis, ceremonies master, Zoroastrianism, herald vocal.

№ 2/2019

Инсоният ўз тараққиёти давомида доимо ўзаро мулоқот қилиш, фикр, тажриба алмашиш, бир-бирини холидан хабардор бўлиб туришга интилиб келган. Унинг ана шу эҳтиёжини қондиришда алоқа хизмати беқийёс аҳамиятга эга бўлган. Таъкидлаш керакки, бу хизматнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳар бир халқнинг давлатчилик анъаналари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Ушбу ҳақиқатни қарийб уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган юртимиз заминида бу борадаги анъаналар теран илдишларга эга экани ҳам тасдиқлайди. Қадим-қадим замонлардан бошлаб жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб келган кўҳна ва гўзал диёримизда илм-фан ва маданият ва санъат, меъморлик ва шаҳарсозлик каби соҳалар билан бир қаторда алоқа хизмати ҳам боқичма-боқич шаклланиб, тараққий этиб келган. Қадим даврлардаёқ тўлақонли ахборот ва хабарга талаб эҳтиёж турли манбаларда ўз аксини топган. Жумладан Зардуштийлик тарихининг манбаларида айтилишича, Зардушт Худонинг пайгоми (хабари)ни одамларга етказиш орқали босқинчилик ва вайронликлар олдини олиш, ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув яшаш, адолат ва ҳақиқатга сажда қилиш кераклигини ўргатган. 30 аср олдин битилиб, бизгача етиб келган "Авесто"дан ҳар қандай хабар, янгилик ўзининг тақомили, ҳақиқийлиги, тўлиқлиги билан баҳоланиши, унинг ёрдамида инсоният яхшилик ва эзгуликка қараб интилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкинлиги[1], ёзиб қолдирилган.

Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг савдо йўлларида савдо қарвонларига, сайёҳларга, ҳарбий қўшинларга ва умуман йўловчиларга почта хизмати кўрсатиш янада такомиллашди. Бу хизмат нафақат ҳуқумдорлар, шу билан бирга хусусий шахсларга тегишли хат-хабарларни ҳам манзилга етказиш вазифасини бажарган. Давлат аҳамиятига эга хат-хабарларни манзилга етказишни махсус девон назорат қилиб турган бўлса, оддий фуқороларга почта хизмати кўрсатиш кўпинча савдо қарвонлари таркибидаги махсус кишилар орқали амалга оширилган. Хусусий шахсларга тегишли хатлар айрим ҳолларда манзилга етиб келмагани унинг фаолиятидаги камчиликлардан далolat беради.

Ўрта асрларда алоқа хизмати билан шуғулланадиган ходим Хоразмда "Соҳиби аъфол" ? "Соҳиб бари" деб ҳам юритилган. Аъфол сўзи "ишлар" маъносини англатган, Соҳиб бари бошқа ишлар қаторида алоқа хизмати билан шуғулланган, "Бар" сўзининг лугавий маъноси "элт, олиб бор" деган маънони билдиради, яъни хатни (номани) элтиб бер ёки олиб бор деган маънони англатган[2]. Бундан ташқари алоқа хизмати бошлиғи Соҳиб бари деб ҳам юритилган. "Аъфол" сўзи "ишлар" маъносини англатган, Соҳиби бари ўз вазифасини подшо саройида бажарган[3]. Алоқа хизматчиси вазифаси айрим ҳолларда вазиятга қараб чопарларга юклатилган[4]. Хусусий шахсларга битилган мактубларни вазиятга қараб хат мультифининг яқинлари ҳам етказганлар.

Ўргатилган каптарлар орқали хат-хабар етказиш ўрта асрларда кўплаб мамалакатлар, хусусан, Марказий Осиё ҳудудида ҳам кенг тарқалгани манбаларда қайд этилган. Масалан, Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихини битган муаррих Шаҳобиддин Насафийнинг "Нафсат ул-масдур" ("Юракдаги заққумлар") асарида ҳукмдорга мактуб етказиб берган каптарлар ҳақида бир неча далиллар келтирилади Чунки почта каптарлари азалдан ўз уйини беҳато топиб кела олиш қобилиятидан инсонлар хабардор бўлишган, аммо алоқачи кабутарларни олиб кетаётган хабарларини қўлга тушириш учун лочин ва қирғий каби кушлардан фойдаланишганини айтиб ўтиш лозим[5].

Арабларнинг Умар халифалиги вақтида, Ўрта Осиё давлат почтасига араб саудларидан бўлган Сулаймон ибн Абу Сари "берид" бошлиқ эди (717-720). Девони берид асосан давлат эҳтиёжларига хизмат кўрсатган. Почта маҳкамаси бошлиғига шаҳарлардаги маҳаллий почта амалдорлари бўйсунарди. Улар ихтиёрида чопарлар ва кўп миқдорда почта отлари бўлган. Почта амалдорлари маҳаллий маъмурлар яъни ҳокимларга бўйсунмасдан балки ўзларининг марказий маҳкамасига қарарди.

Айниқса, Шарқ уйғониш даврида (IX-XI асрларда) яшаб ўтган улуг мутафаккирларнинг ўзаро мулоқотлари (шу жумладан, хат орқали), ёзишмалари мисолида (бу ўринда Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг метафизика, космология, физика минералогия каби фанларга оид мураккаб илмий масалалар юзасидан бир-бири билан хат орқали ўзаро фикр алмашиб тургани, 1004 йилда Хоразмга қайтган ал-Беруний Ибн Синони хат орқали Гурганжга таклиф қилганини эслаш жоиз). Бу икки даҳо олим бир-бирини илмий мавзудаги мактублар орқали билар ва келгусида учрашиш ниятида эдилар. Бизгача уларнинг ёзишмаларидан 18 таси етиб келган. Орадан бироз вақт ўтиб, 1005 йилда Хоразмга келган Ибн Синонинг Беруний ва унинг устози Абу Наср ибн Ироқ, машҳур табиблар Абул Ҳайр Ҳаммор, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Абдуллоҳ ал-Илоқий ва бошқалар кутиб олдилар. Ибн Сино кейинчалик Хуросонда яшаган вақтида Хоразмда ҳамкорлик қилган олимлар билан яқин мулоқотда бўлганлиги ҳақида маълумотлар жуда кам сақланган[6]. Шундан ҳам кўриниб турибдики буюк алломалар ўртасидаги бундай чинакам илмий мулоқот, нафақат шу даврда давлат почтаси, шу билан бирга хусусий шахсларга тегишли хатларни етказишда изчил тизим йўлга қўйилганини, шахслараро мулоқотлар учун ҳам шарт-шароит яратилганини қўришимиз мумкин бўлади.

Хоразмда Олтуношлар сулоласи ҳукумронлик қилган (1017-1036) даврида почта хизмати орқали юборилаётган хат-хабарларни ўз вақтида етиб боришини назорати билан махсус девон шугулланган. Барча шаҳарларда почта бошлиғи лавозимлари ҳам жорий қилинган[7].

Ануштегинлар (1097-1231) сулоласи ҳукумронлик қилган даврларда подшо саройида кўзга кўринган алломалари, шоирлар тўпланган бўлиб уларга ижод қилишлари учун етарли шароитлар яратилганди. Шулардан бири Рашидиддин Муҳаммад ал-Умарий (1114-1182) бўлган бўлиб у учта Хоразмшоҳлар Отсиз, Эл-Арслон ва Такешлар ҳукумронлиги даврида саройда девонбеги бўлиб ишлайди. "Ар-Расойил" (номалар) номли асари катта аҳамиятга эгадир. Ушбу асар икки қисмдан иборат бўлиб иккинчи қисмида олимларга, катта амалдорларга, машҳур кишиларга, шоирларга дўстларига битилган мактублардан иборатдир[8].

Хоразмшоҳ Муҳаммад сарой хашаматларини қабул маросимларини дабабаларини ҳам улуг давлатга хос қилиб ўзгартирарди. Тонг отиши билан унга тобе бўлган 27 мамлакатнинг ҳокимлари ёки бу ҳокимларнинг гаров тариқасида юборилган ўғиллари уни саройи қошида тилла ногора чалиб кутиб олишган ва олқишлаганди.

XII-XIII асрларда мўғуллар қўшни давлатлар ҳақидаги маҳфий маълумотлар тўплашда савдогарлардан хизматидан кенг тарзда фойдаланишган. Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлатига томон ҳужуми катта тайёргарлик билан бошланди. Хали Хитой зафари қўлга киритилмасданоқ бу икки буюк давлат ўртасида бир-бирининг куч-қудратини билиб олишга ва бу ҳақда маълумотлар тўплашга ҳаракат қилинади. Икки ўртада ҳатто элчилик алоқалари ҳам ўрнатилади. Бундай ишларни амалга

оширишда Чингизхон ўз ҳузурдаги муслмон савдогарларидан фойдаланди. Ҳар икки томондан савдо карвонлари ҳайъатида юборилган элчи ва вакиллари ўз навбатида айғоқчилик вазифасини ҳам бажарадилар[9]. Бунга мисол қилиб, асли Хоразмлик бўлган савдогар Маҳмуд Ялавочни келтириб ўтса бўлади.

Чингизхон Хоразмга юришга тайёргарлик кўраётган бир пайтда нафақат Муҳаммад Хоразмшоҳ балки Ўтрор хокими Инолчиқхон ҳам унинг хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлиб, бу ишлар тўғрисида хабар бериб турувчи жосусларни йўллади. Улардан бири Чингиз амирларидан бирининг қўшини орасига галой ниқобида кириб олади. Кейин айғоқчи Ўтрорга қайтиб келганида ноибга мўғул-татарлар ҳақида қимматли маълумотларни етказ-ади[10].

Ўрта Осиё ҳудудида мўғуллар ҳукмронлик қилган даврларда почта алоқасининг бошқа тизимидан ҳам фойдаланганлар ва у "ямлар" деб аталарди. Ямлар пойтахтдан қўшни давлатларнинг чегараларигача борадиган асосий йўлларда жойлашаганди. Ямлар (работлар) таҳминан ҳар 25-30 километр масофада ташкил қилиниб, алоҳида ҳарбий қўшинлар билан қўриқланарди. Ҳар бир чопар ўз отини ана шу масканларда алмаштириб кетар эди. Айрим ямчилар хон ёриқлари, тамгаларга эга эдилар. Ямлар албатта марказий ҳукмдор қаромоғида бўлиб, фақат хон фармонлари ва хабарларни етказиб бериш хизматини ўтарди. Ямлар асосан ерли халқдан олинадиган солиқ ҳисобига сақланарди[11].

Хоразмда V-XIII асрларда алоқа тизимини пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи мавзусидаги мақоладан қуйдаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан Воҳода алоқа хизматининг пайдо бўлиши ва шаклланиш даври сифатида тарихга кирди. Иккинчидан муҳим воқеа ходисаларни ва хат-хабарларни жойларга етказишда махсус чопарлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Учинчидан алоқа хизмати орқали юборилаётган хат-хабарларни ўз вақтида етиб боришини назорати билан шугулланадиган мансаблар жорий қилинган. Тўртинчидан давлатлар ўртасидаги савдо карвонлари ҳайъатида юборилган элчи ва вакиллари ўз навбатида айғоқчилик вазифасини ҳам бажарганлигини таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. -Тошкент: Турон замин зийо, 2013.-Б.5.
2. Раҳмонов, В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. - Т.: Ўқитувчи, 1983. - Б. 25, 30.
3. Курбон Муҳаммадризо Абу Райхон Беруний (Тарихий роман) 2-китоб: Синов саҳнаси. - Т.: Ноширлик ёғдуси, 2017. - Б. 108.
4. Қайюмов, А. Абу Райхон Беруний. - Т.: Ёш гвардия, 1987. -Б. 180.
5. Мавлонов Ў., Ахмедов С., Умаров Б. Ўзбекистон почтаси тарих ва тараққиёт. -Т: Маънавият, 2014. -Б.30.
6. Маҳмудов, М. Хоразм тарихи истиқлол кўзгусида. - Урганч, 2013. - Б.69.
7. Абул Фазл Бейҳақи. История Масуда 1030-1041. - Т.: Издательство Академии Наук Узбекской, 1962. - Б.293.
8. З.М.Буниятов Государство Хорезмшахов Ануштегинидов. - М.: Издатель-ство "Наука" Главная Редакция Восточной Литературы, 986.- Б.111.
9. ЎзМЭ. - Т.: Қомус, 1997. - Б.102.
10. Ибраҳимов, Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. -Т.: "Шарқ машъали" 1993. - Б. 65.
11. Муҳаммадиев, Ў. Бир зумдаги алоқа. -Т.: "Фан" 2000. ? Б. 5.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Ширинова Фотима Носировна,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
"Гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси

IX–XII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА УЙГОНИШ ДАВРИ ИЛМ–ФАН ВА МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-28>

АННОТАЦИЯ

Мақолада IX–XII асрларда Ўрта Осиёдаги сиёсий иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида маълумотлар берилган. Шу даврда ижод этган жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган олимлар ижоди ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: Ренессанс, Уйғониш, цивилизация, Байтул - ҳикма, Донишмандлар уйи, илм-фан, бадиий адабиёт, ҳаттотлик, ҳадисшунослик, тасаввуф таълимоти, меъморчилик, мусаввирлик.

Ширинова Фотима Носировна,
Ташкентский университет информационных технологий
имени Мухаммада аль-Хоразмий старший преподаватель
кафедры "Гуманитарные науки"

ЭПОХА ВОЗРОЖДЕНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ IX–XII ВЕКАХ РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ, НАУКИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о политической, экономической и культурной жизни в Центральной Азии в IX–XII веках. Вы сможете познакомиться с работами великих ученых того времени, внесших вклад в мировую цивилизацию.

Ключевые слова: Renaissance. Ренессанс. Цивилизация. Baytul- Nickman. Дом мудрых. Наука. Литературная литература. Каллиграфия. Хадис. Учение Суфизму. Архитектура. Живопись.

Shirnova Fatima,
Department of Humanities at TUIT named after
Muhammad al-Khorezmi senior teacher

IX–XII CENTURY ACADEMIC CONCENTRATIONS IN CENTRAL ASIA DEVELOPMENT OF ILM-FAN AND CULTURE

ANNATATION

In this article are analyzed politic, economic and culture Rennassans in lentral Asia in IX–XII centuries. Also in this paper are described lentral Asia scientiegtgs and their heritage.

Key words: Renaissance. Renaissance. Civilization. Bethlehem. The house of the wise. Science. Literary Literature. Calligraphy. Hadiths. Sufism Teaching. Architecture. Painting.

Тарихдан маълумки, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни доимо барқарорликда кечмаган бўлиб, инсоният тараққиёти давомида қанчадан - қанча тўсиқларни, таназул ва тангликларни бошидан енгиб ўтишига тўғри келган. Натижада инсониятнинг моддий ва маданий даражаси қайта тикланиб, янги тараққиёт сари доим интилиб яшаган. Фанда бундай йирик, салмоқли юксалиш - тикланиш, уйғониш, ренессанс деб аталади.

Ўрта Осиёда IX-XII асрларда илм - фан ва маданият соҳасида рўй берган Ренессанс даври маданияти бошқа халқлар маданиятларига самарали таъсир кўрсатди ва уларни мазмун-моҳият нуқтаи назаридан янги кашфиётлар билан бойитиб, жаҳон маданияти ривож топишида ёрқин из қолдирди.

IX-XII асрларда Шарқ Уйғониш даври маданияти ўзига хос иқтисодий, маънавий таянчларга эга бўлган. Хусусан, бу даврдаги тарихий шарт - шароит ҳам илм -фан ҳамда маданият соҳасида Ренессанс рўй беришига ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар сулолалари ҳукмронлиги давридаги нисбатан тинчлик, осойишталик, тотувлик, яқинлик ва ҳамжиҳатлик муҳити ва ҳукмдорлар томонидан кўрсатилган илм - фан аҳлларига ҳомийлик ҳам фан ва маданият ривожиди улкан аҳамият касб этди. Шунингдек, бу даврда ўлкада моддий ишлаб чиқариш, маданий ривожланиш жараёни тезлашиб, шаҳарлар ҳаёти юксалди, савдо-сотик, хунармандчилик, пул муомаласи ривожланди.

Моварауннаҳрда Сомонийлар давлатида Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказларидан ҳисобланар эди. Бу даврда араб тили илмий ва алоқа тили эди. Бухорода катта китоб бозори бўлган, китоб дўконларида олим ва фозил кишилар учрашиб, илмий баҳс, мунозаралар ўтказганлар. Сомонийлар даврида Рудакий, Фирдавсий, ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Синолар яшаб ижод этишган.

Қорахонийлар давлатида (X аср 2-ярмида ташкил топган) ҳам баъзи хонлар ўз саройларида кутубхоналар ташкил этдилар. Бу кутубхоналарда араб, ҳатто гарбий Европа олимларининг асарлари ҳам бор эди. Бу даврда туркий тил шаклланиб борди. Юсуф хос Ҳожиб, Муҳаммад Қошғарий каби олимлар дастлабки туркий тилдаги асарларни яратдилар.

Ҳазнавийлар давлати (XI аср бошлари)да ҳам илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланди. Маҳмуд Ҳазнавий ўз саройига жуда катта маданий бойликларни тўплади. Олимларни илмий ишларга жалб этди. Беруний ҳам Маҳмуд саройида яшаб "Ҳиндистон" асарини яратди.

Салжуқийлар давлатида Алп Арслон Муҳаммад ҳокимиятни бошқарган вақтда унинг вазири Низом ул-Мулк ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби ва маърифатпарвар инсон сифатида довруғ қозонди. "Сиёсатнома" асарини (1091-1092) ёзди. У Ҳазнавийлар иш услубига ўзгартиришлар киритди. Низом ул-Мулк 1067 йилда Бағдодда ўзининг шахсий жамғармасига "Низомия" мадрасасини қурдирди, унга ҳомийлик қилди.

Хоразмшоҳлар давлати (XI аср) даврида Хоразмда илм-фан ривож топди. Маъмун ўз саройида ташкил этган. "Байтул-ҳикма" "Донишмандлар уйи"да қомусий олимлар Беруний, Ибн Сино, тарихчи Мисковайх, риёзиётчи Абу Носир ибн Ироқ, файласуф Абу Саҳл ал-Масиҳий, табиб Абдул Хайр ибн Ҳаммор каби олимлар илмий ижод билан шуғулланди. Лекин тожу-тахт учун кураш натижасида бу илм даргоҳи ўз фаолиятини тўхтатди.

Шарқ "Уйғониш даврида" илм-фан 3 йўналишида ривожланган. Хусусан:

1. Биринчи йўналиш - математика-тиббиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология ва бошқа шуларга турдош фанлар киритилиб, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғонийлар математикага оид, Закариё ар-Розий кимё ва тиббиётга ибн Сино, Журжоний тиббиёт ва фалсафа, Абу Райхон Беруний тиббиётга оид йирик асарлар яратдилар.

2. Иккинчи йўналиш - ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантиқ, фикҳ, руҳшунослик, нотиқлик ва бошқа фанлар бўйича Форобий, ал-Киндий, ибн Сино, Заҳириддин Байҳақий, Муҳаммад Наршаҳий ва бошқлар фаолият кўрсатганлар.

3. Учинчи йўналиш - таълимий-ахлоқий йўналиши бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлар таркибида ёки ахлоқий асарларда баён этсалар, адиб ва тарбияшунос олимлар таълим-дидактик асарларида ифодалаганлар. Маълумки, Шарқ уйғониш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган, яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган.

Умуман уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш айниқса табиий-фалсафий, ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиш, табиатушунослик илмларининг ривожини, рационализм ақл кучга ишониш асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш ҳақиқатни инсон тасаввури, илмининг асоси деб ҳисоблаш.

3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий табиий, бадий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш.

4. Универсаллик - қомусийлик барча нарса билан қизиқиш бу давр маданиятининг муҳим томонларидан бири эди.

Уйғониш даврида янгича тафаккур ва санъат, фалсафа ва эстетик тафаккур, тиббиёт ва ахлоқ фан соҳалари яратилди.

Марказий Осиё халқларининг илмий, ижтимоий фалсафий фикри кенг ривож топди. Шу билан бирга табиий фанларга, атроф-муҳитни англаш, мавжудотни кенгроқ билишга интилиш кучаяди. Хусусан, ўша пайтларда Сўғд тақвимлари тузилганлиги, ҳозирги Тўрткўл ҳудудида эса расадхона бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бунда албатта Шарқнинг бой ва маданий мероси алоҳида ўрин тутди. Демак, Ўрта Осиёда қадимдан цивилизация асослари, моддий ва маънавий маданиятнинг чуқур илдизлари мавжуд бўлган. Уйғониш даврида бугунги кунда дунё эътироф этган Мусо ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк алломалар Марказий Осиё Уйғониш маданиятини бошлаб бердилар, унинг илмий-фалсафий негизини ривожлантиришда катта ҳисса қўшдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг дунёвий маданият тарихида тутган ўринлари беқиёсдир.

Бу давр маданияти умуминсоний фазилатлар ривожини учун хизмат қилди. Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг қомусийликлари, айна бир пайтнинг ўзида ҳам файласуф, мусиқашунос, ҳам мантиқшунос, жамиятшунос ва

адабиётчи, тарихчи, шоир ва математик, хуллас илимининг ҳамма соҳаларидан хабардорликлари, ижоднинг бир неча соҳаларида ўзларини кўрсатганликлари билан ажралиб турадилар. Шарқ улуг сиймоларининг кишини лол қолдирадиган жиҳатларидан бири сифатида бир неча тилда бемалол гаплаша олганликларини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги фанда янгича йўналишларни, янгича тафаккур услубини ихтиро қилдилар, илгари ҳеч ким айтмаган янги таълимотларни майдонга ташладилар ва илмий асослаб бердилар. Буюк тафаккур алломалари томонидан чуқур илмий асосланган ғоя ва таълимотлар фақат улар яшаган давр кўзгуси эмас, балки келажакни олдиндан башорат қилиш, табиий, ижтимоий воқеа ва жараёнларни олдиндан айтиб бериш нуқтаи назаридан ҳам бебаҳодир. Алломаларнинг илмий-фалсафий таълимотлари умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотдир. Шу нарса эътиборга сазоварки, Шарқ мутафаккирлари ўз давридаги долзарб ҳаётнинг марказида бўлдилар, халқ ва ватан манфаатини ҳимоя қилдилар. Бу уларнинг ҳақиқий баркамол инсон, оташин ватанпарвар, халқпарвар ва буюк аллома эканлигининг белгиси ва бош сабабидир. Ушбу буюк зотлар, қомусий ақл эгалари яшаган Осиёда илм-фан ва маданият, фалсафа янада ривожлана бошлади. Бу ривожланиш, тўхтовсиз такомиллашиб бориш бир неча йилларни ўз ичига қамраб олади ва бизнинг давримизга етиб келди.

Уйғониш ҳаракати умумий характерга эга бўлиб, у маданиятнинг якка ёлғиз бир соҳасига тегишли бўлиб қолмай, ижтимоий тафаккур, фан ва санъатнинг барча жабхаларини қамраб олади.

Марказий Осиё Уйғониш даври ҳақида сўз борганда, уни ислом динининг минтақа маънавий ҳаётида тутган ўрни билан боғламасдан туриб тушуниш мумкин эмас. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиё, жумладан Моварауннаҳр араб халифалиги ҳукмронлиги остида эди. Бу даврда диний эътиқодлар ўзаро муросада бўлганлиги аҳолининг ҳаётида ва мамлакат осойишталигида муҳим ўрин тутган.

Ўлкада фақат ислом динигина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки, араб тили халифаликнинг давлат тили эди. Шунингдек, Араб халифалигида давлат тили фан тили ҳам эди.

Ислом дини маҳаллий аҳолининг мафқураси, фалсафаси, дини, турмуш тарзига айлантирилди. Шу маънода ислом кейинчалик турли халқлар маданияти умумий жиҳатларини ифодалайдиган, қудратли маънавий омил бўлиб хизмат қилди. Ислом маданияти адабиёт, санъат, фан, фалсафа, ахлоқ, урф-одат, таълим-тарбия қабиларнинг барчасига ўз таъсирини кўрсатди.

Моварауннаҳр аҳолиси халифаликдаги барча мамлакатлар билан савдо-сотиқ, маданий алоқалар олиб боришга имкон топганлар. Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Марв каби шаҳарлар йирик фан ва маърифат марказига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, ислом динининг ёйилиши, марказлашган Араб халифалигида илм-фан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий юксалиш Моварауннаҳр ва Хуросонда IX асрларга келиб маънавий кўтарилиш-"Шарқ Ренессанси"-уйғониш даврини бошлаб берди. Шарқ уйғониш даври таълим-тарбия муаммоларини таҳлил қилар эканмиз, уни 2 йўналишда-1) қомусий олимлар ижодий меросида таълим-тарбия муаммоси ва 2) соф таълимий-ахлоқий асарларда комил инсонни тарбиялаш муаммоларининг ҳал этилиши орқалифодаланганини кўрамиз. Марказий Осиёда юзага келган Уйғониш даври инсонпарварлик ғояларини кенг ривож топганлигини, маданият ва маърифатни юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Келгуси маданият равнақи учун замин-яратганлигидан далолатдир.



ISSN 2181-9599
DoiJournal 10.26739/2181-9599

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

ЎТМИШГА НАЗАР

№2 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,
улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigho Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000